

03

030(578.1)


У-32



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Энциклопедик
маълумотнома

2035433



«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент 2002

03/1575.1)



*«Озод ва обод ватан,
эркин ва фаровон ҳаёт – пировард
мақсадимиз».*

A handwritten signature in black ink, which appears to be "И.Каримов". The signature is written in a cursive style and is followed by a horizontal line.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом КАРИМОВ*



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Т 94

Муаллиф-тузувчилар **Нурислон Тўхлиев**
Алла Кременцова

Тўхлиев Н., Кременцова А.
Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик
маълумотнома. –Т.: «Ўзбекистон миллий
энциклопедияси», 2002. 5000 – 464 б.

ББК 92 (5У).

Т $\frac{0500100000}{358 - 2002}$ 02

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти

ISBN 5-89890-058-6

Мундарижа

Мамлакат ва халқ	7
Мамлакат	9
Табиат	10
Халқ	47
Маъмурий бўлиниш	57
Қорақалпоғистон Республикаси	60
Тошкент шаҳри	69
Андижон вилояти	80
Бухоро вилояти	87
Жиззах вилояти	95
Навоий вилояти	99
Наманган вилояти	104
Самарқанд вилояти	109
Сирдарё вилояти	119
Сурхондарё вилояти	123
Тошкент вилояти	131
Фарғона вилояти	139
Хоразм вилояти	145
Қашқадарё вилояти	151
Тарих	157
Тарих зарварақлари	159
Давлат тузилиши	197
Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши	199
Конституция (Асосий қонун)	204
Қонун чиқарувчи ҳокимият	207
Президент	209
Ижро этувчи ҳокимият	211
Суд ҳокимияти	211
Маҳаллий давлат ҳокимияти	212
Жамоат ташкилотлари	216
Қонунчилик	241


Сайлов тизими	243
Қуролли Кучлар	246
Ташқи сиёсат	253
Иқтисодиёт	259
Ислохотлар стратегияси	261
Ресурс салоҳияти	271
Саноат	285
Қишлоқ хўжалиги	299
Транспорт ва алоқа	307
Қурилиш	316
Хизмат кўрсатиш соҳаси	320
Молия-кредит тизими	324
Ижтимоий соҳа	328
Ташқи иқтисодий фаолият	331
Таълим. Фан. Соғлиқни сақлаш	337
Таълим	339
Фан	349
Соғлиқни сақлаш	359
Ижтимоий ҳаёт	363
Матбуот	365
Радиоэшиттириш ва телевидение	369
Спорт	374
Туризм	382
Динлар	388
Маданий ҳаёт	391
Адабиёт	393
Меъморлик	402
Тасвирий санъат	413
Амалий безак санъати	421
Муסיқа	435
Рақс	447
Балет	449
Театр	451
Кино	456
Цирк	458
Музейлар	459

Мамлакат ва халқ



Мамлакат
Табиат
Халқ





Мамлакат



Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, асосан Амударё ва Сирдарё оралиғида кенг майдонни эгаллаган. Ўзбекистон бешта қўшни давлат – шимоли-шарқда Қирғизистон, шимолда ва шимоли-ғарбда Қозоғистон, жануби-ғарбда Туркманистон, жануби-шарқда Тожикистон, жанубда озроқ масофада Афғонистон билан чегарадош.

Ўзбекистон давлатининг ҳудуди 448,9 минг км² ни ташкил қилади. Шимолдан жанубга узунлиги 930 км, ғарбдан шарққа 1425 км. Чегарасининг умумий узунлиги 6221 км. Мамлакатнинг энг чекка жойлари: шимолда – Устюрт платоси, Орол денгизининг ғарбий қирғоғи, жанубда – Сурхондарё вилоятида Термиз шаҳри ёнида, шарқда – Фарғона водийси, ғарбда Устюрт платоси. Республика ҳудуди жануби-шарқдан шимоли-ғарбга чўзилган ва шу йўналишда Орол денгизи томонга нишабланиб боради.



Табиати



Ўзбекистон ўзининг ранго-ранг табиати билан кишини ҳайратга солади. Бир тусдаги чўл ландшафти ва қор билан қопланган баланд тоғлар, серсув дарёлар ва бутунлай сувсиз майдонлар бор.

Худудининг кўп қисми Турон текислигига мансуб, кескин кўтарилган баландликлар учрамайди. Кейинчалик кўтарилиб Тяньшан ва Помир-Олай тоғларига айланган Турон плитаси ва қуруклик палеозой тоғ ҳосил бўлиш натижасида шаклланган. Бу плита кейинроқ узок муддат денгиз остида қолган. Тоғ системалари альп тоғ ҳосил бўлиш босқичида тугал шаклланиб бўлган; кўтарилаётган тоғлар нурашидан ҳосил бўлган жинслар текисликка ёйилган ва денгиз чуқиндилари устида қатламлар ҳосил қилган. Тоғларнинг ўсиши натижасида Ҳинд океанидан келадиган намлик йўли тўсилгач, иқлим қуруқлаша бориб, аста-секин бепоён чўллар вужудга келган. Ўзани ва йўналишини ўзгартириб турган дарё ҳамда шамоллар ер юзасидаги юмшоқ қатламни кўп марта жойдан жойга кўчирган. Қизилқум ва Қорақум қумлари шу тарика ҳосил бўлган. Дарё тармоқларининг шакл-шамоиلى тез-тез ўзгариб турган. Масалан, Амударё дастлаб Каспий денгизига қуйилган, кейинроқ Орол депрессияси томон оққан. Шунингдек дарёларнинг серсувлик даражаси ва

Қизилқум чўлидаги қумликлар.



жойларда ёгин миқдори ҳам ўзгариб турган. Натижада Ўзбекистоннинг кўп қисми текисликка айланган. Палеозой фундаменти кейинги давр ётқизиклари устидан кўтарилиб турган жойлардагина (масалан, Қизилқумда) баландлиги 900 метргача бўлган оролсимон тоғлар (Султонувайстоғ, Томдитов, Қулжуктов, Бўкантов ва бошқалар) ҳосил бўлган. Фақат бурмаланишга учраган ўлкалардагина Тяньшан ва Помир-Олай каби баланд тоғлар вужудга келган.

Ландшафтни шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин: шарқ ва жануби-шарқдаги тоғлар ва тоғ олди қисми; ғарбда – чалачўл ва чўллар; жануби-ғарб ва шимоли-ғарбдаги текисликлар – бу жойларда тошлоқли чўлдан иборат Устюрт платоси, Қуйи Амударёнинг аллювиал текислиги ва онда-сонда паст тоғлар кўтарилиб турган Қизилқум чўли бор. Қизилқумнинг шимоли-ғарбий чеккасини Бўкантов қряжи ўраб туради, ундан жанубда берк Мингбулоқ ботиғи жойлашган. Ботиқ тубида республиканинг энг паст нуқтаси бўлиб, у денгиз сатҳидан 12 метр паст.

Қизилқумнинг жануби – бу тоғ олдида туташувчи Сандикли қумли чўли, Қарши дашти ва Мирзачўлнинг шарқий қисмидан иборат. Сўнг тоғолди зонасига ўтилади.

Тоғлар ва тоғолдилари республика ҳудудининг тахминан 1/5 қисмини ташкил қилади. Тоғлардаги энг баланд чўққи – 4643 метр. Шарқда ўртача баландликдаги



Жануби-
Ғарбий
Тяньшан
тоғлари.

Алам давони.



ва баланд тоғлар кўпрок: республика худудида Ғарбий Тяньшан (Уғом, Писком, Чатқол, Қурама тоғлари) ва Помир-Олай тоғлари (Зарафшон, Ҳисор, Қўхитантов, Бойсунтоғ)нинг ёнбағирлари ёки айрим тизмаларнинг давоми жойлашган. Ўртача баландликдаги Нурота тизмаси алоҳида ажралиб туради. Тоғларнинг баландлиги ҳар хил, ёнбағирлари тик, хушманзара тор даралар бор, сувайирғичлари кўпинча қиррали. Тоғ олдиларида кенг адирлар бор. Шунингдек ясси паст тоғлар (Оқтоғ, Қароқчитоғ, Зарафшон тизмасининг ғарбий чеккаси) ҳам учрайди.

Тоғлар оралиғида хийла катта ботиклар – Қашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон, Самарқанд ботиклари бор. Энг катта тоғ оралиғи боғиғи – Фарғона сойлиғи (водийси)нинг узунлиғи 370 км, эни 190 км. Шимолда Тяньшан ва жанубда Ҳисор-Олай тоғ тизмалари билан ўралган.

Қўхитантов
тизмаси.



Сурхондарё
вилояти.
Сангардак
дарёсидаги
шаршара.

Фарғона водийси майдонининг аксари қисми Ўзбекистон ҳудудида, қолган қисми Қирғизистон ва Тожикистонга қарашли. Фарбда тор йўлак орқали Мирзачўл текислиги билан туташган. Сойлик карбон даврида эгилма шаклида бўлган, кейинчалик чўкиндилар билан қопланган. Бўр даврида саёз денгиз бўлиб, палеоген даврининг охирида батамом куруқликка айланган.

Афғонистон билан чегара жойда кенг Амударё бўйи ботиғи бор.

Фойдали қазилмалар жойнинг геологик тузилиши ва рельефи билан боғлиқ. Текисликларда чўкинди жинслар орасидан нефть ва газ конлари (Газли, Шахпахти ва бошқа конлар), табиий чўкишдан ҳосил бўлган тузлар (Борсакелимас), қурилиш материаллари конлари топилган.

Тошқўмир конлари (Ангрен, Шарғун, Бойсун), нодир, рангли ва камёб металллар, флюорит, қурилиш материаллари конлари тоғларнинг анча қадимги жинслари билан боғлиқ.

Ўзбекистон табиий шароитининг ўзига хос томонларидан бири унинг сейсмик зонада жойлашганлигидир. Сўнгги икки асрнинг ўзидагина бу ерда бир неча ҳалокатли zilзила, жумладан, Фарғона (1823 йил), Андижон (1889 ва 1902 йиллар), Тошкент (1866, 1868 ва 1966 йиллар) zilзилалари бўлиб ўтди. Тоғларда сейсмик фаоллик текисликларга нисбатан анча кучли. Сейсмик фаол зоналарда саноат ва носаноат иншоотларни zilзилабардош қилиб қуришнинг илмий асосланган системаси ишлаб чиқилган.

Хисор
тизмаси.
Кизилсув
дарёси
хавзаси.



Тоғ
дараси.

Иқлими. Ўзбекистон океанлар ва очик денгиз хавзаларидан анча узоқда жойлашган. Шу боис бу ерда иқлим иссиқ, жуда қуруқ, кескин континентал; булар кундузги ва тунги, ёзги ва қишки температураларнинг кескин фарқ қилишида ўз аксини топган. Республиканинг шимоли муътадил минтақага, чекка жануби эса субтропик минтақага мансуб. Бу ерда йил давомида ёгин кам, иссиқлик ва қуёшли кунлар кўп бўлади. Ёруғ куннинг узунлиги ёзда 15 соат чамасида, қишда 9 соатдан кам эмас. Қуёш ёғдусининг ўртача йиллик давомийлиги шимолда 2500–3000 соат, жанубда 2800–3130 соат оралиғида. Ўзбекистонни қуёш ёғдусининг давомийлиги бўйича фақат АҚШнинг Калифорния штати билан қиёслаш мумкин. Ўзбекистонда қиш хийла совуқ, ёз эса иссиқ ва давомли кечади. Энг совуқ ой – январь. Энг паст температура жанубда

Адирда баҳор.



-25° дан -30°C гача ва шимоли-гарбда -35° дан -38°C гача пасайиши мумкин. Лекин қишда ҳам республиканинг барча жойларида ҳавонинг илиши кузатилади. Булутсиз кунларнинг кўп ва рутубатли кунларнинг жуда кам бўлиши бутун регионга хос.

Текисликларда қор қоплами ҳар йили ҳам содир бўлавермайди, унинг кўп йиллик ўртача қалинлиги 5–15 см, тоғ олдиларида эса 10–25 см.

Баҳор энг чекка жанубда февралда, Оролбўйида эса апрелда бошланади. Об-ҳаво ниҳоятда бекарор, илик ва ҳатто иссиқ кунлар тўсатдан совуқ кунлар билан алмашинади, қора совуқ бўлиб, қор ёғиши ҳам мумкин. Шу боис халқ орасида тўқилган нақл: «саратонда совуқ қотиб ўлган ҳўкиз, қишда пишган тарик» – бежиз айтилмаган.

Ёзнинг бошланиши жанубий вилоятларда май ойи охирига тўғри келади. Ёз узок давом этади – жанубда 5 ойдан зиёд, шимолда 3,5–4 ой, жазирама ва ҳаво ҳамда тупроқ қатлами курук, ҳарорат юқори бўлади. Кучсизроқ шамолдан ҳам чанг-тўзон кўтарилади. Шамол кучи билан миллионлаб тонна чанг зарраси жуда узок масофага элтиб ташланади.

Энг иссиқ ой – июль, тоғларда эса июль–август. Деярли ҳамма текислик жойларда ва тоғ олди районларида энг юқори температура 42° – 47°C .

Тоғларда (3000 метрдан баландда) ёзда ўртача температура 22° – 30°C гача пасайиши мумкин. Ёзда аҳён-аҳёнда совуқ ҳавонинг кириб келиши билан боғлиқ

Қоржонтов тизмаси.



холда ҳавонинг ҳарорати қисқа муддат пасаяди. Кундузи тупроқ юзасида температура $+60^{\circ}\text{C}$ гача, қумли чўлларда эса $+70^{\circ}\text{C}$ гача қайд қилинади.

Ёғин бир меъёрда тақсимланмаган. Чўл ландшафтли текисликларда, одатда, йилига 100 мм дан 200 мм гача, айрим жойларда бундан ҳам камроқ ёғин тушади. Тоғ олди ва тоғларда йиллик ёғин 900 мм га етади. Ёғиннинг аксари қисми баҳор ва киш мавсумида ёғади, умумий ёғиннинг 1–6% ёз ойларига, 10–20% куз ойларига тўғри келади. Куз жанубий районларда октябрь бошларида, шимолда эса сентябрь бошларида бошланади.

Декабрь охирларида жанубда, октябрь ўрталарида Устюртда киш бошланади. Бу даврда об-ҳаво беқарор бўлиб, рутубатли совуқ кунлар илик, қуёшли кунлар билан алмашилиб туради. Қор қоплами узок сақланмайди. Кишда ҳавонинг нисбий намлиги, одатда, тунда ва эрта тонгда энг юқори даражага кўтарилади. Ўртача нисбий намлик январда 70–80%ни ташкил қилади, тоғларда бирмунча камроқ. Июлда энг кам намлик Қизилқум чўли ва Қарши даштида (20–30%, айрим кунларда 5% гача) кузатилади. Қолган жойларда намлик 35–50% атрофида ўзгариб туради. Баъзи районларда қуруқ ҳаволи кунлар кўпроқ бўлади. Шундай кунлар, масалан, Шерободда бир йилда 220 кун, Фарғона водийсида 80–100 кунга етади.

Чатқол дарёси.





Куксув дарёси.


Ер усти сувлари Республика худудида нотекис тақсимланган. Текисликларда жуда катта майдонларда бирорта дарё ёки кўл учрамайдиган жойлар бор. Тоғ олди зонаси ва тоғли жойлар жуда кўп сой ва кичик дарё ўзанлари билан парчаланган. Баланд тоғ тепалари ва чўқкилардаги қор ва музликлардан бошланувчи кўплаб тоғ дарёлари текисликка чиқадиган йирикрок дарёларга келиб қуйилади ёки мустақил равишда тоғ олди зоналарига оқиб чиқади.

Ер усти сувларининг бундай тақсимланиши иқлим ва географик хусусиятлар билан боғлиқ.

Дарёлари. Ўзбекистон дарёлари суви асосан мавсумда ёққан қорнинг эришидан шаклланади. Тоғ дарёларининг музликлар ва ёмғирдан оладиган суви унча кўп эмас. Қишда барча дарёлар асосан ер ости сувларидан тўйинади.

Ўзбекистон худудини кесиб ўтувчи энг йирик дарёлар – Амударё ва Сирдарё республикадан ташқарида бошланади. Амударёнинг ўрта ва қуйи қисми (1415 км масофада) Ўзбекистон худудида жойлашган. Унинг ирмоқларидан Сурхондарё (175 км), Шеробод (177 км), Қашқадарё (378 км) ва Зарафшон (877 км) республика худудидан оқиб ўтади.

Сирдарё – серсувлиги жиҳатидан Ўрта Осиёда иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон худудига унинг ўрта оқими



Кизилолма.
Чатқол
қуриқхона-
сининг
баланд тоғ
қисми.



Ойарик
тоғ қули.

(2212 км) тўғри келади. Унинг Ўзбекистондаги энг йирик ирмоғи – Чирчик дарёси. Шунингдек бошқа йирикрок дарёлардан Норин (587 км), Қорадарё (180 км), Сўх (124 км) бор. Буларнинг кўплари ўрта ва қуйи оқимида республика ҳудудидан оқиб ўтади.

Дарёларнинг тоғлар орасидан текисликка чиқиши билан сувининг суғоришга олиниши, оқова сувларнинг қайта келиб тушиши ва сув омборлари орқали тартибга солиниши туфайли уларнинг табиий режими ўзгаради ва дарёлар сув оқимининг йил давомидаги тақсимоти уларнинг тўйиниш манбаи нисбатидан кўра хўжаликда фойдаланиш интенсивлигини кўпроқ ифода этади.

Ўзбекистондаги дарёлар суви, Амударё ва Сирдарёдан ташқари, унчалик лойқа эмас. Фақат Сурхондарё ва Шерободдарё тоғлар орасидан чиқишда 1 м^3 сувида 3 кг окзик олиб чиқади. Кўпгина оқар сувларнинг ўртача лойқалиги 1 м^3 га 200–500 граммни ташкил этади.

Амударё





Оқбулок-
сойнинг
Серкалисой
билан
қўшилган
жойи.

Зарафшон
дарёси.

Кўллар. Ўзбекистон ҳудудида кам, жами 80 га яқин кўл ҳисобга олинган. Мавжуд кўллар унчалик катта эмас ва нотекис тақсимланган. Ўзбекистонда энг катта кўл – Орол денгизи, унинг жанубий қисми Ўзбекистонга қарашли. Кейинги ўн йилликларда денгиз сатҳи анча пасайиб кетди, сув юзаси ҳам кескин қисқарди, сув қирғоқдан юзлаб километр чекинди. Бу ҳолатни тўхтатишга ёки бирмунча секинлатишга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқилди, шунингдек Орол денгизини сақлаб қолиш халқаро фонди ташкил этилди.

Кўлларнинг аксари қисми тоғ тепаларида 2000–3000 м балангликда жойлашган. Уларнинг майдони одатда 1,0 км² дан ошмайди. Тоғ қўлаши натижасида дарё ўзани тўсилиб ҳосил бўлган кўллар айниқса хавфли ҳисобланади. Сел келганда кўл тошиб қишлоқларни ювиб кетиш холлари бўлган (Ғузордарёда, 1926 йил, Яшил кўл, 1966



Тоғдаги кўл.

Чорвок сув омбори.



йил). Текисликдаги кўллар, асосан дарё билан боғлиқ (қайир ва дельтадаги), ва аксари саёзdir. Булардан энг йириклари Амударё дельтасидаги Судочье кўли ва Арнасой кўллари, уларнинг майдони Чордара сув омборидан ташланадиган сув миқдорига боғлиқ.

Дарёлардаги сув оқимини мавсумий тартибга солиб турувчи сунъий кўл – сув омбори ҳам кўп. Ўлчами ва йиғилган сув ҳажми жиҳатидан сув омборлари Ўзбекистондаги табиий сув ҳавзаларидан бир неча баробар ортик. Энг йирик сув омборлари: Қайроққум, Каттақурғон, Туябўғиз, Чордара, Жанубий Сурхон.

Йирик дарё водийларида, ёйилмалар чеккасида ва рельефнинг пастқам жойларида ботқоқли жойлар бор. Кўпинча ботқоқликларни кўллардан фарқлаш қийин, чунки йилнинг курук даврида баъзи бир кўллар қамишли



Майдонтол
дарёси.

ботқоқликка айланиб қолади.

Тоғли ерларда ботқоқликлар кам учрайди, майдони ҳам, одатда, унча катта бўлмайди.

Республикада суғориш ва қисман деривация мақсадларида (гидроэлектр станциялари учун) қурилган каналларнинг умумий узунлиги 156 минг км дан зиёд. Энг йирик каналлар: Аму-Бухоро, Катта Наманган, Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Эскиангор, Жанубий Фарғона каналлари.

Ўзбекистонда ер ости сувлари захираси ҳам мавжуд, ундан сув таъминоти ва суғоришда кенг миқёсда фойдаланилади. Тоғларда ёриқ ва ёриқ-карст грунт сувлари, текисликларда эса артезиан ҳавзалари кўп тарқалган. Ўзбекистон шифобахш минерал сувларга ҳам бой. Водород сульфидли, йодли, радонли ва кам мицералланган ишқорли термал сув манбалари топилган. Фарғона ва Сурхондарё ҳавзаларидаги водород сульфидли булоқлар суви сифати билан машхур Маҷеста сувларидан ҳеч қолишмайди.

Шохимардон кули.





Ўсимлик дунёси. Ўзбекистон рельефининг мураккаб тузилганлиги ўсимлик қопламининг турли-туман бўлишига сабаб бўлган. Республика ҳудудида ўсимликларнинг 3700 дан зиёд тури ўсади. Турларнинг қарийб 20% маҳаллий (эндемик) бўлиб, бошқа жойда учрамайди. Ўсимлик турларининг кўп қисми тоғларда ўсади. Айниқса, дашт ва чўл ўсимликлари камсонли, лекин ўзига хос буталардан иборат. Бархан қумларида ярим кўмилган ҳолда, қийшайиб, буралиб, шамолда шох-шаббаси синиб ўсувчи майда баргли ёки умуман баргсиз бута ва дарахтлар чўлнинг ўзига хос



Бадайтўқай
кўрик-
хонасида.

бугазорларини ҳосил қилган; улар соя-салкин бермайди. Дашт ўсимликларининг илдизи бир неча ўн метр чуқурликдаги намдан баҳра олиб ўсади, улар кучли шамолда қум уюмларининг жойдан жойга кўчишини камайтиради. Устюрт платосида ўсувчи қарийб 400 тур ўсимликнинг фақат бир нечтасигина ўша жой ландшафтида муҳимдир. Булар – шўрхок итсигеки (болтирик), шувок, шўра. Платонинг ҳамма жойида саксовулзорлар учрайди. Куз сернам ва илиқ келган айрим йилларда қатта майдонлар эфемер ўсимликлар билан қопланади. Ўсимликлар учун зарарли туз меъеридан кўпроқ бўлган шўрхокларда қора саксовулдан бўлак ўсимлик деярли ўсмайди. Қора саксовул тез ўсса ҳам узоқ яшамайди. Илгари ундан ўтин сифатида фойдаланиб келинган, ҳозир қумни мустаҳкамлаш учун экилмоқда. Саксовул меваси ва ёш новдалари чорва моллари, хусусан қўй ва туя учун яхши озуқа ҳисобланади.

Чўл ўсимликлари узоқ муддатли қурғоқчилик, иссиқ ҳароратга, шунингдек қум кўчиши ва унумсиз тупроқ қатламида ўсишга яхши мослашган. Чўл ўсимликлари аксари буғланишни камайтиришга мослашиб, барг шаклини ўзгартирган (саксовул, жузғун ва бошқалар), қисқа муддатда ўсиб уруғ бойлашга улгуради, ёзнинг иссиқ кунларида «уйқу»га кетади (пиёзгуллилар ва туганаклилар).

Пасттекисликларда дарё водийлари айниқса кенг. Водийларда дарахтзор, бугазор кўп, ўт ўсимликлари ҳам хилма-хил. Тўқайларда қамиш, кандир ўсади.

Тоғ этаги текисликларида ўт ўсимликлар кўпроқ, дарахтлар деярли учрамайди, бугазорлар мавсумий оқар

Саксовул.

Эремурус.





Пижма.

сувлар ўзани ва қайирларида учрайди, холос. У жойларда баъзи бошқоклилардан ташқари пиёзнинг ҳар хил турли, лола, равоч, гулсафсар ва бир қанча ранг-баранг гулли ва сершира ўтлар ўсади. Бу ўсимликлар қуёшнинг жазирама иссиғида сарғайиб, тез қурийдими ва чанг-тўзонга айланади. Уларнинг ўрнини шувоқ ва иссиққа ҳамда қурғоқчиликка чидамли бошқа дағал ўсимликлар эгаллайди.

Қуйи тоғ олди ёки тоғ чала чўлида эфемерларнинг кўп тури ўсади (1м^2 га 15–20 тур ўсимлик тўғри келади). Табиийки, ландшафтда бундай эфемерлар унчалик кўзга ташланмайди. Ўтмишда бу ерларда пистазорлар кенг тарқалган эди, ҳозирда эса улар фақат бориш қийин бўлган жойлардагина сақланиб қолган.

Тоғ олдининг юқори қисмидаги тўқ бўз тупроқли ерлар турли ўтлар ўсувчи қуруқ даштдан иборат. Тошлок



Манзарали лола.



Арча.



Дуланазор.

қисмида буталардан бодом, кабилар, ёки ксерофитлардан қизилтикон (кампирмуруч) турлари, дуккаклилардан қийикпанжа ўсали.

Паст тоғлар ўрмон зонасидан иборат бўлса ҳам, дарахтзорлар экин экишга яроқсиз ва ўзлаштириш қийин бўлган жойлардагина қолган, холос. У жойларда асосан ксерофил зарафшон арчаси ўсади (ёғочи қимматбаҳо ҳисобланади). Унинг илдизи тупроқни эрозиядан сақлайди, смолали новдалари эса тўшама ҳосил қилиб атмосфера ёғинларини ўзида сақлайди. Арча секин ўсади ва узоқ яшайди. Минг йиллик арчалар сақланиб келаётгани маълум.

Паст тоғлардаги жарлик ёнбағирларида арчадан ташқари баъзи кенг баргли дарахтлар (заранг) тўп-тўп бўлиб ўсади. Шунингдек, олчазор, дуланазорлар ҳам учрайди. Тоғларнинг турли жойларида ёввойи олманинг

Тоғ мевалари.





Дала гуллари.

ҳар хил турлари ўсади. Боботоғда пистазорлар бор. Писком водийсида катта майдонларда ёнғоқзорлар сақланиб қолган. Тўқайларда, айниқса, Фарбий Тяньшанда қайинзорлар бор. Тол ва терак турлари, тоғолча ҳамма жойга хос.

Паст тоғларда буталардан шилви (учқат), зирк, наъматак, тобулғи кўплаб ўсади; аҳён-аҳёнда кичикрок ёввойи тоқзорлар учрайди. Улар терак ва бошқа дарахтларга чирмашиб, ёки тошлар устида ёйилиб ўсади.

Ўт турлари ҳам хилма-хил, эфир мойли ўсимлик кўп: мускат мавраги, кийикўт, ошловчи ўсимликлардан равоч, шовул учрайди. Лола, ширач кабилар кўп.

Чирчиқ дарёсининг баъзи ирмоқлари водийларида доривор ўсимлик ҳисобланган писком пиёзи ўсади.

Чаканда.



Қорағат.





Зарк.



Эдуард петилнуми.



Саллагул.



Олатов крокуси.



Грейг лоласи.



Маврак.

Ўртача баландликдаги тоғлар турли-туман мезофил ўтларга бой. Ўрмонсиз жойларда наъматак ва бошқа бутасимонлар чакалакзорлар ҳосил қилган.

Баланд тоғ тепаларининг қурғоқчил қисмларидаги қумли тоғ тупроқли дашт ерларда асосан бетага ўсади. Сернам жойларда эса турли ғалладошлар ўзига хос ўтлоқ ҳосил қилган. Баланд тоғ тепаларининг фақат 30% ўсимлик билан қопланган.

Кауфман эремуруси.





Хайвонот дунёси ўсимлик дунёсига тўла мувофиқ ҳолда шаклланган ва тур таркиби ҳам бой. Ўзбекистон чўлларида энг яхши югурувчи ҳайвонлар яшайди. Ҳатто нисбатан секин юрувчи ҳайвонлардан типратиканнинг чўл районларидаги турларида оёқлари ва нинаси Европада яшовчи турларига нисбатан узунроқ, кулоқлари ҳам катта. Чўлда яшовчи паррандалар (тувалоклар ва бошқалар) ерда тез югуришга ёки жуда тез учишга (булдурук) ниҳоятда мослашган. Каптакесакларнинг тез югуришига оёқларининг хийла узунлиги ҳамда оёқ қафти ва думи ёрдам беради. Чўлда тупроқ юзида яшовчи қўнғизларнинг оёқлари ҳам сернам жойлардаги қўнғизларникига нисбатан узунроқ. Сассиқ қўнғизлар, қора чигирткалар, фаланга ва айникса қум бийлари жуда тез югуради. Қумли чўлларда яшовчи ва хилма-



Ёввойи
қўй.



Жайран.



Қорақуш.

хил гуруҳларга мансуб ҳайвонларнинг оёқ кафтида чўткасимон ўсимталар ёки шохсимон тишчалари бўлади. Бу бўш субстрат устида ботиб кетмасдан бемалол юришга ва сочиluvчан тупроқ ёки қумда уя қозишга ёрдам беради.

Қумли чўлда умуртқасизлардан фаланга, чаён, қум бийи, қорақўнғиз, москитлар кўп учрайди. Судралиб юрувчилардан гекконлар, юмалокбош калтакесак, дашт агамаси, калтакесакчалар, қум бўғма илони ва бошқалар бор. Қушлардан тентаққуш, чўл сори, саксовулзор чумчуғи, чўл чумчуғи, қарқуноқ (олатўғоноқ), мойқут кабилар яшайди. Сутэмизувчилардан човқар пуғорак(ерсичқон), ингичкаоёқ юмронқозик, қумсичқон кабилар учрайди. Чўлда кўп тарқалган ҳайвонлардан: бўри, шалпанқулоқ типратикан, тулки, қарсоқ тулки, толай қуён бор.

Гилли чўлда эшакқурт, фаланга, цикада (чирилдоқ ҳашарот), чумоли ва қорақуртлар кўп. Тошбақа, сарик юмронқозик ўша жойлар учун хос ҳайвонлардир. Такир жойларда юмалокбош калтакесак, бўғма илон, ўқилон, жайран, кўрсичқон, кўркаламуш кўп учрайди.

Қарши даштида кўзойнакли илон (қобра), Мирзачўлда оддий қалқонтумшук, Устюртда сайғоқ ва олачипор илон кўп учрайди.

Тоғларда яшовчи ҳайвонларнинг кўпчилиги текисликларда ҳам яшайди, лекин тоғда яшовчилари ичида қоятошларда юришга мослашганлари кўп. Қушлардан вьоркалар, деҳқончумчук, мусича, шунингдек чўл бургути, болтаютар кабилар учрайди.

Сутэмизувчилардан қобон, бурамашоҳли така, тоғ қўйи, бўрсик, тоғ сувсари, тулки, бўри ва бошқалар яшайди.

Альп минтақасида ҳашаротлардан тукли ари, сувда ва қурукда яшовчилардан фақат яшил қурбақа учрайди. Судралиб юрувчилардан тоғ билагузуги (калтакесаги), қушлардан ҳимолай улари, болтаютар (бургут), зоғча, сутэмизувчилардан айик, қоплон, оқсичқон (оқсувсар), бўри, тоғ такаси, архар (тоғ қўйи) ва бошқалар бор.

Ўтлоқли соҳилларда, қамишзор ва тўқай чангалзорларида чипиртканинг ҳар хил турлари, энг кўп учрайдиган қушлардан тустовук, қакку, жиблажибон, зағизғон, қора қарға, булбул яшайди. Сутэмизувчилардан пластинка тишли каламуш, қашқир, бухоро буғуси, қобон бор. Қамишзорларда читтак, деҳқончумчук кабилар кўп. Форларда кўршапалакнинг ҳар хил турини учратиш мумкин.

Воҳаларда ўсимлик қопламининг ўзгариши билан чўлда азалдан мавжуд бўлган ўсимликлар ҳам йўқолиб кетди. Улар ўрнини тўқай ва кенг баргли дарахтзорлар эгаллади. Бу жойларда энди қурбақа, калтакесак ва паррандаларни кўплаб учратиш мумкин. Республика сув ҳавзаларида қарийб 70 та балиқ тури яшайди. Орол лососи, амударё гулмоҳи, чўртганбалиқ, орол чавағи, орол сўзанбалиғи, зоғорабалиқ (сазан), қумушсимон товонбалиқ, лаққабалиқ, судак, олабуға, илонбош балиқ, дўнпешана балиқ, оқ амур энг кўп учрайдиган балиқлардан.

Умуртқасиз ҳайвонларнинг 300 дан ортиқ тури, шу жумладан қискичбақасимонларнинг 80 дан зиёд тури борлиги аниқланган.

Қобонлар.



Суғур.





Лайлак.



Саққоқуш.

Ландшафти. Ўзбекистонда тупроқнинг иккита кенглик-зонал типи мавжуд. Шувокли-шўрхок чўлдан иборат шимолий текисликларда бўз-кўнғир чўл тупроқлари, жанубдаги шувокли-эфемер субтропик чўлларда бўзтупроқли чўл ландшафтлари ҳукмрон. Дарё водийларида эса азонал ботқоқли ўтлоқи-тақир тупроқ тарқалган.

Ўзбекистон худуди ландшафтнинг кенглик-зонал бўйича тарқалган типи чўлдан иборат. Шу ўрамда қумли, гилли, тошлоқ, шўрхок чўлдан иборат текислик ландшафтлари учрайди. У жойлардаги кам чириндили бўз-кўнғир тупроқларда қурғоқчиликка чидамли сийрак ўсимлик қоплами мавжуд. Лёсс (соғ тупроқ)ли субтропик чўллар ландшафти улардан сезиларли фарқ қилади. Йилнинг совуқ мавсумида, айниқса, эрта баҳорда у ерлардаги бўз тупроқларда ўтлар турфа рангда гуллайди

Оқ
тирноқли
кўнғир
айиқ.



Зарафшон тустовуғи.



Каклик.



Қарқара.



Махаон капалағи.



Хисор аполлони.



Бухоро олтинбоши.

ва баҳор тугаши билан сарғайиб қуриydi. Бундай ландшафтлар текисликлар учун ҳам, тоғ олдидаги паст адирлар учун ҳам хосдир.

Тоғ ландшафтлари мамлакат ҳудудида ҳар хиллиги ва баландлик-зонал бўйича тақсимлангани билан ажралиб

Гепард.





Бий.



Қора чаён.



Захарли ургимчак.

Сцинк.



Қулоқли кималокбош.



Дашт ағамаси.



Туркистон ағамаси.

туради. Қорамтир бўз тупроқли ерлардаги йирик бошоқли эфемер ўсимликли тоғ этаклари ландшафти кўнғир ўрмон ва жигарранг тупроқли тоғ-ўрмон, бутазорли ландшафтлар билан, улар эса, ўз навбатида, тоғ-ўтлоқли, тоғ-чўли, тоғ-ксерофитли ландшафтлар билан алмашинади. Балант тоғлар кам бўлганлиги сабабли тоғ музлик ва қорли балантлиқ зоналари ландшафтлари кичик майдонни эгаллаган.

Шарк бўғма илони.

Қулранг эчкиэмар.



Чипор илон.



Кобра.



Қулбор илон.



Қум эфаси.





Атроф мухитни муҳофаза қилиш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Унда: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», – деб аниқ белгиланган. Қорақум ва Кизилқум чўлларида тез-тез чангли бўронлар бўлиб туради. Арид зонада жойлашган Ўзбекистон учун бу чўллар атмосферага чанг-тўзон кутарувчи йирик манба ҳисобланади. Кейинги йилларда қуриётган Орол денгизи ҳам улар қаторига қўшилди.

Тупрокнинг ҳар хил саноат ва рўзгор чиқиндилари билан жадал ифлосланиши ҳам жиддий хавф туғдиради. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш ва

Тоғ тизмалари.





Отлик ўрмон
назоратчиси(егер).

зарарсизлантириш коидаларининг бузилиши тупроқ қатламини ифлослантиради.

Фойдали қазилмаларни жадал қазиб олиш қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларни эгаллаб олишдан ташқари тупроқ, ер юзаси ва ер ости сувларини ифлослантирувчи қон чиқиндилари, кул, шлак ва бошқа моддаларнинг қатта миқдордаги уюмлари тўғрисида олиб келади.

Ҳаво муҳитини муҳофаза қилиш. Бошқа индустриал давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам ҳаво саноат корхоналари чиқиндилари, йўл транспорти, иситиш системаси ва электр станциялари томонидан ифлослантирилади. Экологик вазият ва экологик мувозанатнинг бузилиши кўп жиҳатдан атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва унда турли ишлаб чиқариш чиқиндиларининг мавжудлигига боғлиқдир. Бу ўзгаришлар глобал (умумсайёравий), регионал ва муайян бир жойдаги (махаллий) кўламда намоён бўлмоқда. Ўзбекистоннинг табиий хусусиятлари айрим хўжалик-экологик районларни аниқлаш ва уларнинг ҳар бирида атмосфера ҳавоси қанчалик ифлосланганлигини ҳисоблаб чиқишга имкон беради. Атмосфера ҳавоси ҳолатининг мумкин бўлган ўзгаришларини бундай илмий башоратлаш асосий ҳаво оқимлари (шамоллар гули) даврийлигининг аниқ ҳисобланиши, уларнинг доимий фаоллик даврлари, турбулентлик коэффициенти ва бошқа ҳисоб-китоблар тури ҳамда кўрсаткичларига асосланади.

Ўзбекистонда ер юзаси, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш коэффициенти муайян кўрсаткичлар доирасида ўзгариб туради. Чирчиқ – Оҳангарон ва Фарғона районларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бу ерда йирик саноат корхоналари,

Хисор
қурикхонаси.



автотранспорт воситалари қатновининг кўплиги, кончилик саноати ишлаб чиқариш корхоналарининг салбий таъсири ҳамда қишлоқ хўжалигида заҳарли химикатлардан ортқча фойдаланилиши билан боғлиқ. Ундан ташқари бу районларда етарли даражада жиҳозланган тозалаш иншоотлари ва табиатни муҳофаза қилиш воситалари (чанг тутгич, тутун тутгич, ҳаво тозалагич ва бошқалар) кам, борлари ҳам талаб даражасида эмас.

Атроф муҳитнинг ифлосланиши айниқса, Олмалик, Фарғона, Бекобод, Андижон, Оҳангарон, Ангрен, Тошкент, Самарқанд, Навоий каби йирик шаҳарлар зонаси учун хосдир.

Ҳавони ифлослантирувчи асосий доимий манбалар – саноат корхоналари, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган кимёвий моддалар ва тобора кўпайиб бораётган автотранспортдир. Жумладан, Тошкентда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг 80% автотранспорт туфайлидир.

Умуман республика бўйича атмосферага ҳар йили бирнеча млн. тонна турли зарарли моддалар чиқариб ташланади. Улар атмосфера ҳавосини ифлослантиришдан ташқари тупроқ, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳолатига, кишилар соғлиғига катта зарар етказиши мумкин. Кейинги йилларда табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чиқарилган қонун ва дастурларнинг бажарилишини назорат қилиш кучайтирилди, аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш иши фаоллашди, ишлаб чиқаришга экологик жиҳатдан тоза замонавий технологияларни жорий қилишга кўп маблағ сарфланмоқда.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш. Ўзбекистоннинг иқлим шароити ва ландшафти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бу ерда сув таъминоти муаммолари доимо долзарб бўлиб келган. Янги ерларни ўзлаштириш, суғорма деҳқончилик майдонларининг доимий ўсиб бориши, суғориш каналлари, ирригация иншоотлари тармоғининг кенгайиши сувдан фойдаланиш ҳажмини анча ошириб, сув ресурсларини камайтиради. Бу эса иқтисодий, ижтимоий ва экологик аҳамиятга эга бўлган бир қанча муаммоларни, биринчи навбатда ичимлик суви етишмовчилигини келтириб чиқаради. Кейинги ўн йилликлар мобайнида Фарғона водийсининг айрим зоналаридаги ғрунт сувлари сифатига ҳам анча зарар etkazилган.

Орол бўйида, Бухоро воҳасида, Мирзачўл ва Фарғона воҳаларида коллектор ва тармоқланган каналларда оқова сувнинг шўрланиш даражаси, уларнинг таркибидаги минераллар миқдори меъёрдан юқори. Чирчиқ сувида (Салорга сув олиш жойида) оғир металллар концентрацияси йўл қўйилган даражадан ортикдир.

1960 йилдан бошлаб Ўрта Осиёнинг энг йирик сув ҳавзаси бўлган Орол денгизида сувнинг сатҳи кескин пасая бошлади. Денгиз чекинишидан ҳосил бўлган ва Оролқум деб аталаётган денгиз туби қумли шўр чўлга айланди. Сувнинг шўрланиши ва минераллашуви ортди. Орол денгизида кема қатнови, балиқ овлаш барҳам топди.

Оролбўйидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият маҳаллий муаммодан жаҳон ҳамжамияти диққатини тортган катта умумрегионал муаммога айланди. Кейинги йилларда бу муаммо билан нуфузли халқаро ташкилотлар шуғулланмоқда. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро кенгаш, Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси тузилди. Яқин йилларда Орол денгизига

Орол денгизи.





Сирдарё.

келиб тушаётган сув ҳажмини кўпайтиришнинг энг аниқ чораларидан бири экинзор ерларни суғоришда қатъий меъёрга ўтишдир. Бир гектар экинзорга сарфланадиган сувнинг мақсадга мувофиқ меъёри белгиланди.

Ўзбекистонда Орол денгизи муаммоларидан ташқари оқар ва ер ости сув захираларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича аниқ тадбирлар қабул қилинмоқда.

Республикада сув захираларининг сарфланишини кузатишдан ташқари дарёлар, сойлар ва бошқа ҳавзалардаги сувнинг ҳолати ва сифати ҳам назорат қилинмоқда. Фойдаланилган оқова сувларни сифатли тозалаш муҳим вазифадир. Тозаланган сувдан далаларни суғориш ва яйловларни сув билан таъминлашда фойдаланиш мумкин. Саноат корхоналарида сувдан такрорий фойдаланиш учун сув тозалаш иншоотлари қурилмоқда. Республикада шаҳар, туман ва қишлоқлар аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича иш кенг қўламда олиб борилмоқда.

Тупроқни муҳофаза қилиш. Республика қишлоқ хўжалиги узоқ вақт давомида бир тармоқни, яъни пахтачиликни ривожлантиришга ихтисослашган эди. Бу эса суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ниҳоятда ёмонлаштирди. Чунки суғориладиган ерларнинг асосий массивлари чўл ва тоғ бағридаги ярим чўл зоналарда жойлашган ҳамда уларнинг тупроқ-мелиоратив структураларида шўрланиш жараёни фаоллашган.



Чирчик дарёси.

Шўрланган ер майдони салкам 2 млн. гектарни ташкил қилади.

Тупроқнинг ҳолати ва унинг унумдорлиги даражасига салбий таъсир этувчи яна бошқа асосий сабаблар – бу сув ва шамол эрозиясидир. Шамол ва сув эрозиясига учраган ер майдонлари суғориладиган ва яйлов ҳудудларда ҳам учрайди.

Ерни чуқур ҳайдаш усулига ўтиш тупроқ ҳолати ва сифатини яхшилаш учун айниқса истиқболли йўналишдир.

Тупроқни муҳофаза қилишнинг энг муҳим муаммоларидан бири – сувдан фойдаланиш меъёрини ошириш натижасида юзага келадиган тупроқнинг иккиламчи шўрланиши олдини олишдир.

Тупроқни муҳофаза қилиш учун чекка ерларни қум босиши ва шўрланишдан, эрозиядан сақлаш, ердан фойдаланишнинг илғор усуллари (алмашлаб экиш, шудгор ва бошқалар)га ўтишни кенгайтириш зарур.

Кейинги йилларда республикада тупроқни муҳофаза қилиш ва фойдаланилаётган ерлар унумдорлигини тиклаш (рекультивация) мақсадида анча ишлар қилинди – 1,7 минг гектар майдонда дарахтзорлар барпо этилди, 600 минг гектар майдондаги тоғ ва тоғ этаги ён бағирлари терассалаштирилди, 2,4 минг гектар экинзор ер унумдорлиги тикланди.

Чаткол
қурик-
хонаси.



Ўсимликларни муҳофаза қилиш. Республиканинг барча зоналари – дашт, чўл, тоғ этаклари ва чўққилар ёнбағирлари ўсимлик билан қопланган. Ўсимлик тури кўп бўлгани ҳолда уларнинг 10–12% муҳофазага муҳтождир.

Республика ҳудудида турли сабаблар (гидромелиоратив ишларнинг олиб борилиши, сув таъминоти тартибининг ўзгариши, тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳ.к.)га кўра дарё ва сойлар соҳилидаги тўқайлар майдони анча қисқарди, яйловлар ҳолати ёмонлашди. Бунинг сабаби – тоғ этаги ва ярим чўл зоналарда улкан ер массивларининг асоссиз ўзлаштирилишидир. Натижада катта майдонлардаги саксовул ва арчалар кесиб ташланди, яйловлар майдони қисқарди. Шу билан бирга фаол урбанизация (шаҳарларнинг ўсиши) жараёни, автомобиль ва темир йўл тармоқларининг кенгайиши ҳам ўсимлик дунёси майдонининг қисқаришига сабаб бўлди.

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги асосан ҳар бири узига хос гузал ва ўсимлик таркибига эга бўлган ҳамда республиканинг дам олиш масканлари сифатида табиатни муҳофаза қилишнинг муҳим вазифаларини бажарувчи тоғ, ўрмон массивларидан иборат. Республика ўсимлик дунёси таркибида доривор ва шифобахш ўсимликлар алоҳида ўринни эгаллайди.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш. Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси сўнги ўн йилликлар давомида жадал олиб борилган хўжалик - қурилиш фаолияти, ишлов берилаётган ер майдони, кон қазиш ишларининг кенгайтирилиши, аҳоли сонининг ўсиши ва ниҳоят, ов қилишнинг ғорат усуллари қўлланилиши оқибатида анча камайди, баъзи турларини эса бутунлай йўқолиб кетиш хавфи туғилди. 19-асрнинг иккинчи



Серкилисой худуди.

ярмида Фарбий Тяньшан тоғларида, Ўзбекистон жанубидаги Боботоғ, Кўхитанг, Бойсун, Ҳисор тоғлари этакларида ҳозир деярли йўқ бўлиб кетган қоплон, йўлбарс, тоғ қўйи, қизил бўри, тяньшан оқ тирнокли айиғи, тоғ, қизилкум қўйлари ва бошқа кўп ҳайвон турлари бор эди. Охириги ўн йилликларда кўпгина қушларнинг сони ва тури анча қисқарди. Ҳайвон ва қушларнинг азалдан яшаб келган жойлари бўлмиш дашт, ярим чўл ва тоғли районларнинг ўзлаштирилиши оқибатида уларнинг тури ва сони кескин камайишига олиб келди. Экологиянинг ёмонлашуви ва инсоннинг табиатга кўпол аралашуви боис бир вақтлар эркин яшаб келган турон йўлбарси, қизил тулки ва бошқа ноёб ҳайвонлар бутунлай йўқолиб кетди. Ҳайвонлар ва қушлардан Ўрта Осиё ва Фарбий Осиёда яшовчи қоплон, олачипор бўғма илон, қора лайлак, оққуш-шипун, кобра (кўзойнакли илон), узун думли бургут ва бошқа турлар йўқолиб кетиш арафасидадир. Булардан ташқари Устюрт қўчқори, бурама шоҳли қўй, сувсар, оққуш, олачипор қалтақесак ва бошқа айрим ҳайвонларнинг ҳам йўқолиб кетиш хавфи бор. Шу боис табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий вазифалардан бири ҳайвонларнинг маҳаллий турларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаёт тарзи учун зарур бўлган муҳит ва ҳудудни сақлаб қолишдан иборат.

Қўриқхона ва буюртма қўриқхона (заказник)лар. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, йўқолиб кетиш ҳолатига келган ҳайвонлар ва ўсимликларни сақлаш ва тиклашда қўриқхона, буюртма қўриқхона ва халқ парклари алоҳида ўринни эгаллайди. Республикада «Жайран» экологик маркази фаолият кўрсатмоқда, муҳофаза қилинадиган 11 та табиий-



Ҳисор водийси.

худудий объектлар ташкил қилинган. Муҳофаза қилинаётган ерлар майдони 2 млн. гектардан ортиқ, улар таркибида 10 кўриқхона, шу жумладан 3 таси тоғларда, 3 таси дарё қайирларида, 3 таси чул зонасида жойлашган. Булар Чатқол тоғ-ўрмон кўриқхонаси, Пайғамбаророл, Қизилқум, Бадайтўқай, Нурота, Зарафшон, Ҳисор, Қухитанг, Китоб кўриқхоналари ва Вардонзе табиат ёдгорлигидир. Ушбу кўриқхоналар худудидида биоэкологик тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Кўриқхоналардан ташқари, йўқ бўлиб кетаётган ҳайвонлар ва қушларнинг айрим турларини муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида қарийб 10 гектар майдонда буюртма кўриқхона ташкил қилинган. Масалан, Чатқол тоғларида ташкил қилинган Оқбулоқ буюртма кўриқхонаси 12,5 минг гектар майдонда жойлашган. У ерда оқ тирноқли айиқ, қобон, тоғ эчкиси, бўрсик ва бошқа ҳайвонлар қўриқланади ва уларнинг табиий кўпайишига шароит яратилади.

Ер қаърини муҳофаза қилиш. Республикада кончилик саноатига қарашли 650 дан зиёд корхона – шахта, руда конлари, нефть ва газ бурғи қудуқлари ишлаб турибди.

Ер остида портлатиш ишларини ўтказиш натижасида фойдали қазилмалар конлари ёнида ҳавога катта миқдорда чанг ва захарловчи моддалар қўшилади. Натижада кончилик саноати турли регионларда табиатни ифлослантириш ҳамда экологик мувозанат бузилишининг асосий ва энг хавфли манбаи бўлиб қолди. Фойдали қазилмаларни қазиб олишда очиқ карьер усулини



Олатов заъфари.



Писком худуди.

қўллаётган корхоналар табиий ландшафт ва атроф муҳитга айниқса катта зарар етказди. Бу зоналардаги табиий ландшафт буткул йўқотилади, кон чиқиндилари (отвал) ва фойдасиз тоғ жинсларининг самарасиз, баъзида захарланган улкан, массивлари вужудга келади. Нефть ва газ қазиб олинувчи районлар атроф муҳит, сув тармоқлари ва сизот сувлар, тупрокни ифлослантириш манбаи бўлиб қолмоқда. Баъзиларида эса меъёридан юқори даражада радиация кузатилади.

Ангрен шаҳри ёнидаги очик кўмир кони – фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланмасликнинг мисоли бўла олади. Ундан ташқари аввал фаолият кўрсатган Ингичка, Қўйтош, Қалқамар, Қўрғошин рангли металл конларида руда қазиб олиш ва бойитишдаги нобудгарчилик 20-30%ни ташкил этди. Олмалик кон-металлургия комбинатида бир неча йил аввал ишланган рудадан қисман молибден, симоб, қўрғошин каби йўлдош компонентлар эритиб олинган. Кейинги йилларда фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштиришга ўтиш туфайли ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган нобудгарчилик даражаси анча камайди.

Ландшафтни ва табиат ёдгорликларини муҳофиза қилиш.

Республика ҳудудида табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси томонидан 400 дан зиёд табиат ёдгорликлари ҳисобга олинган. Улардан 80 га яқини «жонсиз» табиатга тааллуқлидир. Булар қаторига карст рельеф шакллари, шу жумладан археологик аҳамиятга молик бўлган унғур ва ғорлар, ноёб булоқлар, турли шаршара ва шоввалар, катта илмий аҳамиятга эга бўлган тоғ чўққилари ва геологик ёйилмалар қиради.

Чул бургути.



Табиат томонидан кўп минг йиллар давомида яратилган, ўзига хос сирли ва турфа рангли ноёб ер ости ландшафтлари муҳофазага ўта муҳтождир.

Экология масалалари билан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ботаника, зоология, тупроқшунослик ва агрокимё, иктисодиёт, геология институтлари, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария, гигиена ва касбий касалликлар институтлари шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси хузурида Биосферадан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг регионал муаммолари бўйича илмий кенгаш тузилган, тармоқ илмий тадқиқот институтларида экология муаммолари билан шуғулланганига илмий бўлинималар ташкил қилинган.

20-аср 80-йиллари охирида табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат кўмитаси тузилган, 1991 йилда эса табиат ва агроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича энг оммавий ва йирик уюшмалардан бири бўлган экология ва саломатлик бўйича «Экосан» халқаро жамғармаси ташкил қилинган.

Миллий қўламдаги тадбирлар эндиликда етарли эмас, чунки ҳаво, дарё ва денгизлар ифлосланиши ҳар қандай чегарадан чиқади. Шу боис БМТнинг агроф муҳит ва ривожланиш бўйича 1992 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган конференциясида 178 давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам, ўз зиммаларига барқарор ривожланиш мақсадларини кўзлаш мажбуриятини олдилар.



Сайғоқ.



Жузгун.

Биргаликдаги саъйи-ҳаракатлар, энг аввало, иқлимнинг ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, турлар ранг-баранглигининг қисқариши каби глобал экологик муаммоларни ҳал қилиш учун зарур. Ўзбекистон Республикаси атроф муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракаат дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш борасида тажриба ўтказувчи мамлакат сифатида танланди.

Республика ҳукумати атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор бермоқда. Табиий муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонун ва фармонлар қабул қилинган. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш бўйича миллий тадбирлар ўзга давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар тарафлама ҳамкорликда олиб борилади. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишни тартибга солиб турувчи халқаро шартнома ва битимлар тузилган.

Кулонлар.




Курама
тизмаси.



Республикада атроф муҳит муҳофазаси бўйича 2005 йилгача бўлган муддатга мулжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган. Дастурда республикадаги экологик вазиятни соғломлаштириш, йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларида экологик кескинликни бартараф этиш йўллари белгиланган. Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги барча фаолият ушбу дастур асосида ташкил этилади. Дарҳақиқат, атроф муҳит муҳофазаси бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари олиб бораётган тадбирлар улкан. Аммо у умумхалқ ишига айлангандагина катта самара беради. Халқнинг санитария, гигиена ва экология маданиятини ошириш бу борада катта аҳамиятга эга.

Чатқол тизмаси тоғ олдилари.



Халқи



Ўзбекистон Ўрта Осиёда аҳолиси энг кўп республика (60%дан ортик). Аҳоли сони буйича МДХда (Россия ва Украинадан кейин) учинчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда 25,2 млн. киши яшайди (1.01.2001), бир квадрат километрга 56,1 киши тўғри келади.

Аҳоли республика буйлаб нотекис тақсимланган, қишлоқ аҳолиси 62,9 %ни ташкил этади. Аҳолининг асосан воҳаларда тупланиш сабабини тоғ, чўл, арид иқлимли табиий шароитнинг ўзига хослиги билан изоҳлаш мумкин. Чўл зоналарида аҳоли ниҳоятда сийрак. Ўзбекистондаги баъзи районлар (масалан, Андижон вилояти) аҳолисининг зичлиги жиҳатидан кўплаб мамлакатлардан олдинда туради.

Урбанизация жараёни жуда суст – 1980 йилдан бошлаб шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги нисбат деярли ўзгармади.

Ўзбеклар қадимдан ўтроқ халқ, шу сабабли ҳам аҳолининг табиий ўсишида миграция ва эмиграциянинг туган ўрни унча катта эмас. Умуман олганда аҳолининг табиий ўсиш даражаси нисбатан юқори.

Жамият асоси бўлмиш мустақкам оила, қишлоқ аҳолисининг улкан салмоғи, ўлим даражаси пасайгани

Аҳоли сони, миш киши

Йиллар	Аҳоли сони	Шу жумладан			
		шаҳар аҳолиси		қишлоқ аҳолиси	
		сони	салмоғи	сони	салмоғи
1897	3948	743	17,0	3205	83,0
1924	4258	825	19,4	3433	80,6
1940	6551	1606	24,5	4945	75,1
1950	6194	1917	30,9	4277	69,1
1960	8395	2840	33,8	5555	66,2
1970	11799	4322	36,6	7477	63,4
1980	15757	6452	40,9	9305	59,1
1990	20322	8282	40,8	12040	59,2
2001	25210,8	9356,8	37,1	15854,0	62,9



ва ўртача ёш узайгани Ўзбекистондаги ижтимоий-демографик вазиятга таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш юқори даражада, ажралиш эса дунё бўйича бу ерда анча кам. Кўп асрлик анъана ва халқ менталитетига мувофиқ равишда бу ерда оила энг муҳим ҳаётий бойлик бўлган ва бўлиб қолади.

Одатда ўзбек оиласи, айниқса қишлоқлардаги оилалар серфарзанд бўлади. Турмуш даражасининг, тиббий ва ижтимоий таъминотнинг ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг яхшиланиб бориши билан ўлимнинг умумий сони камаймоқда.

Келажак авлод соғлиғини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларни жисмоний,





Тоғликлар оиласи.

маънавий ва ахлоқий ривожлантириш мақсадида 1993 йилда республикада «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси тuzилди.

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бу жамғармани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек республика даволаш-соғломлаштириш мажмуасини барпо этиш туғрисида қарор қабул қилди.

Аҳолининг жинс-ёш таркиби бўйича 49,5%ни

Аҳолининг ўрғача йиллик ўсиш суръатлари, %да

Йиллар	Аҳоли сони	Шу жумтадан	
		шаҳар аҳолиси	кишлоқ аҳолиси
1897	0,6	1,6	0,3
1924	0,7	1,5	0,4
1940	2,7	4,1	2,5
1950	3,8	1,6	4,8
1960	3,3	4,6	2,8
1970	3,8	4,7	3,3
1980	2,4	1,6	2,9
1990	2,1	2,1	2,1
2001	1,2	0,7	1,5

Оталар
чойхонаси.



эркаклар ва 50,5 %ни аёллар ташкил этади. Кишлоқларда эса бу кўрсаткич деярли тенг.

Аҳоли умумий сонининг 40,8 % болалар ва ўсмирлар (0–14 ёшлилар) дан, 28,3 % эса ёшлар (15–29 ёшлилар)дан иборат. Болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг умумий салмоғи тахминан 70%ни, яъни республика аҳолисининг 2/3 қисмидан кўпроғини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг туб аҳолиси – ўзбеклар. Улардан ташқари бу ерда қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, татарлар, славян халқларидан – рус, украин, белорус ва бошқалар ҳам яшайди.

Ўзбеклар Ўзбекистондан ташқари Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Россия, Украина, Беларуссия, Литва, шунингдек, Афғонистон, Саудия Арабистони, Туркия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Германия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда ҳам истикомат қиладилар.

Ўзбеклар – антропологик келиб чиқиши аралаш бўлиб, асосан европеоид ва қисман монголоид таркибларни ўз ичига олган халқ. Диний эътиқодига кўра ўзбеклар – мусулмон, сунний мазҳабда.

Туғилиш, ўлим ва аҳолининг табиий ўсиши

Йиллар	Туғилиш сони, минг	Ўлим сони, минг	Табиий ўсиш
1980	540,0	118,9	421,1
1990	691,6	124,5	567,1
1999	543,9	130,4	413,5
2001	513,0	132,6	380,4



Ўзбеклар этник жиҳатдан Ўрта Осиё, Икки дарё оралиғи ва унга ёндош ҳудудларда Бу жойларнинг қадимги халқлари – суғд, бактр, сак-массагет ва бошқа қабилалар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган. Аммо «узбек» этноними анча кеч қарор тоқди.

Ўзбекларнинг анъанавий машғулоти кўп тармоқли суғориладиган деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, чорвачилик бўлган.

Оилавий ҳаёт эркак ва аёллар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг ўзига хослиги билан ажралиб турган. Деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик билан, асосан, эркалар шуғулланишган. Овқат тайёрлаш, кийим тикишдан тортиб, уй ҳайвонларини боқиш ва фарзанд тарбияси билан тугайдиган барча вазифалар аёллар зиммасида бўлган.

Озуқа етишмаслиги сабабли воҳалардаги чорвачилик фақат истеъмол аҳамиятига эга бўлган. Бу ерда ишчи ва юк ташувчи (ҳўкиз, отлар), кам миқдорда сут ва гўшт учун чорва саклаганлар.

Тоғ олди ва айниқса, дашт зоналарда чорвачилик асосий машғулотлардан бири бўлган. Қўйчилик ва қисман йилқичилик бозорни кўзлаб олиб борилган.

Шаҳарларда ва йирик қишлоқларда темирчилик,

Никоҳдан ўтиш ва ажралиш

Йиллар	Никоҳ сони,	Ажралиш сони,	Хар минг кишига	
	минг	минг	никоҳ	ажралиш
1990	217,3	29,9	10,6	1,5
1996	171,7	20,2	7,4	0,9
1999	178,7	10,8	7,3	0,4
2001	170,1	15,7	6,8	0,6



тўқувчилик, кулолчилик, заргарлик, кўнчилик ва бошқа шу каби ҳунармандчилик турлари бирмунча ривожланган. Шунингдек, аёлларга мўлжалланган йигирув, тикувчилик, каштачилик каби касб-ҳунарлар ҳам бўлган.

Моҳир ҳунармандлар ип ва ипак газлама, мис ва сопол идиш, ёғоч қошиқ, чарх, игна ва бошқа маиший буюмлар тайёрлаганлар. Ўтроқ аҳолининг ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятлари унинг маданий қиёфаси, жамоат ва oilавий турмушида акс этган. Шаҳар ва қишлоқлар доимий яшаш жойлари бўлган.

Уй-жой қурилишида zilзилага бардошли ёғоч синч, очик айвон, турли анжомлар учун уй деворларидаги тоқчалар каби анъанавий усуллардан кенг фойдаланилган.

Ўтроқ ҳаёт кечирish ўзининг тозалиги билан lol қолдирадиган уй-жой, ҳовлига нисбатан айниқса эътиборли муносабатда бўлишга ўргатди. Фақат хона ва ҳовлиларнигина эмас, балки дарвоза олди, кўчани ҳам супуриб, тозалаб қўйиш шарт ҳисобланган. Қариялар.





Миллий либосдаги қизлар.

Ўзбек халқининг анъанавий кийим-кечаги табиий-иқлим, маҳаллий тарихий-маданий белгилари, шунингдек у ёки бу регионнинг хўжалик-маиший тартибларига боғлиқ ҳолда фарқланиб туради. Масалан, жазирама иссиқ иқлимли жанубий вилоятлар учун эркин, тўғри бичимли, оч, ярқираган рангдаги матодан тикилган кийимлар, куёшдан сақловчи қалин бош кийимлар (рўмоллар, қорақул қалпоқ ва телпаклар) хос. Континентал иқлимли Фарғона водийси ва Тошкент вилояти учун ўтроқ дехқон хўжаликлари билан анъанавий боғлиқ ҳолда нисбатан қалин майин рангдаги матолардан тикилган, ёпишиб турадиган кийимлар, мавсумий бош кийим (туқилган рўмоллар, дўппи, мўйнали қалпоқ)лар мос.

Ўзбеклар европача бичимдаги кийимлар билан бир қаторда айниқса, байрам кунлари миллий кийимлар киядилар. Эркалар йўл-йўл, ёркин ёки бир хил рангдаги ипак тўн, чиройли кийикчалардан белбоғ, бошларига дўппи киядилар. Аёллар ярқираган ипак газлама (атлас)дан, аҳён-аҳёнда эса оқ матодан кўкрак бурма

Сурхондарёлик момо.



Бойсунлик фольклор ансамбли.





Беданабоз.



Туй бола.

қилиб тикилган кенг, узун кўйлақлар, бошларига рангли ёки оқ шол (рўмол) ёки ипақдан кашта тикилган дўппи киядилар.

Ўзбекистонда, айниқса, йирик шаҳарлардаги аҳолининг замонавий кийимлари, асосан, европача услубда тикилган. Анъанавий шакллар, асосан, аёллар кийимида сақланиб қолмоқда. Бу миллий матолар (атлас, беқасам, хонатлас, олача, қалами ва бошқалар)дан фойдаланишда, шунингдек, безак беришларда ҳам акс этади. Эркакларнинг чопон ва дўппилари анъанавий ҳисобланади, бу либослар диний маросим, удумларнинг муқаррар атрибути (белгиси)дир.

Миллий таомлар, асосан, гўшт, гуруч ва ундан тайёрланади. Булар – лағмон, мастава, шўрва, манти, шавла, қабоб. Энг сеvimли миллий таом – палов. Сабзавот, мева, узум ва айниқса, қовун кўп истеъмол қилинади. Дастурхонга албатта шарқона ширинликлар, қовурилган



Новвот.



Сумалак.

Самарқанд нонлари.



Лағмон.





Кабобпаз.

Тандир
кабоб.

Кабоб.

ёнғок, данак тортилади. Энг сеvimли ичимлик – чой. Ширинликсиз ичиладиган кўк чой, одатда, жазирама ёзнинг чанқовбосди ичимлигидир. Нон, асосан, буғдой унидан тайёрланади. Тайёр нон маҳсулотлари тури жуда кўп. Идиш-товоқлар ва дастурхон одоби миллий хусусиятларни сақлаб қолган.

Миллий анъаналар уй ичини жиҳозлашда ҳам акс этиб туради. Уйнинг зарурий жиҳозлари – полга тўшалган гилам ва шолча, девор тоқчаларига баланд қилиб тахланган қалин қавилган юмшоқ кўрпача ва ёстиклар. Рўзгор буюмлари орасида чинни идишлар (чайнак, пиёла, коса), таом тайёрлаш учун қозон албатта бўлади.

Оилавий удумлар ўз миллий хусусиятларини сақлаб қолган, бироқ кўпчилиги ўзининг ўтмишдаги сеҳрли аҳамиятини йўқотган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач кўплаб халқ анъана ва удумлари ҳамда «Наврўз» байрами, лола сайли, ҳосил байрами кабилар янги мазмун касб этди.

Ўзбек тили, асосан, Ўзбекистонда яшовчи ўзбек халқининг сўзлашув ва адабий ёзув тили бўлиб, туркий гуруҳ таркибига киради. Ўзбек сўзлашув тили

Палов – сеvimли миллий таом.



шеваларининг кўлиги ўзбек халқининг шаклланишида қатнашган этник гуруҳлар таркибининг ранг-баранглиги билан изоҳланади.

Ўзбек адабий тилининг шаклланиши уч тарихий босқични: қадимги туркий адабий тили, қадимги ўзбек ва замонавий ўзбек тилларини қамраб олади. 15-асрда Алишер Навоийнинг саъий ҳаракатлари эвазига қадимги ўзбек тили ягона ва ривожланган адабий тил бўлиб қолди ҳамда унинг қоида ва анъаналари 19-аср охиригача сақланди. 20-аср бошларида ўзбек адабий тилида унинг қоидаларини қайта қуриш тадбирлари юзага келди, натижада у янада содда ва тушунарли бўлди.

Ўзбек тили таркибида уч: қарлук, кипчоқ ва ўғуз лаҳжалари мавжуд. Тошкент ва Фарғона шевалари гуруҳи замонавий ўзбек адабий тилининг таянч диалекти (шеваси) ҳисобланади. Тарихан таркиб топган луғат фондини сақлаб қолган ҳолда, лексик нормалар барча халқ лаҳжа ва диалектларидан олинган зарур сўзлар билан бойитиб борилди. Ўзбек этноси 1927 йилга қадар (1923 йилгача – анъанавий, сўнгра ислоҳ этилган) араб алифбосидан, 1927–38-йилларда лотин, 1939 йилдан бошлаб рус графикаси (кириллица) асосида ишлаб чиқилган алифбодан фойдаланган. 1994 йилдан бошлаб эса лотин графикасига асосланган алифбога ўтиш даври бошланди. Лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбоси 26 ҳарф ва 3 ҳарфлар бирикмасидан иборат.

Ўзбек тили лексикасининг асосини умумтуркий лексика ва унинг асосида юзага келган ўзбек сўзлари ташкил этади. Ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги туб ўзгаришлар ҳозирги ўзбек тилининг ривож топишига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбек тилининг луғат фондида ўзлаштирилган байналмилал терминология анчагина, янги сўзлар ҳам яратилмоқда.

Замонавий ўзбек тили бу тилда сўзлашадиган халқнинг муомала воситаси бўлибгина қолмай, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўлланиладиган ижтимоий-сиёсий, илмий ва бадиий адабиёт тили, нашр тили, адабий тил ҳамдир.

Ўзбек тилига Ўзбекистон Республикаси давлат тили мақоми берилган. Тил сиёсатини ҳаётга жорий қилиш бўйича бир қанча давлат дастурлари ишлаб чиқилган.

Маъмурий бўлиниш



Қорақалпоғистон Республикаси
Тошкент шаҳри
Андижон вилояти
Бухоро вилояти
Жиззах вилояти
Навоий вилояти
Наманган вилояти
Самарқанд вилояти
Сирдарё вилояти
Сурхондарё вилояти
Тошкент вилояти
Фарғона вилояти
Хоразм вилояти
Қашқадарё вилояти





Маъмурий бўлиниш

Ўзбекистон географик харитаси кўп марта ўзгарган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди 1917 йил Октябрь тўнтаришига қадар маъмурий жиҳатдан Туркистон генерал-губернаторлиги (Туркистон ўлкаси), Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига бўлинган эди. 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР тузилди.

1924 йилдан 1929 йилгача Тожикистон АССР ҳам унинг таркибида бўлган. Республика 7 вилоятга бўлинган. Булар: Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё. Пойтахти – Самарқанд шаҳри. 1930 йилда округга бўлиниш бекор қилиниб, Ўзбекистон ССР таркибидаги 9 шаҳар мустақил маъмурий-ҳўжалик бирлигига айлантирилди, унда 73 та туман, 1696 қишлоқ кенгаши бор эди. 1930 йилдан унинг пойтахти – Тошкент шаҳри. 1936 йилда Ўзбекистон ССР таркибига Қорақалпоғистон АССР кирди. Республиканинг бундан кейинги маъмурий-ҳудудий тузилиши бир қатор майдалашиб, вилоятлар тузила бошланди. Кейинчалик вилоятлар гоҳ қўшилиб, гоҳ янгидан тузилди. Янги шаҳар ва шаҳарчалар ташкил топди. 1991 йил 31 августда республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси деб номланди. Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, 162 туман, 120 шаҳар бор.



Қорақалпоғистон Республикаси

Майдони – 166,6 минг кв. км.
Аҳолиси – 1530,2 минг киши.
Пойтахти – Нукус ш. (Тошкентдан,
1255 км масофада, аҳолиси 203,7
минг киши).





Қорақалпоғистон Республикаси – Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат. Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида, Амударёнинг қуйи қисмида, Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган. Республика таркибида 15 туман – Амударё, Беруний, Бўзатов, Кегайли, Мўйноқ, Нукус, Тахтақўпир, Тўртқўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Эллиқалъа, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот; 12 шаҳар, 16 шаҳарча, 120 овул бор.

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, шоликорлик, қорақўлчилик, сабзавотчилик; қизилмия етиштиради.

Саноати: пахта тозалаш корхоналари, металлсозлик, электро-энергетика, тўқимачилик, озиқ-овқат.

Давлат тузилиши. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилинади. Қорақалпоғистон Амударё.





Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи.
Қорақалпоғистон Республикаси Давлат герби.

Республикаси ўз Конституциясига эга. Бу Конституция Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир; Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилмайди; маъмурий-ҳудудий бўлиниш билан боғлиқ барча масалаларни Қорақалпоғистон Республикаси ўзи мустақил ҳал қилади; Қорақалпоғистон Республикаси умумхалқ овози (референдум) асосида Ўзбекистон Республикаси таркибидан ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган. Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат мадҳияси бор.

Тупроққалъа.





Нукус. Бердак ҳайкали.



Политехника коллежи.

Давлат ҳокимияти тизими. Қорақалпоғистон Республикасида ҳокимият конституцион принципда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни олий давлат ваколатли органи – Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси амалга оширади. Жўқорғи Кенгес кўп партиявийлик асосда ҳудудий округлардан 5 йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ва Раис ўринбосарлигига сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўз ҳудудида жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳақлидир ва унинг сессиялари йиғилишида қонун чиқариш ташаббусига эгадир.

Қорақалпоғистон Республикасининг олий ижро этувчи ҳокимияти Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесиде тасдиқланадиган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидир. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши таркибига Раис, Раис ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталари раислари, йирик концерн ва бирлашмаларнинг раҳбарлари киради. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, лавозимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий ваколатхонаси ишлайди.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва жамоат бирлашмаларидан

мустақил ҳолда иш юритадиган Қорақалпоғистон Республикасининг суд ҳокимияти беш йил муддатга сайланадиган Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжалик судидан, шунча муддатта тайинланадиган Нукус шаҳар суди, туман судлари, шаҳар ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди Раиси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркибига кириди.

Табиати. Қорақалпоғистон ҳудуди географик жиҳатидан Қизилқумнинг шимоли-ғарбий қисми, Устюрт платосининг жануби-шарқий қисми ва Амударё дельтасидан иборат. Орол денгизининг жанубий қисми ҳам Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган. Айрим тоғли тизмалари ҳам бор. Улардан энг каттаси – Султон Увайс тоғ тизмасидир. Амударё дельтасида кўпдан-кўп дарё ирмоқчалари, кичик-кичик кўллар, ботқоқликлар, тўқайли чангалзорлар, қамишзорлар бор. Дельтанинг ўнг соҳил қисмида асосий суғориладиган ерлар ва суғориш каналлари жойлашган.

Фойдали қазилмаларидан газ, темир, фосфорит, бентонит ва каолин (оқил) конлари, шунингдек ош ва глаубер тузлари, мрамор, гранит конлари бор.

Иқлими кескин континентал. Ёзи қуруқ, иссиқ ва қиши нисбатан совуқ, қор кам ёғади. Ёғингарчилик асосан қиш-баҳор даврларида бўлади. Яғона дарёси – Амударё (қуйи оқими). Унинг кенг дельтасида тўқайзорлар кўп. Султон Увайс этагида Бадай Тўқай қуриқхонаси жойлашган.



Туз қазиб олиш.

Қорақалпоқ
қизи.



Юрт.

Қорақалпоғистон худудида милоддан аввалги 4-аср охири – 2-аср бошларида аҳоли яшай бошлаган. Қорақалпоқларнинг аجدодлари, қуйи Амударёнинг бошқа халқлари каби, ушбу қадимги ҳудуд аҳолиси таркибига кирган. Қўйқирилган қалъа ибодатхона иншоотини қазिश пайтида қадимги ёзма ёдгорликлар (ав. 4-асрга доир) топилган. Тупроққалъа ибодатхона мажмуоти (милодий 2–3-аср), Буюк ипак йўлидаги қадимий давр ва ўрта асрнинг йирик савдо марказларидан бири – Миздахқон харобаси, Беруний туманидаги Гаврқалъа харобаси ва бошқалар машҳур тарихий ёдгорликлардир. Қорақалпоқларнинг Жанадарё бўйларига келиб жойлашган даврига оид жуда кўп ирригация иншоотлари қолдиқлари, уй ва қалъалар харобалари сақланиб қолган.

Қорақалпоқлар олтой тиллар оиласи туркий гуруҳининг қипчоқ кичик гуруҳига оид қорақалпоқ тилида гаплашади. Эътиқодига кўра ислом динининг суннийлик йўналишига мансуб.

Қорақалпоқ халқининг келиб чиқиш тарихи Сирдарё ва Орол бўйининг дельта ва чулларида яшаган қабилалар (бижанаклар, ўғузлар, қипчоқлар) билан боғлиқ.

16–18-аср ўрталарида қорақалпоқларнинг катта қисми Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ҳудудларини эгаллашган. 18-асрнинг 2-ярмидан қорақалпоқларнинг асосий қисми Сирдарёнинг ғарбий ирмоғи – Жанадарё дельталарида ўрнашган. 19-асрнинг бошларида қорақалпоқларнинг Амударё дельталарига кўчиши тугалланган.

19-асрнинг 2-ярмидан Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган ҳудуд Россия томонидан босиб олинган, бу ерда Туркистон генерал-губернаторлиги (1878) Сирдарё вилоятининг Амударё бўлими тuzилган. 1920 йилда

Амударё бўлимида Туркистон АССРнинг Амударё вилояти ташкил этилди. 1924 йилда Қозоғистон ССР таркибига кирган Қорақалпоғистон Мухтор вилояти тузилди. 1930 йилдан РСФСР таркибида. 1932 йилда Мухтор вилоят Қорақалпоғистон Автоном республикасига айлантирилди. 1936 йил 5 декабрдан Ўзбекистон таркибида.

Қорақалпоқ халқи қадимдан чорвачилик, суғориладиган ерларда деҳқончилик ва балиқчилик билан шуғулланади.

Қорақалпоқлар ўтмишда овулларда яшашган. Бир овулда, одатда, муайян бир уруғ турган. Овуллар суғориш каналлари бўйлаб жойлашган.

Уларнинг анъанавий турар жойлари – ўтов. Ўтроқлари ўтов билан бирга пахса уйлар ёки қамишдан қилинган капаларда яшашган.

Ўтган йиллар мобайнида халқнинг яшаш тарзи ўзгарди. Ҳозирги қорақалпоқ овуллари катта-катта деразали, поли, электрли, газ ва сувли уйлардан иборат. Ўтовлардан қишлоқ аҳолиси ёзги турар жой сифатда фойдаланади.

Уй ичи жиҳозлари ҳам шаҳарга хос: оёқ остига гилам ва палослар тўшалган, замонавий ва миллий буюмлар қўйилган, саранжом-саришта.

Қорақалпоқларнинг анъанавий овқатлари чорва ва деҳқончилик, балиқчилик маҳсулотлари билан боғлиқ.

Туямўйин ГЭСи.



Нукус шаҳрининг
харита-схемаси.



Албатта, анъанавий таомлар бугунги кунда бошқа халқлар таомлари билан кўшилиб кетган. Халқнинг анъанавий кийими кекса авлоддагина сақланган.

Қорақалпоқларнинг қадимги миллий кийимларидан, айниқса аёллар бош кийими ўзига хосдир. Хозир европача кийим хусусиятлари устунлик қилади. Миллий кийимлардан, айниқса аёлларнинг анъанавий қисқа бурама (кокеткали) узун кўйлаклари урфдан қолмаган.

Амалий санъати. Қорақалпоқ халқида қадимдан ёғочга кадама нақш билан безак бериб ёки ўйиб нақш солиш (ўтов эшикларига), терига бўрттириб гул босиш, гиламчилик, тўқимачилик, каштачилик ривожланган. Ўтовларни ёпиш ва безашда гилам, кигиз ва гилам тасмалардан фойдаланганлар. Уларнинг гули ва ранглари қизил жигаррангдан қуюқ ва тўйинган тўқ қизил рангларгача турланади. Халқ амалий санъатида қатъий гириҳ ва ислимий нақшлар – «муйиз» кўп учрайди. Қорақалпоқ амалий санъати анъаналари хозирги кунда ҳам бир мунча сақланиб қолган.

Қорақалпоқ халқи қадимий ва бой тарихга эга. Унинг миллий маданияти, ўзига хос санъати, мумтоз адабиёти, урф-одати ва анъаналари кенг маълум.

«Алпамис», «Қирқ қиз» каби машҳур қаҳрамонлик дostonлари тарихий воқеаларнинг бадий талқиндаги ўзига хос тасвирдир. Бу ерда турли даврларда Жиян Жиров, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердак, Оташ кейинрок А.Мусаев, К.Авезов, Ж.Оймирзаев каби мумтоз шоирлар яшашган ва ижод этишган. Иброҳим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов, Тиловберген Жумамуратов асарлари республикадан ташқарида ҳам маълум.



«Катекс» корхонасида.

Ўзбекистон фанини ривожлантиришда Собир Камолов, Марат Нурмухамедов, Чаржау Абдиров ва бошқа қорақалпоқ олимлари катта ҳисса қўшишган.

Саноати. Қорақалпоғистон саноатининг асосий тармоқлари қишлоқ хўжалиги хом ашёси (пахта, шоли, гўшт, сут, жун)ни қайта ишлаш билан боғлиқ. Саноатнинг етакчи тармоғи – пахта тозалаш корхоналари. У билан боғлиқ чигитни қайта ишлаш, ёғ-мой саноати тараққий этган.

Тахياتош ГРЭСи, Қўнғирот сода заводи, «Катекс», «Элтекс» қўшма корхоналари энг йирик корхоналардир. Қўплаб кичик корхоналар ташкил этилган.

Қишлоқ хўжалиги. Республиканинг жануби пахтачилик ва ипакчиликка ихтисослашмоқда. Бу ерда сув тақчил. Ёзи – жазирама иссиқ, қиши – жуда совуқ. Тупроғи эса анча шўрлаган. Шу сабабли ҳам бу ерлар деҳқончиликда катта куч ва меҳнат талаб қилади.

Қорақалпоғистон ери шоли етиштиришга қулайдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонни гуруч билан таъминлашда республиканинг аҳамияти катта. Айни вақтда Қорақалпоғистон – Ўзбекистонда беда уруғи етиштириладиган минтақалардан биридир. Қизилқумнинг кенг чўл яйловларида қоракўл қўйлари, йилқи ва туя боқилади. Республиканинг шимолий қисмида шоли экилади, қорамол боқилади. Денгиз бўйи минтақасида – балиқчилик, мўйнали ҳайвонларни боқиш, йилқичилик катта аҳамият касб этиб келди. 3572 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Транспорт. Қорақалпоғистондан ўтган Чоржўй–Мақат темир йўли Ўрта Осиёдан Европага чиқадиган

Б. Есемуратов
куй чалмоқда.



Эркин Кутубаев –
тай бокси бўйича
икки қарра жаҳон
чемпиони.



асосий темир йўл тармоғи ҳисобланади. Йирик автомобиль магистраллари бор. Ҳаво йўли орқали кўп мамлакатлар билан боғланган. Республика қувур орқали газ ва нефть маҳсулотлари билан таъминланади.

Амударё ҳозирги дельтасининг жанубий қисмидан Қорақалпоғистоннинг пойтахти, унинг иқтисодий, маъмурий ва маданий маркази **Нукус** шаҳри жойлашган. Шаҳар республика ҳудудининг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида. Шаҳарни Қизқеткен канали кесиб ўтади. Шаҳардан республиканинг ҳамма туманларига автомобиль йўли ўтган.

Нукус – замонавий шаҳар. Унда маҳаллий мрамар заводининг маҳсулоти – мрамар ушоғи билан қопланган чиройли уйлар қад кўтарган. Бу ерда йирик саноат корхоналари, илмий ва маданий-маърифий муассасалар, соғлиқни сақлаш муассасаларининг кенг тармоғи тўпланган. Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бўлими, университет, педогогика институти ва бошқалар фаолият кўрсатади.

Нукусда миллий телекўрсатув ва радиоэшиттириш олиб бериладиган телемарказ жойлашган. Бадий академиянинг, композиторлар, ёзувчилар, меъморлар уюшмаларининг бўлимлари, киностудия фаолият кўрсатади.

Қорақалпоғистоннинг саноат жиҳатидан ривожланган шаҳарларидан бири **Хўжайлидир**. Бу шаҳар Амударёнинг чап соҳилидаги йирик транспорт тугуни, енгил ва озик-овқат саноати маркази.

Қорақалпоғистоннинг энг жанубий шаҳари – **Туртқўл**.

Бу шаҳар 1932 йилга қадар республика пойтахти бўлиб келган. Шаҳарда туман аҳамиятидаги турли ташкилотлар, клуб, кутубхона, кинотеатр ва бошқалар жойлашган.

Тошкент шаҳри

Майдони – 256 кв. км.
Аҳолиси – 2156,5 минг киши.




Тошкент – Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири. Республиканинг шимоли-шарқий қисмида, Чирчиқ дарёси ҳавзасида, денгиз сатҳидан 440-480 м баландликда жойлашган. Ҳаво очик кунларида Тошкентнинг шимоли-шарқий томонидан Тяньшан тизмаларининг Катта ва Кичик Чимён қорли чўққилари яққол кўриниб туради.

Иқлими континентал. Қиши кам қорли, кўпинча илиқ келади. Ёзи узоқ давом этади, қурук, иссиқ. Қишда минимал температура -24° , ёзда максимал температура $+43^{\circ}$. Чирчиқ дарёсидан чиқарилган Бўзсув, Салор, Анхор, Қорасув, Оққўрғон, Бўржар, Оқтепа, Қорақамиш ва бошқа каналлар бугун шаҳарни кесиб ўтиб, шаҳар микроклимига муътадил таъсир кўрсатади.

Тошкент – энг қадимий шаҳарлардан бири. Унинг тарихи 2 минг йилдан ортқик. Тошкентнинг узоқ утмиши ва у қад кўтарган қадимги Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда жуда хилма-хил шу билан бирга нотекс акс этган. Зардуштийларнинг муқаддас

Халқлар дўстлиги майдони.





Тошкент шаҳрининг харита-схемаси.

китоби Авестода Сирдарё ҳавзасида тур қавмларининг қароргоҳи Канғха (Канға) шаҳри борлиги тилга олинади.

Тошкент ҳақидаги дастлабки аниқроқ маълумотлар милoddан аввалги 2-аср – милoddнинг 5-асрларига мансуб Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент қадимда Лоюени, Юни, сўнгра Чжеше, Чжечжи, Чжеш ва Ши деб номланган. Бу атамалар (аввалги иккитасидан ташқари) «Чоч» сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто ҳозирги «Ши» топоними хитойчада «тош» маъносини англатган.

Бизгача етиб келган ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Тошкентнинг энг қадимги номи «Чоч» бўлган. Арабий асарларда у «Шош» деб юритилган. Илк ўрта асрларда у олдинги номлари билан бирга «Тошкент», «Мадина аш-Шош», «Бинкат» ва «Таркан» деб номланган.



Чорсу майдони.

Шаҳар «Тошкент» номи билан даставвал Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида тилга олинади.

Тошкент ўтроқ ва кучманчи қабилалар чегарасидаги аҳоли зич жойлашган водийда савдо маркази сифатида юзага келган. Шаҳарнинг қулай географик ўрни Фарб билан Шарқ мамлакатлари ўртасидаги савдода воситачи сифатида ёрдам берган бўлса, яхши иқлими деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланишига имконият берди.

Милоддан аввалги 2–1-асрларда Жўн ариғи бўйидаги Шоштепада қадимги шаҳар белгилари пайдо бўлди. Қишлоқ харобалари устида атрофи қалин айланма девор билан ўраб олинган доира шаклидаги қалъа (қўрғон) қад кўтарди. Шоштепадаги археологик обидалар: шаҳарнинг мустаҳкам мудофаа девори, ҳашаматли меъморий мажмуоти, ҳунармандчилик буюмлари, хат-савод ва саводдан далолат берувчи топилмалар бу жой шаҳар қиёфасини олаётганини кўрсатарди. Фарбда Византиядан тортиб, Шарқда Хитойгача бўлган яқин ва узоқ мамлакатлардан топилган тангалар шаҳар қизғин савдо маркази бўлганлигини кўрсатади. Чоч ҳокими ҳам ўз тангаларини зарб қилдирган.

8-асрнинг бошларида араблар Чочни фатҳ этгач шаҳар катта талафот кўриб вайрон бўлди. 9-асрга келибгина шаҳар аввалги ўрнидан 4–5 км шимоли-ғарброкда Бўзсув каналидан чиқарилган Кайковус ариғи



Бугунги Тошкент.

ёнида янгидан вужудга келди ва яна Чочнинг пойтахтига айланиб, жадал тараққий эта бошлади. Бу янги шаҳар манбаларида Бинкат (узокдан яққол кўринувчи шаҳар) деб тилга олинади.

10-аср охири – 12-аср ўрталарида Бинкат Қорахонийлар давлати таркибига кирди. Шу даврдан бошлаб у Тошкент деб атала бошлади.

1214-1215 йилларда Муҳаммад Хоразмшоҳ қорахитойлар кўшини ҳамда найманлар хони Кучлук билан жанг қилиб, Шош вилоятини улардан тортиб олди ва вилоят душманлар кўлига ўтмаслиги учун Шош маркази аҳолисини кўчиртириб, шаҳарга ўт қўйдирди. Шу боис мўғуллар 1220 йилда шаҳарни қаршиликсиз қўлга киритган бўлиши мумкин. 13–14-асрнинг 1-ярмида Тошкент вилояти Чигатой улуси таркибида бўлди.

14-асрнинг 2-ярми – 15-аср 80-йилларигача Тошкент Амир Темур ва Темурийлар давлати таркибида бўлди. 1404 йилда Улуғбек ихтиёрига мулк тарзида берилди. Бу даврда шаҳар воҳа билан кўчманчилар дашти чегарасидаги қучли қалъага айланди, унинг худуди



Шаҳар қурилишларидан бири.

кенгайди, савдо-сотик, маданият ривожланди. Регистон, Шайхонтоҳур ансамблидаги мақбаралар, жомеъ масжид ва бошқалар қурилди.

Тошкент 1485 йилда Мўғулистон хони Юнусхон ихтиёрига ўтди ва унинг қароргоҳига айланди. 1503 йилда Тошкентни Шайбонийхон эгаллаб, шаҳарни бошқаришни ўз амакилари – Суюнчўжахон ва Кўчкинчихонга топширди. Шайбонийлар сулоласи даврида Тошкент янада ободонлашиб, Туркистоннинг ҳунармандчилик, савдо-сотик ва маданий марказларидан бирига айланди. Шаҳар янгитдан девор билан ўралди. Меъморлик обидалари қад кўтарди, уларнинг айримлари (Кўкалдош, Барокхон мадрасалари) бизнинг давргача етиб келган.

18-аср ўрталарида шаҳар гарчи қўлдан-қўлга ўтиб турган бўлса-да, Тошкент 4 қисмга – Шайхонтоҳур, Себзор (Қафқол Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин), Бешёғоч (Зангиота) даҳаларига бўлиниб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Тошкент тарихида бу давр чор (тўрт) ҳокимлик даври деб аталган. 1784 йилда Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган уч даҳа ҳокимлигини ҳам ўз тасарруфига олиб, шаҳардаги тарқоқликка чек қўйди ва мустақил Тошкент давлатини ташкил этди. Тошкент давлати гарчи ўрта Жуз султонлари, айниқса Кўккон хонлари тазйиқида бўлса-да, у қарийб 20 йил фаолият кўрсатди.

Шайхонтохур
тумани.
Бозор гумбази.



19-аср бошларида Тошкент Қўқон хонлиги ихтиёрига ўтди. 1865 йилда Тошкентни Россия қўшинлари босиб олди ва кейинроқ шу ердан туриб Ўрта Осиё хонликларини бирин-кетин мустамлакага айлангирди. 1867 йилдан Тошкент Туркистон генерал-губернаторлиги ва Сирдарё вилоятининг маркази бўлди.

Шаҳарда хунармандчилик ривожланган. Кўпчилик маҳалла аҳолиси қишда бирор касб-хунар билан шуғулланиб, ёзда шаҳар ташқарисидаги ер (мавзе)ларда дехқончилик ва боғдорчилик қилган.

20-аср бошларида Тошкентда 280 га яқин маҳалла, 170 мавзе бўлган. Шаҳарда 156 минг киши яшаган (1897 й.). 19-аср ўртасида Тошкент кўрғони деворининг баландлиги 8 метрга етган; тепасида икки отлик бемалол ёнма-ён юра олган. Девор шимолда Кайковус ариғига яқин жойдан, шарқда Шибли ариғининг ўнг соҳили, жануби-шарқда Бўржар ариғининг юқори қисми бўйлаб, жанубда Зах ариғининг шимолидан ўтган. Шаҳар атрофидаги мавзелар билан боғланиш учун кўрғон деворида катта (дарвоза) ва кичикроқ (қофка) эшиклар бўлган. Шаҳар дарвозаси номи шаҳар ташқариси ва ичидаги кўчаларнинг асосий йўналишига қараб ёки дала мавзелари номига қўйилган.

Шаҳарнинг асосан 12 дарвозаси бўлган. Булар: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза.

1890 йилдан бошлаб Тошкент кенгайиб боргани сари дарвозалар ва шаҳар девори бирин-кетин бузиб ташланди. Дарвоза номларининг аксарияти ҳозирги Тошкент жой номларида сақланиб қолган.



Мирзо Улуғбек тумани.

Дарвозалардан бошланадиган кўчалар нисбатан тўғри ва катта бўлиб, шаҳар ичкарасида асосий маркази — Чорсу бозори билан боғланса, ташқарисида бошқа шаҳар ва қишлоқларга олиб борадиган йўл сифатида давом этган.

Тошкентда бозор қадимдан шаҳарнинг таркибий қисми ҳисобланиб, аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бозор савдо-сотик жойигина бўлиб қолмай, балки ҳунармандчилик ва жамоат маркази вазифаларини ҳам ўтаган. Бозор атрофида устахоналар, ҳунарманд-қосиблар яшайдиган маҳаллалар жойлашган. Чорсу (ҳозирги Эскижўва) бозори энг катта бозор бўлган. У шаҳарнинг геометрик марказида, Тошкентнинг 4 даҳаси туташган ерда жойлашган. Илмий манбаларда 19-аср бошларида бу бозорда қарийб 3000 дўкон, бозор ёнида эса 16 карвонсарой, омборхоналар бўлганлиги қайд этилган. Чорсу бозоридан ташқари шаҳарда 4 махсус бозор бўлган. Бундан ташқари, ҳар маҳалланинг ўз бозорчаси (гузари) ҳам бўларди.

Мозорлар — қабристонлар аксарияти шаҳар деворларидан ташқарида, дарвозаларга яқин жойлашган.

Аҳоли яшайдиган уйлар бир-биридан фарк қилган. Оддий кишиларники содда ва кичик, бадавлатларники кўп хонали, нақшинкор эди. Турар жойлар аксарият ташқари ва ичкари (қўрғон) ҳовлидан иборат бўларди. Ҳовли саҳнида супа бўлиб, ток, тут, ўрик, олма каби мевали дарахтлар экилган. Деярли ҳар бир ҳовлидан ариқ ўтказилиб, унинг сувидан ичилган, экин суғорилган. Уйлар асосан хона (лар), даҳлиз ва айвондан иборат



«Туркистон» концерт зали.

бўлган. Бадавлат кишиларнинг ҳовлисига киришда шийпонли бостирмалар бўлган, уйлари икки қаватли қурилган. Халқ меъморлигида пахса, гувала, хом ғишт ва япалоқ пишиқ ғишт қўлланилган, синчли уйлар кенг тарқалган. Безак сифатида рангдор нақш, ганч, ёғоч ўймакорлигидан фойдаланилган. Равок, ток, гумбазлар кўпроқ мадраса, масжид, мақбара, ҳаммом каби биноларда қўлланилган.

20-асрдан бошлаб Тошкентда аҳоли сони жадал ўсди. Бу асосан подшо, кейин шўро ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати туфайли кўчиб келиш ҳисобига бўлди. Ўлканинг ҳарбий маъмурияти Тошкентни рус қишлоқлари билан халқа шаклида ўраш, шаҳар ёнида шаҳарнинг янги қисмини қуришни кўзда тутган эди ва бунга эришди ҳам. 19-аср охирларидаёқ Тошкент атрофида Россиядан кўчириб келтирилган аҳолидан ташкил топган 16 қишлоқ бўлган. Шаҳар аҳолисининг шаклланишида булар муайян таъсир кўрсатган. 1920 йилда шаҳарда 232,6 минг киши яшаган. Шаҳар аҳолиси сонининг кейинги ўсиши табиий ўсишдан кўра, кўпроқ ташқаридан келиш ҳисобига бўлди. Бу, айниқса, 2-жаҳон уруши йилларида Россия ичкарасидан эвакуация қилинганлар ҳисобига, 1966 йилги зилзиладан кейин эса бошқа республикалардан қурувчиларнинг кўплаб келиши ҳисобига юз берди. 1945 йилда Тошкентда 642,0 минг, 1970 йилда 1384,5 минг аҳоли яшади.

Тошкентда Россиядан бадарға қилинган большевиклар 1917 йил 1 ноябрда темир йўл «мастеровойлари» ёрдамида тўнтариш ўтказиб, ҳокимиятни эгалладилар. 1918 йил 30 апрелдан Тошкент Туркистон АССРнинг пойтахти деб эълон қилинди. 1924



Шаҳар
ҳокимияти
биноси.

йилда пойтахт Самарқандга кўчирилди. 1930 йилдан Тошкент яна пойтахт бўлди.

1941–45 йиллардаги урушда Тошкент саноати бутунлай фронтга хизмат қилдирилди. Тошкент меҳнаткашлари уруш йилларида эвакуация қилинган 300 минг кишини, шу жумладан 200 мингта яқин болани ўз бағрига олдилар. Урушдан кейин шаҳар тез ўсди. 1966 йил 26 апрелда Тошкентда юз берган кучли zilзила натижасида шаҳар жиддий шикастланди. Лекин zilзила оқибатлари анча тез тугатилди. Шаҳар қиёфаси бугунлай ўзгарди, ҳам бўйига, ҳам энига ўсди: кўпглаб турар жой мавзелари, жамоат бинолари, метрополитен қурилди.

1983 йилда Тошкентнинг 2000 йиллик тўйи ўтказилди.

Тошкент шаҳрида машҳур алломалардан Ислоҳ назарийчиси Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафқол Шоший (904–976), нақшбандийлик тариқатининг йирик намояндаси Хўжа Аҳрор (1404–1490), олим ва тарихчи Ҳофиз Кўҳакий (? – 1572), Тошкент ҳақида асар ёзган адиб Зайниддин Восифий (1485–1551), тарихчи, географ олим Муҳаммад Солиҳ Раҳим Қорахўжа ўғли (1830–1890), Туркистонда жадидлик ҳаракати раҳбарларидан бири, маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов (1878–1931), ўзбек матбуотининг илк ташкилотчиларидан бири, жадидлик ҳаракатининг йирик вакили Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (1878–1937), ёзувчи ва шоирлардан Абдулла Қодирий (1894–1938), Ойбек (1905–1968), Фафур Фулом (1903–1966) ва бошқалар яшаб ижод этганлар.

Тошкент метрополитени.
«Алишер Навоий» бекати.



1991 йил 31 августда Тошкентда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Ҳозир Тошкент Ўзбекистон Республикасининг сиёсий маркази ҳамдир. Бу ерда Ўзбекистон Президентининг қароргоҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек ижтимоий ҳаракатлар, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларининг идоралари, чет эл элчихоналари, БМТ ва унинг тизимидаги ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган.

Тошкент бугунги кунда республиканинг энг йирик саноат маркази. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 20%га яқини пойтахт ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда 300 га яқин йирик ва урта корхоналар ишлаб турибди. Тошкентда самолёт, пахта териш ва пахта тозалаш машиналари, трактор, компрессорлар, экскаватор, телевизор ва бошқалар чиқарилади. Бинокорлик материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Тошкент ГРЭС – шаҳар энергетикасининг асосидир.

Тошкент – мамлакатнинг энг йирик темир йўл тугуни. Автомобиль йўллари ва ҳаво йўли тармоқларининг маркази. Шаҳар транспортининг ҳамма тури ривожланган. Тошкент метрополитени бекатлари ўзининг чиройли бадий безаклари билан ажралиб туради.

Тошкент – йирик илм-фан маркази. Бу ерда Ўзбекистон ФА ва унинг 30 дан зиёд илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси, 20 дан ортиқ олий ўқув юрти, жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, жаҳон тиллари университети фаолият кўрсатади. Шаҳарда маданий-маърифий муассасаларнинг кенг тармоғи: кўпжаъза театр, музейлар, концерт заллари, кутубхоналар бор.

Тошкент маъмурий жиҳатдан 11 туманга ажратилган. Булар: Акмал Икромов тумани, Бектемир тумани, Мирзо Улуғбек тумани, Миробод тумани, Сирғали тумани, Собир Раҳимов тумани, Чилонзор тумани, Шайхонтоҳур тумани, Юнусобод тумани, Яккасарой тумани, Ҳамза тумани. Шаҳарга шаҳар ҳокимияти раҳбарлик қилади. Тошкентда 500 га яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи – фуқаролик йиғини (маҳалла қўмитаси) фаолият олиб боради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Тошкентни ободонлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида шаҳарнинг меъморий қиёфасини, анъанавий турмуш тарзини ва маҳаллалараро алоқаларни сақлаб қолиб, унинг тарихан таркиб топган қисмини тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш йўлида катта ишлар қилинди: янги-янги боғлар яратилди, кенг кўчалар, майдонлар очилди, гузал, замонавий иншоотлар қурилди, ҳайкаллар ўрнатилди.



Кечки
Тошкент.

Андижон вилояти

1941 йилда ташкил этилган.
Майдони – 4,2 минг кв. км.
Аҳолиси – 2222,6 минг киши.



Андижон вилояти – Ўзбекистоннинг майдони нисбатан кичик, лекин аҳоли энг зич жойлашган вилоятидир. Унинг майдони республика худудининг 1% часини эгалласа-да, бу ерда Ўзбекистон жами аҳолисининг қарийб 10% яшайди. Вилоят Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган.

Таркибида 14 қишлоқ тумани (Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жалақудуқ, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаорол, Улуғнор, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қўрғонтепа), 11 шаҳар (Андижон, Асака, Марҳамат, Охунбобоев, Пахтаобод, Пойтуғ, Хонобод, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қорасув, Қўрғонтепа), 5 шаҳарча (Андижон, Бўз, Жанубий Оламушук, Куйганёр, Полвонтош) ва 95 қишлоқ фуқаролар йиғини бор.

Маъмурий маркази – Андижон шаҳри (Тошкентдан 497 км; аҳолиси 333,4 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, бошоқли донлар, боғдорчилик, токчилик, пилла етиштириш.

Саноати: фойдали қазилмалар, нефть ва газ қазиб чиқариш, қайта ишлаш, қурилиш саноати, тўқимачилик саноати, автомобиль саноати.

Пахта етиштиришнинг «Андижон технологияси».





«UZ-DAEWOO AUTO» маъмурий биноси.

Вилоятнинг ғарбий қисми қирли текислик, шарқи Фарғона ва Олай тизмаларининг адирларидан иборат. Тоғ тизмалари водийни совуқ ҳавонинг кириб келишидан тўсиб турганлиги учун қишда об-ҳаво Ўрта Осиёнинг қолган ҳудудларига қараганда бирмунча барқарор. Ёзи иссиқ, қиши нисбатан совуқ.

Асосий дарёси – Қорадарё (Сирдарё ирмоқларидан бири) вилоятни шарқдан ғарбга қараб кесиб ўтади. Унинг ирмоқлари – Мойлисув, Оқбўра, Аравонсой ва бошқалар. Дарёларнинг суви сўғориш учун ишлатилади.

Ерининг кўп қисми ҳайдалади. Шунинг учун экинлар кўп экилади. Йил давомида миришкор деҳқон 2–3 мартадан ҳосил олиши мумкин. Боғдорчиликда вилоят анор, анжир, бодом, беҳи, нок, шафтоли, олма, узум етиштириш билан айниқса машҳур. Вилоятда аҳоли сони кўплиги сабабли адирларда боғ яратишга катта аҳамият берилган. Шундай боғлардан энг машҳури «Соҳибкор» мева-токчилик ишлаб чиқариш ширкатлар уюшмаси боғидир.

Андижон вилояти – пахтанинг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги жиҳатидан мамлакатда олдинги ўринларда туради. Айниқса, мустақилликдан кейин деҳқончилик маданияти янада юксалди, пахтачиликда туб ўзгаришлар содир бўлди. 1997 йилдан чигитни кенг майдонларда плёнка остига экиш технологияси жорий этилди. Пахта, ғалла алмашлаб экилиши йўлга қўйилди. Ғуза навларини

Андижон шаҳрининг харита-схемаси.



тупроқ ва иқлим шароитига кўра танлашга эътибор берилди ва ҳ.к. Натижада мамлакатнинг бошқа вилоятларига қараганда ғўза Андижон вилоятида барвақт етилмоқда. 2001 йилда вилоятда сентябрь ойидаёқ 300 минг тоннадан зиёд пахта тайёрланиб, шартнома режаси мамлакатда биринчи бўлиб бажарилди. Ғаллачиликда ҳам «Андижон мактаби» яратилди. Бу ерда етиштириладиган ғалла ҳосилининг ярмидан кўпроғини сара уруғлик ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонининг (томорқа ерларини қўшган ҳолда) 80 фоизга яқини ҳайдалма ердир, яйловлар анча кам майдонни эгаллайди. Сабзавот-полиз экинлари, озуқа экинлари, гречиха ва соя ҳам етиштирилмоқда; пиллачилик яхши йўлга қўйилган (мамлакат пилласининг 15%ини беради). Чорвачилик гўшт ва суг етиштиришга ихтисослашган. Вилоятда 3458 фермер хўжалиги бор.

Вилоятда фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, пахтачилик ва ирригация билан боғлиқ тармоқлар, пахтани қайта ишлаш, машинасозлик ва металлсозлик, электротехника саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё, енгил, озиқ-овқат саноати энг ривожланган тармоқлардир. Вилоят мамлакатда нефть ва газ қазиб чиқаришда салмоқли ўрин тутди. 10 га яқин нефть ва нефть-газ конлари ишлаб турибди. Хўжабод – Андижон – Асака газ қувири бор.

Мустақиллик йилларида вилоят индустрияси ўз таркибини тубдан ўзгартириб, жадал ривожланмоқда. Мавжуд корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг ўзгача шаклига кириб бормоқда. Хусусан, аксарият йирик ва ўрта корхоналар негизида

акциядорлик жамиятлари, хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этилди.

Вилоятда мулкчиликнинг барча турига оид 160 саноат корхонаси бор. Булардан йириклари: Бобур помодаги ип-газлама ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти, «Андижонкабель» акциядорлик жамияти, «Андижонёғмой» акциядорлик жамияти, Андижон «Семурғ» трикотаж акциядорлик бирлашмаси, Андижон ирригация машинасозлиги заводи, Андижон биокимё заводи, Чинобод пахта тозалаш акциядорлик жамияти, «Андижон дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти, Балиқчи нотўқима матолар ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти корхоналари ва бошқалардир.

Вилоятда мингга яқин қўшма корхона, кичик ва хусусий корхона мавжуд. Вилоятдаги қўшма корхоналар бутун вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 50% дан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Урта Осиёда ягона автомобилсозлик корхонаси – Ўзбек–Жанубий Корея «ЎЗДЭУ авто» компанияси Асака шаҳрида жойлашган. Бу корхонада «Нексия», «Тико», «Матиз» автомобиллари, «Дамас» микроавтобуси ишлаб чиқарилади. Вилоятда, шунингдек ривожланган мамлакатларнинг сармоялари жалб қилинган қатор корхоналар ишлаб турибди.

Вилоятда транспортнинг асосий тури темир йўлдор (2459 км). Автомобиль йўлининг умумий узунлиги – 7,2 минг км. Ҳаво йўллари Андижон шаҳрини Тошкент, Москва, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарлар, шунингдек Кавказ, Қрим билан боғлайди.

Вилоятда 738 умумтаълим мактаби, жумладан 24 гимназия, 32 академик лицей, шунингдек ихтисослашган спорт ва мусиқа мактаблари бор. Андижон давлат

«UZ-DAEWOO AUTO» маҳсулотлари.



Заҳириддин Муҳаммад
Бобур – Андижоннинг
фахри.



университети, тиббиёт институти, тиллар, қишлоқ хўжалиги, муҳандислик-иқтисодиёт институтлари, суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар етиштириш илмий тадқиқот институти ишлаб турибди.

Вилоятда бир неча театр, музей, юзлаб кутубхона, клуб, маданият уйи, касалхона ва санаторий муассасалари бор.

Андижон – Фарғона вилоятидаги энг қадимий шаҳарлардан. Милоддан аввалги даврда пайдо бўлган. Буюк ипак йўлида жойлашган. Ўрта асрларда шаҳар Арки мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Араб халифалиги даврида Андукон дейилган. 14-аср 70-йилларида Андижон Фарғона водийси билан бирга Амир Темуր давлати таркибига кирган. Айниқса, Умаршайх Мирзо ва унинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврида анча ривож топган. 19-аср ўрталарида 4 даҳага бўлинган.

1898 йилда подшо ҳукумати маъмурларининг зулмига қарши Дукчи Эшон – Муҳаммад халфа Собир ўғли раҳбарлигида халқ қўзғолони бўлиб ўтди.

Андижон шаҳри кучли сейсмик зонада жойлашган. 1902 йил 16 декабрда 9 балли zilзила бўлиб, маҳаллий аҳоли уйлари бутунлай вайрон бўлди.

Ҳозирги Андижон географик ўрни ва транспорти нуктаи назаридан жуда қулай жойлашган. Бу шаҳар



Бобур ёдгорлик мажмуи.

жануби-шарқий Фарғонанинг муҳим транспорт тугунидир.

Андижонсойнинг қадимий ўзанларида юзага келган бу шаҳар катталиги жиҳатдан Ўзбекистонда тўртинчи ўринда, аҳолиси зичлиги жиҳатдан эса 1-ўринда туради.

Андижон буюк давлат арбоби, саркарда, шоир, машҳур «Бобурнома»нинг муаллифи Заҳириддин Муҳаммад Бобур, атоқли шоир, истиклол курашчиси Абдулҳамид Чўлпон ватанидир. Шунинг учун шаҳарда уларнинг номини абадийлаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Шаҳарнинг марказий майдони Бобур номи билан юритилади; бу ерга унинг отда турган ҳайкали ўрнатилди. Бобур номидаги университет, Андижон вилоят мусикали драма ва комедия театри, вилоят кутубхонаси, Бобур уй-музеи бор. Андижон шаҳрининг жануби-шарқида – Боғишамолда 300 гектар майдонни эгаллаган Бобур миллий боғи мажмуаси («Боғи Бобур») яратилган. Бу ерда унинг рамзий қabri бор. Андижон шаҳрининг марказий қисмида Чўлпон боғи ташкил этилган. Андижон тиллар педагогика институти Чўлпон номи билан аталади.

Муҳаммадқодир
Абдуллаев бокс
бўйича Олимпия
ва жаҳон чемпиони.



Ҳозирги Андижон – йирик саноат маркази. «Андижонмаш», «Андижонирмаш» каби акциядорлик жамиятлари корхоналари пахта заводлари учун ускуналар, қишлоқ хўжалиги машиналарига эҳтиёт қисмлар, насослар, универсал юклагичлар, айланма плуглар, ногиронлар учун аравачалар ва бошқа анжомларни ишлаб чиқаради. Андижонда ишлаб чиқарилган дизель ва насослар, универсал юклагичлар бошқа мамлакатларга экспорт қилинади. Булардан ташқари яна бир қанча замонавий корхоналар, консерва, сут заводлари, гўшт комбинати бор.

Асака, Шаҳрихон, Пахтаобод ва бошқа жойларда янги саноат марказлари юзага келмоқда.

Мустақиллик йилларида шаҳарда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Шаҳар марказидан ўтган Алишер Навоий шоҳ кўчаси ва бошқа катта кўчалар қайта қурилди. Йўл бўйлаб миллий анъаналар ва ҳозирги меъморлик талабларилан келиб чиққан ҳолда янги иншоотлар – «Наврўз» стадиони, Марказий банк вилоят бошқармаси, «Автотеххизмат», теннис корти, Республика шошилинич тиббий ёрдам марказий бўлими бинолари қурилди.

Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи 1999–2000 йилларда қайта таъмирланиб, шарқона услубда «Арк» дарвозаси бунёд этилди. Боғ ичида рамзий бургутга уйғунлаштирилиб қурилган томоша иншооти – амфитеатр ниҳоятда маҳобатли кўринишга эга. Эндиликда вилоят ва шаҳарнинг энг катта тантаналари шу ерда ўтказилади.

Бухоро вилояти

1938 йилада ташкил этилган.
Майдони – 40,3 минг кв. км.
Аҳолиси – 1442,2 минг киши.



Бухоро вилояти майдони жиҳатидан мамлакатдаги энг катта вилоятлардан.

Ўзбекистоннинг марказий ва жануби-ғарбий қисмида жойлашган.

Таркибида 11 қишлоқ тумани: Бухоро, Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Пешку, Ромитан, Шофрикон, Қоровулбозор, Қоракўл, Ғиждувон; 11 шаҳар: Бухоро, Вобкент, Газли, Галаосиё, Когон, Олот, Ромитан, Шофрикон, Қоракўл, Қоровулбозор, Ғиждувон; 3 шаҳарча: Жондор, Зарафшод, Янгибозор; 121 қишлоқ фуқаролар йиғини бор.

Маъмурий маркази – Бухоро шаҳри (Тошкентдан 616 км, 259,0 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, бошоқли ўсимликлар, чорвачилик, пиллачилик, мева ва сабзавотчилик.

Саноати: тўқимачилик, нефть ва газ, нодир металлар казиб олиш, қайта ишлаш.

Вилоят худуди – унда-бунда тепалик, тўлқинсимон паст текисликдан иборат. Энг баланд жойи Қулжуктов тизмасидир (922 м), лекин худудининг 9/10 қисмини Қизилқум эгаллаган. Фақат жанубда, Зарафшоннинг қуйи қисмида – Ғиждувон, Бухоро, Қоракўлда унча катта бўлмаган суғориладиган воҳалар бор.

Иқлими кескин континентал: ёзи иссиқ, узок; июлнинг ўртача температураси 28–32°, қумликларда 60–70° гача кўтарилади. Январнинг ўртача температураси 0° дан – 2° гача.

Сув ресурси чекланган. Асосий дарёлари – Зарафшон ва Амударё. Амударёдан суғориладиган воҳаларга Аму–Бухоро, Аму–Қоракўл машина каналлари ўтказилган. Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл воҳалари пахта ва пиллачиликка ихтисослашган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, биринчи навбатда, пахтани қайта ишлаш ривожланган.

Нодир Девон
беги мадрасаси.



Фойдали қазилмаларга, айниқса табиий газга бой. Бу ерда республика ёнилғисининг катта заҳиралари тўпланган. Гарчи аҳоли зичлиги Ўзбекистон бўйича бу ерда паст бўлса-да (минтақанинг жануби бундан мустасно) табиий газ, полиметалл қазиб чиқариш, рангли металлургия ва кимёнинг ривожланиши жиҳатидан вилоят олдинги ўринларда туради.

Бухоро вилояти иқтисодиётида саноат салмоқли ўринни эгаллайди. 100 дан ортиқ саноат корхонаси мавжуд. Газли газ-нефть кони газ ёнилғисини етказиб беради. Бухоро–Тошкент–Бишқак–Олмаота газ йўли Ўзбекистондаги, шунингдек қўшни мамлакатлардаги истеъмолчиларга газ етказиб беришга хизмат қилмоқда. 1997 йилда Қоровулбозорда ишга туширилган нефтни қайта ишлаш заводи республиканинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнини кондиришга хизмат қилмоқда.

Бухоро вилоятида озиқ-овқат саноати бир неча ўн йиллардан буён мавжуд. Бухоро гўшт комбинати, сутни қайта ишлаш комбинати, нон заводи, Бухоро, Когон, Қорақўл ун комбинатлари, Бухоро ёғ-экстракция заводи акциядорлик жамияти, Бухоро, Ғиждувон мева-сабзавот консерва заводлари, «Шоҳруд» фирмасининг Бухоро вино заводи, Бухоро ва Ғиждувон пиво ҳамда яхна ичимликлар корхоналари ишлаб турибди.

Мустақиллик йилларида вилоят озиқ-овқат саноатида ташкилий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Корхоналар илғор технология билан жиҳозланди. Янги қадоклаш линиялари, Бухоро, Ғиждувон, Қорақўл, Вобкент шаҳарларида Германия

Бухоро шаҳрининг
харита-схемаси.

технологияга асосланган нон цехлари ишга туширилди.

Ғиждувон, Вобкент, Қоракўл, Китоб, Янгибўғ, Олотда «Бухоротекс» акциядорлик жамиятининг филиаллари ишлаб турибди. Бухоро пиллакашлик фабрикаси ва унинг филиалларида пилла қайта ишланмоқда. Бухоро трикотаж кийимлар фабрикасида эркаклар, аёллар ва болаларнинг устки ва ички кийимлари ишлаб чиқарилади. Бухоро тикувчилик фабрикаси, Бухоро ва Ғиждувон пойабзал фабрикаси, Шофирконда Туркия билан ҳамкорликда қурилган «Вардонзи» тикувчилик қўшма корхонаси, Қоракўл заводи қошида Греция билан ҳамкорликда «Омега» қўшма корхонаси ишга туширилди. Бухоро «Зардўз» акциядорлик жамияти, Ғиждувон кулолчилик цехи, гилам туқиш фабрикаси маҳсулотлари мамлакатимизда машхур.

Бухоронинг қадимий дарвозаси.



Бухоро қишлоқ хўжалиги ҳудудий жиҳатдан 2 га: деҳқончилик ривожланган жанубий қисмга ва чорвачилик ривожланган шимолий қисмга бўлинади.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи – пахтачилик, боғдорчилик, тоқчилик, пиллачилик. Чорвачилик ҳам ривожланган. Чорвачилик гўшт-сут, қорақўлчилик ва паррандачиликка ихтисослашган. Қорақўл олинадиган қўй-қўзилар Қизилқум яйловларида боқилади. 4870 фермер хўжалиги бор.

Транспортнинг асосий тури – темир йўл (210,6 км). Вилоят аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 9820 км. Асосий автомобиль йўллари: Бухоро–Туркменистон, Бухоро–Ғузор йўналишлари.

Вилоятда 527 умумий таълим мактаби, 16 касб-хунар коллежи, академик лицей, ихтисослашган мусиқа мактаблари бор.

Бухорода 3 олий ўқув юрти: Бухоро давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Бухоро тиббиёт институти ишлаб турибди.

Театр, музей, юзлаб оммавий кутубхона ва клублар мавжуд.

Бухоро – Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири: 1997 йилда унинг 2500 йиллиги нишонланди. Бухоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси бўлган шаҳарлар рўйхатига кирган туристик марказлардан ҳисобланади.

Арх.





Бухоро шаҳри кўринишларидан бири.

Бу ажойиб шаҳар пайдо бўлган даврдан то 1920 йилгача 16-асрда қурилган қалъа деворидан ташқарига чиқмаган. Ўз тарихи давомида шаҳар бир неча бор вайрон қилинган, ёқиб ташланган, лекин харобалар ўрнида яна ҳаёт қайта кайнаган.

«Бухоро» атамаси санскритча «Вихара» сўзининг туркий-мўғулча шакли – «бухоро» («ибодотхона»)дан келиб чиққан, деб тахмин қилишган. Кейинги тадқиқотларда бу атама суғдийча «буғ» ёки «бағ» («тангри») ҳамда «оро» («жамол») сўзларидан иборат бўлиб, «тангри жамоли» деган маънони англатади, деган фикр илгари сурилмоқда.

Бухоронинг исломга қадар бўлган сиёсий тарихи хусусидаги маълумотлар милодий 7–8-асрлар билан чегараланади. Бухоро 6–8-асрлар бошида Бухорхудотлар ҳокимлиги пойтахти эди. 709 йили уни араб халифалиги фағх этган. 9–10-асрларда эса у Сомонийлар пойтахти бўлган. 999 йил Бухорони Қорахонийлар, 1220 йил мўғуллар босиб олган. 1370 йилдан Амир Темури ва Темурийлар давлати таркибида бўлган. 16-асрдан–Шайбонийлар давлати пойтахти. Шайбонийлар ўз пойтахтларини Самарқанддан Бухорога кўчирганидан сўнг, яъни 1533 йилдан кейин Бухоро хонлиги деб атала бошланган. Аштархонийлар сулоласи барҳам топиб, манғитлар сулоласи ҳукмронлик қила бошлаган даврдан, яъни 1753 йилдан Бухоро амирилиги дейилган. 1920 йил сентябрда шўролар томонидан босиб олинган, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)нинг пойтахти бўлган.

Бухоронинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги илк даврлардан бошлаб бу ерда



Калон масжиди портали.



Ҳокимият биноси.

хунармандчилик тармоқлари – кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, зардўзлик, заргарлик ва ҳ.к., шунингдек савдо-сотик ишлари ривожланишига туртки бўлди. 16-асрдан Бухоро савдо-сотик ривожланган шаҳар сифатида бутун Европада ном қозонди. Бу ерда турли давлатларнинг элчихоналари очилди. Марказий кўчанинг икки чеккаси бўйлаб хунармандларнинг сон-саноксиз устахоналари, дўконлари жойлашган. Ёзда иссиқдан, қишда совуқдан сақланиш учун савдо расталарининг усти тим тарзида бекилган. Савдо кўчаларига турлитуман карвонсаройлар туташган. Карвонсаройлар, савдогарлар қаердан келганлигига қараб шаҳар ёки мамлакат номи билан аталган. Масалан, ҳиндлар карвонсаройи, хитой ёки руслар карвонсаройи, ҳоразмликлар карвонсаройи...

Бош кўча майдонга – регистонга туташган. Регистонда мадраса, хонақо, масжидлар қурилган.

Жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Абдуҳолик Фихдувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар, Рудакий, Дақиқий каби шоирлар, Аҳмад Дониш, Садриддин Айний, Фитрат каби ёзувчи, жамоат арбоблари Бухоро вилоятида туғилиб, шу ерда ижод қилганлар.

Бухоро – бамисоли музей шаҳардир. Вилоят кўриқхона музейи ҳисобида 997 тарихий-меъморий ёдгорлик мавжуд. Булардан энг муҳимлари: Ўрта Осиё меъморлигининг ноёб намунаси Сомонийлар макбарасидир (9–10-асрлар). Бухоро шаҳри киёфасида



Зардўзлик буюмларини тайёрлаш.



Бухоро коракўл терилари дунёда машхур.

Минораи Калон (12-аср) алоҳида ўрин тугади. Баландлиги 50 метр бўлган бу минора Ўрта Осиёнинг шундай ёдгорликлари ичида энг юксагидир.

Жойнинг рельефидан келиб чиқиб таркиб топган шаҳарнинг умумий тархи бугунги кунгача етиб келган. Энг баланд жойда Турондаги қўхна ёдгорликлардан бири саналган Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи — Бухоро арки (милоддан аввалги 1-аср) жойлашган. Ҳозир Аркда Бухоро давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси ўрин олган. Бухоро шаҳри шаҳристониди Мағоки Аттори (12-аср), Намозгоҳ (1119) масжидлари, Чашмаи Айюб макбараси (12-аср) қурилди. Арк олдидаги Регистон майдони савдо жойи бўлиб қолди.

Бухорода ҳозир сақланиб қолган аксарият меъморий иншоотлар шаҳар ҳукмрон сулолалари қароргоҳи ва пойтахти бўлиб келган. 15–18-асрларда қурилган. Ўша даврларда қурилган Улуғбек мадрасаси эшикларига «Билим олиш ҳар бир мусулмон ва муслиманинг бурчидир» ибораси битилган. Масжиди Калон (бир йўла 12 минг одам сиғади), Мир Араб мадрасаси, Қўқалдош мадрасаси (160 хужраси бор), Қўшмадраса (Модарихон ва Абдуллохон мадрасалари), Лабиховуз мажмуоти, Абдулазизхон мадрасаси, Чор Минор, Ситораи Моҳи Хоса саройи энг кўркем меъморий иншоотлардир.

1540-йилларда шаҳар девори қайта тикланди. Аркда 2 дарвоза, Шаҳристонда 7 дарвоза, рабод атрофидаги деворда 11 дарвоза бўлган. Бухоро ёнидаги Сумитан

кишлоғида Чор Бақр ансамбли, Баҳовуддин кишлоғида хонақоҳ ва даҳмалар, Вобкентда баландлиги 40,3 метр бўлган минора қурилган. 20-аср бошида Бухорода 12 маҳалла, 250 дан зиёд мадраса, 390 масжид, қарийб 150 қарвонсарой, 350 тача ҳовуз бўлган.

Қизил армиянинг Бухоро амирлигини тугатиш ва унинг ҳудудида шўролар ҳокимиятини барпо этиш мақсадида уюштирган босқини вақтида (1920 йил 28 август – 3 сентябрь) шаҳар обидаларининг 1/5 қисми вайрон этилган.

Ўзбекистон мустақиллигидан кейинги йилларда, хусусан Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳарда катта ободончилик ишлари олиб борилди. Арк деворлари янгиланди, «Фуриён» дарвозаси қайта тикланди. Эски шаҳардаги барча меъморий обидаларни таъмирлаш ёки қайта тиклаш ишлари олиб борилди.

Бугунги **Бухоро** – ниҳоятда кўркем, обод шаҳар. Кенг ва кўкаламзор кўчалар, боғ ва хиёбонлар очилган. Кўплаб замонавий кўп қаватли уй-жой бинолари, саноат корхоналари бунёд этилган. Шу тарзда эски шаҳар ёнида замонавий янги шаҳар қад кўтарган.

Бухорода 30 дан ортиқ йирик саноат корхонаси мавжуд. Шаҳарда айниқса енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланган. Корхоналарда асосан маҳаллий хом ашё қайта ишланади. Бухоро «Зардўз» акциядорлик жамияти халқ хунармандчилиқ анъаналарини давом эттириб, ҳар хил зар дўппи, тўн, шойи, қийиқ, сўзана, нимчалар ишлаб чиқармоқда. Бухорода қорақўл заводи Ўзбекистондаги энг йирик мўйна саноати корхонасидир. Бу ерда ишлаб чиқариладиган қора, кулранг ва антиқа қорақўллардан тайёрланган маҳсулотлар чет эл бозорида жуда ҳам харидоргирдир.

Бухоро тўқимачилиқ комбинати («Бухоротекс»), пиллакашлиқ фабрикалари, пахта тозалаш, ёғ-экстракция, вино комбинатлари ва бошқа корхоналар ишлаб турибди.

Бухородан 100 км шимоли-ғарбда йирик табиий газ конининг очилиши билан бунёд этилган **Газли** шаҳри жойлашган. Бу замонавий шаҳар 1976 ва 1984 йиллардаги кучли zilзила натижасида анча шикастланган, лекин аста-секин тикланмоқда. Бу ердан табиий газ қувурлар тизими орқали Ўзбекистоннинг тегишли шаҳарларига ва мамлакатдан ташқарига етказиб берилади.

Жиззах вилояти

1973 йилда ташкил этилган.
Майдони – 21,2 минг кв. км.
Аҳолиси – 996,9 минг киши.



Республиканинг марказий қисмида жойлашган.

Таркибида 12 қишлоқ тумани: Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш, Янгиобод, Фаллаорол; 7 шаҳар: Гагарин, Даштобод, Дўстлик, Жиззах, Маржонбулок, Пахтакор, Фаллаорол; 8 шаҳарча: Бўстон, Заробод, Зафаробод, Зомин, Ўснат, Учқулок, Янгиқишлоқ, Қўйтош; 101 қишлоқ йиғини бор.

Маъмурий маркази – Жиззах шаҳри (Тошкентдан 203 км).

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, бошоқли ўсимликлар, чоравачилик.

Саноати: электроэнергетика, қора ва рангли металлургия, кимё ва озиқ-овқат, машинасозлик, қурилиш материаллари.

Вилоятнинг марказий, шимолий ва шимоли-ғарбий қисмларини Мирзачўл ва Қизилқум чўли эгаллаган. Жанубий қисмида Туркистон тизмасининг ғарбий тармоқлари (Молгузар тизмаси), ғарбида Нурота тизмасининг шарқий тармоқлари жойлашган. Бу икки тоғ тизмасини «Амир Темур дарвозаси» деб аталган Сангзор дарёси воҳаси ажратиб туради.

Иклими кескин континентал. Ёзи иссиқ ва қуруқ, киши нисбатан юмшоқ. Январнинг минимал



Сангзор дарёси.
«Амир Темур» дарвозаси.

Зомин қурикхонаси.



Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш.

температураси -27° , июлнинг максимал температураси $+45^{\circ}$ гача. Хавонинг куруклиги ва ёз ойларидаги шамоллар ер юзасидан намнинг буғланишига олиб келади.

Тоғ яқинлиги туфайли иқлими юмшоқ. Тоғ ён бағирлари ғалла етиштириш учун қулай.

Йирик дарёлари – Зоминсув, Сангзор, Зарафшон, Эски Туятортар канали. Булардан ташқари Туркистон ва Нурота тизмаларидан Ачисой, Жалоир, Равот каби кўшпаб сойлар оқиб тушади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси чўл минтақасига хосдир. Туркистон тизмасининг ғарбидаги тоғ ён бағирларида Зомин тоғ-ўрмон кўрикхонаси жойлашган.

Вилоятнинг табиий бойлиги бу ерда саноат айрим тармоқларининг юзага келиши ва ривожланишига имконият берди. Бу ерда гипс, оҳақ, мрамор борлиги туфайли қурилиш саноати тез ривожланмоқда.

Тоғ ён бағирларида рангли металл конлари бор.

Саноатининг етакчи тармоғи – электроэнергетикадир.



Жиззах шаҳрининг
харита-схемаси.

Шунингдек машинасозлик, ёғочни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган.

Вилоятда қурилиш материаллари заводи, сопол қувурлари комбинатлари, пластмасса заводи, бадий буюмлар, тикувчилик, устки трикотаж фабрикалари, 8 пахта тозалаш заводи, 32 пахта тайёрлаш пункти, уйсозлик комбинати ва бошқа корхоналар бор.

Вилоятда қўшма ва кичик корхоналар ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи – пахтачилик; чоравачилик, ғаллачилик, полизчилик, токчилик, пиллачилик ва асаларичилик ҳам ривожланган. 5882 фермер хўжалиги бор.

Асосий транспорт тури – автомобиль транспорти. Автомобиль йўллари узунлиги 4,1 минг км. Асосий йўллари: Жиззах – Гулистон (100 км), Жиззах – Самарқанд (90 км), Жиззах – Пахтақор (27 км), Жиззах – Еттисой (65 км), Жиззах – Тошкент (180 км), Маржонбулоқ – Тошкент (220 км). Темир йўл узунлиги 217,8 км.

Жиззах вилоятида 488 умумий таълим мактаби бор, академик лицейлар, коллежлар, гимназиялар, 2 олий ўқув юрти, ихтисослашган спорт ва мусиқа мактаблари ишлаб турибди. Вилоятда театр, клуб, кутубхона, музейлар ишлаб турибди.

Жиззах шаҳри – жанубда икки тоғ тизмаси оралигидаги пасттекисликда, шимолда чўлли ерда – Санзор дарёси соҳилида, денгиз сатҳидан 470 метр баландликда жойлашган. Қадимда Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Жиззах орқали ўтган.

Жиззах 10-аср араб саёҳлари Ибн Ҳавқал ва

Ғаллачилик
деҳқончиликнинг
асосий
йўналишларидан
бири.



Мақдусийлар асарларида Усрушонга қарашли Факпон вилояти деб тилга олинган. Кейинчалик Дизак («қатъача») деб аталган. Жиззах араблар томонидан фатҳ этилгунга қадар Усрушоннинг йирик шаҳарларидан бўлган. Шаҳарга кираверишдаги қатъалар Кушон подшолиги даврида қурилган. 8-асрда Кандипарак («вилоят девори») билан ўраб олинган. Бухоро хони Абдуллахон II (1557-98) Жиззахга Зарафшондан Туятортар каналини қазиттирган. Жиззах 14-15-асрларда Амир Темур ва Темурийлар салтанати, 16-19-асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги (амирлиги), 19-асрнинг 2-ярмидан подшо Россияси таркибида бўлди. 1916 йилда подшо Россиясининг мустамлакачилик зулмига қарши «Жиззах кўзғолони» номи билан тарихга кирган халқ кўзғолони бўлиб ўтган.

Жиззахда халқ ҳунармандчилиги ривожланган. У йирик савдо маркази бўлиб келган.

Ҳозирги Жиззах – вилоятнинг йирик саноат ва маданият маркази. Шаҳарда мусиқали драма театри, кўплаб клуб муассасалари, кутубхоналар бор. Жиззахда давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов, шоир Ҳамид Олимжон туғилган.

Мирзачўл туманининг жануби-шарқида Жиззахдан 28 км нарида **Ғагарин** шаҳри жойлашган. Бу ерда пахта тозалаш заводи, темир-бетон буюмлари заводи, босмахона ишлаб турибди.

Жиззахдан 25 км нарида, Тошкент – Самарқанд темир йўли ва Катта Ўзбекистон тракти йўли ёқасида **Ғаллаорол** шаҳри жойлашган. Бу ерда суғорма деҳқончилик илмий тадқиқот институти, коллежлар, ихтисослашган мактаблар бор.

Нурота тизмасининг тармоғи – Габдунтоғ этақларида олтин кони асосида **Маржонбулоқ** шаҳри юзага келган.

Навоий вилояти

1982 йилда ташкил этилган.
Майдони – 111,0 минг кв. км.
Аҳолиси – 794,1 минг киши.



Республиканинг марказий қисмида жойлашган.

Таркибида 8 қишлоқ тумани: Конимех, Навбахор, Навоий, Нурота, Томди, Учқудук, Хатирчи, Қизилтепа; 6 шаҳар: Зарафшон, Кармана, Навоий, Нурота, Учқудук, Қизилтепа; 8 шаҳарча: Конимех, Лангар, Маликработ, Мурунгов, Тинчлик, Шалқар, Янгиработ, Ҳозгон; 53 қишлоқ йиғини бор.

Маъмурий маркази – Навоий шаҳри (Тошкентдан 509 км; аҳолиси 120,6 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, бошоқли ўсимликлар, боғдорчилик, қорақўлчилик, пиллачилик.

Саноати: энергетика, тоғ-кон, қурилиш материаллари, олтин қазиб чиқариш.

Вилоятнинг шимоли-ғарбини Қизилқум платоси ишғол қилади, шарқида Нурота тоғ тизмалари чўзилиб кетган, жанубидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади.

Вилоятда табиий бойликлардан вольфрам, фосфорит,

Зарафшон дарёси водийси.





Карьер.

кварцли қум, цемент маҳсулоти, оҳақ бор. Тилла конлари мавжудлиги туфайли бу ерда олтин саноати юзага келди.

Саноатининг етакчи тармоқлари-энергетика, кон-руда металлургияси, кимё, пахта тозалаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати. Энг йирик саноат корхоналари: Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий ГРЭС, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, цемент заводи, «Электрокимё», «Нуротамармар» акциядорлик жамиятлари.

Навоий
шаҳри.

Кон-металлургия комбинати чиқиндиларидан олтин олиш учун Ўзбек-Америка «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ташкил этилди.

Вилоятда 850 дан зиёд давлат, қўшма, кичик ширкат корхоналари бор. «Иттифок», «Навоий», ЭДЭМ кичик корхоналари, «Агама», «Зариспарк» қўшма корхоналари шулар жумласидандир. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари – пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, тоқчилик, қорақўлчилик, пиллачилик.

Чорвачилик сертармоқ соҳа ҳисобланади. Ҳар йили 500 минг дондан зиёд қорақўл тери етказиб берилади. Қорақўл тайёрлашда республикада иккинчи ўринда (Бухоро вилоятидан кейин) туради. Вилоятда 2648 фермер хўжалиги бор.

Темир йўл узунлиги 390,7 км, автомобиль, йўли узунлиги – 4,1 минг км, жумладан 3,3 минг км қаттиқ қопламли. Вилоятдан Тошкент – Туркманистон, Тошкент – Учқудуқ темир йўллари ўтади.

360 дан зиёд умумий таълим мактаби, академик лицей, коллеж, бир неча махсус спорт ва мусиқа мактаби бор. Навоий педагогика институти, Навоий кончилик институти фаолит кўрсагади.

Кўплаб клуб, оммавий кутубхона, музейлари бор.

Кармана шаҳри. Қосим шайх хонақоси.



Учкудук
шаҳри.



Навоий
шаҳри.
Фарходга
ёдгорлик.

Навоий Зарафшон водийсидаги энг навқирон шаҳарлардан. Бу ерда иссиқ чўл иқлими шароитига мос, аҳоли яшаш учун ҳамма қулайликлари бўлган йирик замонавий шаҳар қуришнинг янги усули биринчи бор ишлаб чиқилди ва қўлланди. Шаҳар кўкаламзорлаштирилган. Кўплаб хиёбонлари, фавворалари бор.

Шаҳарга буюк мутафаккир, ўзбек мумтоз шоири Алишер Навоий номи берилган. Шаҳар маданият саройи Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонидаги бош қаҳрамон, мукамал инсоний фазилатлар соҳиби

Навоий шаҳри. Марказий майдон.





Навоий шаҳрининг харита-схемаси.

Фарходга рамзий ҳайкал ўрнатилган. Мустақилликдан сўнг шаҳар бош майдонида Алишер Навоийнинг улкан ҳайкали қад кўтарди.

Қизилқум марказида рангли металл конлари негизида **Зарафшон** ва **Учкудук** каби замонавий шаҳарлар бунёд этилди. Бу ерга электр узатгич йўллари, Амударёдан сув қувири ўтказилган. Зарафшон ва Навоийда меҳнатқашлар дам олишлари учун сунъий кўллар яратилган.

Навоий шаҳри яқинида, Самарқанд–Бухоро йўлида қадимги маҳобатли меъморий ёдгорлик Работи Малик (XI аср)нинг пештоқи ва сардобаси сақланиб қолган. **Нурота** шаҳри ёнида катта булоқ атрофида кўхна қалъа харобаси сақланган.

Зарафшон шаҳрининг умумий кўриниши.



Наманган вилояти

1967 йилда ташкил этилган.
Майдони – 7,4 минг кв. км.
Аҳолиси – 1959,2 минг киши.



Республиканинг шарқий, Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган.

Таркибида 11 қишлоқ тумани: Косонсой, Мингбулок, Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон; 8 шаҳар: Наманган, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Ҳаққуллобод; 12 шаҳарча: Жомашўй, Иттифок, Навбаҳор, Олтинкон, Оқтош, Тошбулок, Уйчи, Уйғурсой, Чоркесар, Ўнҳаёт, Халқобод, Янгиқўрғон; 99 қишлоқ йиғини бор.

Маъмурий маркази – Наманган шаҳри (Тошкентдан 432 км; 382,6 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, боғдорчилик, тоқчилик, пиллачилик, сабзавотчилик, чоравачилик.

Саноати: машинасозлик, электротехника, кимё, тўқимачилик, консерва ишлаб чиқариш ва виночилик.

Вилоят худуди Фарғона водийсининг шимолида, асосан Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Шимолдан Чатқол ва Қурама тоғлари билан ўралган. Иқлими Ўзбекистонда энг юмшоқ иқлимдир. Ёзи муътадил иссиқ, киши илиқ.



Арашан довоғидаги қўл.



Наманган
шаҳри.
Чорсу
майдони.

Иқлим шароити пахта ва бошқа иссиқсевар экинлар экишга қулай. Бу ерда ўрик, анор, анжир, узум, ҳурмо, олма, нок каби ширин-шакар мевалар етиштирилади. Ёғингарчилик кам бўлганлиги учун суғориладиган ерларда деҳқончилик қилинади.

Рангли металл конлари, нефть кони мавжуд.

Энг йирик дарёси – Сирдарё Норин ва Қорадарёнинг қушилишидан ҳосил бўлади. Тоғ ён бағирларидан Сирдарёга Пошшоотасой, Косонсой, Фовасой, Чодаксой, Намангансой ва бошқа сойлар қуйилади.

Кўкламда содир бўладиган сел тошқинининг олдини олиш учун сел сақлагичлар қурилган. Охунбобоев номидаги, Шимолий Фарғона, Катта Наманган каналлари бор.

Саноатининг етакчи тармоқлари – машинасозлик, электротехника, кимё, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати. Энг йирик саноат корхоналари - машинасозлик, автомобиль таъмирлаш, ғишт, ёғ-экстракция, пахта тозалаш, кимё, консерва, вино, яхна ичимликлар заводлари, «Электротерм» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси, пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинати, шойи тўқиш, трикотаж, бадий буюмлар, йигирув фабрикалари. 1992 йилда Мингбулоқда нефть кони очилди.

Кўплаб қўшма, кичик ва ширкат корхоналари фаолият кўрсатади. Ўзбек – Канада «Наврўз» қўшма корхонасида асосан тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи – пахтачилик. Мамлакатнинг 8-9% пахтасини Наманган вилояти

Наманган шаҳрининг
харита-схемаси.



беради. Шунингдек боғдорчилик, тоқчилик, пиллачилик, сабзавот-полизчилик, чорвачилик ҳам ривожланган. Чорвачиликда асосан қорамол, думбали қўй ва ангор зотли эчки боқилади. Вилоятда 3077 фермер хўжалиги бор.

Транспортнинг асосий тури – автомобиль. Автомобиль йўлларининг узунлиги – 5,4 минг км, шу жумладан қаттиқ қопламли йўллар 4,3 минг км. Темир йўли узунлиги – 140 км. Наманган ҳаво йўллари орқали бошқа шаҳарлар билан боғланган.

Вилоятда 646 умум таълим мактаби, шунингдек академик лицей, коллеж, махсус спорт ва мусика мактаблари бор. Университет, муҳандислик-иқтисодиёт институти, муҳандислик-педагогика институти фаолият

Наманганнинг
олмаси...



кўрсатади. Вилоятда театр, оммавий кутубхоналар, клублар, музей, бадий ҳаваскорлик жамоалари ишлаб турибди.

120 касалхона муассасаси, 6 санаторий, 10 дам олиш уйи бор.

Наманган вилоятида Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Исҳоқхон Ибрat, Сўфизода, Чустий каби шоир, маърифатпарварлар туғилиб ижод этишган.

Наманган – аҳолиснинг сони жиҳатдан Фарғона водийсида иккинчи шаҳар. Уни боғ ва гул шаҳри дейишади.

Наманган Фарғона водийсидаги қадимги шаҳарлардан. Шаҳар кўчманчи чорвадорлар ва деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли яшайдиган чегарада вужудга келган. Наманган қишлоғи ҳақида дастлабки маълумот 14-аср охирига тегишли. Зиҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобрунома»сида Наманганни қишлоқ сифатида эслатиб ўтган. Шаҳар туз кони яқинида барпо бўлганлиги учун унинг номи «намак кон» сўзларидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. 18-асрда шаҳар Қўқон хонлигига қарашли вилоят бегининг қароргоҳи бўлган. Бу даврда ҳунармандчилик ва савдо анча ривожланган. 1819–22 йилларда Янгиарик канали қазилиб, шаҳарнинг сув таъминоти анча яхшиланди. 1842–45 йилларда шаҳар атрофи мустаҳкам девор билан ўраб олинди. 1870 йилда Қўқон хонлиги тугатилгач, Наманган уезд шаҳарларидан бири бўлиб қолди. 19-аср охирларида эски шаҳар ёнида рус босқинчилари ўзлари учун муассаса ва турар жой бинолари қурдилар. Натижада «янги шаҳар»



Наманган
шаҳри.
Телемарказ.

вужудга келди. 1912 йилда Кўкон билан темир йўл орқали боғлангандан сўнг саноат корхоналари ҳам курила бошлади.

Ҳозирги Наманган – енгил ва озиқ-овқат саноати маркази. Бу ерда йирик тўқимачилик корхоналари жойлашган.

Наманган атрофи сўлим оромгоҳларга бой. Чортоқсой оқиб тушадиган тоғ тизмалари ён бағрида машҳур «Чортоқ» санаторийси бор. Чўққилари Тяньшаннинг кўм-кўк арчазорларига уланиб кетган Чотқол тизмасининг тоғ яйловларида Пошшоотасойнинг гўзал воҳаси жойлашган. Бу ерда кўпдан-кўп дам олиш зоналари бор.

Намангандан унча узоқ бўлмаган тоғ ён бағридаги пасттекистликда боғ-роғга бурканган Чуст шаҳари ўрин олган. Чуст узоқ даврлардан бери халқ ҳунармандлари, амалий санъат усталари билан танилган. Бу ерда машҳур Чуст пичоклари, турли қишлоқ хўжалик жиҳозлари тайёрланади. Дўппи, бекасам, атласдан хилма-хил кийим тикилади. Чуст бадиий буюмлар фабрикасида дўппидан ташқари сўзана, палак ва бошқа бадиий буюмлар тикилади.

Чустдан пастроқда асрларга тенг чинор ва мажнунтолларга бурканган сўлим Ғова қишлоғи жойлашган.

Баланд тоғ чўққиларига тутшиб кетган қалин ўсимликлар Ғовасой шаршараларига ва соф тоғ ҳавосига уйғунлашиб, меҳнаткашлар ором оладиган масканга айланган.



Чуст
усталари.

Самарқанд вилояти

1938 йилда ташкил этилган.
Майдони – 16,8 минг кв. км.
Аҳолиси – 2718,7 минг киши.



Республиканинг марказий қисмида, Туркистон ва Зарафшон тоғ тармоқлари билан ўралган Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган.

Таркибида 14 туман: Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттакўрғон, Нарпай, Нуробод, Окдарё, Пайарик, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Тойлок, Ургут, Қўшработ; 11 шаҳар: Самарқанд, Булунғур, Жомбой, Жума, Иштихон, Каттакўрғон, Нуробод, Октош, Пайарик, Ургут, Челак; 12 шаҳарча: Дехбед, Зиёвуддин, Ингичка, Кимёгарлар, Лейш, Метан, Мирбозор, Пайшанба, Каттакўрғон сув омбори, Фарход, Хишрав, Чархин; 125 қишлоқ йиғини бор.

Маъмурий маркази – Самарқанд шаҳри (Тошкентдан 354 км; аҳолиси 364,3 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, боғдорчилик, тоқчилик, пиллачилик, тамаки етиштириш.

Саноати: машинасозлик, озиқ-овқат, маиший буюмлар ишлаб чиқариш, лифтсозлик, қурилиш материаллари, тикувчилик, чиннисозлик.



Тоғ қишлоғи.

Ургут тумани.



Вилоятнинг шимолий қисмини Туркистон тизмасининг тармоклари (Нурота тоғи, Оқтов), жанубий қисмини Зарафшон тизмаси ўраб олган.

Вилоят ҳудудида вольфрам, мрамор, гранит, оҳак, гипс ва бошқа конлар очилган (Ғозғон, Омонқўтон, Мойбулок).

Иқлими континентал, қуруқ. Қиши текисликларда юмшоқ, ёзи иссиқ, тез-тез гармсел эсиб туради. Энг йирик дарёси – Зарафшон. Бу дарё Самарқанд шаҳри яқинида Оқдарё ва Қорадарёга бўлинади.

Самарқанд иқтисодиётида индустриал-аграр комплекс юзага келган. Саноатда оғир индустрия, тоғ-кон, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, кимё, қурилиш индустрияси етакчилик қилади. Машинасозлик ва металлсозлик корхоналари қишлоқ хўжалиги техникаси учун эҳтиёт қисмлар, пахта тозалаш саноати учун жиҳозлар, совуғичлар, лифтлар, музлаткичлар ва кичик автобуслар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қурилиш материаллари ва чинни-фаянс идишлари ишлаб чиқарилади. Енгил саноатда пахта тозалаш, тикув, шойи тўқиш, трикотаж, пойабзал ва бошқа корхоналар бор.

Самарқанд қадимдан шойи ишлаб чиқариш билан шуҳрат қозонган. Пиллакашлик ва шойи тўқиш фабрикалари маҳаллий хом ашё асосида ишлайди.

Озиқ-овқат саноатида консерва, тамаки, чой қадоқлаш корхоналари, вино заводи ишлаб турибди. Шаҳарда энг дастлабки саноат корхонаси бўлган Самарқанд вино заводи ўз маҳсулотлари - коньяк, бальзам, винолари билан Ўзбекистондан ташқрида ҳам маълум.

Вилоятда қўшма, кичик, хусусий корхоналар кўп. Улар орасида «СамКочавто» Ўзбек–Турк қўшма корхонаси машҳур.

Қишлоқ хўжалигида пахтачилик, токчилик, тамакичилик ривожланган. Пахта асосан Зарафшон водийсининг суғориладиган ерларида, тамаки Ургут туманида экилади. Айрим жойларда кунжут ҳам етиштирилади.

Вилоят боғлари, токзорлари билан машҳур. Айниқса, Самарқанднинг кишмиши ўзига хос. Текислик ва тоғ этакларида суг ва гўшт олишга ихтисослаштирилган қорамол, тоғ этакларида ҳамда тоғларда думбали қўй ва эчки, Қизилқум, Қарнобчўл ва тоғ этакларидаги даштларда қорақўл қўйлари бокилади. Қорақўл сифатини яхшилаш мақсадида Самарқанд қорақўлчилик илмий тадқиқот институти ташкил этилган.

Зарафшон водийси воҳаларида пилла етиштирилади, асаларичилик ҳам ривожланиб бормокда.

Самарқанд вилоятида 7812 фермер хўжалиги фаолият курсатмокда.

Вилоят ривожланган транспорт тизимига эга. Унинг худудидан темир йўл ва автомобиль йўллари, газ қувурлари, электр тармоқлари ўтган. Қарийб ҳамма муҳим шаҳарларга ва саноат марказларига темир йўл борган. Булар ичида айниқса Самақанд шаҳри муҳим темир йўл тугунидир. темир йўл узунлиги 277 км, автомобиль йўллари узунлиги 8,0 минг км. Ҳаво йўллари орқали бошқа шаҳарлар билан боғланган.

1000 дан зиёд умум таълим мактаби, жумладан академик лицейлар, шунингдек коллежлар, ихтисослашган спорт ва мусиқа мактаблари, университет, 5 олий ўқув юрти бор. Театр, музей, оммавий кутубхоналарнинг кенг тармоғи ишлаб турибди.



Самарқанд
винолари
жаҳонда
машҳур.



Самарқанд боғлари.

Самарқанд шаҳри – аҳолиснинг сони, ҳудуди жиҳатидан ва саноат аҳамиятига кўра мамлакатда Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради. У жаҳон туризм марказларидан ҳисобланади. Шаҳар Зарафшон дарёсининг ўрта оқимидаги чап соҳил тепаликларида жойлашган.

Самарқанд Ўзбекистоннинг қоқ марказида, автомобиль ва ҳаво йўллари тугунидадир. Мана шу ва бошқа қулайликлар шаҳарнинг юзага келиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанд жаҳоннинг энг қўхна шаҳарларидан бири – 2500 йилдан зиёд тарихга эга.

Самарқанд шаҳрининг тарихи унинг қадимий харобаси – Афросиёбдан бошланади. Ҳозирги Самарқанд ўрнида милoddан аввал 4-асрдан милoddий



Самарқанд
чинни заводида.



Самарқанд шаҳрининг
харита-схемаси.

6-асргача Суғд давлати пойтахти Мароканда шаҳри бўлган. Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандар қўшинлари Самарқандни вайрон қилади. 6-асрда бу шаҳар Турк хоконлиги таркибига кирган ва маҳаллий ҳокимлар бошқарган. Самарқандни 712 йили Қутайба бошчилигидаги араб қўшинлари эгаллаган. 8-асрнинг 70–80-йилларида араблар истилосига қарши Муқанна бошчилигида кўзғолон кўтарилган. 9-асрнинг 20-йилларида Самарқанд – Сомонийлар давлати пойтахти. Пойтахт Бухорога кўчирилгандан (889 йил) кейин ҳам Самарқанд Мовароуннаҳрнинг энг йирик хунармандчилик ва савдо марказларидан бири бўлиб қолди. 11-асрдан Самарқанд Қорахонийлар давлати, 12-асрдан Қорахитойлар, 1210 йилдан Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати таркибига кирган. 1220 йилда мўғул қўшинлари Самарқандни эгаллаб, шаҳарга ўт қўйган

Қадимий шаҳар кўринишларидан бири.



Амир Темурга
ёдгорлик.



ва аҳолининг кўп қисмини қириб ташлаган. 14-аср ўрталарида мўғулларга қарши халқ ҳаракатлари натижасида Самарқандда ҳокимиятни сарбадорлар эгаллади. 14-аср охири ва 15-асрда Самарқанд Амир Темур ва Темурийлар салтанатининг пойтахти. Амир Темур ўз пойтахтини мустаҳкамлашга ва ободонлаштиришга алоҳида аҳамият берди.

Бу даврда Самарқанднинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, қўшни давлатлар билан алоқалари янада юксалди. Самарқанд ва унинг атрофида жуда кўплаб ноёб меъморий обидалар қурилди. Бу иншоотларнинг деворларидаги ажойиб мовий кошинлар, уларнинг ғоят маҳорат билан яратилган меъморий шакллари, мураккаб хандасий ва миллий нақшлари ҳозиргача ҳаммани лол

Регистон майдони.





Амир Темур мақбараси гумбази. Бибихоним мадрасаси ховлиси.

қолдириб келяпти. Регистон ансамбли Самарқанднинг эски шаҳар майдонидаги меъморий ёдгорлик бўлиб, 3 мадраса – Улуғбек мадрасаси (1417–1420), Шердор мадрасаси (1619–1636), Тиллақори мадрасаси (1647–1660)дан иборат. Муътабар зотлар дафн этилган 11 мақбарани ўз ичига олган Шоҳи Зинда ансамбли, улкан ва маҳобатли иншоот ҳисобланган Бибихоним мадрасаси ҳам ноёб ёдгорликлар қаторида туради.

Регистон майдонига яқин жойда Амир Темур мақбараси (Тури Амир) жойлашган. Буюк соҳибкирон, унинг фарзандлари, набиралари ва бошқалар дафн этилган даҳмалар устига қурилган мазкур мақбара ўрта аср шарқ меъморчилигининг энг нодир намуналаридандир. Унинг қовурғали улкан мовий гумбази, деворларидаги зангори, ҳаво ранг ва оқ сирли кошинлари ва бошқа безаклари асрлар мобайнида ҳаммани қўйил қилиб келмоқда. 1409 йилда Самарқанд Улуғбекка мулк қилиб берилгач, у Мовароуннаҳр пойтахтига айланди. 15-аср



Шердор мадрасаси.

Шоҳи Зинда
ансамбли.




охирода Самарқандни Заҳириддин Муҳаммад Бобур эгаллади. 1500 йили Шайбонийхон шаҳарни деярли урушсиз босиб олди. 1576 йилгача Самарқанд Шайбонийлар давлатининг пойтахти бўлиб турди. 1758–1868 йилларда Бухоро амирлигига тобе бўлган. 1868 йил 2 майда шаҳарни Россия подшоси кўшиқлари босиб олди.

Шаҳар тарихи Шарқнинг кўзга кўринган мутафаккирлари Рудакий, Хўжа Аҳрор, Жомий, Навоий ва бошқалар номлари билан боғлиқ. Улуғбек Самарқандда астрономлар мактабига асос солди, мадраса ва расадхона курди. Улуғбек яратган илмий мактабдан Ғиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий, Али Қушчи каби йирик илмий тафаккур намояндалари етишиб чикди.

Самарқанд қадимда заргарлик буюмлари, шойи-хонатласлари, духоба ва қоғози, чинни идишлари билан Шарқ мамлакатларида машҳур бўлган. Шаҳарда азим қуёш соати ва Рим шаҳридаги сингарни сув қувури бор эди.

Шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида Улуғбек расадхонасининг қолдиқлари сақланган. Расадхона биноси Улуғбек фармойиши билан 1428–29 йилларда Қўҳак (Чўпонота) тепалигида, Обираҳмат ариғи бўйида бунёд этилган. Расадхона цилиндр шаклида 3 қаватли, баландлиги 30,4 метр бўлган. Расадхонадан сал нарида кўҳна Афросиёб тепалигига дуч келасиз. Афросиёб харобаларида топилган 7–8-асрларга оид деворний расмлар парчаларни бу ернинг мусулмон оламида илгариги санъатидан гувоҳлик беради.

Самарқанднинг қадимги меъморий дурдоналари жаҳон сайёҳлари нигоҳини ҳаминша тортиб туради.



Шоҳи Зинда. Кечки кўриниш.

Самарқанд фақат ўтмиши билан эмас, бугунги жамоли билан ҳам жозибалидир. Бугунги Самарқанд мамлакатнинг йирик иқтисодий ва маданий маркази. Бу ерда машинасозлик, лифтсозлик, суперфосфат, мева-консерва заводлари, трикотаж, чой қадоклаш, тикув, пойабзал, мебель фабрикалари ишлаб турибди. Шаҳар ниҳоятда ободонлаштрилган, кўплаб соя-салқин ҳиёбонлар яратилган. Маданий-маърифий муассасаларнинг кенг тармоғи – опера ва балет театри, драма театри, концерт зали бор. Самарқандда Ўзбекистондаги энг қадимги музейлардан – Ўзбекистон маданият ва санъат тарихи музейи фаолият кўрсатади.

Самарқанд – олий ўқув юртлири маркази ҳамдир. Бу ерда Алишер Навоий номидаги университетдан ташқари тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, архитектура-қурилиш, кооператив, чет тиллар институтлари бор. Бу ерда қоракўлчилик илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон ФАнинг Археология институтлари ишлаб турибди.

Самарқанд атрофида манзарали жойлар кўп, хусусан Оҳақлик ва Омонқўтон гўзал табиати билан машҳур. Бу ерда тоғ ён бағирлари бўйлаб баланд чўккиларга қадар поғона-поғона қилиб дарахтзорлар чўзилган. Сўлим, соя-салқин жойларда санаторий, дам олиш уйлари бор.

Вилоятдаги катталиги жаҳатидан иккинчи шаҳар – **Каттакўрғондир**. Бу ерда машинасозлик, ёғ-мой корхоналари бор.

Самарқанддан 20 км нарида Бухоро йўлидаги Хартанг

Муҳаддислар сўлтони
Имом ал-Бухорий
ёдгорлик мажмуи.



қишлоғида мусулмон оламининг буюк муҳаддиси Имом ал-Бухорий ҳаётининг сўнгида қўним топган ва дафн этилган манзил мавжуд. Бу ерда 1998 йилда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Имом ал-Бухорий мажмуаси қурилди. Бугунги кунда бу жой мусулмонларнинг катта зиёратгоҳига айланди.



Сирдарё вилояти

1963 йилда ташкил этилган.
Майдони – 4,3 минг кв.км.
Аҳолиси – 653,6 минг киши.



Республиканинг шарқида, Сирдарёнинг Фарғона водийсидан чиқаверишдаги чап соҳилида жойлашган.

Таркибида 9 қишлоқ тумани: Боёвут, Гулистон, Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Шароф Рашидов, Ховос; 5 шаҳар: Бахт, Гулистон, Сирдарё, Ширин, Янгиер; 5 шаҳарча: Боёвут, Деҳқонобод, Дўстлик, Сайхун, Ховос; 72 қишлоқ йиғини бор.

Маъмурий маркази – Гулистон шаҳри (Тошкентдан 118 км; 55,4 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, бошоқли ўсимликлар, боғдорчилик, чорвачилик, пиллачилик.

Саноати: машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва тегирмон саноати.

Вилоят ҳудуди асосан тўлқинсимон текислик бўлиб, жанубдан шимоли-ғарбга пасайиб боради. Мирзачўлнинг бир қисми вилоят ҳудудига киради, шарқида Сирдарё водийси жойлашган. Текислик қисми дарёлар оқизиб келтирган ётқизиклардан ҳосил бўлган, баъзи жойларини шўрхок ва ботқоқ ерлар қоплаб ётади. 1920–30 йиллардан янги каналлар, зовурлар қазилиб, чўл

«Алпомиш» спорт комплекси.





Гулистон шаҳри майдонларидан бири.

Ўзлаштирилди ва экин майдонлари кенгайтирилди. Текислик қисми ирригация иншоотлари туфайли пахтазор, боғ, полиз ва тоқзорларга айлантирилди. Адирларда лалмикор ерлар ва яйловлар бор. Ёзи жазирама иссиқ. Совуқ кунларга нисбатан иссиқ кунларнинг узоқ давом этиши пахта, мева ва тоқ парвариши учун қулай. Лекин сувнинг етишмаслиги, тупроқнинг ўта шўрлиги туфайли бу жойларда асрлар давомида ҳаёт умуман бўлмаган. Қудратли каналлар қурилиб, чўл ўзлаштирилгандан кейин бу жойлар мамлакатнинг пахта етиштириладиган муҳим майдони бўлиб қолди.

«Гулистон» меҳмонхонаси.





Гулистон. Ёзи театр.

Вилоятда айрим қурилиш материаллари конлари бор. Саноати асосан пахтачилик ва маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ. Йирик корхоналари – Сирдарё ГРЭС, ёғ-экстракция ва пахта тозалаш заводлари, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, тикувчилик, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари. Вилоятда 1000 дан ортиқ кўшма, кичик ва ширкат корхона бор.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари – пахтачилик, боғдорчилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва бошқалар. Бу ерда ширасининг ўткирлиги ва хушбўйлиги билан машҳуру маълум бўлган Мирзачўл қовуни етиштирилади. Вилоятда 3316 фермер, кўпшаб ширкат, жамоа хўжаликлари фаолият юргизмоқда.

Гулистон бозори.



Гулистон шаҳрининг
харита-схемаси.



Темир йули узунлиги 181,2 км, автомобиль йуллари узунлиги 3,8 минг км.

Сирдарёда 300 дан зиёд умумий таълим мактаблари, давлат университети, академик лицейлар, гимназиялар, шунингдек ўнлаб коллежлар, махсус спорт ва мусиқа мактаблари бор. Клуб, кутубхоналар ишлаб турибди.

Мирзачўлнинг жануби-шарқида унча катта бўлмаган Мирзачўл қишлоғи ўрнида 1963 йилда **Гулистон** шаҳри ташкил этилди. Мирзачўл қишлоғи чўлни ўзлаштиришда асосий марказ бўлиб келган. Саноат корхоналари қурилиши ва маданиятнинг ўсиши билан у аста-секин шаҳарга айланди. Ҳозирги Гулистон меъморий жиҳатдан яхши режалаштирилган, кўкаламзорлаштирилган, замонавий уйларга эга бўлган обод шаҳар.

Гулистоннинг жанубида **Янгиер** шаҳри жойлашган. Бу ерда қурилиш материаллари, темир-бетон ва керамика қувурлари заводлари бор.

Пахта даласи.



Сурхондарё вилояти

1941 йилда ташкил этилган.
Майдони – 20,1 минг кв. км.
Аҳолиси – 1774,4 минг киши.



Сурхондарё вилояти уначалик катта бўлмаса-да, кўп жиҳатдан ўзига хос бўлган фусункор ўлкадир. Вилоят Ўзбекистоннинг энг жанубида, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон чегаралари тугашган ерда жойлашган.

Таркибида 14 қишлоқ тумани: Ангор, Бандихон, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музрабод, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон; 8 шаҳар: Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон; 7 шаҳарча: Ангор, Дўстлик, Какайди, Сариосиё, Сарик, Элбаён, Хуррият; 114 қишлоқ йиғини бор.

Маъмурий маркази – Термиз шаҳри (Тошкентдан 708 км; 112,2 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, боғдорчилик, субтропик ўсимликлар, чорвачилик, қорақўлчилик.

Саноати: озиқ-овқат, енгил саноат, кўмир, нефть, табиий газ, руда, фосфат, нодир ва рангли металлар, туз конлари ва қайта ишлайдиган саноат.

Киркхиз археология ёдгорлиги.





Хисор чуққиси.

Вилоят ҳудуди асосан шимолдан жанубга томон 180–200 км, ғарбдан шарққа томон 70–140 км чўзилган.

Асосий қисмини Сурхон-Шеробод ҳавзаси эгаллайди. Уч томондан Хисор тоғ тизмаларининг давоми бўлган Бойсунтоғ, Кўхитантоғ, Боботоғ билан ўралган. Фақат жануби – Амударё томони очик.

Иқлими қишининг илиқ ва ёзининг иссиқ ҳамда узоклиги билан фарқ қилади. Вилоятнинг жануби-шарқий қисмида ёзда бир неча кун чанг-тўзонли иссиқ ва қурук «афғон шамоли» эсади ва у экинларга катта зарар етказади. Январнинг ўртача температураси $-2,8-3,6^{\circ}$. Ёзда иссиқ $44-46^{\circ}$ етади.

Вилоятнинг манзараси ва рельефи хилма-хил. Асосий табиий зоналари: дарё ҳавзалари, тоғ олди текисликлари, адирлар, тоғлар. Йирик дарёлари: Сурхондарё, Шеробод, Тўпаланг, Сангардак, Хондиза, Хўжаипок, Мачайдарё.

Иқлим шароитининг қулайлиги, ернинг, айниқса, дарё ҳавзаларида унумдорлиги бу ҳудудда жуда қадимдан аҳоли макон топишига, шаҳар маданиятининг юзага келишига олиб келди.

Сурхондарё замини илк ибтидоий одамзод макон топган жой деб ҳисобланади. Бойсунтоғ тизмаларида дарё вохалари бағридаги ғор ва унгурдан макон топган одамлар атрофдаги ўсимлик илдизлари ва ёввойи меваларни териб, жонзодларни овлаш билан кун кечирганлар. Одамзоднинг мана шундай илк



Бойсун тоғларида.

манзилларидан бири ҳозирги Бойсун туманининг Тешиктош ғоридан топилиб ўрганилган. «Неандерталь одам» номи билан машҳур бўлган топилма ўрта полеолит даврига (милоддан аввалги 100-40 минг йилликларга) тааллуқлидир.

Ўзбекистондаги энг кўҳна ёдгорликларнинг аксарияти Сурхондарё вилоятидадир. Холчаён, Далварзинтепа, Айритом, Қизилтепа, Бандихон, Зартепа, Кампиртепа ва бошқалар шулар жумласидан.

Ҳозирги Сурхондарё ҳудуди қадимда Бактрия подшолиги таркибига кирган. Милоддан аввалги 250 йилда вужудга келган Юнон-Бактрия подшолигига Ўрта Осиёнинг катта ерлари қатори Сурхон воҳаси ҳам қараган. Милод бошларида Сурхондарё Кушонлар

Баланд тоғ яйлови.



Коракул
терини
ишлаш.



Ишком.

давлати таркибига кирган. Сурхондарё худудида Кушон даврига оид археологик ёдгорликлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Ахоманийлар ва Юнон-Бақтрия давридан бу ерда ҳозирча 40 шаҳар-манзил маълум бўлган бўлса, Кушон даврига оид 120 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ аниқланди. Аҳоли асосан Шеробод ва Сурхондарё ҳавзаси ёқалаб жойлашган эди. Аҳолининг жойлашиши, катта-кичик шаҳарларнинг вужудга келиши суғориш шохобчалари билан боғлиқ бўлган. Суғориш ҳавзаларидаги марказ шаҳарлар атрофида катта-кичик шаҳарлар жойлашиб, улар ҳар жиҳатдан марказ шаҳарга бўйсунар эди. Марказ шаҳарлар эса, ўз навбатида, Сурхондарёдаги энг йирик шаҳар – Термизга қарам эди. Шу тарзда аҳоли турар жойлари катта шаҳар (Термиз, Чағониён), ўртача шаҳар (Далварзинтепа, Зартепа), шаҳарча (Жандавлаттепа, Талашкантепа ва б.), йирик ва майда қишлоқларга бўлинди.

Археологик қазилшлар натижасида ҳар бир шаҳар қаъридан ўз даври шаҳар маданиятидан дарак берувчи турли-туман ёдгорликлар топилган ва топилмоқда. Хусусан Айритомдан уд, арфа чалаётган созандалар ва бошқа ҳайкаллар, Далварзинтепадан будда ибодатхонаси ва будда ҳайкали, турли шаклдаги қўйма ёмбилар, гардиш буюмлар, билагузуклар, исирға, эркак ва аёлларнинг тақинчоқлари, Холчаёндан хум, тоғора, сопол идишлар, тақинчок, тангалар топилди ва ҳ.к. Булар ажодларимиз турмуши, маданияти ва санъатини ўрганишга ёрдам беради.

Вилоят замини фойдали қазилмаларга бой. Ховдак, Қақайди, Лалмикорда нефть ва газ қазиб чиқарилади. Ўзбекистондаги 3 та йирик кўмир конининг 2 таси Сурхондарёдадир. Булар Шарғун ва Бойсун кўмир



Термиз
шаҳридаги
Амударё
орқали
кўприк.

конларидир. Вилоятда, шунингдек, полиметалл, ош тузи конлари, гипс, гранит, арголит каби қурилиш материаллари конлари бор.

Саноатда пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқлар етакчилик қилади. Вилоятнинг йирик саноат корхоналари: «Жарқўрғоннефть» бошқармаси, Денов ёғ-экстракция заводи, Шўрчи ун комбинати, Шарғун кўмир саноати, Хўжаикон туз кони корхоналари, Шеробод керамика бадий буюмлар заводи ва бошқалар. Вилоятда бир қанча қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида дори-дармон ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Ҳиндистон «Фармед» қўшма корхонаси анча машҳур.

Дарё флоти.



Термиз шаҳрининг
харита-схемаси.



Вилоятнинг табиий-иклим шароити Сурхон–Шеробод ҳавзасидаги суғориладиган ерларда иссиқсевар экинларни етиштиришга имконият беради. Булар ичида пахта етакчилик қилади (экин майдонининг қарийб 50% ни ишғол этади). Ўзбекистонда энг кўп ингичка толали пахта Сурхондарёда етиштирилади. Вилоятнинг тоғ олди туманларида боғдорчилик ва тоқчилик ривожланган.

Сурхондарё боғлари узум, анжир, олма, анордан ташқари цитрус ўсимликлар, айниқса хурмо, лимонга бой. Сурхондарё Ўзбекистонда шакарқамиш етиштириш мумкин бўлган ягона вилоятдир.

Сурхондарёда ўтлоқ ва тоғ ён бағирларида яйловларнинг кўплиги чорвачиликнинг ривожланишига олиб келган. Сурхондарё машҳур ҳисор зотли думбали қўйлар ватани. Бу ерда қорақўлчилик ҳам ривожланган. Жаҳон бозорида жуда кадрланадиган сурхон сури, қорақўл териси шу вилоятда етиштирилади. Вилоятда 3438 фермер ва кўплаб жамоа ва ширкат ҳўжалиги мавжуд.

Вилоят ҳудудидан Тошкент–Термиз–Душанбе темир йўли ўтган. Темир йўл узунлиги 314 км. Автомобиль йўлининг умумий узунлиги 6,1 минг км. Вилоятнинг асосий автомобиль йўли – Катта Ўзбекистон тракти. Тошкентдан бошланган бу йўл Термизда ўз якуний манзилени топган. Термиз яқинида Амударё устидан Афғонистоннинг Хайратон шаҳрини туташтирувчи темир йўл кўприги қурилган. Вилоятда тармоқ транспорти ҳам ривожланган. Сурхондарё вилоятида мамлакатда ягона Термиз дарё порти жойлашган. Термиз ва Сарийосиёда замонавий аэропорт бор.

776 умум таълим мактаби, академик лицей, коллежлар,

ихтисослашган спорт ва мусиқа мактаблари, Термиз давлат университети бор. Юзлаб кутубхона, клуб, музей, театр, республикада ягона Археология музейи, республикада иккинчи ҳисобланган Термиз ҳайвонот боғи ишлаб турибди. Кўплаб касалхона муассасалари, «Жайронхона» физиотерапия шифохонаси ва Н.А.Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий тадқиқот институтининг «Учқизил» бўлими ишлаб турибди.

Термиз шаҳри Амударёнинг ўнг соҳилида, унга Сурхондарё қуйилиш жойида жойлашган. Термиз – Ўзбекистоннинг энг қўхна шаҳарларидан биридир. 2002 йилнинг илк баҳорида унинг 2500 йиллик юбилеи нишонланди. У гоҳ гуллаб ривожланиб, гоҳ душманлар томонидан таланиб-топталиб, вайрон қилинган. Эски Термиз қалъасида будда ёдгорлиги сақланиб қолган. Шаҳар номи «Тарамастха» (бактрча – «нариги соҳилдаги манзил») сўзидан олинган бўлиб, асрлар давомида турлича аталиб келган. 10-асрдан Термиз деб атала бошлаган.

Термиз турли вақтларда Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Қорахитойлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари таркибида бўлган. 1220 йили мўғуллар ҳужуми

Термиздаги дарё порти.



натижасида вайрон қилинган. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида айтилишича, Термиз аҳолиси мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Шунинг учун мазкур шаҳар «Мадинат ур-рижол» («Мардлар шаҳри») деб ҳам аталган.

1407 йили Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон (1384–1411) Термиз шаҳрини қайта қурдирган. 18-асрнинг 2-ярмида Термиз ўзаро урушлар натижасида деярли бутунлай вайрон бўлган. Паттакесар ва Солихобод қишлоқларигина сақланиб қолган. 1894 йилда Термиз ҳаробаларидан 8 км нарида Паттакесар қишлоғида руслар қалъа қурган. Маҳаллий аҳоли уни «Тупрокқўрғон» деб юритган. Ҳозирги Термиз ана шу қўрғон атрофида бунёд бўлган.

Ҳозирги Термиз жуда ҳам гўзал ва обод шаҳар. Айниқса, мустақилликдан сўнг у ниҳоятда ёшариб кетди. «Алпомиш» боғи ва спорт саройи шаҳарнинг фахрига айланди. Бу боғда ўзбек халқининг эпик қаҳрамони Алпомишга улкан ҳайкал ўрнатилган.

Термиз ислом динининг буюк арбобларидан Ҳаким ат-Термизий, Имом ат-Термизий ва яна бир қанча машхуру маълум термизийлар ватанидир.

Катталиги ва аҳолисининг сони жиҳатдан вилоятдаги иккинчи шаҳар **Денов**дир. Бу шаҳар Сангардак ва Сурхондарё оралиғида, денгиз сатҳидан 690 метр баландликда жойлашган. Деновда Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, токчилик ва виночилик корпорациясининг Жанубий Ўзбекистон субтропик ўсимликлари тажриба станцияси жойлашган. «Денов дендрарийси» деб аталган бу масканда табиатнинг 700 дан зиёд ўсимлиги бор.

Денов шаҳар шохбекати.



Лимонарий.



Тошкент вилояти

1938 йилда ташкил этилган.
Майдони – 15,6 минг кв. км.
(Тошкент шаҳри билан).
Аҳолиси – 2384,6 минг киши.



Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг юксак қишлоқ хўжалигига эга бўлган, саноати ривожланган вилоятидир. Республиканинг шимоли-шарқида Тяньшаннинг ғарбий тармоқлари орасида жойлашган.

Таркибида 15 қишлоқ тумани: Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз, Юқори Чирчик, Янгийўл, Ўрта Чирчик, Қибрай, Қуйи Чирчик; 17 шаҳар: Анрен, Бекобод, Бўка, Келес, Олмалик, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Солдатский, Тошкент, Тўйтепа, Чиноз, Чирчик, Янгийўл, Янгиобод, Ғазалкент; 18 шаҳарча: Алимкент, Бўзсув, Гулбаҳор, Зафар, Искандар, Красногорск, Нуробод, Олмазор, Салор, Туябўғоз, Чиғирик, Чорвок, Эшонгузар, Янгибозор, Янги Чиноз, Янгиҳаёт, Ўртаовул, Қибрай; 146 қишлоқ йиғини бор.

Маъмурий маркази – Тошкент шаҳри (2156,3 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, тоқчилик, паррандачилик, чорвачилик, пиллачилик.

Саноати: металлургия, машинасозлик, электр энергияси ишлаб чиқариш, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат.

Чорвок сув омбори.



Куксув дарёси.



Вилоятнинг шимоли-шарқий ва шарқий қисмини Чатқол тизмаси ва унинг тармоқлари – Курама, Пском, Угом ишғол қилган. Вилоятнинг энг баланд нуқтаси Пском тизмасидаги Адолунга (4301 м) ва Бештор (4229 м) чўққиларидир. Худудининг катта қисми жануб ва жануби-ғарбга томон Сирдарё тоғ олди текислигидан иборат.

Иқлими континентал. Қиши кам қорли, нисбатан юмшоқ, ёзи узоқ, иссиқ, қуруқ. Иссиқ апрелдан октябргача чўзилади. Июлнинг ўртача температураси $+26,8^{\circ}$, январники $-1,3^{\circ}$. Июль–август ойларида иссиқ $+43^{\circ}$ гача кўтарилади. Қиши ўзгарувчан ва беқарор. Қор тоғлардагина узоқ туради.

Асосий дарёси – Сирдарё. Унинг ирмоқлари – жўшқин ва шиддатли Чирчик ҳамда шўх ва инжик Оҳангарон дарёси. Оҳангарон ёзда сокин оқса-да, баҳорда шиддатли сув оқими кирғоқларини ювади, йўлда Чирчик дарёси воҳаси.





Бўстонлик тумани. Қайинзор.

учраган нарсани оқизиб кетади. Хар икки дарё Фарбий Тяньшаннинг тоғ олдиларидан бошланади.

Тоғдан оқиб тушган Чирчиқ ва Оҳангарон кенг тоғ олди текислигини ҳосил этиб, кўплаб канал ва сунъий сув омборлари билан кўздан-кўп майдонларни суғоради. Текислик қисми ҳайдалиб, экин экилади. Сирдарё соҳилларида туқайзорлар бор.

Вилоятнинг шимоли ва шимоли-шарқий чеккасидаги Чатқол тоғ тизмаларидан бошланадиган Угом, Пском, Кўксув, Чатқол дарёлари ҳавзалари жуда ҳам манзарали. Айниқса, Тошкент шаҳридан 60 км шимоли-шарқда жойлашган Бўстонлик тумани такрорланмас табиати-ю сўлим гўшалари билан танилган. Бўстонлик иқлими шифобахшдир. У шимол томондан баланд тоғлар билан тўсилганлиги учун бу ерга совуқ шамоллар кирмайди. Бу унинг иқлимнинг юмшоқ бўлишига олиб келади. Тоғлар орасидаги тор дараларда арча, қайрағоч, сада ўсади. Ёввойи мева дарахтларидан ёнғоқ, тоғолча, дўлана кўп. Баланд тоғ ён бағирларида зира, қорақанд ва бошқа хилма-хил доривор ўсимликлар битади. Қишлоқлар ва уларнинг атрофлари кўм-кўк боғлар – олчазор, олмазор, нокзор, узумзорларга бурканган. Бўстонлик, айниқса, йирик ширин апорт олмаси билан машҳур. Умуман Бўстонлик беғубор соф тоғ ҳавоси, муътадил иқлими, зилол суви туфайли меҳнаткашларнинг дам олиш жойига айланган. Бу ерда

Пском дарёси
хавзаси.



жуда кўплаб болалар оромгоҳлари, курортлар, дам олиш уйлари бор. «Хумсон», «Чимён», «Оқтош», «Чатқол» санаторийлари жуда ҳам машҳур. Чатқол тизмаси дараларида жуда ҳам кенг майдонни эгаллаган Чатқол тоғ-ўрмон қўриқхонаси жойлашган.

Вилоят замини, айниқса, Оҳангарон–Олмалиқ ерлари фойдали қазилмаларга бой. Кўнғир кўмир, мис, молибден, кўрғошин-рух, олтин, кумуш ва бошқа нодир металлар бор. Иссиқ ва маъданли сув захираси кўп.

Вилоятнинг иктисодий-географик ҳолати қулайлиги, аҳоли зич жойлашганлиги, катта йўллар шу жойда туташганлиги Тошкент воҳасининг тарихий тараққиётида республиканинг ривожланган йирик индустриал марказига айланишига олиб келди. Сабоат ривожланиши жиҳатидан республикада бошқа вилоятлар орасида биринчи ўринда туради. Унинг ҳудудида мамлакатнинг барча қора металлургияси, рангли металлургиянинг бир қисми жойлашган. Машинасозлик, кимё саноати, электроэнергия, қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати кенг ривожланган. Вилоят ҳудудида республикадаги энг йирик корхоналар, жумладан, металлургия комбинати (Бекобод ш.), мис ва рух эритиш заводларига эга бўлган тоғ-металлургия комбинати (Олмалиқ ш.), қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли материаллар комбинати (Чирчиқ ш.), электркимё комбинати (Чирчиқ ш.), биокимё заводи (Янгийўл ш.) ишлаб турибди.

Енгил саноатда пахта тозалаш ажралиб туради. Бу



Бекобод металлургия комбинати.

тармоқнинг йирик корхоналари Янгийўл, Тошкент, Чиноз, Бекободда жойлашган.

Озиқ-овқат саноатидан ёғ-мой, виночилик, тегирмончилик, қандолатчилик, тамаки саноати ривожланган.

Вилоятда юзлаб давлат, қўшма, кичик корхоналар ишлаб турибди.

Вилоятда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқлари – пахтачилик, боғдорчилик, токчилик, пиллачилик; тоғ этакларида лалмикор деҳқончилик (асосан буғдой ва арпа етиштирилади) ривожланган. Пахтачилик вилоятнинг шарқий ва тоғолди қисмларидан ташқари ҳамма жойида ривожланган. Шунингдек, ғалла, картошка, сабзавот экилади.

Тошкент вилояти каноп етиштирувчи ягона вилоят ҳисобланади. Вилоятнинг ҳамма жойида, айниқса, Тошкент, Янгийўл, Чиноз туманларида боғдорчилик ва токчилик ривожланган.

Сирдарё ва Чирчик этакларида шоли етиштирилади.

Вилоят хўжалигида чоравачилик алоҳида ўрин тутади. Чўл ва яйловларда кўпроқ қўй ва эчки, тоғолди ҳамда тоғли районларда бўрдоқи қорамол, тоғ яйловларида сигир, парранда боқилади. Вилоятда 5 мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил этилган.

Вилоят худудидан республика ичида ва ташқарисида иқтисодий алоқаларни амалга оширишга имконият берадиган темир йўл ва автомобиль йўлининг кенг тармоғи ўтган. Темир йўл узунлиги 354,2 км, автомобиль йўлининг узунлиги 6,6 минг км., бундан 5,9 минг км йўл қаттиқ қопламлидир. Шунингдек ҳаво йўли транспорти ҳам ривожланган.



Тошкент кабель заводи.

Тошкент вилояти маданият, маориф, олий таълим соҳасида бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Бу ерда боғдорчилик, токчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти, пахта селекцияси ва уруғчилиги институти, пахтачилик институти, чорвачилик институти, пиллачилик илмий тадқиқот институти ва бошқа йирик илмий тадқиқот муассасалари ишлаб турибди.

Вилоятда 894 умумий таълим мактаби, академик лицей, коллежлар, махсус спорт ва мусиқа мактаблари ишлаб турибди. Вилоятда кўплаб оммавий кутубхона, театр,

Чирчик.
Минерал
ўғитлар ишлаб
чиқариш.



клуб, музей бор. 141 касалхона муассасаси ва санаторий, 6 дам олиш уйи ва пансионат фаолият кўрсатади.

Тошкент шаҳридан 20 км нарида «Тошкент маъданли суви» курорти жойлашган.

Вилоятнинг Чорвоқдан Сирдарёга қадар бўлган худудида, айниқса Тошкент агломерациясига кирадиган пойтахт атрофидаги шаҳарларда аҳоли зич яшайди. Тошкент агломерациясига кирадиган йирик шаҳарлардан бири Тошкент шаҳридан 32 км шимоли-шарқда жойлашган **Чирчик** шаҳридир. Бу шаҳар республиканинг йирик энергетик, кимё ва машинасозлик маркази. Шаҳар жуда ҳам чиройли планлаштирилган ва кўкаламлаштирилган, замонавий қурилган.

Тошкентдан 30 км жануби-ғарбда тўлқинсимон текисликда **Янгийўл** шаҳри жойлашган. Шаҳар саноатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосий ўрин тутади. Шаҳар корхоналари ичида республикада энг йирик ҳисобланган қандолатчилик комбинати, консерва, виночилик ва ёғ-мой заводлари бор. Шаҳар ям-яшил боғ-роғларга бурканган.

Тошкент шаҳрининг шарқий томонида Оҳангарон дарёси хавзасида **Олмалик, Ангрен, Оҳангарон** шаҳарлари жойлашган. Рангли металл, қўнғир қўмир, қурилиш материаллари корхоналари билан боғлиқ равишда юзага келган ушбу шаҳарлар типик индустрия шаҳарларидир.

Қоранкулсой.



Олмалиқ – рангли металлургия ва кимё саноатининг йирик марказларидан биридир. Бу ерда кон-металлургия комбинати ва кимё заводи ишлаб турибди.

Ангрен шаҳри Ўрта Осиёда йирик кўмир кони негизда барпо этилган. Бу мамлакатнинг энг обод ва гўзал шаҳарларидан биридир.

Оҳангарон – қурувчилар шаҳри. У қурилиш материаллари, айниқса цементи билан машҳур.

Чатқол тизмасининг баланд тоғлари бағрида денгиз юзасидан 1350 метр баландликда **Янгиобод** шаҳри жойлашган. Бу ерда ниҳоятда манзарали ва сўлим дам олиш зонаси бор.

Бекобод – Ўрта Осиёдаги ягона қора металлургия марказидир. Бу ерда Ўзбекистон металлургия заводи ишлаб турибди. Бекобод цемент комбинати Ўзбекистондаги қурилиш материаллари саноатининг йирик корхонасидир. Комбинат цементдан ташқари шифер, асбоцемент қувурлари ишлаб чиқаради.

«Чимён» оромгоҳи.



Фарғона вилояти

1938 йилда ташкил этилган.
Майдони – 6,7 минг кв. км.
Аҳолиси – 2709,3 минг киши.



Мамлакат шарқида, Фарғона водийсининг жанубий қисмида жойлашган.

Таркибида 15 қишлоқ тумани: Бағдод, Бешарик, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Олтиарик, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Тошлок, Учкўприк, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон, Кува; 9 шаҳар: Бешарик, Марғилон, Риштон, Фарғона, Яйпан, Кува. Кувасой, Қўқон, Ҳамза; 10 шаҳарча: Бағдод, Данғара, Дўстлик, Ёзёвон, Муқимий, Олтиарик, Тошлок, Чимён, Шўрсув, Янги Марғилон; 164 қишлоқ йиғини бор.

Қишлоқ хўжалиги: пахтачилик, бошоқли ўсимликлар, сабзавотчилик, тухум, гўшт, асал, чорвачилик ва йилқичилик.

Саноати: нефть казиб олиш ва қайта ишлаш, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, халқ эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, туқимачилик, кимё саноати.

Маъмурий маркази – Фарғона шаҳри (Тошкендан 419 км; 187,3 минг киши).

Ахсикент – Фарғона водийсининг қадимги пойтахти.





Катта Фарғона канали гидроқурилмалари.

Фарғона водийси – Ўрта Осиёдаги энг нодир жойлардан. Бу ерда табиатнинг ҳамма манзарасини кўриш мумкин. Водийнинг ажойиб табиатида бўз ва ўтлоқиботқок тупроқ, адирлардаги оч ва типик бўз тупроқ ям-яшил пахта далалари-ю тутзорлар, баланд тоғ ўтлоқлари, оппоқ қорли ҳурвиқор тоғ чўққилари билан алмашинади.

Водийнинг жанубий қисмини республикада аҳоли анча зич яшайдиган минтақа – Фарғона вилояти эгаллайди. У аҳолиси сони жиҳатидан водийда энг олдинги ўринда туради.

Бу ернинг иқлими Ўзбекистонда энг юмшоқ ҳисобланади. Ёзи нисбатан мўътадил иссиқ, киши унча совуқ эмас. Январда ўртача температура $-2,7^{\circ}$, минимал температура -27° , июлда ўртача температура $+26,4^{\circ}$, максимал $+42^{\circ}$.

Ёнғингарчилик нисбатан кам бўлади. Шу сабабли ҳам деҳқончилик суғориш маданиятига асосланган. Водийнинг кўплаб дарёлари суғоришда катта аҳамиятга эга. Энг асосий дарёси – Сирдарё. Атрофидаги тоғлардан Сирдарёга Сўх, Исфара, Оксув, Шоҳимардонсой, Косонсой, Окбўра ва бошқа дарёлар оқиб тушади.

Кенг суғориш тармоқлари водийни жаннатмакон ўлкага айлантирди. Уни «Ўзбекистон марвариди» деб бежиз аташмаган. Дарёлар оқимини бошқариб туриш учун улкан сув иншоотлари – Катта Фарғона ва Жанубий Фарғона каналлари, Каркидон, Кўрғонтепа сув омборлари барпо этилган.



Вилоят ер қаърида нефть ва газ топилган. Шунингдек цемент маҳсулоти, қурилиш қумлари, оҳак ва бошқа кон захиралари бор.

Фарғона вилояти мамлакат халқ хўжалиги тизимида учинчи ўринда туради. Саноатнинг етакчи тармоқлари – ёқилғи-энергетика, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, пахта тозалаш ва қайта ишлаш, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ва бошқалар.

Кимё саноатининг энг йирик корхоналари Фарғона ва Қўқон шаҳарларида жойлашган. «Азот» ишлаб

Марғилон шойи туқиш комбинатида.



Фарғона шаҳрининг
харита-схемаси.



чиқариш бирлашмаси кимёвий толалар заводи, фуран бирикмалари кимёвий заводи, ўғит ишлаб чиқарадиган суперфосфат заводи ва бошқалар шулар жумласидан.

Вилоятда нефтни қайта ишлайдиган 2 та завод бўлиб, бири Фарғонада, иккинчиси Олтиариқда жойлашган.

Қўқондаги цемент заводи республикада ишлаб чиқариладиган цементнинг тўртдан бир қисмидан кўпрогини беради. Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирмашмаси, ипак комбинати, Қўқон ва Фарғонадаги пойабзал фабрикалари енгил саноатнинг муҳим корхоналаридир.

Вилоятда қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда.

Кишлоқ хўжалигида пахтачилик етакчи тармоқдир. Пиллачилик, боғдорчилик, чоравачилик, асаларичилик, сабзавотчилик ҳам ривожланган. Чорвачилик гўшт-сутга ихтисослашган. Тоғ олди яйловларида қўй-эчки боқилади. Боғларда кўпроқ урик устирилади. Анор, анжир, олма кўп. Токзорларда юқори навли узумдан мўл ҳосил олинади.

Вилоятда 4216 фермер, кўплаб жамоа ва ширкат хўжаликлари ишлаб турибди.

Транспортнинг барча турлари ривожланган. Темир йўл – узунлиги – 227,8 км, автомобиль йўли узунлиги – 8,6 минг км, шу жумладан қаттиқ қопламали йўллар 8,5 минг км.

Вилоятда 863 умумий таълим мактаби бор, академик лицейлар, бир неча коллеж, махсус спорт ва мусиқа мактаблари ишлаб турибди. Давлат университети, педагогика институти, айрим Тошкент олий ўқув юртларининг бўлимлари бор. Вилоятда кўплаб театр, клуб, оммавий кутубхона, музей, санаторий, дам олиш уйлари бор.

Фарғона шаҳри Фарғона водийсининг жанубида жойлашган. Бу чинакам шаҳар-боғдир. Асрларга тенг чинорлар, мажнунтол, мирзатераклар кўча ва хиёбонларга узгача файз бериб туради.

Фарғона – нисбатан навқирон шаҳар. Унга 1877 йилда Марғилондан унча узоқ бўлмаган жойда асос солинган. Дастлаб Янги Марғилон, 1907–24 йилларда Скобелев (махаллий талаффузда – Искобил) деб аталган. 1919 йилдан Фарғона деб юритилади.

Фарғонада буюк астроном, математик ва географ Аҳмад Фарғоний туғилиб улғайган. Машҳур фикҳ олими Бурҳониддин Марғиноний Фарғонанинг Риштон кишлоғида туғилган. Кўкон шаҳри Муқимий, Фуркат, Ҳамза каби шоирлар ватани.

Фарғона шаҳри кўп тармоқли саноат корхоналарига эга. Булар орасида тўқимачилик комбинати, пиллачилик фабрикаси, нефтни қайта ишлаш заводи, кимёвий тола ва фуран бирикмалари заводи ва бошқалар бор.

Фарғона – йирик маданият маркази. Бу ерда дам олиш учун ҳамма шароит – театр, стадионлар, боғ, клублар, кутубхоналар бор. Айниқса мустақилликдан сўнг катта қурилишлар олиб борилди. Шаҳар марказида барпо этилган 21 гектарли Аҳмад ал-Фарғоний боғи Фарғона меҳнатқашларининг энг сеvimли гушаси бўлиб қолди.

Фарғона шаҳрида қадимги меъморий ёдғорликлар



Аҳмад ал-Фарғоний
ҳайкали.

Фарғона
водийси
боглари.



йўк, лекин унинг атрофида такрорланмас хушманзара жойлар кўп. Шаҳардан жанубда, Шоҳимардонсой воҳасида, Олтой тизмасининг шимолий тармоқларида «Ҳамзаобод» тоғ-иқлим курорти жойлашган. Бу ернинг иқлими юмшоқ, ҳавоси тоза, айниқса, дарё бўйлари сўлим. Кўксувнинг юқори қисмидаги Куббон кўли сайёҳларнинг энг сеvimли жойи ҳисобланади.

Меъморий ёдгорликлар асосан **Кўкон** шаҳрида жойлашган. Кўкон меъморлигининг шаклланиши 18-асрдан бошланади. Ҳозиргача шаҳарда сақланган меъморий ёдгорликлардан энг кўҳнаси Мадрасаи Мир номи билан халқ орасида машҳур бўлган Норбўтабий мадрасасидир. Даҳман Шоҳон ансамбли 19-асрнинг 20-йилларида қурилган. Худоёрхон ўрдаси – Кўкондаги муҳим меъморий ёдгорлик (19-асрнинг 70-йиллари).

Олой тизмасининг тоғ олдидаги Олтиариқсой воҳаси марказида боғ-роғга бурканган Чимиён қишлоғи жойлашган. Бу қишлоқ ўзининг шифобахш маъданли суви билан машҳур. Шу жойдан ўрин олган «Чимиён» санаторийси Ўрта Осиёдаги энг йирик саломатлик масканидир.

Фарғона шаҳридан 6 км нарида Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарларидан **Марғилон** жойлашган. Жанубий Фарғонанинг марказий қисмидаги бу шаҳар қадимдан ўзининг ипак матолари билан машҳур. Марғилон атласи шаҳар номини бутун жаҳонга таратди. Бугунги кунда замонавий жиҳозлар билан таъминланган Марғилон ипак комбинати, «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига мамлакатимизда ва ҳорижда талаб катта.

Хоразм вилояти

1938 йилда ташкил этилган.
Майдони – 6,1 минг кв. км.
Аҳолиси – 1350,1 минг киши.



Мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган. Қадимий суғориш маданиятига эга бўлган кўхна вилоятлардан.

Таркибида 10 қишлоқ тумани: Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиарик, Янгибозор, Қўшқўпир, Ҳазорасп; 3 шаҳар: Дўжба, Урганч, Хива; 7 шаҳарча: Гурлан, Хонқа, Чалиш, Шовот, Янгибозор, Қўшқўпир, Ҳазорасп; 100 қишлоқ йиғини бор.

Маъмурий маркази – Урганч шаҳри (Тошкентдан 1119 км; 139,1 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: пахта, шоли, буғдой, узум, қовун, картошка етиштириш, чорвачилик, қорақўлчилик.

Саноати: енгил, озиқ-овқат, машинасозлик, пахтани қайта ишлаш, тегирмончилик.

Хоразм вилояти ўзининг табиий шароити билан республикадаги бошқа вилоятлардан фарқ қилади.

Шовот канали.



Урганч.
«Жайхун»
МЕХМОНХОНАСИ.



Ўзбекистоннинг ғарби ва жануби-ғарбидаги Қорақум чўлининг кенг бўшлиқларида бу вилоят бамисоли пахта, пичанзорларга, боғ-роғ, узумзорларга бурканиб турган ям-яшил оролни эслатади. Хоразм вилояти Амударёнинг қуйи қисмидаги аҳоли энг зич жойлашган ва жаҳонда пахта экиладиган энг шимолий минтақадир.

Вилоят ер юзаси Амударёнинг қадимги дельтасидаги паст текисликдир. Иқлими кескин континентал. Қиши муътадил совуқ, кам қорли; ёзи иссиқ, қуруқ. Қишдаги минимал температура -32° гача, ёзда максимум $+44^{\circ}$ гача. Ягона сув томири - Амударё. Унинг сувидан экин майдонларини суғоришда кенг фойдаланилади. Вилоят ҳудудида Амударё ботиғи ва паст ҳавзалари бўлиб, уларни кўпинча сув босади.

Вилоятда Тошсоқа, Полвон, Ғазавот, Шовот, Урганчарна ва бошқа суғориш каналлари, Туямўйин сув омбори қурилган.

Хоразм вилоятида қурилиш материалларининг бир қанча қонлари очилган. Унинг хўжалиги агроиндустриал комплексдан иборат.

Саноатида энгил ва озиқ-овқат етакчилик қилади. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги хом ашёсига ишлов берувчи саноат ривожланган.

100 дан зиёд йирик саноат қорхонаси – пахта тозалаш, ёғ-экстракция, қанд заводлари, пиллачилик, тикувчилик фабрикалари, гиламдўзлик комбинати ва бошқалар бор. Кўплаб қўшма ва кичик қорхоналар ташкил этилган.

Қишлоқ хўжалиги деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат. Асосий тармоғи пахтачилик. Пахта ҳосилдорлиги республика бўйича анча юқори бўлиб, барвақт етиладиган ўрта толали пахта нави кўпроқ экилади.

Хоразм республикада шоли экиладиган етакчи

вилоятдир. Кенг майдонларда жўхори экилади. Беда уруғининг энг яхши нави Хоразмда етиштирилади. Ковунтарвузнинг Хоразм нави ўзига хос таъми ва ширинлиги билан ажралиб туради. Бу ерда қадимдан пиллачилик ривожланган.

Вилоят хўжалигида чорвачилик, кўпроқ қорақўлчилик муҳим ўрин тутди. Паррандачилик айниқса тез суръатлар билан ўсмоқда.

Вилоятда 3739 фермер, юзлаб жамоа ва ширкат хўжаликлари бор.

Темир йўл узунлиги 128,7 км, автомобиль йўллари узунлиги 3,8 минг км, шундан 3,5 минг км қаттиқ қопламали. Урганчда йирик халқаро аэропорт бор.

Вилоятда 508 умумий таълим мактаби бор. Гимназия, академик лицей, коллежлар, махсус спорт ва мусиқа мактаблари, давлат университети, шунингдек Тошкент иқтисодиёт университети ва Тошкент тиббиёт институтининг бўлимлари ишлаб турибди.

Кўплаб театр, оммавий кутубхона, клуб ва музей фаолият кўрсатади. Вилоят ҳудудида «Ичан қалъа» тарихий-меъморий кўриқхона музейи жойлашган. Тикланган меъморий ёдгорликлар ичида музейлар очилган.

Соғлиқни сақлаш тизимида касалхона муассасалари, санаторий, дам олиш уйлари бор.

Хоразмда саноат марказлари ва шаҳарчалари нисбатан кам.

Урганч шаҳри (собик Янги Урганч) – Хоразм вилояти маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Бу шаҳар Хива хонлигининг савдо қишлоғи ўрнида 17-асрда бунёд этилган. Амударёнинг қуйи оқими чап соҳилида жойлашган.

Ўтмишда қадимги Хоразм давлатининг пойтахти ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа тумани ҳудудидаги Тупроқ қалъа шаҳар харобаси ўрнида бўлган. Милоннинг бошларида Хоразмда жуда мустаҳкам девор билан ўралган мана шундай шаҳарлардан, истехкомли қишлоқлар кўп бўлган. 10–14-асрларда Хоразм давлатининг пойтахти ана шундай шаҳарлардан бири Урганч (кейинчалик Қўҳна Урганч)га кўчди. Шаҳарнинг асл номи Гурганж; араб географлари асарларида Журжония деб тилга олинади. 11–12-асрларда Гурганжда маданият ва санъат раванқ топди. 1221 йилда мўғул кўшинлари шаҳарни 6 ой қамал қилиб ололмагач,

Урганч шаҳрининг
харита-схемаси.



Амударёни тўсиб турган тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостирди. Шундан кейингина мўғуллар шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлди.

Амир Темури хукмронлиги даврида (1388 йилдан бошлаб) Гурганж харобасининг шимолий чеккаси яна ободонлаштирилади бошланди. 17-аср ўрталарида Хива хони Абулғозий Баходирхон (1603–64) ҳозирги Урганч шаҳрига асос солди ва бу шаҳарга Гурганж шаҳри аҳолисини кўчирди. Шундан кейин қадимги шаҳарнинг номи Кўҳна Урганч бўлиб қолди.

Хоразм ўзининг илғор мутафаккирлари – Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний билан машҳур. Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси шоир Хоразмий (14-аср), маърифатпарвар шоирлар Мунис Хоразмий (1778–1829), Огаҳий (1809–1874), Феруз (1844–1910) ва бошқалар Хоразмда туғилиб, яшаб ижод этишган.

Ҳозирги Урганч – йирик маданият маркази. Шовот канали шаҳар ўртасидан ўтиб, Урганчни шимолий ва жанубий қисмларга ажратган. Шимолий қисмида, асосан, турар жой бинолари, илмий ва маданий-маърифий муассасалар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари; жануб қисмида эса ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган. Ҳар иккала соҳил бир-бири билан кўприклар орқали боғланган.

Урганчдан жануби-ғарбда Полвон каналининг соҳилида Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири **Хива** жойлашган. Хива – улкан меъморий кўриқхона шаҳардир. Бу – Ўрта Осиёда меъморий ансамблининг яхлитлиги жиҳатидан тўла сақланган ягона шаҳар. Бу ерда Ўрта Осиё бинокорлигининг бадиий

анъанаси ниҳоятда ёрқин ва тўла акс этган. Яхлит меъморий ансамбль ташкил қилган бу ердаги масжид, мақбара, мадрасалар маҳобатли кўриниши, сиркор кошинлари билан хануз сайёҳларни лол этмоқда. Булар орасида айниқса Тошҳовли саройи, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Оллоқулихон мақбараси, Исломужа минораси, Қалта минор, Кўҳна арк, Дишан қалъа фусункордир. Хивага 10-асрда асос солинган. Шаҳар чулнинг қок ўртасида, қум устида, савдо йўлида жойлашган. 17-асрдан шаҳар – Хива хонлигининг пойтахти бўлди. Узоқ вақт муслмон оламининг йирик маънавий марказларидан бири бўлиб келди. Хиванинг меъморий биноларида фақат умуминтақавий хусусиятлар эмас, балки конкрет тарихий ва табиий шарт-шароитдан келиб чиққан соф маҳаллий хусусият ва услублар ҳам акс этган. Кўчманчи уришқок қабилалар билан яқин қўшнилик, қурук, совуқ иқлим бу ердаги уй-жой ва қўрғонлар қурилишида ўз аксини топган. Ўзига хос истеҳкомни эслатадиган ҳар бир ҳовли мана шу шароитдан келиб чиқиб қурилган. Баланд деворлар билан ўралган Ичан қалъа шахристон сифатда юзага келган. У Шарқнинг шахристонлари тарзида



Жалолиддин
Мангуберди
хайкали.

режалаштириб қурилган. Ўзаро кўндаланг кесишган иккита катта кўча, шу кўчалардан 4 дарвоза (Боғча дарвоза, Полвон дарвоза, Тош дарвоза, Ота дарвоза) орқали рабодга – Дишан қалъага чиқилган. 19-аср бошларида Хоразм хони Оллоқулихон Хивани ташқи хужумдан сақлаш учун 6 км кўрғон-девор билан ўраган. Дишан қалъада 10 дарвоза бўлган.


Хива 19-асрда Бухоро билан бир қаторда йирик маданият маркази бўлган. Бу ерда ислом оламида машҳур бўлган кўпдан-кўп мадрасалар жойлашган.

Хиванинг бадий обидалари бугунги кунгача сақланиб қолган. Улар устида мунтазам илмий тадқиқотлар олиб борилади, ўрганиб, қайта тикланади. Шу тарзда Хива узоқ тарихнинг гувоҳи сифатида яшаб келмоқда. Шаҳар қадимий ёдгорликлар маркази сифатида ЮНЕСКО томонидан рўйхатга олинган. Хоразмда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан Маъмур академияси тикланди.

Хива йирик бадий ҳунармандчилик маркази. У ўзининг ёғоч ўймакор усталари, сангтарошлари, заргарлари, зардўзлари, гиламдўзлари билан машҳур.

Хивада ёғ-мой ва пахта тозалаш заводлари, тикув фабрикаси, йирик гилам комбинати, туристлар учун сувенирлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ишлаб турибди.

Хива. Шаҳарнинг умумий кўриниши.



Қашқадарё вилояти

1943 йилда ташкил этилган.
Майдони – 28,6 минг кв. км.
Аҳолиси – 2215,8 минг киши.



Қашқадарё майдони жиҳатидан мамлакатда йирик вилоятлардан бири.

Республиканинг жануби-шарқида, Қашқадарё ҳавзасида жойлашган, ғарбидан Помир–Олай тоғ тизмаси ўраб туради.

Таркибида 14 қишлоқ тумани: Баҳористон, Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Муборак, Нишон, Усмон Юсупов, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Фузор; 12 шаҳар: Бешкент, Китоб, Косон, Муборак, Янги Нишон, Талимаржон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Фузор; 4 шаҳарча: Дехқонобод, Яккабоғ, Қашқадарё, Қорашина; 145 қишлоқ йиғини бор.

Маъмурий маркази – Қарши шаҳри (Тошкентдан 558 км; 200,9 минг киши).

Қишлоқ хўжалиги: бошоқли ўсимликлар, пахтачилик, сабзавотчилик, пиллачилик.

Саноати: нефтни, табиий газни, олтингугуртни, рухни, мрамар ва тузни қазиб олиш ва қайта ишлаш, туқимачилик, озиқ-овқат.

Яйлов.





Кашқадарё манзараларидан бири.

Вилоятнинг шимоли ва шимоли-ғарбини Қарши чўли, жанубини Нишон чўли, жануби-ғарбини Сандикли ва Қизилқум чўллари ишғол қилади. Шарқий қисмида Китоб–Қамаши тоғ олди текисликлари жойлашган.

Иқлими кескин континентал, аксарият субтропик, қуруқ. Вилоятнинг шимоли-шарқи, шарқи ва жанубидан ўраб турган баланд тоғ тизмалари вилоят ҳудудига совуқ ҳаво оқими кириб келишига тўсқинлик қилиб, ғарбий нам ҳаво оқимини муътадил ушлаб туради. Қиши насбатан юмшоқ, ёзи иссиқ, қуруқ, узок давом этади. Асосий дарёси – Қашқадарё. Унинг ирмоқлари – Жиннидарё, Оксув, Яккабоғдарё, Танҳождарё, Ғузордарё. Дарёлар қор, ёмғир ва музлик сувларидан тўйинади.

Сув омборлари ва сугориш каналлари Китоб–Шаҳрисабз, Ғузор–Қамаши каби сугориш деҳқончилиги воҳасини юзага келтиради.

Вилоят ҳўжалигида энг ривожланган тармоқ – табиий газни қазиб олиш ва қайта ишлаш, пахта тозалаш, ёғ-экстракция саноати, қурилиш материаллари, тикувчилик, озиқ-овқат саноати. Энг йирик корхоналари: Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё бирлашмаси, Косон ёғ-экстракция заводи, Шаҳрисабз консерва заводи, Шаҳрисабз пиллачилик комбинати, Қарши тикувчилик фабрикаси ва бошқалар. Қўшма, кичик корхоналар кўп.

Қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоқлари – пахтачилик, пиллачилик, ғаллачилик, чорвачилик.

Вилоят Ўзбекистонда етиштириладиган қишлоқ

Қарши шаҳрининг
харита-схемаси.

хўжалиги ялпи маҳсулотининг 10,2% ни беради. Чорвачилик гўшт ва сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Тоғ яйловларида йилкичилик ва қўйчилик ривожланган. Вилоятда 4567 фермер хўжалиги, кўшлаб жамоа ва ширкат хўжаликлари бор.

Вилоят ҳудудида темир йўл узунлиги 380,1 км. Автомобиль йўллариининг умумий узунлиги – 11,5 минг км, шу жумладан қаттиқ қопламали йўллар – 9,7 минг км.

Газ қувурларининг умумий узунлиги 2106 км. Асосий газ қувурлари: Қорахитой – Қарши; Шўртан – Муборак; Шўртан – Бухоро – Газли – Тошкент.

Вилоятда 1000 га яқин умумий таълим мактаблари,

Кизилсув дарёси воҳаси.



академик лицей, коллежлар, махсус спорт ва мусиқа мактаблари ишлаб турибди.

Қарши давлат университети, Қарши аграр-иқтисодиёт институти, Тошкент техника университетининг Қарши филиали, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг Шаҳрисабз умумтехника факультети бор.

Вилоятда мусиқали драма театри, кутубхона, клуб ва бошқа маданий-маърифий муассасаларининг кенг шохобчалари фаолият кўрсатади. 100 дан зиёд касалхона муассасасида кўп сонли врач ва ўрта тиббий ходимлар хизмат кўрсатади.

Қарши – Қашқадарё ҳавзасидаги энг йирик шаҳар. 14-аср бошларида Қарши воҳасининг марказида, Қўнғиртоғ тизмасининг этагида юзага келган. Шаҳар Самарқанд ва Бухородан Афғонистон ва Ҳиндистонга борадиган карвон йўлида жойлашган.

Хозирги Қарши шаҳри яқинида 6–9-асрларда Нахшаб шаҳри бунёд этилган. Кейинчалик бу шаҳар Насаф номи билан юритилган. 14-асрда Чигатой улусининг хони Кепакхон Насафдан 2 фарсах (12–14 км) нарида қаср қурдирган. Кейинчалик бу қаср атрофида шаҳар

Муборак газ-конденсат заводи.



барпо этилиб Қарши деб атала бошланган. Пойтахт Насафдан Қаршига кўчирилди. Айрим тадқиқотчилар фикрича, «Қарши» сўзи қадимий туркийча бўлиб, «сарой», «қаср» маъносини англатган.

Ҳозирги Қарши – кенг ва ям-яшил кўчалари бўлган обод шаҳар. У йирик саноат маркази. Саноат корхоналари асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган. Пахта тозалаш, ёғ-экстракция ва сут заводлари, гўшт комбинати бор. Қурилиш индустрияси комплекси (қурилиш материаллари, йирик панелли уйсозлик комбинатлари) яратилган.

Қарши чўлининг жануби-ғарбида саноатнинг йирик маркази **Муборак** шаҳри жойлашган. Бу ерда газни водород сульфиддан тозалашнинг жуда ҳам ноёб технология системасига эга бўлган табиий газни қайта ишлаш заводи фаолият юритмоқда. Шаҳар маъмурий жиҳатдан яхши режалаштириб қурилган, кўпдан-кўп замонавий уйлар бор. Шаҳарнинг ўзига хос диққатга сазовор жойларидан бири – сунъий саксовуллар боғидир.

Қашқадарёнинг юқори қисмида, Ҳисор, Яккабоғ ва Зарафшон тизмалари орасида Китоб–Шаҳрисабз ҳавзаси ястаниб турибди. Бу жой – Қашқадарё воҳасининг эрта ўзлаштирилган қисми бўлиб, аҳолиси анча зич жойлашган. Бу ернинг иқлими юмшоқ – қиши илиқ, мўтадил иссиқ ёзида ёғингарчилик кўп бўлади.

Бу ерда кўзга яққол ташланадиган манзара – кенг

Тоғ олди манзараси.



Оқ-Сарой.
14-15 аср
меъморий
ёдгорлиги.




пахта даласи, тутзорлардир. Ҳавзанинг асосий шаҳри – **Шаҳрисабз**. Қадимда Кеш деб аталган, унча катта бўлмаса-да аҳоли ниҳоятда гавжум яшаган бу шаҳар соҳибқирон Амир Темурнинг ватанидир. 1370 йилда пойтахт Самарқандга кўчиб келгач, Амир Темур Кеш вилоятига эътиборини ҳеч бир сусайтирмади. У забт этган мамлакатларидан энг моҳир меъморлар, хунарманд усталарни Кешга олиб келиб, ажойиб обидалар барпо этди. Ҳозирги Шаҳрисабздаги Оқсарой, Темурийлар сулоласининг хилхонаси – Доруссийедат, унинг отаси, пири Шамсиддин Кулол ва барлос аъёнлари дафн этилган мақбаралар шулар жумласидандир. Ўзининг шарқона қиёфасини сақлаб қолган Шаҳрисабз 1996 йилда «Амир Темур» ордени билан тақдирланди. 2001 йилда ЮНЕСКОнинг маданий обидалар рўйхатига киритилди.

Бу ерда пахта тозалаш, виночилик, мева-сабзавот консерваси заводлари, пиллакашлик фабрикаси ишлаб турибди. Бадиий буюмлар фабрикаси кўли гул усталарнинг ироқи дўппилари, сўзана, палак, гиламлари ва бошқа буюмлари билан машҳур.

Шаҳрисабз билан ёнма-ён **Китоб** шаҳри жойлашган. Бу шаҳар ўзининг астрономик кенглик станцияси билан машҳур. Бир географик кенгликда жойлашган бундай жуғрофий ноёб шаҳарлар жаҳонда санокли: Карлофорт (Италия), Юкая ва Гейтерсбург (АҚШ), Минцузава (Япония).

Тарих





Тарих зарварақлари



Тарих ва замон, ўтмиш ва ҳозирги кун ажралмасдир, улар ўтган замонлардаги воқеалар гуё марварид шодаси каби тизилган ипни ташкил қилади. Ўтмиш воқеалари ҳақида ҳикоя ва афсоналар, анъана ва урф-одатлар, ҳужжатли далиллар авлоддан авлодга ўтиб келади. Ҳар бир давр ўзидан кейин собиқ шаҳарлар харобаси ва санъат асарлари кўринишида моддий ва бадийий маданият ёдгорликларини қолдиради. Буларнинг барчаси халқ хотираси, унинг тарихий мулки асосини ташкил этади.

Ўзбекистон – қадимги цивилизация мамлақати. Унинг ҳудудида археология ва меъморчиликка оид минглаб ёдгорликлар сақланиб қолган, илмий марказлар ва музейларда ўлканинг ўзига хос ва кўп асрлик тарихидан гувоҳлик берувчи кўп миқдордаги қўлёзма ва ашёлар сақланмоқда.

Сўнги йилларда ўтмишга, миллий тарихга, азалий маънавий қадриятлар ва анъаналарга муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон халқи тарихини илк манбаларга асосланган чуқурроқ ҳолда объектив ўрганиш бошланди.

Сурхондарё вилояти. Қадимги Кампиртепа шаҳар харобаси.



Халқ байрамлари ва маросимлари қайта тикланмоқда, диний эътиқод эркинлиги тула таъминланмоқда, Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг миллий ўзлигини англаши ва қадр-қиммати тикланмоқда.

Хотирадан ўчиб кетган ўнлаб буюк шахслар – ўтмишдаги давлат арбоблари, мутафаккир олимларнинг номлари қайта тикланмоқда.

Анъанага айланиб бораётган шонли саналарни байрам қилиниши халқнинг миллий ўзлигини англаши, тарихий маданияти шаклланишида катта аҳамиятга эга. Сўнги йилларнинг ўзида жаҳонга машҳур шаҳарлар – Бухоро, Хива ва Термизнинг 2500 йиллиги, буюк давлат арбобилари Амир Темурнинг 660 йиллиги, Жалолиддин Мангубердиннинг 900 йиллиги, буюк алломалар Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотурудий, Баҳоуддин Накшбандий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг юбилейлари, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйини ўтказишга кенг тайёргарлик ишлари бормоқда. ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтказилган бу тантаналарнинг барчаси жаҳон афкор оммасига маълуму машҳур бўлиб, уларнинг ҳар бири жаҳон маданияти хазинасига аждодларимиз қўшган салмоқли улушнинг ёрқин гувоҳига айланди.

Ўрта Осиёнинг марказий қисмини эгаллаган Ўзбекистон энг муҳим тарихий воқеалар содир бўлган марказ бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Шу туфайли, унинг халқи тарихига тўхталган, воқеаларни кўздан кечирган ва ўтмиш обидаларини ўрганган чоғда ҳозирги географик – маъмурий чегаралар доирасида қолиб кетиш мумкин эмас. Зеро қадимги давр ва ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қўшни вилоятлар таркибига тўлиқ ёхуд қисман кирган ёки уларни ягона тарихий-маданий минтақаларга, давлат уюшмаларига бирлаштирган. Шу сабабдан Марказий Осиё халқларининг тарихий тақдири қадимдан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Хитойдан Ҳиндистонга қадар ёйилган ягона тарихий маконни ташкил этади.

Шу билан бирга, халқнинг тарихи билан унинг ҳозирги номини бир деб қараш нотўғри бўлади. Зеро халқнинг тарихи унинг ҳозирги номидан қадимийроқ



Коятошдаги қадимги сурат.

Динозавр ислари.

эканлиги шак-шубҳасиздир. Шунга кўра ўзбек халқининг тарихи «ўзбеклар» атамаси пайдо бўлган вақтдан эмас, балки ушбу ҳудудда яшаган инсоният жамияти тарихининг энг қадимги даврларидан бошланиши табиий ҳолдир.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ҳудуди ибтидоий одамлар томонидан фаол суръатда ўзлаштирилган ерлардан ҳисобланади. Ибтидоий одам яшаганлигининг содда меҳнат қуролилари, турар жойлар ва вақтинчалик манзилгоҳлар кўринишидаги излари тоғлиқ жойлардан тортиб Қизилқум чўлларига қадар чўзилган турли зоналарда қайд этилган.

Ўрта Осиё минтақасининг табиий шароитлари ва қулай экологик муҳит бу ерда қадимги одамнинг дастлабки турар жойлари ва ибтидоий жамоа тузумининг ривожланиши учун энг муҳим омиллардан бўлди.

Ибтидоий одам манзилгоҳ учун тоғ ёнбағирлари, дарё водийлари, текисликларни танлаб, ғор ва унгуларни, эгилиб турган қоялар тагини бошпана қилган, чунки бу ерда муваққат маконлар қуриш учун керакли материаллар, шунингдек ҳайвонлар, қушлар ва балиқлар мўл бўлган.

Шунинг учун қадимги одам яшаганлигини исботловчи, асосан содда, қўпол тош қуроллардан иборат ашёвий далиллар бутун Ўрта Осиё ҳудудидан топилган бўлиб улар қуйи (илк) **палеолит** деб аталмиш даврга оиддир (тахм. мил.ав.700–600 мингинчи йиллардан – 100 мингинчи йилларгача). Бу даврга оид айрим меҳнат тош қуроллари Сўх дарёси водийсида (Селунгур ғори), Оҳангарон дарёси бўйида (Кўлбулоқ макони), Бойсунтоғ

Зараутсой
дарасидаги
қоятош
суратлари.



Тешиктош
ғоридан
топилган
неандертал
боланинг
каласи.
(М. Герасимов
тиклаган).

ва Зарафшон воҳасида (Омонқўтон, Зирабулок, Кўтурбулок) топилган.

Меҳнат қуrollлари тайёрлаш учун асосан ўша жойда тарқалган дастлабки материаллар: яшил ёки кўк рангдаги магматик жинсли майда тош, баъзан кварцитлар, чакмоқтошга айланган оҳактош ва яшмасимон жинслардан фойдаланганлар. Тош меҳнат қуrollларига ишлов бериш техникаси ва уларнинг турига қараб палеолит даври бир неча йирик маданий даврларга ажратилади.

Ш е л ь д а в р и д а асосан икки томони учириб ишлов берилган ўткир учли йирик қўл чопқилари кенг тарқалган. Ўша давр йирик қуrollларининг ягона аниқ ифодаланган шакли бўлган қўл чопқилари ўз вазифасига кўра универсал бўлгани шубҳасиздир.

Ибтидоий давр моддий маданиятининг кейинги йирик даври **а ш е л ь д а в р и** ҳисобланади (мил.ав. 700–500–150 мингинчи йиллар). Меҳнат қуrollлари тайёрлаш техникаси мукаммаллашди, ибтидоий одам турмуш тарзида муҳим ўзгаришлар содир бўлди.

Ўзбекистон ҳудудида ашель даврига оид йирик ёдгорлик Селунгўр ғоридир. Бу ердан, кўглаб меҳнат қуrollлари билан бир қаторда, фанда «Фарғонаантроп» номини олган ибтидоий одамнинг суяги қолдиқлари чиққан. Оҳангарон дарёси водийсидаги Кўлбулок маконидан ашель даврига оид ўнлаб меҳнат қуrollлари топилган.

Ўрта палеолит (мил.ав. 100–40-минг йилликлар) – **м у с т ь е д а в р и г а** мансуб ёдгорликлар

Обирахмат, Хўжакент, Палтов, Кўлбулок (Тошкент вилояти), Омонқўтон, Қўтурбулок, Зирабулок, Хўжамазгил (Самарқанд вилояти), Учтут (Навоий вилояти)дан топилган.

1938 йил Сурхондарё вилоятидан топилган Тешиктош ғори мустье маданиятининг мумтоз ёдгорлиги ҳисобланади. Гулхан қолдиқлари, ҳайвон суяқлари, меҳнат қуролларидан ташқари, бу ердан неандертал бола қабри топилган. Қабр чуқурликда жойлашиб, атрофига тоғ эчкисининг шохлари қўйилган, бу маънавий ҳаёт шакллари куртак ота бошлаганидан ёхуд, эҳтимол, диний тасаввурлар пайдо бўла бошлаганидан гувоҳлик беради.

Сўнити палеолит даврида (мил.ав. 40-35–12-10 минг йиллик) ҳозирги замон одами (кроманьон) шаклланган. Бу даврга оид ёдгорликлар Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларида кўплаб учрайди. Меҳнат қуролларининг хили ва шакллари такомиллашган. Тош билан бир қаторда ҳайвон суяқлари ва ёғочдан фойдаланила бошланган. Манзилгоҳларда меҳнат қуроллари тайёрланадиган устахоналар пайдо бўлган. Инсон ўтроқ турмуш тарзига ўтар экан, хўжалик фаолиятига (овчилик, теримчилик, уй-рўзғор) бир мунча фарқли ёндоша бошлаган. Меҳнат тақсимооти асосида уруғчилик муносабатлари ҳам ўзгарган, патриархат шаклланган. Инсон хўжалик фаолияти билан бирга ақлий фаолият билан ҳам шуғуллана бошлаган, бадий ҳунармандчилик (аёл ҳайкалчалари, турли безак буюмлар) ва тасвирий санъат (қоятош суратлари)нинг илк намуналари пайдо бўлган.

Мустье даври одамининг хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи хусусиятларини алоҳида кўрсатишда Самарқанд юқори палеолит макони, Оқтош макони ва Тошкент вилоятидаги Кўлбулок топилмалари принципиал аҳамиятга эга.

Мил.ав. 12–5-минг йиллик тарихга мезолит даври сифатида кирган. Бу даврда ов қуроллари (пайконлар, найзалар ва бошқалар) ўзлаштирилгани, ҳайвонларни қўлга ўргатилгани муҳим ютуқ бўлган. Ўрта Осиё худудига тарқалган одамларнинг асосий машғулоти овчилик ва балиқчиликлигича қолган. Фарғона водийсининг ўзида дарё ва қўл бўйларида жойлашган



Жез қуроллар.

100 дан ортиқ мезолит даври ёдгорликлари аниқланган ва ўрганилган. Улар орасида Обишир макони, Мачай ғори (Сурхондарё вилояти) ва Қўшилиш макони (Тошкент вилояти) ажралиб туради.

Мезолит даврида ибтидоий тасвирий санъат шакллана бошлаган.

Мил. ав. 6–4 минг йиллик – неолит ёки янги тош даври ҳисобланади. Инсон меҳнат қуроллари тайёрлашнинг мукамалроқ техникаси – тош йўнишга ўтган. Тошга ишлов беришнинг арралаш ва тешиш каби усуллари ҳам кенг тарқалган. Камон ва унинг ўқи мукамаллашган. Маданият ривожланишида қолип ва лой пиширишнинг кашф этилиши улкан аҳамиятга эга бўлган. Сопол идишлар тайёрлаш бошланган. Жуфт оила ажралиб чиқа бошлаб, у аста-секин жамиятнинг бошланғич иктисодий бўғинига айланган.

Бу давр учун ер юзасида пахсадан қилинган турар жой қуриш, чайла яшаш ва ертўла қазиб бошлаганлиги принципиал аҳамиятга эга бўлди. Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида кўп сонли кишилар гуруҳи сув ҳавзалари бўйлаб зич жойлаша бошлаб, келажакдаги қишлоқларнинг намуналарини шакллантира бошлаганлар.

Бу даврда Хоразм ва Бухоро воҳаси ҳудудида овчилар ҳамда балиқчиларнинг Қалтаминор номли ўзига хос маданияти шаклланади. Бу маданиятга мансуб кўплаб маконлар катта ҳудудда ёйилган. Қалтаминор маданиятининг тадқиқ этилган ёдгорликларидан энг

йириги – Жонбос – 4 макони. Бу ерда чайла типигаги йирик (300 м²) турар жой қолдиқлари қовлаб очилган, унда уруғ жамоасини ташкил этган бир неча ўзаро қариндош оила гуруҳлари яшаган.

Ўзбекистоннинг жанубий қисмида айни шу вақтда Хисор маданияти тарқалган. Тош давридан жез даврига ўтиш вақтига оид неолит ёдгорликлари ҳали етарли даражада аниқланмаган. Кейинги тарихий давр – мил. ав. 3–1 минг йилликнинг бошлари жез даврига тўғри келади. Инсон мисдан қаттиқроқ металл – жез (бронза) олиш усулларини ихтиро қилиб, уни ўзлаштирди. Жез ўзига хос сифатлари туфайли инсон фаолиятининг барча соҳаларида ва маиший турмушда тезда қўлланила бошланди. Жездан ясалган пичоқ ва ханжарлар, меҳнат қуроллари ва безак буюмлари, рўзгор асбоблари, ҳайкалчалар ва нақшинкор муҳрларнинг турли хили кўплаб топилган. Овчилик ва балиқчилик аста-секин дастлабки аҳамиятини йўқотади, уй ҳайвонлари меҳнатидан кенг фойдаланила бошланади. Яйлов чорвачилиги ва дастлаб табиий, кейинчалик сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик инсон ҳўжалик фаолиятининг асосий соҳасига айланган. Ўзбекистоннинг жанубида жез даврига оид қадимги деҳқончилик маданиятининг учта маҳаллий (локал) маркази аниқлашди. Бу марказлар мил. ав. 2-минг йилликда Шеробод дарёси, Кизилсув ва Бандихон сойлари ҳавзаси атрофида вужудга келган. Комплекс равишда ўрганилган объектлар – Сополлитепа ва Жарқўтон қишлоқлари қадимги деҳқончилик маданиятининг Шеробод маҳаллий маркази ҳисобланади. Сополлитепа катта қишлоқ жойининг йирик маркази бўлиб, унинг марказий қисмида квадрат тархли қалъа бунёд этилган. Қалъа ичига уй-жой, ҳўжалик, ҳўнармандчилик, диний иншоотлар жойлашган, улар кўчалар билан ажратилган ўзига хос меҳаллаларни ташкил этган. Қурилишда бирхил гиштлардан кенг фойдаланилган. Сополлитепа аҳолисининг асосий машғулоти содда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик бўлган, чорвачилик ва овчилик эса иккинчи даражали роль ўйнаган. Шуниси характерлики рўзгор ва диний маросимларда ишлатиладиган сопол идишлар шу ернинг ўзига, қалъа ҳудудидаги қуллолчилик устaxonасида тайёрланган ва пиширилган.



Қадимги Хоразмдаги кўшк.

Шеробод воҳасидан шимоли-шарқда Бандихон воҳаси – қадимги деҳқончилик маданиятининг иккинчи маҳаллий маркази жойлашган.

Ўзбекистон жанубида қадимги деҳқончилик маданиятининг учинчи маркази Шўрчи воҳасида бўлиб, Миршоди қишлоғи, Муллали қишлоғи ва қабристонидан топилган моддий ёдгорликлар бу ерда хўжалик ҳамда хунармандчилик юксак даражада тараққий этган, дейишга асос бўлади ва мажмуани мустақил Сополли маданиятига ажратиш имконини беради.

Хоразм худудида юксак даражадаги сунъий суғориш тизимига асосланган ўзига хос Тозабогёб маданияти мавжуд эди. Тозабогёб маданияти аҳли деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар.

С у в ё р г а н (мил.ав. 2-минг йиллик охири) ва А м и р о б о д (мил.ав. 1-минг йиллик бошлари) маданиятлари Хоразмдаги сўнгги жез–ишк темир даврига мансубдир. Сувёрган маданияти қабилалари чайлаларда яшаган, безакли сопол идишлар тайёрлаган, чорвачилик, овчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган.

Амиробод маданияти аҳли жамоа-жамоа бўлиб ярим ертўлаларда яшаган, чорвачилик ва ривожланган сунъий суғориш тизимига эга бўлган деҳқончилик билан шуғулланган. Сопол идишлар бесўнақай (қўпол) тайёрланиб, сирти ислимий нақш билан содда безатилган. Амиробод маданиятининг типик ёдгорлиги Яккапорсон – 3 қишлоқ манзилгоҳи ҳисобланади.



Зардуштийлик
маъбудлари
тасвири
туширилган
осдотки
парчаси.

Жез даврининг сўнгги босқичида Зарафшон этакларида Замонбобо маданияти шаклланган, у ўз хусусиятига кўра Андроново маданиятига яқин бўлган.

Бу маданиятга оид ёдгорликлар Хоразм ҳудуди, Бухоро вилояти, Тошкент воҳаси, Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан топилган.

Ўзбекистон ҳудудида мил. ав. 2-минг йилликнинг биринчи чорагидаёқ табиий ва сунъий суғоришга асосланган юксак деҳқончилик маданияти шаклланган ва ривожланган. Аҳоли турар жой манзилгоҳларининг ҳажми, айрим дафн мажмуаларининг ажралиб туриши, кўплаб сопол идишлар топилиши ва қишлоқ аҳолисининг жойлашиш хусусияти ушбу давр жамиятининг ижтимоий-профессионал, касб-хунарга қараб табақаланиш, янада

Кушон шахзодаси боши. Далварзинтепа.

Силен боши. Далварзинтепа.





Буюк ипак йўлида.

аниқроқ меҳнат тақсимоти даври эканлигини билдиради. Айнан мана шу даврда ер ҳайдаб деҳқончилик қилиш вужудга келган, бу уй ҳайвонларининг тортиш кучидан янада кўпроқ фойдаланишни тақозо қилган. Ўзбекистоннинг минг йилдан ошиқроқ давом этган жез даври қадимги деҳқончилик маданияти кейинги даврлардаги шаҳарлашган маданиятлар шаклланиши ва тараккий этишида самарали асос бўлиб хизмат қилди.

Мил. ав. 1-минг йилликнинг биринчи ярми – қадимги жамиятнинг янада таракқиёти, синфлар ва илк давлатлар ташкил топган даври. Бу даврда темир кашф этилган. Темирнинг тарқалиши инсоният таракқиётининг кейинги жараёнига улкан даражада таъсир кўрсатди. Мил. ав. 1-минг йилликдан ҳозирги вақтгача темир инсоният моддий маданиятининг асоси бўлиб қолмоқда. Темирнинг ҳаммабон арзонлиги, унга углерод аралаштириш (яъни пўлат олиш) усули кашф этилганидан кейин эса янада юқори механик хусусиятларга эга бўлиши жез ва тошни темир томонидан тезда сиқиб чиқариш имконини берган. Қурол тайёрлаш материали сифатида тошдан жез даврида ва темир даврининг илк босқичида тўла воз кечилмаган.

Темир металлургиясига ўтилиши ва бошқа техникавий мукамалликларнинг ривожланиши билан хўжаликнинг турли соҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида ўсиш имкониятлари анча кенгайган; ҳайдалма деҳқончилик майдонлари кенгайган, суғориш каналлари ва сув чиқарувчи иншоотлар такомиллашган (Бандихон воҳасидаги канал ва тўғон), ҳунармандчилик, айниқса, темирчилик ва қурол-аслаҳа тайёрлаш, тош ва ёғочга



Бактрия
харитаси (Э.
Ртвеладзе
буйича).

ишлов бериш, кончилик тараққиёти тезлашган. Йул ва бинолар қурилиши осонлашган. Айирбошлаш кенг ривожланган: мил. ав. 1-минг йилликнинг ўрталарига келиб муомала воситаси сифатида металл тангалар тарқалган.

Ўзбекистон ҳудудидаги илк темир даври ёдгорликлари мил. ав. 8–6-асрларга оид бўлиб, Бактрия, Хоразм, Суғдиёна, Шош ва Фарғона водийси каби қадимги вилоятлар жез даври деҳқончилик маданиятининг марказлари бўлган. Қадимги деҳқонлар яшаган қишлоқлар майдони кенгайган ва мураккаб тарҳга эга бўлган. Ижтимоий тараққиёт асосан, ҳудди илгаригидек, дарёларнинг серҳосил водийларида кечган. Илк темир даврининг йирик марказлари сифатида Бандихон,

Бактрий ёзуви. Папирус. Кампиртепа.





Афина тасвири туширилган муҳр.



Бактриялик Афродита. Олтин хайкалча.
Тиллатепа.

Кучуктепа, Талашкан, Кизилтепа, Чирикрафот ва алоҳида қалъаси бўлган, яхши мустаҳкамланган бошқа йирик қишлоқларни кўрсатиш мумкин. Асосий қурилиш материали сифатида пахса ва йирик хом ғиштдан фойдаланилган. Бундан ташқари Фарғона водийсидаги Чуст манзилгоҳи, Далварзинтепа шаҳар харобаси, Ашқолтепа, Эйлатон ва бошқалар деҳқончилик воҳаларининг йирик марказлари бўлган. Хоразмнинг қадимги деҳқончилик зоналарида Кузалиқир, Қалъалиқир ва Дингилжа каби йирик шаҳар ва қишлоқлар шаклланди. Уларнинг атрофида юксак даражада таракқий этган сунъий суғориш тизими асосида улкан экин майдонлари ушлаштирилган. Қадимги деҳқончилик ёдгорликлари Қашқадарё, Тошкент, Бухоро, Самарқанд вилоятларидаги воҳаларда қайд этилган.

Мил. ав. 2-миң йиллик охири – 1-миң йиллик бошлари – ибтидоий жамоа тузумининг узил-кесил парчаланиши, илк давлат тузилмаларининг намунаси бўлган йирик ҳудудий-сиёсий бирлашмалар шаклланиши билан характерланади.

Ўзбекистон ҳудудида мил. ав. 1-миң йиллик бошларига келиб ҳудудий-қабилалар бирлашмаларининг шаклланиши жараёни бошланган.

Тарихий-маданий вилоятларнинг характерли хусусияти табиий-иқлимий чегаралар ва ҳужалик юритиш шаклларида ташқари, ижтимоий-сиёсий манфаатлар



Антиох I тетрадрахмаси.

муштараклиги ҳам бўлган. Айнан уч бирлик – географик, хўжалик ва ижтимоий омиллар асосида Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги давлат тузилмалари шаклланган. Хусусан, Катта Хоразм – ривожланган деҳқончилик ва давлат суғориш тизимига эга йирик ва қудратли подшолик вужудга келган. Буғдой, арпа ва шоли етиштирилган.

Мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярмида қадимги вилоятлар – Бактрия, Хоразм, Суғд Ахоманий подшолар томонидан босиб олиниб, уларнинг улкан салтанати таркибига шарқий мулклар (сатрапиялар) сифатида кирган.

Беҳистун ёзувлари ва Геродотнинг «Тарих» асарига кўра, Бактрия сатрапияси Ахоманийлар салтанатида алоҳида ўрин эгаллаган – ҳукмрон сулола вакилларидан бирон киши сатрап этиб тайинланган. Бактрия кўшини Ахоманий подшоларнинг энг муҳим ҳарбий юришларида энг жасур ва яхши таълим кўрган кўшин сифатида



Амалдор
хайкали.
Терракота.
Кампиртепа.

Амфора.
Кампиртепа.

Евтидем
тангалари.



Ёш
Евтидем-
нинг боши.
Кампиртепа.

қатнашган. Бақтрия солиқларни олтин ва қимматбаҳо тошлар билан тўловчи энг бой вилоятлардан бири ҳам эди. Бақтрия билан маданий ва иқтисодий жиҳатдан мустақкам боғланган Суғд у билан бир сатрапияни ташкил этганлиги эҳтимолдан йироқ эмас.

Шарқий сатрапияларнинг сиёсий мустақилликка интилиши бу вилоятлар, авваламбор Бақтриянинг ривожланган иқтисодиётга эга эканлиги сабабидан эди, унинг иқтисодиёти асосини тўғон ва йирик сув омборлари қурилиши билан боғлиқ бўлган суғорма деҳқончилик ташкил этган. Бу даврда шаҳарсозлик, истехкомлар қуриш санъати, меъморчилик ва турли касб-хунарлар анча тараққий қилган. Нафақат қўшни вилоятлар, балки қўшни давлатлар билан ҳам савдо-иқтисодий алоқалар бир мунча ривожланган. Айнан мана шу даврда дастлабки карвонлар ўзларига йўл очганлар, улар келажакда Буюк ипак йулининг асосий тармоқлари бўлган.

Айртом пирамони (фризи) парчаси.





Карвон
йулларидан
бирида.

Биринчи миңг йиллик Ўзбекистоннинг қадимги деҳқончилик вилоятларини умумжаҳон жараёнлари доирасига тортилган вақти, уларнинг ижтимоий тизими сифат жиҳатдан ўзгариши даври ҳамда иқтисодий ва маданий салоҳияти бойишида муҳим босқич бўлган.

Мил. ав. 4-асрда жаҳон тарихи саҳнасида янги давлат тузилмаси – македониялик Александр империяси пайдо бўлди.

Александр мил.ав. 330 йил охирида қўшини билан Бактрияга кириб, унинг пойтахти – Бактра шаҳрини босиб олди. Александр армиясининг илғор қисмлари иқтидорли саркарда суғдий Спитамен бошчилигидаги бактрияликлар ва суғдийларнинг бирлашган харбий

Будда учлиги. Фаёзтепа.

Сосонийларга оид идиш.





Кушоннинг Вадо ва Окшо маъбудлари Канишка тангаларида.

кучларининг қаттиқ ва узоқ муддатли қаршилигига дуч келди. Жанглар давомида Александр Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ҳудуд ичкарасига кириб бориб, Суғд пойтахти – қадимги Самарқандни эгаллашга муваффақ бўлади. Бактрия ва Суғд аҳолисининг юнон-македон истилочиларига қарши курашини кўчманчи сак ва массагет қабилалари фаол суръатда қўллаб-қувватлаб турганлар, уларнинг чопқунлари Александр армиясига сезиларли даражада талафот етказган. Македония подшоси ўз қўшинларини кўчманчиларнинг зарбаларидан муҳофаза этиш мақсадида Сирдарё қирғоғида, ҳозирги Хўжанд теграсида мустаҳкам қалъа қурдирган ва уни Александрия Эсхата (чеккадаги, узоқдаги, олисдаги) деб атаган.

Халқ оммасининг мана шундай қаттиқ қаршилигига учраган Александр, маҳаллий зодагонлардан кўмак излашга, турли сиёсий найранглар, келишувлар қилишга мажбур бўлган. У бунга қисман эришган ҳам. Мил. ав. 328 йил охирида маҳаллий зодагонларни пора билан ўзига ағдариб олишга, Бактрия ва Суғддаги кўзғолонни ҳарбий ҳийла ва хиёнат йўли билан бостиришга эришади. Спитамен ўлдирилади.

Босиб олинган кўпгина шаҳар ва қалъалар аҳолиси истилочиларга қарши курашни давом эттирган, шунинг учун Александр уларни, Самарқанд сингари, қамал йўли билан қайта эгаллашига тўғри келган. Ниҳоят мил. ав. 327 йил ёзига келиб Бактрия ва Суғдда у ўз ҳокимиятини номигагина ўрнатишга эришади.

Юнон-македон қўшинлари Суғд, Бактрия ва қисман



Канишка II нинг олтин динори. 3-асрнинг 1-ярми.

Хоразмга (у асосий ҳарбий ҳаракатлар майдонидан четда турганди) кулфат, уларнинг аҳолиси бошига офат ва бир пайтлар гуллаб-яшнаган шаҳар, қишлоқларига ҳалокат, вайронагарчилик, уруш алангаси олиб келган. Истилочилар билан бўлган бешафқат, аёвсиз ва машаққатли уруш Бактрия, Суғд ва Хоразмнинг ишлаб чиқарувчи кучлари, умуман иқтисодиёти, савдоси, маданий ҳаётига кўп жихатдан путур етказган. Бироқ шу билан бирга Александрнинг «оламшумул давлати» барпо этилиши маълум даражада ижтимоий-хўжалик муносабатларининг янги шакллари тараққий этишига имкон берганлигига, унинг таркибига кирган мамлакатлар орасида маданий ва савдо алоқалари ўрнатилишига янги туртки берганлигини инкор этиб бўлмайди. Қонли уруш изларидан юнон ва македон савдогарлари юрганлар, юнон тангаларининг топилиши Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги вилоятлар билан савдо муносабатлари қайта жонланганлигидан гувоҳлик беради. Бироқ бу фактлар вақтинчалик имкониятни билдирарди, холос. Мил. ав. 323 йил 13 июнда Александр вафот этиши биланок, бу вилоятларнинг кейинги тараққиёти сиёсий мустақилликни

Сурх-Кўтал. Ибодатхона. Г. А. Пугаченкова лоиҳаси.





Деворий расм. Варахша.

құлга киритиш йўлида қатъий курашлар билан белгиланди.

Македон давлати харобалари ўрнида янги давлат бирлашмалари вужудга кела бошлайди.

Мил. ав. 312 йилда йирик Салавкийлар давлати барпо этилган. Бактрия ва Суғд мил. ав. 306 ёки 305 йилда унинг таркибига кирган бўлса керак. Салавкийлар даврида унинг таркибига кирган сатрапияларнинг мустақиллиги бир мунча кенгайган. Масалан, Бактрияда икки ҳукмдор – Салавк ва Антиох номидан тангалар зарб қилинган. Бу минтақаларда иқтисодиёт ҳам анча жонланган, шаҳарлар ва қишлоқлар тикланган, савдо ва ҳунармандчилик ривожланган.

Салавкийларга қарши кўтарилган бир қанча кўзғолонлардан сўнг, Бактрия сатрапи Диодот мил. ав. 250 йилда ўзини мустақил ҳоким деб эълон қилган. Бу маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга асосланган янги Юнон-Бактрия подшолиги барпо этилишига олиб келган.

Юнон-Бактрия давлати таркибига Бактрия, Суғдиёна ва Марғиёна кирган. Чамаси, мил. ав. 2-аср бошида Суғдиёна, сўнгра Чоч Қанғ подшолиги таркибига кирган. Юнон-Бактрия подшолиги юз йилдан сал ортиқ мавжуд бўлган.

Мил. ав. 2-аср иккинчи ярмида Юнон-Бактрия тохар-юечжилар томонидан тор-мор этилгач, юечжиларнинг мустақил бирлашмаси вужудга келган. Унга Шимолий Бактрия (ҳозирги Сурхондарё вилояти ва Жанубий Тожикистон) кирган. Юечжилар ярим кўчманчи турмуш



Деворий
расмдан
лавҳа.
Афросиёб.

тарзини кечиришган бўлса, туб аҳоли ўтроқ дехқончилик билан шуғулланган. Юечжилар марказлашган ҳокимият ва ягона ҳукмдорга эга бўлишмаган. Бироз вақтдан сўнг юечжилар давлати бешта мустақил мулкка ажралиб кетган, улар салкам юз йил мавжуд бўлишган. Мил. ав. 1-асрда Кушон мулки ушбу мулклар орасида энг эътиборлиси саналган.

Кушон подшолигининг энг равақ топган даври мил. 1-аср охири – 2-аср бошларига, унинг таркибига Шимолий Хиндистон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари кирган пайтга тўғри келади. У Рим ва Хань империяси билан бир қаторда жаҳондаги энг қудратли давлатлардан бирига айланган. Кушон ҳукмдорларидан энг машҳурлари Кадфиз II ва Канишка бўлган. Канишка даврида кушонларнинг Хитой билан энг муҳим савдо йўллари ўтган Шарқий Туркистонга эгалик қилиш учун рақобати кучайган. Канишка даврида жорий этилган муҳим янгиликлардан бири – бақтр тили ва ёзуви расмий



Хоразм.
Рамик
ва Бравик
тангалари.
5 – 6 асрлар.

тиллardan бири деб эълон қилиниши бўлган. Шу вақтдан эътиборан кушон ҳукмдорлари тангаларидаги ёзув юнон ёхуд ҳинд тилларида эмас, балки бактр тилида битилган.

Термиз шаҳри Кушон подшолигининг йирик савдо ва маданий марказларидан бирига айланган. Унинг худуди мустаҳкам, қалин мудофаа девори билан ўраб олинган. Термиз атрофида будда ибодатхоналари мажмуаси бунёд этила бошлаган (Қоратепа, Чингизтепа, Фаёзтепа, Зурмола ва бошқалар). Далварзинтепа, Холчаён, Зартепа, Кампиртепа, Ерқўрғон, Айритом ва бошқалар шаҳарсозлик маданияти ва савдонинг муҳим марказларига айланганлар. Кушонлар даврида бадий ва моддий маданиятда диний бағри кенглик (толерантлик) сиёсати юргизилгани боиси маҳаллий анъаналарнинг элдин, ҳинд ва кўчманчилар маданияти анъаналари билан ажойиб суратдаги уйғунлашуви (синтези) рўй берган. Ушбу ҳодисадан бизга мерос бўлиб Холчаёндан чиққан сопол ҳайкалчаларнинг ажойиб намуналари, Айритом пирамонидаги тошҳайкаллар, Фаёзтепадаги деворий безаклар, Далварзинтепанинг олтин заргарлик буюмлари ва бошқа кўплаб ёдгорликлар ва топилмалар қолган.

Кушонлар даври Ўзбекистон халқларининг иқтисодиёти ва ҳўжалик фаолиятида янги юксалиш босқичи бўлганлиги билан машҳурдир. Дехқончилик майдонлари анча кенгайган, янги суғориш каналлари ўтказилган, хунармандчилик ривожланган.

Савдо-сотикнинг гуркираб ўсиши ҳам мана шу даврга



Геракл боши (Фаёзтепа топилмаси).
Деворий расм (Болалик тепа).



тўғри келади, яхши ташкил қилинган ва муҳофаза этиладиган Буюк ипак йўли орқали Шарқ билан Ғарб ўртасида барқарор товар айирбошлаш муносабатлари ўрнатилган. Бактриядан Ўрта денгизнинг шарқидаги мамлакатлар ва Ҳиндистонга борадиган савдо йўллари аввалдан мавжуд бўлган. Хитойдан ғарб мамлакатларига ипак, мўйна, лок-бўёқ буюмлари ва бошқа маҳсулотлар олиб борадиган қарвонлар Бактрия, Суғд ва Давон (Фарғона) орқали ўтган. Рим империясидаги мамлакатлар билан товар айирбошлаш анча ривожланган. Рим буюмларининг Бактрия ва Суғдда кенг тарқалганлиги бундан гувоҳлик беради.

Мил. 3-асрда Кушон салтанатининг таназзули бошланган, кушонлар Сосонийлар давлати билан бўлган бир қанча жангларда мағлубиятга учраган. Мана шу тўқнашувларнинг биридан сунг сосонийлар Бактрияда ўрнашиб олишга эришганлар. Мил. 4-асрда кидарийлар ва хионийларнинг бостириб кириши Кушон подшолигининг узил-кесил парчаланиб кетишига олиб келган.

Жанубий минтақалардан фарқли ўлароқ Ўзбекистоннинг шимолий вилоятларида сиёсий бирлашмалар ташкил топиши жараёни бир мунча кейинроқ – мил. ав. 1-минг йилликнинг иккинчи ярмида бошланган. Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги даштларда ва маҳаллий деҳқончилик воҳаларида яшаган кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг бирлашувига Александрнинг босқинчилик юришлари, сўнгра эса бу ҳудудларга салавкий ҳукмдорларнинг кўз олайтириши асосий туртки бўлган.

Қанғ (Канпоӣ) давлатининг ташкил топиши мил. ав. 4-3-асрга тўғри келади. Қанғ ҳақидаги дастлабки тарихий маълумотлар мил. ав. 2-асрда учрайди, кейинчалик у «Авесто», «Маҳобҳорат» матнларида қайд этиб ўтилган. Бирмунча батафсил баён хитой йилномаларида учрайди. Қанғнинг асосий қисмини кўчманчи сак қабилалари яшайдиган ҳудудлар, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи шимолий ҳудудларининг бир қисми, Тошкент воҳаси ва Талас водийси ташкил этган. Билвосита маълумотларга кўра, мил. ав. 1-асрда унинг таркибига Хоразм ва Суғд кирган. Қанғ кўп сонли ва яхши тайёргарлик кўрган кўшинга эга бўлган, у юнон-македон ва салавкийлар



Кампиртепа харобаси.

кўшинига бемалол бас келган. Давлат пойтахти Қанғдиз шаҳри бўлиб, унинг харобалари Тошкент вилоятининг Оқкўрғон тумани ҳудудида Қанғха (Қанқа) номи билан сақланиб қолган. Қанғ давлати мил. 5-аср ўртасида парчаланган пайтда Қанғдиз Чоч (Тошкент воҳаси)нинг бош шаҳри бўлиб қолган. Қанғ аҳолисини асосан туркигуй қабилалар ташкил этган. Иқтисодиёт, савдо ва ҳунармандчилик бирмунча юқори даражада ривожланганлигига археологик қазिशмалар натижаида Хоразм (Қўйқирилган қалъа, Тупроққалъа, Кичик Қиз қалъа ва бошқалар), Суғд (Самарқанд яқинидаги Таллибарзу) ёдгорликларидан топилган моддий маданият ашёлари гувоҳлик беради.

Қанғ салкам етти аср мавжуд бўлиб, ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчилик анъаналарининг уйғунлашуви мисоли сифатида Ўзбекистон тарихи ва бадиий маданиятида сезиларли из қолдирди.

Мил. ав. 2-асрда Давон (Фарғона) кучли, мустақил давлат бўлган. Хитойнинг Хань давлати бу вилоятни босиб олиш мақсадида бир неча марта ҳарбий юришлар қилган. Қўшини сони кўп бўлганлигига қарамай Хитой Фарғонани эгаллай олмаган. Мил. 1-аср охирида Хитой Фарғонани босиб олиш учун сўнпти бор уриниб кўрган,

бирок у ҳам муваффақиятсиз тугаган, Фарғонага кўмак бериш учун Канғ қўшини етиб келган.

Фарғона худуди қадимдан аҳоли зич яшайдиган вилоят бўлиб, унинг аҳолиси асосан деҳқончилик ва боғдорчилик, тоғли туманларда эса яйлов чорвадорлиги билан шуғулланган. Давоннинг пойтахти, тўғрироғи, олий ҳукмдор қароргоҳи Гушан (ҳозирги Ўзган) шаҳри бўлган. Кейинчалик Фарғонанинг пойтахти шаҳри сифатида Эрши шаҳрини (ҳозирги Марҳамат шаҳри яқинидаги шаҳар харобалари) кўрсатишади. Фарғона ўзининг узуми ва виноси (мусалласи) билан қадимдан шуҳрат қозонган. Тўқимачилик ва кулолчилик ҳунармандчиликнинг асосий турлари ҳисобланган. Ўрта Осиё худудига эфталийларнинг бостириб кириши билан Давон мустақиллигини йўқотган.

5-аср иккинчи ярмида эфталийлар кучли давлат барпо этганлар. Улар подшоси Вахшунвар (бошқача ўқилиши – Ахшунвар) 457 йилда Чағониён, Тохаристон ва Бадахшонни босиб олади. Чамаси, Суғд, Бухоро, Фарғона ҳукмдорлари ҳам эфталийларнинг сиёсий ҳукмронликларини тан олганлар. Гарчи эфталийлар бирлашмаси улкан худудларни ўз ҳукмронлиги остига киритган бўлса-да, у марказлашган қудратли давлат эмас эди. Эфталийларга ўттизга яқин майда мулклар, жумладан Турфон, Суғд, Чоч, Фарғона, Тохаристон тобе эди.

Эфталийларнинг мулклари шимолда Хўтан (Шарқий Туркистон)га қадар чўзилган.

Баъзи тахминларга кўра, эфталийларнинг пойтахти Бодиён шаҳри (Фарбий Бадахшон), бошқасига биноан эса Пойканд шаҳри (Бухоро воҳаси) бўлган.

Кўчманчи қабилаларнинг ҳарбий-сиёсий бирлашмаси сифатида юзага келиб, мавжуд бўлган эфталийлар давлати гарчи дашт маданияти элементларини кўпайтирган бўлса-да, босиб олинган деҳқончилик вилоятларининг кўп сонли аҳолиси турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатига катта таъсир кўрсата олмаган. 6-асрда эфталийларнинг бир қисми шаҳарларда ўтроқлашган ва орадан кўп ўтмай маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Бошқа бир қисми дашт ва яримчўл минтақаларда кўчманчи ҳамда яримкўчманчи турмуш тарзи кечириб, асосан чорвадорлик билан шуғулланганлар.

Айрим вилоят (Бухоро, Самарқанд, Чағониён)

хокимлари ўз тангаларини зарб қилдирганлар, улар ички бозорда кенг муомалада бўлган.

Бу давр иқтисодиётида деҳқончилик ва чорвачилик билан бир қаторда савдо-сотик катта ўрин эгаллаган. Эфталий ҳукмдорлар Буюк ипак йўлининг ўз худудларидан ўтган қарвон йўллари устидан назорат ўрнатишга интиланганлар.

Хитой, Ҳиндистон ва Эрон билан иқтисодий ҳамда маданий алоқа кенгайган.

6-асрнинг иккинчи ярмида Олтой, Еттисув ва Ўрта Осиёни бирлаштирган Турк хоқонлиги ташкил топди. 7-аср бошида хоқонлик Фарбий ва Шарқий қисмга бўлиниб кетди.

6-7-асрларда Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларида иқтисодиёт, бадийий ҳунармандчилик ва қурилиш ривож топганлиги қайд этилган. Фарғонада 5-асрда Хитойдан келтирилган ипакчилик ва унга мосланган тўқимачилик тараққий этган. Самарқанд, Бухоро, Пойканд, Термиз, Хоразм ва Чочнинг қатор шаҳарлари халқаро савдонинг йирик марказларига айланган. Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг турли вилоятларидаги конларда олтин, қумуш, темир рудаси ва тош туз казиб олиш ишлари кенгайган.

Деҳқончилик вилоятларида пахтачилик, боғдорчилик ва узумчилик кенг тарқалган.

Фарғона узуми ва ундан тайёрланадиган шароб айниқса катта шухрат қозонган, уни ўн йиллаб асраш мумкин бўлган.

Деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли орасида зардуштийлик ва буддизм устувор динлар бўлган. Йирик шаҳарларда яҳудийлар, монийлар ва несторийлар мазҳабига мансуб христианлар жамоалари мавжуд бўлган. Ўтроқ аҳолиси бўлган кўпгина вилоятлар учун ўзаро муомала воситаси бўлган хоразмий ва айниқса, суғдий тилларга асосланган ёзув ривожланишда давом этган. Ўзбекистонда топилган суғд тили ва суғд алифбосидаги будда, моний, христиан диний ёзма ёдгорликлар Ҳиндистон, Эрон ва Сурия билан маданий алоқалар бўлганидан далолат беради.

7-аср охирида Фарбий Турк хоқонлиги амалда мустақил бўлган майда мулкларга парчаланиб кетди.

7-аср 2-ярми 8-аср бошида Ўрта Осиё худудига

араблар бостириб кирди. Маҳаллий хукмдорларнинг сиёсий тарқоқлиги ва ўзаро кураши араб қўшинларининг олға ҳаракат қилишларини енгиллаштирди.

8-аср бошида араб саркардаси - Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим (705–715 йиллар) раҳбарлигида Ўрта Осиёни кенг миқёсда фатҳ этиш бошланди. Маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги тарқоқликдан фойдаланган Қутайба Тохаристон ва Амударёнинг ўн қирғоғидаги вилоятларни эгаллаб олди.

705 йилда араблар Чағониёнда мустаҳкам ўрнашиб олиб, Икки дарёнинг ичкараси томон юриш бошлади. 707 йилда Қутайба вилоят ноиби этиб маҳаллий ҳокимларнинг ёш меросхўри - бухорхудот Тукдош (Тағшода-?)ни тайинлаган.

723 йилда Фарғона, Чоч, Насаф ва Фарбий Турк ҳоконлиги хукмдорлари бирлашиб, арабларга қарши чиққанлар. Улар араб қўшинини қаттиқ мағлубиятга учратиб, уни Самарқанд томон чекинишга мажбур қилганлар.

Сўғдийлар қўзғолони ўн йил давом этган, унда йирик ер эгалари - деҳқонлар ҳам иштирок қилишган. Арабларга қарши кураш бугун Мовароуннаҳрни қамраб олган, унинг аҳолисига ёрдам бериш учун Туркашларнинг туркий хукмдорлари қўшинлари етиб келган.

Ўрта Осиё халқларининг араб истилочиларига қарши кураши тарихида Муқанна раҳбарлик қилган қўзғолон алоҳида ўрин тутади. У «оқ кийимлилар» ҳаракати номи остида машҳурдир. У нафақат Араб ҳалифалиги хукмронлигига қарши, балки босқинчиларга ёлланган маҳаллий йирик ер эгаларига ҳам қарши қаратилганди.

9-аср бошига келиб Араб ҳалифалигида умумий сиёсий парчаланиш жараёни бошланиб, унинг собиқ мулклари худудларида, жумладан, Мовароуннаҳр заминида маҳаллий сулолалар вакиллари бош бўлган мустақил давлатлар барпо этила бошланди.

Маъмуннинг халифалик тахтига чиқишига фаол кўмаклашган Сомон авлодлари айниқса катта куч-қудратга эришдилар.

9-аср охирига келиб Араб ҳалифалигидан бутунлай мустақил бўлиб ажраб чиққан Сомонийлар сулоласи (819–999 йиллар) ўз хукмронлигини Тянь-Шаннинг шимолий ёнбағридан Ҳиндикушгача, Сирдарё бўйидаги



Исмоил Сомоний мадрасаси.



Минораи калон.

даштлардан Форс қўлтиғигача бўлган ҳудудда ўрнатди.

Ўрта Осиё тарихининг бу даври халқаро савдо ва маданиятнинг йирик марказларига айланган шаҳарларнинг гуллаб-яшнаганлиги билан ажралиб туради. Бухоро, Балх, Самарқанд, Термиз, Урганч, Марв ва Нишопурда масжид ва мадрасалар бунёд этилди, жамоат жойлари қурилиши авж олди. Бу шаҳарлар илм-фан ва фалсафий тафаккур марказларига айланиб, уларда Шарқнинг буюк мутафаккирлари – Дақиқий, Беруний, Ибн Сино, Форобий ва бошқалар меҳнат ва ижод қилганлар.

Сомонийлар даврида айниқса Бухоро шаҳри юксалди, у ўша замоннинг энг буюк кишилари тўпланадиган жой, бутун жаҳон адиблари юлдузлари порлаб чиқувчи макон ва ўз даврининг билимдон кишилари учун шодлик ери бўлган. Шаҳар ўзининг «Сиван ал ҳикма» («Донолик хазинаси») кутубхонаси билан шуҳрат қозонган, ундан Абу Али ибн Сино фойдаланган.

10-асрнинг иккинчи ярмида Сомонийлар сулоласи маҳаллий ҳокимларнинг сепаратик кайфиятлари кучайиши билан боғлиқ бўлган оғир паллага кирди. Сомонийлар ҳокимияти аста-секин ҳукмрон табақалар каттагина қисмининг кўмагидан маҳрум бўла бошлади.

999 йилда Сомонийлар мулкини Фазнавийлар ва Қорахонийлар босиб олди.

Қорахонийлар Хитойнинг ички қисмидан Амударёгача бўлган кенг ҳудудни ўзларига тобе этди. Қорахонийларда бошқарув мулк тизимига асосланган.

Қорахонийлар салтанати таркибида ўтроқ ва ярим

кўчманчи аҳоли Хоразм ва Тошкент воҳалари, Фарғона ва қадимги Суғдиёна ҳудудининг бир қисмида кўпчиликни ташкил этган.

Қорахонийлар салтанатидан ташқари Ғазнавийлар ва Салжуқийлар мулклари ҳам вужудга келди.

12-аср ўртасида қорахитойлар ҳукмронлиги ўрнатилди, бу даврда Мовароуннаҳрнинг тарқоқлиги кўзга айниқса ташланиб туради.

13-аср бошига келиб Хоразм Шарқдаги энг йирик давлатлардан бирига айланди. Суғорма деҳқончилик ривожланган йирик шаҳарлар қад кўтарди, улар орасида кўхна Урганч – давлат пойтахти, ранг-баранг ҳунармандчилик саноатига эга бўлиб, алоҳида ажралиб турган. Бирок ички синфий курашлар давлатни заифлаштирди ва 1219 йилда Хоразмшоҳ ерларига Чингизхон кўшинлари бостириб кирди.

1221 йилга келиб бутун Ўрта Осиё Чингизхон қўл остига ўтди. Шаҳарлар вайрон этилди, суғориш тизимлари йўқ қилинди, юз минглаб кишилар қириб ташланди ва асир қилиб олиб кетилди.

1227 йилда Чингизхон вафотидан сўнг Ўрта Осиё Еттисув ва Шарқий Туркистон билан бирга бир улусни ташкил қилди, унга Чингизхоннинг иккинчи ўғли – Чиғатой ҳукмдор бўлди, амалда эса мамлакатни Маҳмуд Ялавоч бошқарди.

14-асрнинг 40-йилларида Чиғатой улуси бир қанча мулкларга бўлиниб, тарқоқлик ва ўзаро низо кучайди. Вазиятдан фойдаланиб, 14-асрнинг 2-ярмида ҳокимият тепасига буюк Амир Темур (1336–1405 йиллар) келди.

Ўрта Осиёнинг тарқоқ мулкларини бирлаштирган Амир Темур пойтахти Самарқанд бўлган қудратли давлат барпо этди.

1380 йил Амир Темур бошқа мамлакатларга ҳарбий юришларини бошлади, натижада Эрон, Кавказorti, Ирок. Сурия, Туркия, Шимолий Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар тобе этилди.

Амир Темур айрим вилоятлар, мамлакатларнинг ҳокимлигига ўғиллари, набиралари ва яқин кишиларини тайинлаш йўли билан улкан давлатни бошқарган.

Мовароуннаҳрда марказлашган давлатнинг барпо этилиши, тарқоқликка барҳам берилиши мўғулларнинг кўп йиллик ҳукмронлиги натижасида барбод бўлган



1515 й.га оид «Фанни кишту зироат» – «Дехкончилик илми» кўлёмаси.

мамлакат иқтисодиёти тараққиёти учун қулай имкониятлар яратиб берди. Бу даврда қишлоқ хўжалиғи, хунармандчилик, ички ва ташқи савдода улкан ўзгаришлар рўй берганлиғи кузатилади. Шаҳар ҳаётида юксалиш кўзга ташланди. Айниқса Самарқанд қиёфаси ўзгарди. Бу даврда Самарқандда иқтидорли рассомлар, меъморлар, олимлар ижод қилганлар.

Самарқанд ўн йиллар давомида санъат, хунармандчилик, меъморчилик, шеърият ва адабиёт, мусиқа, байрамлар ва оммавий томошалар ўтказиш борасида барчага намуна бўлиб, маданий ва илмий тараққиётнинг ўзига хос марказига айланди. Амир Темурнинг сиёсий саъй-ҳаракати ва собитқадам фаолияти туфайли давлат, ижтимоий ва ҳарбий бошқарув органлари тикланиб, такомиллаштирилган.

Илм-фан, меъморчилик, шаҳарсозлик, адабиёт, тасвирий ва амалий безак санъатининг юксак, ажойиб тараққиёти жаҳон миқёсида мислсиз ҳодиса бўлди.

Амир Темур вафотидан сўнг унинг давлати икки қисмга бўлинди; маркази Ҳирот бўлган Хуросонда ўғли Шоҳрух, маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрда эса Шоҳрухнинг ўғли – Улуғбек ҳукмронлик қилди. Шунингдек яна бир қанча майда мулклар бўлиб, улар тепасида ҳам Темурийлар туришган.

Улуғбек давлатининг чегаралари ҳозирги Ўзбекистон чегараларига деярли тўғри келади. Улуғбек тарихда ўрта



Амир Темур
тасвири акс
этан
миниатюралар.

асрнинг буюк астроном олими, илм-фан, санъат ташкилотчиси ва ҳомийси сифатида из қолдирди. Бу даврда Самарқандда буюк олимлар яшаган, илмий тафаккур марказига айланган расадхона барпо этилган. Улуғбекнинг фожиали ўлиmidан сўнг, 1449 йилда Хуросон ва Мовароуннаҳр мустақил мулк бўлиб узил-кесил ажралди. Мовароуннаҳр амалда Темурий ҳукмдорларнинг пири муршиди Хўжа Аҳрор Убайдуллоҳ валий қўл остига ўтиб қолди.

Агар Самарқандда иқтисодий ва маданий ҳаётда турғунлик даври бошланган бўлса, Хиротда таракқиёт анча юкори даражада бўлганлиги кўзга ташланади. Бу кўп жиҳатдан Султон Хусайннинг бош вазири, шоир



Амир Темур ва
Султон Маҳмуднинг
мири (1370-1405)
Самарқанд.

Самарқанддаги
Улуғбек
расадхонаси
сектанти ва
Тошкентдаги
Улуғбек
хайкали.



ва мутафаккир Алишер Навоий фаолияти билан боғлиқ эди. У санъат аҳли ва олимларга ҳомийлик қилган, мадрасалар, жамоат бинолари, каналлар ва кўприклар қурилишига раҳбарлик қилган.

1499 йилда Мовароуннаҳр ерларига шимолдан, Дашти Қипчоқдан Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи қабилалар бостириб кирди. Ўрта Осиёда Шайбонийлар ҳокимияти ўрнатилди. Шайбонийлар билан келган кўчманчи қабилалар аста-секин Ўрта Осиёда ўрнашиб қолдилар. Иқтисодий ва маданий марказ энди Самарқанддан Бухорога кўчди, бошқарув Бухоро хонлиги деб атала бошланди.

18-аср бошида хонликдан Фарғона водийси ажралиб чиқиб, унда Кўқон хонлиги барпо этилди.

1505 йилда Шайбонийхон қўшинлари Хоразмни босиб олди, лекин 1512 йил ҳокимият шайбонийларга қўшилмаган бошқа тармоқ сардори қўлига ўтди. Шу даврдан эътиборан Хива хонлиги вужудга келиб, унинг пойтахти турли вақтларда Вазир, Кўҳна Урганч, Хива бўлган.

19-аср бошида Кўқон хонлиги энг йирик хонликлардан бирига айланди. Фарғона водийсида марказлашган давлатнинг мавжуд бўлиши бу ерда кишлок хўжалиги, савдо ва шаҳар ҳаёти юксалишига имкон берди. Қустар саноат, айниқса тўқимачилик алча тараққий этди. Пахта ва ипақдан тайёрланган матолар ўзининг сифати билан хонликдан ташқарида ҳам маълуми машҳур эди. Кўқон



Темурийлар тарихи давлат музейидаги Сохибқирон тасвири.

шаҳри қоғоз ишлаб чиқаришнинг йирик марказига айланди, кулолчилик, айниқса Риштонда ривожланди.

19-аср ўрталарига келиб Ўрта Осиё ҳудуди муҳим иқтисодий район ҳисобланган, шу сабабдан подшо Россияси бу ердаги хонликларни босиб олишни режалаштирган. Бунинг учун Россия биринчи навбатда Қўқон хонлигининг муҳим стратегик нуқталарини эгаллашга эътибор берди. Халқнинг мардонавор қаршилигига қарамай Россия қўшинлари томонидан 1853 йилда ўзбек хонликлари ҳудудига дарвоза бўлган Оқмачит қалъаси эгалланди. 1860 йилда Тўқмоқ ва Пишпак қалъалари, 1864 йилда Авлиёота, Туркистон, Чимкент, 1865 йилда Тошкент шаҳри босиб олинди. Тошкент янги ташкил этилган Туркистон области (1865–67), сўнгра 1867 йилдан Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази деб эълон қилинди. 1866 йилда рус қўшинлари Бухоро амирлиги ҳудудига юриш қилиб, Жиззах, Ҳаратеп, Янгиқўрғонни босиб олди. 1868 йилда Зирабулоқ ва Чўпонота жангларида сўнг амир қўшинлари узил-кесил тор-мор этилди, натижада Ўрта Осиёнинг қадимий пойтахтларидан бири, ўтмишда Амир Темур давлатининг бош шаҳри бўлган Самарқанд рус қўшинлари томонидан босиб олинди. Тенгсиз сулҳ шартномаси имзоланиши натижасида Бухоро амирлиги катта товон тўлаб, Россия протекторатига айланди. 1873 йилдаги Хива ҳарбий юриши натижасида Хива хонлиги ҳам Россияга қарам бўлиб қолди, хонликнинг руслар босиб олган қисмида Амударё бўлими ташкил қилинди.

1875–76 йилларда Қўқон хонлиги ҳудудида кўтарилган халқ кўзғолонидан фойдаланган Россия ҳукумати



Куқон. Худоёрхон саройи.


Худоёрхонга кўмак бериш баҳонасида жазо кўшини жўнатиб, хонликка барҳам берди ва унинг ҳудудида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи Фарғона вилоятини ташкил қилди.

Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди подшо Россиясининг мустамлакасига айланди. Ўлкада мустамлака бошқарув аппарати жорий этилди. Даставвал ер-сув ва мулкчилик масалаларини «тартибга солиш»га киришилди.

Аграр сиёсат соҳасида рус ҳукумати икки мақсадни: Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва унинг иқтисодий имкониятларидан Россиянинг ҳукмрон табақалари манфаатлари йўлида фойдаланишни кўзлаб иш тугди.

Туркистонда қонун кучини олган 1886 йилги «Низом»дан сўнг Россиянинг марказий ҳудудларидан Туркистонга бойиш мақсадида рус мужиклари бетўхтов оқиб келиб, маҳаллий аҳолига тегишли ерларни ўзбошимчалик билан тортиб ола бошлади. Рус имениелари, хутор ва селолар барпо қилишга алоҳида аҳамият берилди. Бу келажакда ўлкани руслаштириш сиёсатининг бир томони эди.

Россия тўқмачилик саноати учун Туркистон пахтаси ҳал қилувчи рол ўйнаган, шу сабабли ўлкада пахта яккаҳоким ўрнатилди, Туркистондан Россияга юбориладиган пахтадан бож бутунлай олинмайдиган бўлди. 1879 йилдан эса бож йиғими ҳар пуд пахтадан 40-50



«Отақ» журналининг биринчи саҳифаси.



М. Бехбудий (1875-1919).



Муқавварқори (1878-1931).



А. Авлоний (1878-1934).



А. Чутон (1893-1937).

тийин миқдорда белгиланди. Солиқ олишда ҳам пахтакорларга айрим имтиёзлар берилди. Молия вазирлиги рус буржуазиясининг Туркистон пахтачилигини ривожлантиришдаги ҳаракатларини фаол қувватлаб турди.

Метрополиянинг иқтисодий сиёсати Туркистонни ҳам ашё базасига айлантириш, уни рус моллари сотиладиган бозор сифатида тутиб туриш ва табиий бойликларини марказга ташиб кетишга қаратилган эди. Бу сиёсат кейинчалик шўролар даврига ҳам хос бўлди.

Туркистоннинг бойликларини талашда империя марказини мустамлака билан туташтирувчи Каспий орти, Сибирь ва Оренбург темир йўллари катта роль ўйнади. Туркистон ўлкасида капиталистик муносабатлар ривожлана бошлади, кўплаб саноат корхоналари ташкил топди. Туркистон фабрика- завод саноатининг асосини пахта тозалаш корхоналари ташкил қилди. Рус капиталистлари ўз манфаатларини ўйлаб, ўлкада қайта ишлаш саноатини ўстиришни истамадилар ва асосий капиталларини савдо-сотик муомаласи доирасига сарфладилар.

Ўрта Осиё халқлари тарихи, этнографиясини ўрганишга оид илмий ишлар, матбуот, маориф соҳасидаги ўзгаришлар, шубҳасиз мустамлакачилик манфаатларига хизмат қилди. Халқнинг турмуши эса оғирлашиб бораверди.

19-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россиядан sanoat маҳсулотларининг келтирилиши ортиб бориши билан маҳаллий хунармандчилик инқирозга учрай бошлади, хонавайрон бўлган хунарманд-косибларнинг сони ортиб борди.

Бу даврда Туркистон илм-фан амалиёти ва техника тараққиётида Европанинг илғор мамлакатларидан орқада қолиб кетди. Россиянинг Туркистонни босиб олиши жаҳолат ва иктисодий-маданий таназзулини янада чуқурлаштириб юборди. Шундай шароитда ўлкада жадидчилик ҳаракати вужудга келди. Бу ижтимоий ривожланиш талаб ва эҳтиёжларига жавоб сифатида майдонга келган улкан ижтимоий-сиёсий ҳаракат эди. Унинг асосий қаноти сифатида жадид адабиёти ҳам юзага келди. Бу билан ҳам насрда, ҳам шеъриятда руҳан янгиланиш, қолоқлик ва жаҳолатдан қутулиш ғоясини куйлаш, рус истилосига қарши кураш, маърифат ва хурриятга эришиш, истиклолни қўлга киритиш кайфияти билан суғорилган янги бир адабий оқим вужудга келди. Жадид мактаблари пайдо бўлди. 1916 йилда Ўрта Осиё халқлари чоризмга қарши миллий-озодлик кўзғолони кўтардилар.

1917 йил ноябрь – 1918 йил мартда Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти эълон қилинди. 1920 йил Хоразм ва Бухоро халқ совет республикалари ташкил этилди.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида Ўзбекистон ССР барпо қилинди, 1925 йилда у иттифокдош республика сифатида СССР таркибига кирди.

1991 йил 31 августда ўзбек халқининг дахлсиз ҳуқуқи – ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш ҳуқуқи амалга ошди. Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди, у ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида буюк воқеа бўлди. Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий давлатчилигига тинч, парламент йўли билан эришди. Республика барча аҳолисининг хоҳиш-иродаси «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида»ги конституциявий Конунда мустаҳкамланган ва умумхалқ референдуми билан тасдиқланган.



Давлат мустақиллик кунининг нишонланиши.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон тараққиётнинг ўзига хос, ажойиб йўлини танлади, унинг моҳияти бозор муносабатларига асосланадиган эркин фуқаро жамияти қуриш, халқнинг ҳаёт кечириши учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пиравард мақсад этиб белгиланди.

Танланган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳияти – бу нормал, цивилизацияли тараққиётга сохта инқилобий сакрашлар, фоживий оқибатлар ва кучли ижтимоий ларзаларсиз тадрижий йўл билан ўтишдир.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақилликка эришишдаги ўз йўли республика тараққиётининг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Авваламбор, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш уклади, фикрлаш тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиққан. Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда диний «ислом омили»ни ҳисобга олиш муҳим роль ўйнайди. У турмуш тарзида, кишиларнинг руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятлар шаклланишида ва бу динга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашишга интилишда ҳам кўзга ташланади.

Энг муҳим хусусиятлардан бири – республикадаги ўзига хос демографик вазият. Аҳоли нуфуси ва меҳнат ресурсларининг юқори суръатдаги йиллик ўсиши унга хосдир.

Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлардан фаркли жихати унинг миллий таркибининг ўзига хослигидир. Этник тизимда туб аҳоли етакчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга республика ҳудудида юздан ортик миллат вакиллари яшайди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий хилма-хиллиги миллий ўзликни англаш ва маънавий тикланишнинг ўсиши билан мустаҳкам бирликда жамиятни янгилашга, унинг очиқ бўлишига қудратли туртки бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради.

Республика қулай геостратегик мавқени эгаллайди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди тарихан қадимги савдо йўллари, Буюк ипак йўли ўтган, ташқи алоқалар фаоллашган ва турли маданиятлар ўзаро уйғунлашиб, бойийдиган жой бўлган. Бугунги кунда ҳам Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон ўзининг энергетик ва сув тизимлари билан кўп масалаларда боғловчи звено вазифасини ўтаб, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантиришда борган сари фаол роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишдаги йўллар ва ёндашишларни танлашда табиий-иқлим хусусиятлари ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, улар нафақат муҳим стратегик маҳсулот-пахта етиштириш, балки мева-сабзавот маҳсулотлари, пилла ва бошқа қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёларини ўз эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, балки бошқа мамлакатларга етказиб бериш учун ҳам етарли бўлган кўламда етиштириш имконини беради.

Ўзбекистон республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш учун етарли салоҳиятга эга. Ўлка ниҳоятда қимматли ер ости минерал хом ашё захираларига эга, у чуқур структуравий ўзгаришларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминловчи соҳаларни ривожлантириш имконини беради.

Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётининг ўз йўли – бу республика ижтимоий тараққиётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олувчи мураккаб жараён. У пировард мақсади ҳақиқий мустақил



Истиклолнинг бадийи солномаси.

Ўзбекистон куриш бўлган ички ва ташқи сиёсатнинг умумий стратегиясини белгилайди.

Ички ва ташқи сиёсатнинг асосий устивор йўналишлари мамлакат Президенти И. А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган. Асосий вазифа – республика асосини меҳнатсевар ва бадавлат, ахлоқан мустаҳкам ва маданий оила ташкил этган жамиятни қадам-бақадам яратиш.

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу суверен, демократик, ҳуқуқий давлат. Бу фуқароларнинг миллати, дини, ижтимоий аҳволи ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган, инсонпарварлик тамойилларига асосланган давлат.

Республикада демократик ҳуқуқий жамият асослари фаол яратилмоқда. Давлат бошқарувининг янги, анча замонавий ва самарали бўлган тизими шаклланмоқда, унинг ўзагини бошқарувнинг президентлик шакли ташкил қилади. Жойларда бошқарув тизими қайта ташкил этилди – вилоят, туман ва шаҳарларда ҳоким лавозими жорий этилди.

Ўзбекистон давлат суверенитетини ташкил этувчи ва амалга оширувчи ташкилий тузилмалар

шаклланмоқда. Мудофаа, ташқи иқтисодий алоқалар, миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона кўмитаси ташкил қилинди. Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш, қимматбаҳо металллар, фан ва техника бўйича кўмиталар, олий аттестация комиссияси тузилди.

Марказий иқтисодий органларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди.

Банк тизими қайта ташкил этилди. Кўпгина вазирликлар ва идоралар тугатилди. Мустақил миллий авиакомпаниялар, ахборот агентликлари, кинокомпания ва бошқа умумдавлат хизмат турлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат суверенитети дунёдаги барча йирик давлатлар томонидан тан олинган ва дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га қабул қилинди. Республика Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг яқунловчи ҳужжатига имзо чекиш билан Хельсинки жараёнига қўшилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳондаги қатор етакчи иқтисодий ва молиявий бирлашмалар – Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Қора денгиз бўйи мамлакатлари иқтисодий ассоциацияси, Европа тиклаш ва тараққиёт банки ва бошқаларнинг аъзоси ҳисобланади.

Республика бугунги кунда мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизмоқда, улкан моддий ва маънавий бойликка эга бўлган халқнинг азалдан шаклланган турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва феъл-атворининг бутун дунё ҳисоблашадиган жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатмоқда.

Республиканинг миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий янгиланиши жараёни кетмоқда. Пировард мақсад – барқарор бозор иқтисодиёти, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдир.

Давлат тузилиши



Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши
Конституция (Асосий Қонун)
Қонун чиқарувчи ҳокимият
Президент
Ижро этувчи ҳокимият
Суд ҳокимияти
Маҳаллий давлат ҳокимияти
Жамоат ташкилотлари
Қонунчилик
Сайлов тизими
Қурағли Кучлар
Ташқи сиёсат







Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши

Ўзбекистон – суверен демократик республика.
Тулиқ номи – Ўзбекистон Республикаси.
«Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон»
номлари бир маънони англатади.
Бошқарув шакли – президентлик.
Республика давлат рамзлари – герб, байроқ, мадҳияга эга.
Миллий байрам – Мустақиллик куни – 1 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири халқ ҳокимиятидир.

Республикада халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Халқ давлатни бошқаришни бевосита ёки сайлаб қўйилган ўз вакиллари орқали амалга оширади. Халқнинг давлатни бевосита бошқариш воситаларининг асосийлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва айрим махсус қонунларда белгиланган. Уларнинг ичида референдум (умумхалқ овоз бериши) алоҳида ўрин тутади. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида референдум ўтказилади, яъни улар умумхалқ овозига қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунда белгиланган. Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга ва у фақат референдум ўтказиш йўли билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Халқ томонидан давлатни бевосита бошқариш воситаларига халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар, давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйиш, сайловчиларнинг



Ўзбекистон Республикаси Давлат герби.

ййғилишлари, халқ депутатларини муддатидан олдин чақириб олиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Уларни ўтказиш тартиби ҳам тегишли қонунларда белгиланган.

Халқ давлатни ўз вакиллари орқали бошқариши — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлари орқали бошқаришдир.

Халқ номидан фақат у сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти иш олиб бориши мумкин.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг муҳим принципларидан бири давлат суверенитетидир. Давлат суверенитети ички ва ташқи сиёсатни олиб боришдаги тўла мустақилликни англатади.

Республика Конституциясининг муқаддимасида давлат суверенитети ғояларига содиқлик Ўзбекистон халқининг асосий мақсади эканлиги алоҳида қайд қилинган.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишда қонунийлик принципига қатъий амал қилинади. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг яна бир принципи — ҳокимиятнинг тақсимланиши ҳисобланади. Конституциянинг 11-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тизими қонун



Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи.

чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республика Олий мажлиси томонидан амалга оширилади. Олий Мажлис давлатнинг олий ваколатли органи бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича ва кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган депутатлардан ташкил топади.

Ижро этувчи ҳокимиятни Ўзбекистон Республикаси Президенти амалга оширади. Президент аynи вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Президент фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят, ҳарбий ва ҳўжалик судлари, Тошкент шаҳар суди, туман ва шаҳар судларидан иборат.

Давлат тузилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси унитар давлат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишини белгилайдиган тўртинчи бўлими 70-моддасида суверен Қорақалпоғистон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов

Tantissimo *f*

Ser-qu-yosh hur
o'z-

o'l-kam, el- ga baxi, na-
bek-ning o'ch- ly- mo-

jot, Sen o'zing do'st-lar- ga
ni, Er-kin, yosh avlod- lar

yo'l-dosh, meh-ri- boni Mehri-
san- ga zo'r qo-niti Zo'r qo-

boni
ani

Yashas-
ti-qi-

p

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Абдулла Орипов

*Серқуёш, хур улкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!*

Накорат:

*Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуг халқ қудрати жуш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!*

*Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

Накорат:

*Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуг халқ қудрати жуш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!*

Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига кириши мустақкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 71-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудуди учун мажбурийдир (72-модда). Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Конституция (Асосий Қонун)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳаётига янги, эркин демократик тартиб бахш этиш учун ишлаб чиқилган ва 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Ўзбекистон Конституцияси ривожланган маърифий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган, шу билан бирга у ушбу заминда яшаётган халқнинг хоҳиш-иродаси ва руҳининг, унинг ижтимоий онги ва маданият даражасининг ифодаси бўлди. У Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий ғоялари ва принципларини ўзида мужассамлаштирди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат.

Унинг асосий ўзига хослиги шундан иборатки, унда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидagi масъулияти мустаҳамлаб кўйилган, яъни ҳар бир фуқаро манфаатларининг устуворлиги қонуний тасдиқланади ва қафолатланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. У ҳар бир кишига республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ҳаётида тўлиқ қатнашиш имконини беради. Ҳар бир киши зиммасига, шунингдек, муайян мажбуриятлар ҳам юкланади. Табиийки, давлат республика ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам Ўзбекистон фуқаролари манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон фуқаролари, ўз келиб чиқиши, ирки, миллати ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидир. Конституция Ўзбекистон фуқароси бўлган

барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари хурмат қилинишини кафолатлайди.

Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

Республика Конституциясининг энг муҳим кафолатларидан бири – инсон яшаш ҳуқуқининг кафолатидир. Унинг ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Ўзбекистон фуқаролари эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашшишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга; республика фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиб юриш, республикага келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга, қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир. Асосий Қонунда санаб ўтилган асосий эркинликларга дин эркинлиги, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги қиради. Оммавий ахборот воситалари ҳам эркиндир ва улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.

Сиёсий ҳуқуқлар. Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, ўз ижтимоий фаолликларини мамлакат қонунарига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш, касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш; ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва

Олий Мажлис сессияси йиғилиши.



шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар. Республиканинг ҳар бир фуқароси меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга. Банкка қўйилган омонатлар сир туғилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Ёлланиб ишлаётган фуқаролар ҳақ тўланадиган меҳнат таътили ҳуқуқига эга.

Ҳар бир фуқаро қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Республиканинг барча фуқаролари бепул умумий таълим олиш, маданият ютуқларидан, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат республика фуқароларига ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлайди. Эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғридан-тўғри мустаҳкамлаб қўйилган.

Асосий ҳуқуқлар никоҳ ва оила сингари ижтимоий институтларни ҳимоя қилиш ва кафолатлашга ҳам тааллуқлидир. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланади. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамоат етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди. Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Республика фуқаролари, ўз навбатида, Конституция ва қонунларга риоя қилишлари, бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишлари; тарихий, маънавий ва маданий меросни авайлаб асрашлари; атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари, шунингдек қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташлари, белгиланган солиқларни тўлашлари керак.

Конституцияда кўппартиялик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Республикада ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти Конституция билан тақиқланади.

Конституцияга ўзгартишлар Олий Мажлис жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Конституцияга кўра, ҳозирги пайтда у ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилиқ асосида 5 йил муддатга сайланадиган 250 депутатдан иборат. Олий Мажлисга Раис бошчилик қилади.

Олий Мажлис Конституцияда белгиланган ваколати доирасида ҳар қандай масалани ҳал қилишга ҳақлидир. Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига: республика Конституцияси ва қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; республика бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш; Олий Мажлисга ҳисоб бериб турадиган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларини тузиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш қабилар қиради.

Олий Мажлис қонунлар, қарорлар қабул қилади. Олий Мажлисте қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон



Олий Мажлис биноси.

Республикаси Олий Мажлиснинг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди, Бош прокурори эга.

Олий Мажлис ўз депутатлари орасидан Олий Мажлис Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаган. Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати.

2002 йилнинг 4–5 апрелида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессияси «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Конституциявий қонунни қабул қилди. Маълумки 2002 йилнинг 27 январида Ўзбекистонда умумхалқ референдуми бўлиб ўтиб, унда икки саволга, яъни келгуси чақириқдан бошлаб парламентни икки палатали қилиб ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш бўйича жавоб олинган эди. Энди Олий Мажлис Қонунчилик ва сенат деб аталган икки палатадан ташкил топади. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади. Сенат эса ҳудудий вакилик

палатаси бўлиб, сенаторлардан таркиб топади. Сенат аъзолари, яъни сенаторлар 14 та ҳудуднинг ҳар биридан 6 кишидан, яъни 84 нафар маҳаллий кенгашлар томонидан сайланади. Қолган 16 нафар сенатор фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади.

Конституциявий қонуннинг 8—моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати етти йил.

Президент

Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи — Президент. У айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Президент республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Президент халқаро муносабатларда мамлакат номидан иш кўради, хорижий давлатлар билан шартнома ва битимлар тузади, элчиларни аккредитациядан ўтказди ва қабул қилади; ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди, вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқаларни тузади ва тугатади; бош вазир ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурор ва унинг ўринбосарларини, вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судлари судьяларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади.

Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишига кафолат беради; республиканинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Президент Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси



Оқсарой – Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳи ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий ҳўжалик суди раиси ва аъзолари, республика Марказий банки бошқарувининг, Табиатни муҳофа қилиш давлат кўмитасининг раислари лавозимларига номзодларни тақдим этади.

Президент республика Қуролли Кучларининг Олий Бош кўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий кўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради.

Президент қонунларни имзолайди, фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради; миллий хавфсизлик ва давлат назорат хизматларини тузади, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масаларни ҳал этади; амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва республика судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади.

Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, малакавий ва фаҳрий унвонларни беради.

Президент шахси дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 97–моддасига мувофиқ ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди.

Ижро этувчи ҳокимият

Ижро этувчи ҳокимият органи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидир. Унинг таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, Президентнинг фармонлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Амалдаги қонунларга мувофиқ республика ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Суд ҳокимияти

Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий ва ҳужалик судлари, шунингдек шаҳар, туман ва ҳужалик судлари орқали амалга оширилади. Бу судлар республиканинг ягона суд тизимини ташкил этиб, улар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақилдир. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият қабул қилган ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

Олий суд фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Унинг томонидан қабул қилинадиган

хужжатлар қатъий ва республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб бориладиган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тула танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Айбланувчига тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи таъминланади.

Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади, унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати – 5 йил.

Республика ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий, кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти

Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ

депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман, шаҳарнинг юқори мансабдор шахси ҳисобланади ва тегишли ҳудудда вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятга бошчилик қилади. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисоб беради. Туман, шаҳар ҳокимлари юқори турган ҳокимларга ва тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисоб беради. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан бошқариб борилади.

Туман, шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги тегишли ҳокимлар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан бошқариб борилади.

Ана шу қонунларга мувофиқ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимлар вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари бажарилишини, жойларда Олий Мажлиснинг қонунлари, бошқа қарорлари, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорлари бажарилишини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқани, аҳолини вилоят, туман, шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари қонунларда ўзларига берилган ваколатлар доирасида ва ўз ҳудудларида давлат, иқтисодий ва ижтимоий-маданий тuzилишга раҳбарликни амалга оширадилар – иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларини ва маҳаллий бюджетни тасдиқлайдилар, ўзига бўйсунган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятига раҳбарлик қиладилар, қонунларга, давлат ва жамоат тартибига риоя этилишини, фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайдилар, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам берадилар.

Маҳаллий Кенгашлар ўзларига берилган ваколатларга биноан, маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни ўзлари ҳал этадилар; умумдавлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишда иштирок қиладилар; умумдавлат манфаатларини шу ҳудудда яшаб турган фуқароларнинг манфаатлари билан уйғунлаштирадилар; ягона давлат ҳокимияти органларининг таркибий бўғини сифатида ўзларидан юқори турувчи давлат органлари қарорлари амалга оширилишини таъминлайдилар ва қўйи турувчи Кенгашлар фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

Халқ депутатлари Кенгашлари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятлари, туманлари, шаҳарлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро манфаатли тадбирларни ўтказиш, қўшма корхоналар, хўжалик ташкилотлари ташкил қилиш учун, турли тармоқлар ва бошқарув соҳаларидаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун ўзларига берилган ваколатлар доирасида шартномавий муносабатлар ўрнатишга ҳақлидирлар.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келувчи қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади.

Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳамда ҳукумат ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келувчи қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси

томонидан тўхтатиб қўйилади ва бекор қилинади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари халқнинг энг оммавий ташкилотлари бўлиб, меҳнаткашлар томонидан сайланган халқ вакилларидан ташкил топади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунига кўра, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига 60 дан, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига 30 дан кўп бўлмаган депутатлик ўрни белгиланган.

Халқ депутатлари Кенгашларининг ва ҳокимларнинг ваколат муддати 5 йил.

Халқ депутатлари Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришнинг ривожланишига ёрдам берадилар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини йўналтириб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, 2,5 йил муддатга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини амалга ошириш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип бўйича тузилади. Ўзини ўзи бошқариш органлари иш олиб борувчи ҳудудлар фуқаролар тақлифига кўра туман, шаҳар ҳокимлари томонидан аниқланиб, қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманда фуқаролар йиғинларида 18 ёшга

етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар қатнашади.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, улар фаолиятини ташкил қилиш ва ваколатлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳужжатлари билан бошқариб турилади. Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан бошқариб турилади.

Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йиғини, шунингдек, халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки 18 ёшга етган ва ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин. Йиғинларда вакиллик нормасини тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ёки туман, шаҳар ҳокимлари белгилайди. Йиғин чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Фуқаролар йиғинлари агар йиғинларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпи ҳозир бўлса, вакиллар йиғилишлари эса делегатларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Барча масалалар бўйича қарорлар очик овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек раис (оқсоқол) нинг хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Жамоат ташкилотлари

Республикада бир қанча сиёсий партиялар ва 250 дан ортиқ жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар фаолият кўрсатади.

Жамоат ташкилотларини таъсис қилиш, улар фаолиятидаги устувор йўналишларни белгилаш, одатда,

республика раҳбарияти ва ҳукуматнинг ташаббуси билан бўлиб, улар бу ташкилотларни қўллаб-қувватлаб, ўз устав вазифаларини бажаришда ёрдам кўрсатадилар.

Давлат республика ижтимоий ҳаётини қайта қуриш ташаббускори бўлиб чиқиб, кўп мақсадли дастурни амалга оширмакда: давлат ва жамиятни бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмурий услубидан бутунлай қутулмоқда, мафкуравий ақидалардан халос бўлмоқда; бу жараёнларга жамоатчиликнинг кенг қатламларини жалб қилиш учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратмоқда; ҳар бир кишининг конституциявий ҳуқуқларини, барча ижтимоий гуруҳлар ва миллатларнинг иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун эркин хоҳиш билдиришини таъминламоқда. Натижада эркин, интеллектуал, маънавий бой одамларнинг миллий бирлиги, фуқаролик тотувлигига асосланган ҳуқуқий давлат бунёд этилмоқда; бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати изчил амалга оширилмоқда, кенг омманинг ҳуқуқий маданияти ва иқтисодий билимлари оширилмоқда, улар фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлмоқдалар; келажаги буюк давлатнинг мустаҳкам асоси, келгуси авлодлар учун озод ва гуллаб-яшнаётган ватан барпо этилмоқда.

Партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, Хотин-қизлар кўмитаси, турли жамғармалар Ўзбекистоннинг энг муҳим ижтимоий ташкилотлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси (ЎХДП).

1991 йил ноябрда Тошкентда тузилган.

Дастур ва Низоми бор. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган.

Дастурий мақсадлари: республикада адолатли жамият қуриш, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқлари ўртасида тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, ҳар бир меҳнаткашнинг моддий ва маънавий турмушини яхшилаш, фуқароларнинг тенг конституциявий ҳуқуқлари билан тўла қафолатланган озодлиги, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий келиб чиқиши, насл-насаби, миллати, дунёқараши, диний эътиқодидан қатъи назар, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда фаол қатнашиш.

Бош мақсади – Ўзбекистон Республикаси

мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда бевосита қатнашиш.

Олий органи – курултой, у 5 йилда бир марта чақирилади. Унда партия Раиси, Марказий Кенгаш ва Марказий тафтиш комиссияси сайланади. Кундалик сиёсий ва ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун Марказий Кенгаш аъзолари таркибидан Сиёсий ижроия кўмити ва котибият сайланади. Ўзбекистон ХДП парламент партиясидир. Сайловлар даврида ўз аъзоларини Олий Мажлисга, маҳаллий бошқарув органларига номзод қилиб кўрсатади, давлат органларининг барча бўғинида қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига кўра, партиянинг 69 кишидан иборат депутатлари фракцияси рўйхатга олинган. Партия фракцияси ўз фаолиятида партия мажлислари, кенгашлари, курултойлари қарорларига амал қилиб, улар олдида ўз ишлари юзасидан белгиланган тартибда ҳисобот беради. Бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган айрим масалалар бўйича ҳамкорликда иш кўриши ва қўшма қарорлар қабул қилиши мумкин.

Марказий нашрлари: «Ўзбекистон овози» (кундалик), «Голос Узбекистана» (ҳафталик) газеталари ва «Мулоқот» (ойда 1 марта чиқади) журнали.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидир (СДП).

1995 йил февралда Тошкентда тузилган. Дастур ва Низомга эга. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил рўйхатга олинган.

Асосий мақсади: Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий демократия принципларига асосланган, янги ижтимоий муносабатлар қарор топган адолатли фуқаролик жамиятини қуриш. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўз Низоми ва Республиканинг амалдаги қонунлари асосида ишлайди. Партия фаолияти ўзини ўзи бошқариш, ошқоралик, қонунийлик, ихтиёрийлик, партия аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, фаол қатнашиши тамойилларига асосланади.

Олий органи – партия курултойи, раҳбар органи – умумий йиғилиш, кенгаш, конференция, курултой.

Сайловлар даврида партия ўз аъзоларини Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият органларига номзод қилиб кўрсатади, шунингдек давлат ҳокимияти органининг барча бўғинларида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан Олий Мажлис 47 депутатидан иборат партия фракцияси рўйхатга олинган. Партия фракцияси «Адолат» СДП мажлислари, кенгашлари ва қурултойлари қарорига амал қилиб, улар олдида ўз ишлари юзасидан белгиланган тартибда ҳисобот беради. Бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган айрим масалалар бўйича ҳамкорлик қилиши ва қўшма қарорлар қабул қилиши мумкин.

Матбуот нашри – «Адолат» ҳафталик ижтимоий-сиёсий газетаси.

Ўзбекистон «Фидокорлар» халқ-демократик партияси.

2000 йил майда «Ватан тараққиёти» партияси билан бирлашиш натижасида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган.

Миллати, жинси ва қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар олимлар, зиёлилар, тадбиркорлар, фермерларни бирлаштиради.

Асосий мақсади: Ватаннинг гуллаб-яшнаши, барча соҳаларда изчил амалга оширилаётган туб ислохотларни янада мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида хизмат қилиш. Жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган қарорлар ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ қилинишига ҳисса қўшиш.

Низом ва Дастурга эга, Матбуот нашри – «Фидокор» ижтимоий-сиёсий газетаси.

Миллий тикланиш демократик партияси (МТДП)

1995 йил июнда Тошкентда тузилган. Дастур ва Низоми бор. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган.

Бош мақсади: миллий манфаатлар заминидаги янги ўзбек давлати асосларини яратиш, ҳуқуқий давлат барпо этиш, Ўзбекистоннинг жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига тезроқ кириши йўлида халқни бирлаштириш.

Миллатнинг ўзлигини англаши, фуқароларда Ватанга садоқат ва муҳаббат дунёқарашини шакллантириш, бозор муносабатларига асосланган янги жамият қуриш, миллий тикланиш йўлидан ривожланишга эришиш, миллий мерос ва ағъаларни тўла рўёбга чиқариш, миллатнинг илмий ва техникавий салоҳиятини юксалтириш ва демократик жамият қуриш йўлида иш олиб боради. Ўз фаолиятида жамиятдаги барча сиёсий кучлар, ижтимоий ҳаракатлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга интилади.

Олий органи – қурултой, у 5 йилда бир марта чақирилади. Қурултой Марказий Кенгаш Раёсатини, Марказий ҳайъат Раиси, унинг уринбосарларини, Марказий Тафтиш комиссиясини сайлайди. Қурултойлар оралиғида доимий ишлайдиган партия раҳбар органи Марказий Ҳайъатдир.

Матбуот нашри – «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати.

1995 йил июнда Тошкентда тузилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. Барча фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган ҳуқуқлари ва кафолатларини тўла рўёбга чиқариш асосида Ўзбекистон кўпмиллатли халқининг бирлигини янада мустақамлаш, шунингдек фуқаролик бурчи ва ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш ва тарбиялаш устувор мақсад ҳисобланади.

Асосий вазифалари: зиёлиларнинг, миллатлар ва элатлар барча ижтимоий қатламлари вакилларининг ижтимоий, фуқаролик салоҳиятини тўлароқ намоён этиш; Ҳаракат қатнашчилари ва давлат ҳокимият органлари ҳуқуқий ҳамкорлигини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ва миллий-маданий эҳтиёжлари амалга оширилишини бошқариш; мамлакат ёш авлодида ватанпарварлик, Ватанни чуқур ҳис этишни тарбиялаш; чет эл жамоатчилигини мустақил Ўзбекистонда замонавий маданият, миллатлараро муносабатлар ва тотувлик қарор топаётганлиги тўғрисида хабардор қилиш.

Ҳаракат ўз фаолиятида ватанпарварлик, байналмилаллик, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш принципларига таянади.

Ҳаракатга аъзо бўлиш кўнгилдир. Ҳаракатнинг

мақсад ва вазифаларини эътироф этувчи ва унинг Низомини бажарувчи ҳар бир фуқаро ёки жамоа Ҳаракат аъзоси бўлиши мумкин. Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари ҳам, туман, шаҳар, вилоят, республика ташкилотлари ҳам Ҳаракатга аъзолар қабул қилади.

Ҳаракатнинг туман, шаҳар, вилоят бошланғич ташкилотлари, Қорақалпоғистон республика ташкилоти ва Марказий Кенгаши унинг тузилмасини ташкил қилади. Олий органи – 4 йилда бир марта чақириладиган қурултой. Раҳбар органлари – Марказий Кенгаш, Тафтиш комиссияси, Марказий Кенгаш Раёсати. Қурултойда Ҳаракат Раиси, раисдошлари сайланади. Низом ва Дастури қабул қилинган.

Матбуот нашри – «Бирлик–Единство» газетаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман).

1995 йил тузилган. Ўз фаолиятида давлат ва фуқаро, жамият ва шахс, аҳолининг турли қатламлари орасида тарбиявий ва маърифий иш муаммолари каби муҳим масалаларни қамраб олади.

Асосий вазифалари: фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши ёки эркинлиги камситилишига оид турли масалалар бўйича шикоятлари, таклифларини қабул қилади ва кўриб чиқади. Хатоларни бартараф этиш чораларини таклиф этади, зарур ҳолларда эса, ўз ҳуқуқий мақомидан фойдаланиб, хатоликларга йўл қўяётган шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортишни тавсия этади. Омбудсманнинг фуқаролар шикоятларини кўриб чиққандан сўнг тегишли органларга юборадиган хулосаси инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ҳимояни таъминлашнинг таъсирчан воситасидир. Бу борада кўриладиган чоралар халқаро



Омбудсман
йиғилиши.

ҳуқуқий нормаларга ҳам, жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатида тузилган худди шундай институтлар иш амалиётига ҳам тўла мос келади.

«Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Омбудсманнинг ҳулосаси давлат идорасига ва ундаги мансабдор шахсга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахсларига юборилиши мумкин. Қонун шунингдек, бузилган инсон ҳуқуқларини тиклаш лозимлиги тўғрисидаги ҳулосани олган органлар ва мансабдор шахсларни бир ой давомида ана шу ҳулосани кўриб чиқиб, кўрилган чоралар тўғрисида Омбудсманга хабар беришга мажбур этади. Омбудсман йил давомида фуқароларнинг мингдан ортиқ шикоят ва аризаларини олмоқда, уларнинг ҳар бири бўйича муайян чоралар кўрилмоқда. Омбудсман ҳузуридаги мустақил экспертлар Кенгаши аъзолари ҳуқуқий маслаҳатлар беришдан тортиб фуқароларнинг аниқ бир шикояти бўйича текшириш ўтказиб, шу асосда зарур чоралар кўриш юзасидан органларга тақдимномалар топширмоқдалар.

Омбудсман ҳар йили мамлакат парламентига маъруза тақдим этади. Унда республикада инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари, кўрилган чоралар, ҳокимият органлари кўрган чораларнинг самарасини умумлаштириб, ҳулоса қилинади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва сақлашга доир қонунчиликнинг мустаҳкам тизимини белгилаб берувчи 100 дан ортиқ муҳим қонун қабул қилиниб, амалда ишламоқда. Омбудсман республикада инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши борасидаги вазиятни баҳолаш бўйича кенг тадқиқот-таҳлил ишини олиб бормоқда. Қонун бузилишларини аниқламоқда ва уларни келтириб чиқараётган сабабларни ўрганмоқда, айни вақтда уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий нормалари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларга қанчалик мувофиқлигининг экспертлар томонидан баҳоланишини уюштирмоқда, дастурларни, шу жумладан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши кафолатланиши бўйича аниқ ҳаракатларни назарда тутадиغان узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқмоқда.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича республика ноҳукумат ташкилотлари билан яқин алоқалар ўрнатмоқда ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишда қатнашмоқда. Шу билан бирга Омбудсман бу соҳада кенг ахборот айирбошлаш тизимини йўлга қўймоқда.

БМТнинг Ўзбекистондаги Миссияси кенг қўллаб-қувватлаётгани ва кўрсатаётган ёрдами Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили фаолияти халқаро миқёсда эътироф этилаётганидан далолат беради. Хусусан БМТ мутахассислари тегишли қонун лойиҳаси ва «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати» дастурини ишлаб чиқишда иштирок этдилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси миллий маркази

Давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идоралараро мувофиқлаштириш органи булиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойиллари ва меъёрлари, Конституция қоидалари ва Ўзбекистоннинг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, давлат сиёсатини амалга оширади. 1996 йилда тузилган.

Асосий вазифалари: инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича миллий маърузалар тайёрлаш ва уларни тегишли халқаро ташкилотларга тақдим этиш; инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш; инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама битимларни ишлаб чиқиш ва эксперт баҳолаш ҳамда уларни келишиб олишда қатнашиш; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ишлаш ва ҳамкорлик қилиш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек жамоат ташкилотлари учун инсон ҳуқуқлари масалалари юзасидан маслаҳатлар бериш; фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш; давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таълим бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш

борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ривожлантириш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш ва унда қатнашиш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази БМТнинг Тараққиёт дастури билан бирга «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарувни такомиллаштириш» дастурининг мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади. Миллий марказ БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маркази билан алоқаларни йўлга қўймоқда, унга Миллий маъруза тақдим қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Вена декларацияси ва ҳаракатлар дастурига қўшилиши билан ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариш учун Марказ инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий дастур ишлаб чиқиб, уни амалга оширмоқда. Марказ Олий Мажлис депутатлари ва сиёсий арбоблар учун инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот-таълимий дастурлар ҳам ишлаб чиқди. Ана шу тоифа кишилари учун туркум семинарлар ўтказилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқшунослар малакасини ошириш маркази базасида ҳокимликларнинг хизматчилари, ижтимоий соҳа ходимлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, маориф ходимлари учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида махсус юридик тайёргарлик дастурлари тузилиб, амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ташаббуси билан республика ИИВ Академиясида инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси ташкил қилинди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун махсус дарслик тайёрланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази чуқур таҳлилий ишлар асосида инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммолар бўйича асосий вазифаларни аниқлаб, таърифлаб берди. Миллий қонунларни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаш, ноҳуқумат ташкилотларини аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ўз ҳуқуқлари тўғрисида яхшироқ хабардор қилишдаги мавқеини кенгайтириш, ўрта ва олий ўқув юртларида ҳуқуқий таълим савиясини

ошириш, хотин-қизларнинг шахсий ҳуқуқларига риоя этиш ва уни муҳофаза қилиш кабилар устувор муаммолар қилиб белгиланди.

Марказ «Ўзбекистонда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» даврий нашрига эга.

«Маҳалла» жамғармаси.

Ўзбек халқининг тарихий анъаналари ва азалдан таркиб топган ўзига хос ноёб хусусиятларидан бири жамоатчилик фикрига эътибор билан қараш, жамоа олға сурган ғояни яқдиллик билан қўллаб-қувватлашдир. Шу боис ижтимоий ҳаётнинг асосий кўриниши, фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг обрўли органи маҳалла ҳисобланади. Одамларнинг кундалик ҳаётини, ижтимоий, маданий ва маънавий эҳтиёжлари айни маҳаллада адолатли ҳал бўлади. Шунинг учун маҳалланинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда, умуман жамиятни демократик асосида ислоҳ қилишда мавқеи ниҳоятда муҳимдир.

Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси — мустақил, ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот, ўз фаолиятини Конституцияга, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунларга асосланган ҳолда, халқаро меъёрлар ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган ўз Низомига мувофиқ тарзда олиб боради. Жамғарма 1992 йил тузилган, Низоми қабул қилиниб, раҳбар органлари сайланган.

Тузилманинг номи жамғарма фаолияти фақат ҳайрия тарзида юритилишини кўрсатади, унинг барча маблағлари, қайси манбадан тушганлигидан қатъи назар, аҳолининг кам таъминланган қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатишга сарфланади.

Жамғарманинг асосий мақсади ижтимоий, иқтисодий даража ва маданий савияни ривожлантиришда, миллий анъаналар ҳамда одатларни бойитишда маҳалла ва унинг аҳолисига ҳар томонлама ёрдам бериш, маҳалла қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлашдир.

Асосий вазифалари: маҳалла ҳудудида яшовчи кам таъминланган ва кўп болали оилалар, қариялар, ногиронлар, етим-есирларни ва бошқа ижтимоий гуруҳларни ҳар томонлама ҳимоялаш; Жамғарма аъзоси бўлган корхоналар, ташкилотлар, кооперативларнинг ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш, республикани

иктисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш бўйича ислохотларни қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда ёрдамлашиш; маънавий ва ахлокий баркамол шахсни тарбиялаш ва камол топтириш шарт-шароитларини яратиш, унинг ижодий ва бошқа амалий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш; ёш авлодда касб-хунар эгаллашга қизиқишни орттириш, шу мақсадда кичик ва қўшма корхоналар ташкил қилиш; инсонпарварлик ғояларини ва эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга, ёлғизларга, етим-есир ва ногиронларга меҳр-шафқатли бўлишни кенг тарғиб қилиш; ижтимоий таъминот органлари билан биргаликда бепул тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан бир марталик моддий ёрдам бериш дастурларини амалга ошириш. Низомда кўрсатилган ўз мақсад ва вазифаларини бажариши учун «Маҳалла» хайрия жамғармасига Ўзбекистон Республикаси қонунларида ман этилмаган ишлаб чиқариш, ноширлик ва бошқа тижорат фаолиятини амалга оширишда кенг ҳуқуқ ва имтиёзлар берилган.

Жамғарманинг олий органи – беш йилда бир марта чақириладиган конференция. Таъсисчилар кўпчилигининг талаби бўйича навбатдан ташқари конференция ҳам чақирилиши мумкин.

Жамғарма Қорақалпоғистон Республикасида, Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўз бўлинмалари ва вакилликларига эга, улар туман ва шаҳар бўлинмаларига бирлашадилар. Республикада ҳаммаси бўлиб 11780 дан ортиқ маҳалла кўмитаси тузилган ва ишламоқда.

«Маҳалла», унинг жойлардаги бўлинмалари ўз фаолиятида фуқароларнинг ташаббуси ва фикрига таянади, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалар билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Матбуот нашри – «Маҳалла» газетаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истеъдодли ёшларнинг чет элларда ўқишини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси

1997 йил тузилган.

Фаолиятининг асосий йўналишлари: талабалар орасидан чет эл олий ўқув юрғларида ўқитиш мақсадида энг истеъдодли ёшларни рақобат асосида ташлаб олиш; жаҳоннинг етакчи олий ўқув юрғлари, халқаро илмий

марказлар, ташкилотлар ва жамғармалар билан ҳамкорлик ўрнатиш; истеъдодли ёшларнинг ўқишига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ва халқаро андозалар даражасида мутахассислар тайёрлаш; истеъдодли ёшларнинг қобилияти ва таланти намоён бўлиши учун қулай шарт-шароит яратиш, ёшларда меҳнатсеварлик, Ватанга, эртанги кун идеалларига содиқликни тарбиялаш.

Жамғарма жюри си республиканинг етакчи олимлари, мутахассислари ва халқаро ташкилотлар вакиллари дан иборат.

Ўқиш шакли: бакалаврият (4 йил), магистратура (2 йил) ва малака ошириш (1 йил).

«Умид» жамғармаси авиасозлик, ҳаво транспорти, молиялаштиришни чуқур ўрганиш, менежмент, ҳавода ҳаракатни бошқариш соҳасида ходимлар тайёрлаш бўйича «Боинг» компанияси билан ҳамкорлик туғрисида, «Нише иваи корпорейшн» компанияси билан ҳамкорлик туғрисида битимлар тузди.

Республика олий ўқув юр்தларининг танловда ғолиб деб топилган, талабалари жамғарма томонидан АКШ, Буюкбритания, Германия, Италия, Франция ва Япониядаги энг йирик университетларга ўқишга юборилади.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси

Республика фахрийларининг кўнгилли, ўзини ўзи бошқарувчи ноҳукумат, хайрия ташкилоти.

1996 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони га кўра Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотларининг тугатилган Кенгаши ва корхоналар уруш ва меҳнат фахрийлари республика уюшмаси «Ўзветеран»нинг ҳуқуқий меросхўри сифатида таъсис этилган.

Мамлакатда амалга ошириладиган ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш, қарияларни ижтимоий ҳимоялаш ва ёш авлодни тарбиялаш ишида уларнинг фаоллигини кучайтириш мақсадида ташкил қилинган.

Вазифалари: уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиш, уларга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш.

Асосий ишидан ташқари ишлаб чиқариш, хўжалик,

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланади.

Қорақалпоғистон Республикасида, республиканинг барча вилоятлари ва туманларида бўлинмалари бор. Йирик корхоналар ва ташилотларда, маҳаллаларда «Нуроний» жамоатчилик марказлари иш олиб боради.

Жамғарма Низоми ва Дастури қабул қилинган.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

Ўзбекистон ёшлари ташкилоти. 2001 йил 25 апрелда қайта тузилган. Дастур ва Низомга эга. Ҳаракатнинг мақсади – Ўзбекистон Республикаси ёшларини бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш. «Қамолот» ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоеън этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, ёш авлоднинг таянчи ва суянчи бўлишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Ҳаракат Дастурида сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий, спорт ва жисмоний тарбия ҳамда халқаро фаолият соҳасида ташкилот аъзолари амалга оширажак ишларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ташкилот аъзолари «Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун нима қилмоқдаман, деб яшаш керак», деган сўзларни дастуриламал қилиб олган. Бу «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фидойий «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйини қатнашчилари.



йигит-қизларни тарбиялаб, комил инсонлар этиб вояга етказишдек олижаноб мақсадини кўрсатади. Ҳаракатга Марказий Кенгаш раҳбарлик қилади. Назорат ва тафтиш комиссияси тузилган. Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда, ташкилот, муассаса, корхоналарда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари тузилган. 14–28 ёшдаги ўғил-қизларнинг 4,369 066 нафари Ҳаракат аъзоси бўлди (2002 й. апрель). Ҳаракат тузилгандан буён ўтган бир йил ичида «Камолот» ёрдамида жами 25 мингдан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди, минглаб ёшларга ўқиш, тадбиркорлик кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун банкдан кредит олишда кўмак берилди.

«Камолот» ижтимоий ҳаракати ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий истиқлол ғояларига булган садоқатни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказди. Ёшларнинг турли муаммоларини кўтариб чиқиш, эркин фикрлаш ва сўзлашга ўргатиш, ёшлар орасида учраб турадиган салбий ҳолатларга қарши курашиш мақсадида турли тадбир ва акциялар уюштиради. Масалан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда «ОИТС ва жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар ҳамда гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш муаммолари» грант дастури доирасида 150 мингдан ортиқ ёшларни қамраб олган тадбирлар ўтказилди. «Камолот» бир қатор хорижий ёшлар ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Жумладан, Миср Араб Республикаси, Италия, Озарбайжон ва бошқа давлатлар ёшлар ташкилотлари билан дўстона ҳамкорлик ўрнатилди.

Республика байналмилал маданият маркази.

Маълумки, ер юзида 1600 дан ортиқ этник гуруҳлар яшайди. Улар ўзининг бетақрор маданияти ва маънавий қадриятларига эга. Мустақил Ўзбекистонда ўзбеклар билан биргаликда 100 дан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилади, улар мамлакат аҳолиси умумий сонининг 20 фоизидан ортигини ташкил этади. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллатлараро бирдамликни сақлаш ва мустаҳкамлашга алоҳида

этибор берилди бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 13 январдаги қарори билан Республика байналмилал маданият маркази (РБММ) ташкил қилинди. Бу марказ мустақил муассаса. У миллий маданий марказлар фаолиятига раҳбарлик қилади, Ўзбекистонда яшайдиган турли миллий гуруҳлар маънавий эҳтиёжларини қондиришга, уларнинг ўз она тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлашга ёрдамлашади.

Миллий маданий марказлар ўзи келиб чиққан мамлакатдан ташқарида яшовчи этник гуруҳлар (диаспора) анъаналарининг чинакам ифодачиси ҳисобланади. Бундай марказлар Ўзбекистонда 20-аср 90 йилларининг бошида пайдо бўла бошлаган эди. Республика байналмилал маданият маркази вужудга келгач, улар фаолияти учун кенг имкониятлар очилди ва сони йил сайин кўпайиб борди. Чунончи, 1992 й. атиги 10 та миллий-маданий марказ иш олиб борган бўлса, 1995 йда – 72 та, 2002 й.га келиб эса 122 та марказ самарали фаолият кўрсата бошлади. Улар мамлакат жамоат ташкилотлари орасида ўзининг муайян ўрнини эгаллади.

Республика байналмилал маданият маркази ўз ишини Жамоатчилик кенгаши тавсиялари асосида режалаштиради ва амалга оширади. Бу кенгаш таркибига Марказ раҳбарияти, миллий-маданий марказларнинг раислари, вазирликлар ва муассасалар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда таниқли олимлар киради. Республика байналмилал маданият маркази ва миллий-маданий марказлар ташаббуси билан 1995 й. Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати ташкил топди.

Марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири турли миллат вакиллари бўлган ватандошларимизнинг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеаларда фаол иштирок этишини таъминлаш ҳисобланади. Бунга Мустақиллик куни, Наврўз байрами, Конституция кунини нишонлаш муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбирлар мисол бўлади. Миллий, диний анъаналарга оид тадбирлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Улар орасида Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Рождество, Пасха, Масленица, Пурим, Хансик, Ҳосил байрами, Чусон кабилар бор. Турли юбилей саналари ҳам кенг нишонлаб келинади. Рус

православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги, «Манас» эпосининг 1000 йиллиги, сохибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи, шунингдек, Навоий, Жомий, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Абай, Пушкин, Махтумқули, Шевченко, Есенин, Мухтор Авезов, Чингиз Айтматов ва бошқа буюк шахсларнинг таваллуд саналари кенг нишонланди.

Республика байналмилал маданият маркази, миллий-маданий марказлар давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ҳар бир миллат кишисининг эркин ривожланиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидасини амалда рўёбга чиқармокда, мамлакатда миллатлараро муносабатларнинг уйғунлашувига ёрдам бермокда.

Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказлар фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб келинади. Телетомошабинлар турли телеканаллар орқали рус тилидаги «Ўзбекистон— умумий уйимиз», «Ягона оилада», уйғур тилидаги «Умид», қозоқ тилидаги «Жетиген» ва «Дийдар», қирғиз тилидаги «Айчурек», тожик тилидаги «Меҳрангез» ва «Рангинкамон», татар тилидаги «Бизнен мерес» украин тилидаги «В доброй хате», корейс тилидаги «Чинсен» туркум кўрсатувларини кизиқиб томоша қилишади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари турли касб эгалари бўлган меҳнатқашларни жинси, диний эътиқоди, ирқий ва миллий мансублигидан қатъи назар ихтиёрий бирлаштирувчи оммавий жамоат ташкилотидир.

Республика ташкилоти сифатида 1925 йил расмийлашган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши даврида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг янги шароитларида, мулкчиликнинг кўп укладли шакллари вужудга келтирилиши, тадбиркорликнинг ривожлантирилиши, иқтисодиётга хусусий сармоялар ва чет эл инвестицияларини жалб этиш касаба уюшмалари фаолияти учун ҳам янги шароитлар яратди. Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи Ўзбекистон Конституциясида қайд қилинган. Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат идоралари ва сиёсий

партияларга боғлиқ бўлмай, мустақил равишда иш юритадилар. Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида мамлакатдаги бу энг оммавий жамоат ташкилотининг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди.

Касаба уюшмаларининг ташкилий тузилиши асосида жаҳон касаба уюшмалари амалиёти андозаларига мос келадиган федерализм, демократия, мустақиллик ва ихтиёрийлик принциплари ётади. Қуйдан юқоригача барча касаба уюшмалари органлари касаба уюшмалари аъзолари томонидан сайланган вакилларнинг йиғилишлари, конференциялари ва курултойларида сайланади ва улар олдида ҳисоб беради. Касаба уюшмаларининг ҳар бир аъзоси сайлаш ва касаба уюшмалари органларига сайланиш, йиғилишлар ва оммавий ахборот воситалари орқали касаба уюшмалари ҳамда маъмурий органлар фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишга ҳақли.

Касаба уюшмалари ишлаб чиқариш, тармоқ ва ҳудудий принциплар асосида ташкил этилади. Тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари аъзо ташкилотлар сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини ташкил этадилар. Республикада ҳаммаси бўлиб 15 тармоқ касаба уюшмалари ва «Қизилқум нодир металллар-олтин» касаба қўмитаси бор:

Авиация ходимлари касаба уюшмаси.

Автомобиль транспорти ва йўл ҳужалиги ходимлари касаба уюшмаси.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси.

Ёнилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси.

Машинасозлик ва металлургия саноати ходимлари касаба уюшмаси.

Давлат муассасалари ва хизмат соҳалари ходимлари касаба уюшмаси.

Темирйўлчилар ва транспорт қурилиши ходимлари касаба уюшмаси.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси.

Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси.

Маданият ходимлари касаба уюшмаси.

Маҳаллий, мебель, енгил саноат ва коммунал-маиший

хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси.

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси.

Қурилиш ва қурилиш материаллари ходимлари касаба уюшмаси.

Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва турли шакллардаги тadbиркорлик ходимлари касаба уюшмаси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таркибига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 вилоят ҳамда 1 шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари киради. Айни вақтда вилоятларда тармоқ касаба уюшмаларининг 80 дан зиёд, шаҳар ва туманларда 744 қўмитаси иш олиб бораётир.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг олий органи ҳар 5 йилда бир марта чақирилувчи қурултойдир. Қурултойлар орасида Федерация фаолиятига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарлик қилади. Кенгаш аъзолари тармоқ касаба уюшмалари қурултойларида сайланиб, вакил қилинадилар ва касаба уюшмалари қурултойларида тасдиқланадилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлиси йилига камида 1 марта ўтказилади. Кенгаш ўз йиғилишлари оралигида касаба уюшмалари фаолиятига раҳбарлик қилиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Раёсатини сайлайди, унинг мажлислари заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўз фаолиятини ижтимоий шерикчилик асосига қуради, касаба уюшмаларининг давлат билан, ижро этувчи органлар ва иш берувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари янгича ташкил қилинмоқда.

Жамиятда юз бераётган ўзгаришларнинг бошқарилувчанлиги, прогноз қилина олиши меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш чораларини амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишга имкон беради.

Тармоқ марказий қўмиталари, вилоят кенгашлари вазирликлар ва идоралар, вилоят ҳокимликлари билан уч ва икки томонлама ҳудудий ва тармоқ битимлари



Бухоро вилояти. «Ситораи Мохи Хоса» санаторийси.

тузишга ўтдилар. Корхоналар ва ташкилотларда бевосита маъмурият ва касаба уюшмалари билан меҳнат жамоаси манфаатларини кўзловчи жамоа шартномалари тузилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши республика Олий Мажлиси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза ўтказишда бевосита иштирок этмоқда.

Касаба уюшмалари таклифи бўйича ва уларнинг бевосита иштирокида «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган бу қонун фуқаролар учун жамоат бирлашмалари тузиш эркинлиги ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўяди. «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонун, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун, Меҳнат кодекси ҳам касаба уюшмалари иштирокида ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Касаба уюшмаларининг ҳозирги шароитдаги ҳаракат дастури қабул қилинган. Унинг асосий жиҳатлари: бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида касаба уюшмаларининг ижтимоий мавқеи ва вазифаларини белгилаш;

ҳозирги шароитда касаба уюшмалари ҳаракатларининг янги стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш;



Наманган вилояти. «Чортоқ» санаторийси.

касаба уюшмалари фаолияти ташкилий асосларини ислоҳ қилиш, ҳокимиятнинг ваколатли ва ижро этувчи органлари билан, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатлар ва ўзаро ҳаракатлар принципларини ташкил этиш. Айни вақтда хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишларини аниқламоқда, бу ходимлар меҳнатига ҳақ тулаш масалаларини ҳал этиш, имкони борича иш билан банд қилиш ва ишсизликни камайтиришга олиб келади.

Меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш касаба уюшма аъзолари меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий йўналишидир.

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасидаги миллий сиёсат, ваколатли органлар, иш берувчилар ва меҳнаткашлар (касаба уюшмалари) билан келишиш иш берувчини меҳнат муҳофазаси хизматларини ташкил қилиб бориш, сўнг уларни корхона меҳнатини муҳофаза қилишнинг амалдаги қоидалари ва меъёрларига ўргатишга мажбур этади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг асосий вазифаси иш ўрнида пайдо бўладиган саломатлик учун хавфли омилларни аниқлаш ва уларни баҳолашдан иборат бўлиб, бунга ишлаб чиқариш муҳити ва ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш, носоз ускуналар

билан ишлашни ман қилиш орқали эришилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, иш вақти ва дам олиш, айниқса саломатлик учун зарарли ва хавфли ишларда банд бўлганларнинг меҳнат қилиши ва хордик чиқариши, хотин-қизларнинг меҳнат фаолияти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ишга қабул қилишнинг энг паст ёшига оид масалалар кўрилди. Меҳнат шароитлари, зарарли ва хавфли бўлган ишларда балоғат ёшига (18 ёш) етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш ман қилинган, ходимларни меҳнат хавфсизлигига ўқитиш ва тайёрлаш йўлга қўйилган.

Меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва касалланишнинг олдини олиш муаммоси шифохоналар ва поликлиникалар, курортлар, санаторий-профилакторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари тармоғини кенгайтириш, ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказишни такомиллаштириш орқали ҳал қилинмоқда.

Мамлакатда аҳолига санаторий-курортлар хизмати кўрсатишнинг аниқ тизими яратилган. Қашқадарё вилоятида «Қашқадарё соҳили» ва «Мироқ», Жиззах вилоятида «Зомин», Андижон вилоятида «Марҳамат», Сурхондарё вилоятида «Хўжаи пок» ва «Бойсун», Хоразм вилоятида «Хонқа», Тошкент вилоятида «Оқтош», «Бўстон» санаторийлари янгидан ташкил қилинди. Мамлакатда ниҳоятда хилма-хил табиий шифобахш ресурслар бор. Фарғона водийсининг «Чимён» санаторийсида Наманган вилоятининг «Чортоқ», «Ниҳол» санаторийларида Тошкент вилоятининг «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», Бухоронинг «Ситораи Моҳи Хоса», Наманган вилоятининг «Косонсой» санаторийларида Самарқанд вилоятидаги «Абу Али ибн Сино» санаторийсида шифобахш сув булоғи шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг тоғ ва ўрмон зоналарида болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳлари, шу жумладан санаторий типигаги оромгоҳлари жойлашган. Бу жойларда болалар яхши дам олиш билан бирга саломатликларини ҳам мустаҳкамлайдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг халқаро анжуманида Орол масалалари,

Қорақалпоғистонда йил давомида ишлайдиган «Орол болалари» халқаро болалар ўқув-соғломлаштириш марказини қуриш тўғрисидаги ташаббуси ижобий кутиб олинди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари меҳнат жамоалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари аҳоли турар жойларида жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, бўш вақтдан мазмунли фойдаланиш, кишиларни маънавий ва жисмоний бардам қилишга қаратилган оммавий мусобақалар, сайёҳлик юришлари, спартакиадалар ўтказиш борасида катта иш олиб бормоқда.

Қасаба уюшмалари мустақилликка эга бўлгач, хорижий мамлакатлар қасаба марказлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш ва кенгайтириш, халқаро қасаба уюшмалари ва бошқа нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларида аниқ мақсадли ишлар олиб бормоқда.

Тошкент вилояти. «Хумсон» санаторийси.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро Меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари вакиллари Меҳнат Бош конфедерациясининг йиллик сессияларида қатнашиб келмоқда.

Маънавий ва маърифат жамоатчилиқ маркази

1994 й. 23 апрелда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган.

Республика жамоатчилиги билан ҳамкорликда иш юритувчи, бюджет ажратмалари ва хўжалиқ ҳисобидаги маблағлар асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотдир. Унинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари ўзбек халқининг маънавий-маданий мероси, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳига мос ғояларни шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этиш, республикада маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар ҳозирлаш; юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш; миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни, юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳамда фуқаролар тотувлигини, минтақа халқларининг муштарақ маънавий, маърифий, маданий илдизларини тадқиқ ва таҳлил асосида тарғиб этиш; мамлакатдаги ва дунёдаги хилма-хил мафкура, эътиқод, ғояларни ўрганиш, соғлом дунёқараш ҳамда сиёсий маданиятни шакллантиришда иштирок этиш; жамоат бирлашмалари, илмий, иждоий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигига кўмаклашиш; маънавий-маърифий масалаларга доир маърузалар уюштириш, анжуман ва суҳбатлар ўтказишдан иборат.

Марказга Кенгаш ва Бошқарув раҳбарлик қилади. Унда Миллий ва умуминсоний кадриятлар, Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти, Маънавий-маърифий истиқболли тадқиқотлар деган бўлимлари мавжуд.

Марказ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоят ҳамда туманларда ўз бўлимларига эга.

Марказ Ўзбекистон Республикасида истиқлол ғояларини тарғиб этиш, халқда миллий ва умуминсоний ғоялар асосида юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, республика зиёлиларининг иждоий ва



Республика хотин-қизлар қўмитаси йиғилиши.

илмий салоҳиятини Ватан равнакига йўналтириш борасида муҳим тадбирлар олиб бормоқда.

Марказнинг матбуот нашри – маънавий-маърифий, ижтимоий-фалсафий, рангли-безакли “Тафаккур” журнали. (1994 й. августидан чиқади).

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси

Ўзбекистон аёлларини миллати, касби, диний эътиқоди ва маълумотидан қатъи назар ихтиёрий равишда бирлаштирувчи жамоат ташкилотидир. Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ўз Низомига мувофиқ амалга оширади.

Қўмита тузилмасига: Республика идораси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги идораси, шаҳар ва туманлардаги вакилликлари киради. Хотин-қизлар қўмиталари барча ташкилотлар, корхоналар, меҳнат жамоалари, маҳалла қўмиталарида иш олиб боради.

Олий органи – конференция, у Қўмитанинг келгуси муддатда қиладиган ишлари дастурини белгилаб беради, раҳбар органларини сайлайди, зарурат туғилганда Низомга ўзгартишлар киритади.

«Соғлом авлод учун» умуммиллий дастурини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. «Маҳалла», «Наврўз», «Экосан» ва бошқа жамғармалар билан бирга умумий ҳаракат платформаси ишлаб чиқилган. Чунончи, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ижтимоий

ҳаракати билан бирга ёшларни тарбиялаш ишлари олиб борилмоқда.

Қўмита ҳузурида касб ва қизиқишлар бўйича уюшмалар тузилган. Жумладан, «Олима» аёллар уюшмаси фаолият кўрсатади. Ҳозирги вақтда уюшма Буюк Британиянинг Билстон коллежи билан бирга БМТнинг «Хотин-қизлар ривожланишда» дастури доирасида аёлларга узлуксиз таълим бериш лойиҳасини амалга оширмоқда. Республикада олима аёллар сони 16 минг нафар бўлиб, улар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари, 300 фан доктори, 3 мингта яқин фан номзоди бор.

Аёллар тадбиркорлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда республикада 20 мингдан зиёд тадбиркор аёл бор, улар фаолият кўрсатиши учун қонунлар асосида қулай шароитлар яратиб берилган. Республика тадбиркор аёллар уюшмаси бор.

Фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга кишлок хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар, ихчам технологиялар сотиб олишда ёрдам кўрсатиш дастури тайёрланиб, амалга оширилмоқда.

Иқтисодчи аёллар, юристлар, ижодий ходимлар уюшмалари солиқ ва бизнес масалалари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бермоқда, ижодий кечалар ва хайрия концертлари уюштирмоқда, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида «Тўмарис» компьютер маркази муваффақиятли ишламоқда, бу марказ «Американ Ориент Экспресс» корпорацияси билан биргаликда ташкил қилинган. Бу ерда аёллар ва қизлар компьютер саводхонлигига ўргатилади.

Қўмита халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий мамлакатлар хотин-қизлар ташилоти билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича катта иш олиб бормоқда. Чунончи, хотин-қизлар қўмитаси Марказий Осиё мамлакатлари хотин-қизлари Конгресси, МДХ давлатлари халқаро альянси аъзоси ҳисобланади.

Хотин-қизлар қўмитаси меҳр-шафқат ва тинчлик корпуслари (АҚШ) вакилликлари билан бирга ўз базасида аёллар ахборот маркази ташкил қилди ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Наманганда унинг

бешта бўлимини очди. Бу ерда электрон почта моделлари бўлган компьютерлар бор, энди республика аёллари жуда қисқа муддатда иш тажрибаси, халқаро учрашув ва анжуманлар ўтказиш бўйича ахборот айирбошлай оладилар, ўз маълумотлар йиғиндисига эга бўладилар.

Ахборот маркази ҳуқуқий саводхонликни ошириш, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, таълим, иктисодиёт, бандлик, халқаро хотин-қизлар ҳаракатига интеграциялашув, ахборот тизимини ривожлантириш борасида маълумот айирбошлашда хотин-қизлар кўмиталарига ёрдам кўрсатмоқда.

Мамлакат аёллари ва хотин-қизлар ташкилотлари Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Вена декларацияси (1993 й), Аҳоли бўйича халқаро конференциянинг ҳаракатлар дастури (Қоҳира, 1993 йил), Жаҳон хотин-қизлари IV конференцияси Декларацияси ва Ҳаракат платформаси (Пекин, 1995 й.) каби халқаро ҳужжатларни қўллаб-қувватлаб, ҳаётга жорий этилишига кумаклашмоқдалар.

Қонунчилик

Олий Мажлис белгиланган тартибда қабул қилган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юқори юридик кучга эга, улар сўзсиз бажарилиши керак. Давлат ва унинг қонуллари халқ иродасини ифода этади ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлатнинг барча бошқа органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг норматив ҳужжатлари қонунларга мос бўлиши шарт.

Қонунда белгиланган ҳуқуқий нормалар ўз моҳияти билан конституциявий ва жорий қонунлардан иборат. Конституциявий қонун қабул қилинаётган қонуннинг мазмуни, вазифаси ва принципларини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган Қонунлардир. Конституцияни ўзгартирувчи ва тўлдирувчи қонунлар жами депутатларнинг камида 2/3 қисми овози билан қабул қилинади.

Қонун қабул қилишнинг аниқ тартиби белгиланган. Қонун чиқариш жараёнининг демократик принциплари халқнинг туб манфаатлари ва ҳақиқий эркинликларини ифодалайдиган қонунлар яратилиши билан белгиланади.

Қонун чиқариш жараёни 4 босқичга бўлинади. 1— қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан Олий Мажлисга қонун лойиҳасининг тақдим этилиши; бунга қадар қонун лойиҳаси давлат идораларида, илмий муассасаларда олдиндан ишланади; муҳим лойиҳалар умумхалқ муҳокамасига қўйилади; 2— Олий Мажлисда лойиҳаларни муҳокама қилиш; 3— овоз бериш йўли билан қонунни қабул қилиш; 4— қабул қилинган қонунларни расмий органларда эълон қилиш; қабул қилинган қонунларнинг матбуотда эълон қилиниши уларнинг ҳаётда қўлланилишининг мажбурий шартидир.

Олий Мажлисда қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб бориш, Олий Мажлис муҳокамасига ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар жумласидан кўмиталар ва комиссиялар тузилади.

Конституцияга асосан Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Олий Мажлис депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурор Олий Мажлисда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган ташкилотлар ва айрим фуқаролар муайян лойиҳалар эълон қилинганда ўз таклифларини кирита оладилар. Таклифлар қонунлар тайёрланиши жараёнида кўриб чиқилади ва инobatта олинади.

Қонунга Олий Мажлис берган шарҳлар расмий бўлиб, қонун кучига эга ва бажарилиши мажбурийдир. Олимларнинг шарҳлари норасмий ҳисобланади ва бажарилиши мажбурий эмас. Давлатнинг махсус ваколатли бошқа органлари, масалан, Олий суд Пленуми судлар фаолиятини кўришда у ё бу қонунни қўллаш юзасидан тегишли тушунтиришлар бериш ҳуқуқига эга. Қонуннинг амал қилиши муайян вақт билан белгиланади. Олий Мажлис тасдиқлаган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар имзолангандан кейин узоғи билан бир ҳафта



Олий Мажлис сессияси.

ичида эълон қилинади. Агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа шартлар айтилмаган бўлса, улар эълон қилингандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

Одатда, қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Ҳар бир қонун қабул қилиниб, кучга киргандан кейин юзага келган муносабат, ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан татбиқ этилади. Фақат зарурат бўлган ҳолларда Олий Мажлиснинг махсус кўрсатмаси билан муайян қонунга ёки унинг айрим моддаларига орқага қайтиш кучи берилади.

Сайлов тизими

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Сайлов тизимини белгиловчи

Олий Мажлис
қўмитаси йиғилиши.



қонунларга биноан Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов қунигача 25 ёшга тўлган, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар. Фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озошлиқдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бивосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби Қонун билан белгиланади.

Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, шунингдек республиканинг хориздаги ваколатхоналарида тузилиши мумкин.

Сайлов участкаларини муайян сайлов округларига беркитиш Марказий сайлов комиссияси ихтиёрида бўлади, у ўз фаолиятида қонунийлик, коллегиялик ва ошқоралик принципларига таянади ҳамда сайлов тизимининг демократик асосларини амалга ошириш ва сайловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишга даъват қилинган. Сайлов участкалари сайлов ўтказиш тўғрисида эълон қилинган кундан сўнг 30 кундан кечикмай тузилади. Сайлов участкалари, қонда тарикасида, қамада 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун сайлов комиссиялари тузилади. Комиссияларнинг ваколатлари, уларнинг таркиби ва ишини ташкил қилиш тартиби

ҳамда сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш сайлов тизими тўғрисидаги қонунларда аниқ белгилаб берилади.

Сайлов тизими қонунчилигида сайловни тайинлаш, Олий Мажлис ва қўйи вакиллик органлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш муҳим ўрин эгаллайди. Депутатлар сайлови аввалги чақирик ваколат муддати тугашига кечи билан 3 ой қолганда ўтказилади. Олий Мажлис ва қўйи вакиллик органлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов кuni тайинлангандан кейин 25 кун ўтгач бошланади ва сайловга 45 кун қолганда тўхтатилади.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари сессияларида кўрсатилади. Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодларни сиёсий партияларнинг вилоят бўлинмалари ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари кўрсатади. Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман ва шаҳар органлари, шунингдек фуқаролар (ёки вакиллар) йиғинларида кўрсатилади.

Сиёсий партиялар Олий Мажлис депутатлигига ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ўз ҳудудларида жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсагишга ҳақлидирлар.

Қонунга биноан бир шахс фақат битта округдан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари ҳал этадилар. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни, ҳокимиятнинг вакиллик органлари эса шахсларни қайси партияга мансублигидан қатъи назар депутатликка номзод этиб кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Башарти, тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудида икки ва ундан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод бу органлар вакилларининг йиғилишида кўрсатилади.

Қуrolли кучлар



Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари давлат хавфсизлигининг, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини химоя қилишнинг кафолатидир. Қуrolли Кучларнинг тузилиши ва ташкил қилиниши қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларни ўз хавфсизлигини етарли даражада таъминлаш учун сақлаб туради.

Қуrolли Кучлар тузилишининг асосий принципи – таркиби кўп сонли бўлмаган, лекин ҳаракатчан, замонавий қуrolлар ва жанговар техника билан яхши қуrolланган, давлат хавфсизлигини ишончли тарзда таъминлай оладиган қилиб тўлдиришдир.

Қуrolли Кучлар ўз фаолиятини: қонун устуңлиги; марказлашган бошқарув ва яқкабошчилик; доимий жанговар ва сафарбар ҳолатдаги тайёрлик; фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти; коллектив хавфсизлик тизимини барпо қилиш; ҳарбий интизомга риоя қилиш; партиясизлик; ҳарбий хизматчилар ва улар

Давлат чегарасини қуриклаш.





Ракета қўшинлари.

оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш асосида ташкил қилади ва амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Қурукликдаги қўшинлар, Ҳарбий-ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Махсус вазифадаги қўшинлар, Муҳандислик-қурилиш қўшинлари, шунингдек Миллий гвардиядан иборат. Бу қўшин турларининг ҳар бири ўзига хос вазифани бажариб, бир-бири билан ҳамкорликда ҳаракат қилиб, Ўзбекистон Республикасининг тўла мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлайди. Мамлакатга ҳарбий хавф туғилганда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўз вазифаларини давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўшинлар ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари билан биргаликда бажаради.

Қуролли Кучларни жойлаштириш (дислокация) Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари, чегаралари ва ҳаво бўшлиқларининг мустақил мудофаасини умумий стратегик мақсад асосида таъминлашдан келиб чиқиб белгиланади ва ҳарбий доктрина талабларига мувофиқ стратегик ва оператив режа асосида, шунингдек, қўшинларни жанг олдидан сафарбар қилиш режалари бўйича амалга оширилади. Армия республика бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобига таъминланади. Ҳар йили мудофаага аж-



Ҳарбий аэродромда.

ратиладиган маблағ миқдорини Олий Мажлис кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Қуролли Кучларни моддий-техника таъминоти ҳам давлат томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Қуроллар, ҳарбий техника, бутловчи қисмлар ва бошқа ашёларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва таъмирлаш, мудофаани озик-овқат билан таъминлаш, мудофаа манфаатларига хизмат қилувчи илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва қурилиш ишларини амалга ошириш, ривожлантириш тўлиқ ҳажмда давлат буюртмасига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунига биноан мудофаа эҳтиёжлари учун бажариладиган ҳамма буюртмалар солиқларни камайтириш ёки улардан озод қилиш, кредитлар ажратиш ва бошқа имтиёзлар бериш тарзида рағбатлантирилади.

Қуролли Кучларни олий бошқарувни Президент амалга оширади. Президент Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. У республика мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш, мамлакат манфаатларига қуролли хавф пайдо бўлган ҳолларда унинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоратadbирлар кўради; Мудофаа вазирини тайинлайди; Қуролли Кучларнинг қурилиш, уларни стратегик



Ҳарбий вертолёт.

қўллаш режаси, шунингдек, сафарбарлик дастурини тасдиқлайди; Қуролли Кучлар жанговар ҳаракатларни олиб бориши туғрисида қарорлар қабул қилади ва буйруқлар беради.

Президент ваколатларига умумий ёки қисман сафарбарликни, республикага қуролли ҳужум қилинган тақдирда уруш ҳолатини эълон қилиш; уруш даврида меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ва улар фаолиятини тўхтатиш; мудофаа соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш; ҳарбий масалалар бўйича музокаралар олиб бориш ва халқаро шартномаларни имзолаш; ҳарбий лавозимларга юқори унвонли офицерлар таркибидан шахсларни тайинлаш; уларга ҳарбий ва махсус унвонлар бериш киради.

Бош штаб негизида Қуролли Кучларни бошқаришнинг янги органи – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби тузилди, Унга қўшинларни тезкор-стратегик режалаштириш ва жанговар қўлланиш вазифаси юкланди.

Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучларни давлат бошқарувининг марказий органи ҳисобланади, у қўшинларга раҳбарликни ва маъмурий бошқарувни амалга оширади. Вазирлик Қуролли Кучларнинг аҳволи ва келгусидаги тараққиётига, жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий интизомига тўлиқ жавобгар. У мудофаа соҳаси ва ҳарбий қурилишда ишлаб чиқилган давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди; мудофаа режалари ва концепцияси лойиҳаси, Қуролли Кучларнинг қурилиши ва тараққиёти, қуроллар ва ҳарбий техника тараққиётининг давлат дастурлари, мудофаа эҳтиёжлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича таклифларни



Дарё флоти.

ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этади; мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳаларида илмий-тадқиқотлар ташкил қилади ва ўтказади; ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий анжомларни ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмаларининг бажарилишини назорат қилади.

Қуролли Қучларни тўлдириш «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Бу Қонунга кўра, ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чакирув кuni 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чакириладилар. Хизматни чакирувга биноан ўтаётган оддий аскар, сержант ва старшиналар учун ҳарбий хизмат муддати – 18 ой (олий маълумотли шахслар учун – 12 ой).

Ҳарбий хизматдан бушатиш, шунингдек муддатли ҳарбий хизматга чакиришдан озод этилган фуқаролар (саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли ҳарбий ҳисобдан чиқарилганлардан ташқари) захирадагилар рўйхатига олинадилар. Захирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар ёшига қараб 3 даражага бўлинади. Оддий аскарлар, сержант ва старшиналар, прапоршчиклар ва мичманларнинг захирада бўлиш ёшининг чегараси: биринчи даражадагилар учун – 35 ёшгача; иккинчи даражадагилар учун – 45 ёшгача; учинчи даражадагилар учун – 50 ёшгача. Ҳарбий хизматчилар захирада бўлиш ёшининг чегарасига етган бўлсалар ёки ҳарбий-тиббий комиссия томонидан саломатлигига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқсиз топилсалар – ҳарбийлар рўйхатидан ўчирилган ҳолда истеъфога чиқариладилар.

Ўзбекистон Қонунида муқобил хизматни ўташ назарда тутилган. Хизматни ўташ тартиби «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1992 йил 3 июль) билан белгиланади.

1995 йил Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси ўз Ҳарбий доктринасининг моҳиятини эълон қилар экан, БМТнинг Уставидан, Хельсинкида имзоланган Яқунловчи ҳужжатдан, Стокгольм конференцияси ҳужжатларидан, икки томонлама, кўп томонлама шартномалар ва битимлардан, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг умум эътироф этилган нормаларидан келиб чиқувчи мажбуриятларга қатъий риоя этилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси мамлакат Қуролли Кучларининг энг муҳим ҳужжати бўлиб, уч қисмдан иборат. Биринчи қисм «Умумий қоидалар» деб аталиб, унда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси республика мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этиши ва миллий хавфсизлик умумдавлат концепциясининг таркибий қисми бўлиб, ташқи сиёсат, давлатлараро муносабатлар масалаларига, уруш ва тинчлик муаммоларига мутлақо янгича ёндашувларга асосланиши таъкидланади. Республика Қуролли Кучларини сақлаш зарурати кўрсатилади. Иккинчи қисмда доктринанинг сиёсий жиҳатлари баён этилиб, урушнинг ва уруш хавфининг олдини олиш – бош стратегик йўналиш эканлиги алоҳида қайд қилинади.

Полигонда.



Учинчи қисми «Доктринанинг ҳарбий-ташкилий жиҳатлари» деб аталиб, унинг бошида Ўрта Осиёга хос минтақавий хусусиятлар кўрсатилади. Шу ўринда, жаҳонда ва энг аввало Ўрта Осиё минтақасида ҳарбий-сиёсий вазият салбий томонга ривожланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси олдида ўз хавфсизлигини таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиши мумкинлиги алоҳида таъкидланади. Ҳарбий хавфнинг потенциал манбалари, ҳозирги замон урушларининг хусусияти ва оқибатлари ёритилади, сўнг бош ҳарбий-стратегик вазифалар кўйилади.

Доктринада Куролли Кучлар қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари, Куролли Кучларни қўллаш шартлари, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини, ҳудудини ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш, Ҳарбий доктринанинг ҳуқуқий асослари баён қилинади.

Иқтисодиёт, давлат органлари ва бошқарув тизимининг уруш даврида ишлашга сафарбарлик тайёргарлиги, шунингдек, республика ҳудуди ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашдаги муҳим йўналишдир. Тинчлик даврида ҳам, уруш пайтида ҳам аҳолини мудофаага тайёрлаш умумдавлат амалий тадбирлари мажмуи дастурини бажариш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда зобитлар таркиби 4 та ҳарбий билим юрти: Тошкент умумқўшин командирлари, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар, Жиззах авиация ҳарбий билим юртларида тайёрланади. Шунингдек Тошкент электротехника алоқа институтининг махсус факультети турли ихтисослар бўйича зобитлар таркибини тулдирувчи юқори малакали кадрлар тайёрлайди. 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Ҳарбий Академияси очилди. Унда Куролли Кучларнинг юқори офицерлик таркибига кадрлар тайёрланади.

Ҳарбий касбни танловчи ёшлар учун Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ихтисослаштирилган лицейлар очилган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бош матбуот нашри – «Ватанпарвар» газетасидир. У 1992 йил 24 июндан ўзбек ва рус тилларида чиқади.



Ташқи сиёсат

Ўзбекистон мустақил суверен республика сифатида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси ҳисобланади, халқаро ҳаётда фаол иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсат доктринасининг асосий принциплари Конституцияда ифодаланган. Бу принциплар мустақил давлат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини, давлатлараро муносабатларнинг асоси ва ривожланиш истиқболларини белгилаб беради, ҳар хил локал ва геополитик муаммолар бўйича объектив қарорлар қабул қилишга кўмаклашади.

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ҳамда меъёрларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларни, аввало, миллий манфаатлар ва давлат суверенитетини янада мустаҳкамлашга таянган ҳолда олиб боради. Республика давлат ва халқнинг манфаатларини таъминлаш мақсадидагина иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ёки улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Мамлакатнинг олий давлат вакиллик идораси— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ва стратегик дастурларини белгилайди ва тасдиқлайди. Олий Мажлис, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган халқаро шартномалар ва битимларни тасдиқлайди (ратификация қилади) ёки барвақт тўхтатади (денонсация қилади). Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Конституцияга биноан, давлат суверенитети, хавфсизлиги



Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеяси минбарига «Мингйиллик саммити». 2000 йил, сентябр.

ва ҳудудий яхлитлигининг кафолати ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси номидан гапирари ва қарорлар қабул қилади. Шу мақсадда у музокаралар олиб боради ва шартнома ҳамда битимларни имзолайди; республика томонидан тузилган шартномалар, битимлар ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди; аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрликларини қабул қилади; Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади; Олий Мажлисга ҳар йили халқаро аҳвол ҳусусида маълумотнома тақдим этади.

Давлатларнинг суверен тенглиги принципи халқаро муносабатларда устуворликни белгилашда бош принцип ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бирон-бир бошқа мамлакатнинг таъсир доирасига кирмайди, шунинг учун республика ўз ташқи сиёсатининг асос бўлувчи принципи сифатида давлатларнинг геосиёсий ва географик ҳолатидан, иқтисодий салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва бошқа омилларидан қатъи назар уларнинг суверен тенглиги принципини ёқлайди ва унга қатъий амал қилади. Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатни мустақил равишда белгилайди ва олиб боради, турли давлатлар билан бирон-бир воситачиларсиз тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатади.

Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг субъекти,



Ўзбекистон
Президенти
И. Каримов
ва Россия
Президенти
В. Путин.

БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида кўп давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо ва бошқа хил алоқалар ўрнатган ва бу алоқаларни ривожлантирмоқда, давлатлар билан мухтор вакиллар алмашинади, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши мумкин, халқаро майдонда очиқ сиёсат олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг барча етакчи давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Ўзбекистонни мустақил ва суверен давлат сифатида ер юзининг 180 дан ортиқ мамлакати тан олди, 100 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатган мамлакатлардан 40 дан ортиғи республикада ўзининг элчихона ёхуд ваколатхонасини очди. Ўз навбатида, дунёдаги 20 дан ортиқ мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилган.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти ҳуқуқини амалга ошира бориб, бир қанча етакчи халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлди.

Чунончи, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо қилиб қабул қилинди (1992 йил 2 март). 1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилди ва ўз фаолиятини бошлади, БМТ ҳузурида (Нью-Йоркда) ҳам Ўзбекистон ваколатхонаси ишлай бошлади.

Ўзбекистон БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқаларга аъзодир.

Ўзбекистон
Президенти
И. Каримов
ва Франция
Президенти
Жак Ширак



Республика жуда кўп халқаро ташкилотлар, чунончи, Ўзбекистон Жаҳон почта уюшмаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш уюшмаси, Осиё-Тинч океани ҳавзаси бўйича Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро электрон алоқа уюшмаси, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Шимолий Атлантика ҳамкорлик Кенгаши, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Қўшилмаслик ҳаракати, Божхоналар ҳамкорлиги Кенгаши, Халқаро олимпия кўмитаси, Жаҳон метеорология ташкилоти, Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик, Халқаро автомобилчилар уюшмаси ва ҳоказолар таркибига кирди. Бундан ташқари Ўзбекистон бир қанча халқаро битим ва конвенцияларга қўшилган. Улар орасида Озон қатламини ҳимоя қилиш Вена конвенцияси ва Озон қатламини камайтирувчи моддалар тўғрисида Монреал протоколи (1993 йил 18 май), Атроф муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни тақиқловчи конвенция (1993 йил 26 май), Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома (1993 йил 4 октябрь) бор.

Ўзбекистонда кўплаб халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, шу жумладан БМТнинг қочоқлар иши бўйича Олий комиссари, Халқаро валюта фонди, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ишларини мувофиқлаштирувчи Жаҳон озиқ-овқат жамғармаси, Наркотик моддалар устидан назорат қилиш дастури, Саноат тараққиёти дастури, Болалар жамғармасининг ваколатхоналари очилган.

Республикада йирик халқаро учрашувлар, семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказиб турилади.



Ўзбекистон
Президенти
И. Каримов ва
Германия
канцлери
Герхард Шрёдер.

Ўзбекистон БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон сиёсати ва давлатлараро муносабатларнинг долзарб масалалари бўйича бир қанча муҳим таклифларни олға сурмоқда.

Халқаро низоларни тинч йўл билан бартараф этиш ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципига қатъий тарафдор бўлиб, барқарорликни сақлаш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси суверенитетини ўзаро ҳурмат қилишга, халқаро муносабатларда ишонч муҳитини юзага келтиришга ҳамда давлатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қўмаклашишга ҳаракат қилмоқда.

Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти Тошкент ва Урганч шаҳарларида семинарлар ташкил этиб, Орол муаммосини ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга киришди.

Ўзбекистон НАТО ҳузуридаги Шимолий Атлантика ҳамкорлик Кенгашига аъзодир.

1993 йил Ўзбекистон «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига қўшилганлик ҳақидаги ҳужжатни имзолади.

Ўрта Осиё давлатлари билан яқин, ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳаётий муҳим стратегик йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиёдаги ташқи сиёсатининг асосий мақсади ягона иқтисодий макон яратиш ва уни янада ривожлантиришдир.



Халқаро анжуманлардан бири.

Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатини Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг хориждаги ваколатхоналари орқали амалга оширади. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, мамлакатдаги айрим халқаро ташкилотлар, кенгашлар ва жамиятлар Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга оширишга кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, мамлакат Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва ўз Низомига асосланади.

Республика ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг мустақамлигини таъминлаш, мамлакат Президентининг ташқи сиёсат соҳасидаги йўлини ҳаётга татбиқ этиш, хорижий давлатлар билан муносабатларда, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистоннинг манфаатлари ва унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига биноан ташқи сиёсий фаолиятга алоқадор қонун лойиҳаларини тайёрлайди. Республикада Дипломатия ва консуллик муассасаларини ривожлантириш республика жамғармаси ташкил этилган. Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида «Жаҳон» ахборот агентлиги таъсис этилган, у ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларга оид янгиликларни тарқатади.

Иқтисодиёт



Ислоҳотлар стратегияси
Ресурс салоҳияти
Саноат
Қишлоқ хўжалиги
Транспорт ва алоқа
Қурилиш
Хизмат кўрсатиш соҳаси
Молия-кредит тизими
Ижтимоий соҳа
Ташқи иқтисодий фаолият



NBU



Ислохотлар стратегияси



Ўтган аср 90-йилларининг бошларида республика иқтисодиёти бозор муносабатларига ўта бошлади. Мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш каби бозор иқтисодиётига ўтиш стратегияси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Ўтиш даврининг иқтисодий стратегиясига бешта тамойил: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли иқтисодий сиёсат ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш асос қилиб олинди. Бозор муносабатларига ўтишдаги «ўзбек модели»нинг асосий хусусияти айни ана шундан иборат.

Ўзбекистоннинг ўзи танлаб олган йўл республика маишаатлари, шароитлари ва хусусиятларига тўла-тўқис мос келадиган ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган.

Ислохотнинг биринчи босқичида мулк, рақобат ва эркин тадбиркорлик тўғрисида қатор қонунлар,

Тошкент. Республика биржа маркази.





«UZ-DAEWOO AUTO» жўнатқш майдони.


Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

1994 йил январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги Фармони чиқди. Бу ҳужжат бозор муносабатлари сари туб бурилиш рўй берганини, иқтисодий ислоҳотларнинг янги, янада юқори босқичи бошланганини аңлатди. Иқтисодиётнинг орқага кетишининг тўхтатилиши, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани ислоҳот биринчи босқичининг энг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Ислоҳотлар стратегиясини белгилашда Ўзбекистон ҳукумати мулкчилик масалалари ҳал этилиб, кўп укладли иқтисодиёт шаклланган, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иши изчил амалга оширилган тақдирдагина ислоҳотлар кўнғилдаги натижани беради, деган фикрга асосланди.

Банк тизими шакллантириди. Давлат моддий-техника таъминоти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Универсал ва ихтисослаштирилган товар-хом ашё биржалари, брокерлик идоралари ва савдо уйлари ривожлантирилди. Холдинг ва лизинг компаниялари, суғурта ва аудиторлик муассасалари, юридик уюшмалар, бозор иқтисодиёти

Хўжалик юритувчи субъектларнинг
мулкчилик шакллари бўйича таркиби
(1 январ ҳолатига; умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида)



мутахассислари тайёрловчи марказлар пайло бўлиши.

Республика иқтисодиётининг барча тармоқларида нодавлат сектори жадал ривожланиб бормокда. 2001 йилда нодавлат секториди ялпи ички маҳсулотнинг 74,1%, саноат маҳсулотининг 70,8%, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,0% ишлаб чиқарилди, қурилиш-пудрат ишларининг 83,9% бажарилди, чакана савдо айланмасининг 97,1% амалга оширилди, аҳолига пулли хизматларнинг 59,4% кўрсатилди. Умуман иқтисодиётда иш билан банд бўлганларнинг 76,0% нодавлат секторидадир. 2002 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра барча мулк шаклларининг 88,3% нодавлат, қолган атиги 11,7% гина давлат мулк шаклини ташкил этди.

Мамлакатда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириб, шакллантириш ҳақли равишда Ўзбекистондаги ислохотларнинг энг муҳим стратегик вазифаси ҳисобланади. Мамлакатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли билангина эмас, айна вақтда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорини вужудга келтириш ёрдамида ҳам ҳақиқий ўрта мулкдорларнинг кучли қатлами шакллантирилади. Кичик бизнес ички бозорни зарур истеъмол товарлари билан мўл-кўл таъминлашнинг, айниқса, ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган қишлоқ жойларда янги иш жойларини барпо этишнинг энг муҳим омилдир. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиши лозим бўлган ҳукуқий шарт-шароитлар

2001 йида иқтисодиёт тармоқлари буйича
давлат ва нодавлат секторлари нисбати
(фонз ҳисобида)



ва бошқарув ташкилий-тузилмалари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, «Мадад» суғурта агентлиги тузилди, кенг тармоқли консалтинг, инжиниринг ҳамда лизинг фирмалари ва компаниялари, бизнес-инкубаторлар ишлаб турибди.

2001 йил бошларида руйхатга олинган кичик, ўрта корхона ва микрофирмалар сони 201,9 мингтага етди. Бу курсаткич хўжалик юритувчи субъектлар умумий сонидан 40,5% демакдир. 2002 йил бошларида ташкил этилган фермер хўжаликлари сони 55,5 мингтани ташкил этди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар мамлакат иқтисодий мустақилликка эришишининг, иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири қилиб қўйилди.



Марказий банк.

Таркибий сиёсат аввало қишлоқ хўжалик хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, технология циклининг тугалланганлик даражасини ошириш, мамлакат ёқилғи-энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш муаммосини ҳал этишга қаратилган. Таркибий сиёсатни амалга оширишда импорт ўрнини боса оладиган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга алоҳида устуворлик берилади. Илгари бошқа миғтақалардан келтирилган маҳсулотларнинг юзлаб янги турлари, шу жумладан автобензин, кончилик саноати асбоб-ускуналари, кувур ишлаб чиқариш ускуналари, енгил автомобиллар, мураккаб рўзғор техникаси, тола-оптик маҳсулотлар ва бошқа турдаги жуда тақчил товарларни ишлаб чиқариш узоқлаштирилди.

Таркибий ўзгаришлар кўп жиҳатдан қурилиш-инвестиция сиёсати билан белгиланади. Ўзбекистонда ўзининг ва қарз олинган молия маблағларининг асосий қисми маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун база яратишга сарфланди. Шу тариқа автомобиль ва нефтни қайта ишлаш заводлари, янги темир йўл ва автомобиль йўллари қурилди, шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштирилди, шунингдек енгил, тўқимачилик ва

Ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш таркиби
(2001 йил, млрд. сум)

Ялли ички маҳсулот	4868,4	100,0
шу жумладан:		
Товар ишлаб чиқариш	2459,0	50,5
Хизмат кўрсатиш	1806,8	37,1
Маҳсулот ва экспорт-импорт муомалаларига солиқлар	602,6	12,4

озик-овқат саноатининг ўнлаб модернизацияланган янги корхоналари барпо этилди. Ўзбекистоннинг индустриал кудрати асосий шаҳарлар – Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида тупланган. Эндиликда бошқа жойларда ҳам инвестиция лойиҳалари амалга оширила бошлади, натижада иқтисодиётнинг худудий жойлашуви такомиллашиб бормокда.

Халқ хўжалигидаги айрим тармоқлар ва ишлаб чиқариш турларини устун даражада ривожлантириш ҳамда уларни давлат йўли билан ҳар томонлама қўллаб-

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси.





Муборак газ конденсат заводи.

қувваглаш сиёсати тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Устувор тармоқларнинг тўғри белгиланиши илгари тақчил ҳисобланган маҳсулот турлари кўпроқ ишлаб чиқарилиши билан бирга ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини ҳам такомиллаштиради, айти вақтда бутун халқ хўжалигини олға силжитади, иқтисодий тараққиётда ўзига хос локомотив ролини бажаради. Саноат асосий тармоқларининг жадал ривожлантирилаётгани, иқтисодий салоҳиятга ва импортнинг ўрнини босадиган ва экспортбоп турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кўмак берилаётгани, бозорлар халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминланаётгани, коммуникациялар ва ишлаб чиқаришнинг инфратузилмалари ривожлантири- лаётгани, аграр соҳага катта эътибор қаратилаётганлиги, инвестиция фаолияти жадаллаштирилаётгани, ташқи иқтисодий фаолият кучайтирилаётгани ва шу каби бошқа ишлар устувор йўналишлар жумласига киради. Масалан, халқ хўжалигига ажратилган барча инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш тармоқлари улуши 60%га етди. Саноатга сарфланган инвестицияларнинг умумий ҳажмида ёқилғи-энергетика саноати, транспорт ва алоқа тармоқлари улуши ошди. Бу эса ялпи ички маҳсулот



«Кварц» заводининг умумий кўриниши.

ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий кўрсаткичларини ошириш имконини берди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, барча макроиқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш асосида халқнинг турмуш даражасини ошириш ислохотларнинг энг муҳим стратегик вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Макроиқтисодий барқарорлик борасидаги ижобий силжишлар йил сайин тобора сезиларли даражада кўзга ташланмоқда, иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам негиз яратилмоқда. Ялпи ички маҳсулот 2001 йилда 4,5 фоиз кўпайди.

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳолининг кўпайишидан илдамроқ бора бошлади. Бу муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлардан биридир.

Иқтисодий юксалиш пойдевори иқтисодиёт таркибини аниқ – равшан янгилаш, унинг бирёқлама хом ашёвий йўналишидан воз кечиш, хўжалик юритиш шакллари тақомиллаштириш заминига қурилмоқда.

Ўзбекистон – совет тузуми барбод бўлгандан кейин постсовет маконида 1995 йилдаёқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ислохотдан аввалги даврга нисбатан анча ошиб кетган бирдан-бир мамлакатдир.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш аввало халқ хўжалигида капитал маблағ ўзлаштириш ҳажмларини кўпайтириш, замонавий технология асбоб-ускуналари билан жиҳозланган янги, прогрессив ишлаб чиқариш барпо этиш ва ишга тушириш йўли билан таъминланмоқда.

Базавий тармоқлар бир маромда барқарор ишламоқда. Нефть, газ конденсати, табиий газ қазиб олиш, ёнилғи-

мойлаш материаллари, электр энергия, кўмир, асл металлар ва бошқа стратегик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ортиб бормоқда. Дон маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда. Бу ҳол қайта ишлаш тармоқлари ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун мустаҳкам негиз яратибгина қолмай, айни вақтда республиканинг иқтисодий мустақиллигини ҳам мустаҳкамламоқда.

Базавий тармоқлар билан бир қаторда илм-фан ютуқларига асосланган прогрессив ишлаб чиқаришлар – автомобилсозлик, самолётсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электротехника саноати, машинасозлик ва металлсозлик, шунингдек енгил ва озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқлари ҳам янада ривож топмоқда. 2001 йилнинг ўзида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 10,9% ошди. Нефть-газ қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноатида, рангли металлургияда, автомобиль саноатида барпо этилаётган қудратли салоҳият бугун макроиқтисодий барқарорлик ва ўсишга ижобий таъсир ўтказмоқда.

Халқ хўжалигини бошқариш тузилмаси қайта қурилмоқда, корхоналарга тобора кўпроқ мустақиллик берилмоқда. Кўпгина тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди, улар асосида хўжалик уюшмалари, концернлар тузилди. Йирик корпорациялар, хусусий ва жамоа корхоналари тузилмоқда.

Халқаро ҳамжамият, йирик молия-банк корпорациялари Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли шерикчилик тамойилларига асосланган ташқи сиёсатини фаол қўллаб-қувватламоқдалар. Ўзбекистон ўзининг бой табиий захираларигина эмас,

Металлургия заводида.





Нефтни қайта ишлаш заводи.

айни вақтда, аввало ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ва иқтисодий ислохотларининг чуқурлашиб бораётганлиги, иқтисодий ривожланиш истиқболларининг равшанлиги билан ҳам хорижий сармоядорларни ўзига жалб қилмоқда.

Республикада «Хорижий инвестициялар тўғрисида» ва «Хорижий инвесторларнинг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қонунлар кучга киритилди.

Ўзбек бозорига АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Туркия, Россия, Япония компаниялари фаол ишламоқда.

Ўзбекистоннинг ҳамкорлари орасида жаҳонга машҳур бўлган ДЭУ (автомобилсозлик, электрон, энгил саноат); «БАТ» (тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш); «Кейс» (кишлоқ хўжалик машинасозлиги); «Ньюмонт Майнинг» (олтин қазиб чиқариш саноати) ва бошқа компаниялар бор.

Ислохотларнинг чуқурлашуви, ташқи иқтисодиётни эркинлаштириш дастурларининг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик учун ишончли шерик сифатидаги обрў-эътиборини оширади, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этишга кўмаклашади, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ресурс салоҳияти



Меҳнат ресурслари

Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари 2001 йилда 12,7 млн. кишини ёки мамлакат аҳолисининг тахминан 50%ни ташкил этди. Мамлакатда аҳолининг табиий ўсишига мувофиқ равишда меҳнат ресурслари ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида ҳам, ноишлаб чиқариш тармоқларида ҳам иш билан таъминланган кишилар сони кўпайиб бораётганлиги қайд этилмоқда. Аввалги йилларга нисбатан қурилишда, уй-жой, коммунал хўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турларида, транспорт ва алоқада банд бўлганлар сони кўпайди.

Меҳнат ресурсларининг ёш таркиби унинг ўзига хос хусусиятидир. Аҳолининг ўртача ёши 24 йилга тенг, бу эса янги асрда касбкор тайёргарлиги билан ажралиб турадиган шахслар устун бўлган меҳнат салоҳияти тузилмасига эга бўлиш имкониятини беради.

Меҳнатга яроқли аҳолининг тармоқлар аро тақсимланиши, меҳнат ёшига етаётган йигит-қизларнинг янги илғор тармоқлар ва фаолият соҳаларига жалб этилиши замирида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг қудратли захираси яшириниб ётибди. Хозир қишлоқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча ходимларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи банд. Уларнинг ортиқча қисмини бу соҳадан чиқариб олиб, иқтисодийнинг бошқа соҳаларига, аввало қайта ишлаш саноатига ва хизмат кўрсатиш соҳасига ўтказиш йўли билан иқтисодий ўсишнинг янги имкониятларини очиш мумкин бўлади.

Республика меҳнатга лаёқатли аҳолисининг таълим даражаси юксаклиги унинг алоҳида хусусиятидир. Республикада умумий мажбурий ўрта таълим қонун йўли билан мустақамлаб қўйилган, бу таълимни кенг тармоқли умумий таълим мактаблари, лицейлар, ўрта



Автомобил йиғув цехи.

махсус ўқув юртлари ва бизнес-мактабларида олиш мумкин. 15 ёшдаги ва ундан катта ҳар 1000 аҳолига 143 олий ва тўлиқсиз олий маълумотли киши тўғри келади. 1000 кишидан 200 киши – ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида машғул бўлган ҳар тўрт кишидан бири олий ёки ўрта махсус маълумотлидир.

Мулкчилик шакллари бўйича иш билан таъминланиш таркибида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг подавлат секторида иқтисодиётда банд бўлган барча кишиларнинг 76,0% меҳнат қилмоқда.

Андижон, Фарғона, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида бу кўрсаткич янада юқори. Йирик давлат саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари бўлган Навоий вилоятида, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич нисбатан пастроқ. Шунга

Аҳоли ва меҳнат ресурслари, 2001 йил

Барча аҳоли, минг киши	Сони	
	меҳнат ресурслари	иқтисодий фаол аҳоли
24966,8	12718,0	9173,5

Иқтисодиётда банд бўлганлар таркиби, 2001 йил

Иқтисодиётда банд бўлганлар, (%)	Шу жумладан мулк шакллари бўйича (%)	
	давлат	нодавлат
100,0	24,0	76,0

карамай, бу тенденция келгусида ҳам орғиб бораверади. Айни вақтда саноатнинг янги илғор тармоқлари (электроника, машинасозлик, қайта ишлаш тармоқлари) да, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолининг иш билан таъминланиши ортаверади.

Ер-сув ресурслари

Республиканинг қулай иқлим шароитлари, суғорма деҳқончилик характери қишлоқ хўжалигида кучли ресурс базасини ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган тармоқларни ривожлантиришга имконият яратади.

Ўзбекистоннинг жами ер майдони 448,9 минг кв. км.ни ташкил этади. Шундан 60%дан кўпроғи қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардир.

Ўзбекистоннинг ер фонди қишлоқ хўжалигида фойдаланилиши жиҳатидан хилма-хилдир. Суғориладиган ерларнинг асосий қисмига пахта, шунингдек ғалла ва чорвачилик учун ем-хашак бўладиган экинлар экилади. Лалми, яйлов, тоғ ўрмонлари билан банд ерлар анчагина.

Суғориладиган ерлар 4 млн. гектардан зиёд бўлиб, унинг қарийб 1,6 гектари дашт зонасида, қолган қисми сур тупроқли минтақада. Автоморф тупроқлар суғориладиган ер майдонининг 60%дан зиёдини эгаллайди. Йирик дарёларнинг ўзлаштирилган водийлари ва этаклари, шунингдек тоғ этагидаги текисликларда, масалан, Мирзачўлда суғориш ишлари натижасида сизот сувлар сатҳи кўтарилиб, эндиликда гидроморф шароитида ривожланмоқда.

Тупроқнинг механик таркибига кўра суғориладиган тупроқ орасида оғир сур ва гил тупроқлар устунлик қилади. Экин майдонларининг 10%дан камроғи енгил тупроқларга, салкам 20% ўртача тупроқларга тўғри келади.

Суғориладиган ерларнинг энг катта майдонлари Фарғона, Зарафшон водийларида, Амударё этакларидадир.

Лалмикор зона жами 6,6 млн. гектардан ошади. Етарли нам сақлайдиган ерлар – соф тупрокли соз гил ва сур тупрокли ерлардан экин экиш учун фойдаланилади. Бу эса асли лалми ерлар майдонини 3-3,2 млн.гектар гача қисқартиради. Бу зонадаги экин майдони турли йилларда 1,1–1,3 млн.гектар атрофида бўлади. Тупроғи нураган ерлар экинзорлар таркибидан чиқарилиб, улардан яйлов сифатида фойдаланилади.

Лалми ерларнинг энг катта майдони Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларида жойлашган. Лалми ерларнинг бир қисми, айниқса оч сур тупрокли ерлар суғорилиб, экинзорга айлантирилади.

Дашт яйловлари ўз майдони жиҳатидан Ўзбекистоннинг энг кенг ерлари бўлиб, 26,6 млн.гектардан иборат, шундан 11,0 млн.гектари сурқўнғир тупрокли, салкам 13 млн.гектари қум ва қумлок тупрокли ерлардир. Қолган қисми тақир ўтлоқлар, тақир тупроқлар ҳамда тақир ва шўрхок ерлардир. Дашт-йайлов ҳудуди доирасида суғориш учун яроқли ерларнинг умумий майдони 12 млн.гектарга яқин.

Тоғ тупроқлари (жигарранг ва оч сур ўтлоқи-дашт) 2,6 млн. гектарни эгаллайди. Жигарранг тупроқлар Чорвоқ ГЭСи.





Хоразм вилояти. Суғориладиган майдон.

ўртача баланд тоғ минтақасидаги кескин парчаланган рельефга тўғри келади. Бу – республикада бирдан-бир ўрмон зонаси бўлиб, унинг сув ва тупроқни муҳофаза қилишдаги аҳамияти муҳимдир.

Жигарранг тупроқлар мунтақасининг юқорисида баланд тоғли оч сур ўтлоқи-дашт тупроқлар тарқалган бўлиб, улардан кишлоқ хўжалиги тармоқларининг таркиб топган тақсимланиши бўйича ёзги олис яйловлар сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистон ерлари қадимдан суғориб келинади. Суғорма деҳқончилик кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг негизи, мамлакатнинг олтин фондиدير.

Ўзбекистон бўйлаб оқиб ўтадиган иккита энг катта сув манбаи – Сирдарё ва Амударё республикадан ташқарида бошланади. Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчик, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шеробод каби йирик дарёлар бор. Улардан кўпчилигининг ўрта ва қуйи оқими Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Мамлакатда ҳаммаси бўлиб 50 тага яқин дарё бор. Улардан 10 тасининг узунлиги 150 км дан ошади. Республиканинг тоғли туманларида ва тоғ этакларида сел келиб туради. Фарғона водийси энг кўп сел келадиган жойдир. Хар йили, баъзан йил давомида бир неча бор сел оқимлари ўтади. Йил сайин бу оқимлар минглаб гектар экинзорларни нобуд қилади. Шу сабабли сел келиш хавфи бўлган тоғ ён бағридаги жойларда селдан ҳимояланиш иншоотлари қурилган. Шунинг натижасида йиғилган сув захираларидан кейинчалик экинзор ва



Туямуйин ГЭСи.

яйловларни суғориш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон кишлок хўжалиги сунъий суғоришга асосланганлиги сабабли бу ерда каналларга алоҳида эътибор берилади. Каналлар йил давомида сув манбаларидан оби ҳаёт олиб, деҳқонларга етказиб беради. 1940 йилда қурилган Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали Ўзбекистоннинг энг йирик каналидир. Унинг узунлиги – 270 км. Энг қадимий канал эса Сурхондарё вилоятидаги Занг канали (1912 йил). Кейинги йилларда Жанубий Мирзачўл, Аму-Қоракўл, Аму-Бухоро, Аму-Занг, Катта Андижон, Катта Наманган ва бошқа каналлар қурилди. Уларнинг ҳаммаси Амударё ва Сирдарёдан сув олади.

Ўзбекистон ҳудудида кўллар унчалик кўп эмас. Орол денгизи энг йирик кўл. Сирдарё ва Амударё сувлари унга қуйилади. 1960 йилга қадар Орол денгизи 66 минг км² майдонни эгаллар эди. 1962 йилдан эътиборан денгиз сатҳи пасая бошлади.

Кўпгина кўллар 2000–3000 метр баландликдаги тоғларда жойлашган. Одатда, тоғ кўлларининг майдони 1,0 км²дан ошмайди. Текисликдаги кўллар эса дарё бўйларидаги кўллардан ва ирригация тармоқларининг ташлама сувлари натижасида ҳосил бўлган кўллардан



Дарёлар баланд тоғлардан сув олади.

иборат. Амударё этакларидаги Судочье кўли ва Чордара сув омборининг ташлама сувидан ҳосил бўлган Арнасой кўли Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги энг йирик кўллардир.

Ўзбекистонда сунъий кўллар – сув омборлари барпо этилган. Фойдаланиладиган сув омборларининг ҳаммаси сув оқимининг фақат мавсумий тартибга солинишини амалга оширади. Улар ўз вазифасига кўра ирригация аҳамиятига эга бўлган сув омборлари жумласига киради. Чордара, Қайроққум, Чорвок, Каттақўрғон, Жанубий Сурхон, Чимқўрғон, Қуйимозор, Пачкамар, Каркидон, Учқизил, Косонсой, Жиззах, Туябўғиз энг йирик сув омборларидир. Улар орасидаги энг каттаси Сирдарё бўйидаги Чордара (5700 млн.м³ ҳажмли, 920 км² майдонли), энг кичици Сангзордаги Жиззах (87,5 млн. м³ ҳажмли, 12,7 км² майдонли) сув омборларидир.

Республика ҳудудидаги сув ресурслари асосан тоғли жойларда шаклланадиган ер усти манбаларидан ва қисман ер ости сувларидан таркиб топади.

Минерал-хом ашё ресурслари

Ўрта Осиёда марказий геосиёсий мавқеда турувчи Ўзбекистон ўзининг зохирий ва ботиний табиий ҳамда хом ашё ресурслари жиҳатидан дунёнинг географик ва иқтисодий харитасида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қулай иқлими, улкан минерал-хом ашё ресурслари,

беҳисоб стратегик материаллар ва қишлоқ хўжалик хом ашёси захиралари Ўзбекистонни минтақа ва дунёнинг энг бой мамлакатлари қаторига чиқариб кўяди.

Ўзбекистон ер остида турли минерал-хом ашё ресурслари жуда кўп. 100 га яқин турдаги минерални ўз ичига олувчи ҳар хил фойдали қазилмаларнинг 2,7 мингдан кўпроқ кони топилган. 900 тадан кўпроқ кон текшириб аниқланган, улардаги қайд этилган захиралар қиймати 1 триллион АҚШ долларига тенг, деб тахмин қилинмоқда. Жами минерал хом ашё захираси 3,3 триллион АҚШ долларидан ошади.

Ҳар йили мамлакат ер остидан салкам 5,5 млрд. долларлик фойдали қазилмалар чиқариб олинмоқда. Олтин захиралари жиҳатидан Ўзбекистон дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш миқдори жиҳатидан 7-ўринда туради. Мис захиралари жиҳатидан 10–11, уран захиралари жиҳатидан 7–8 ўриндадир.

Ўзбекистон асил ва нодир ер металлларининг энг йирик ресурсларига эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Ҳозирги вақтда 30 дан кўпроқ олтин кони топилган. Унинг асосий захиралари марказий Қизилқумдаги олтин руда конларида жойлашган. Мурунгов рудадаги Европа-Осиё китъасидаги олтин таркиби юқори бўлган энг йирик кондир. Ўзбек олтини дунёдаги энг сифатли олтинлардан бўлиб, кўпгина халқаро совринлар билан тақдирланган.

Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳам олтин

Карьер.





Олтингугурт ишлаб чиқариш.



Ғозгон мрамор қарьери.

қонлари излаб топилган, Ажибугут, Булутқон, Балпантов, Аристонтов, Турбай ва бошқа жойлардаги қонлар урганилмоқда.

Тошкент, Навоий ва Наманган вилоятларида Высоковольтное, Окжетпес, Космоначи ва Наманган вилоятдаги Октепа деган жойларда қумуш қонлари очилган. Октепа қони инвесторлар учун энг истикболли ва жозибалидир.

Асл металллар қазиб олиш билан бирга, уран ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистонда 30 уран қони бор. Уран билан бирга рений, скандий, лантаноидлар каби қимматли компонентлар қазиб олинмоқда.

Республикада мис, қўрғошин, рух, вольфрам, литий ва шунга ўхшаш рангли металлларнинг катта захиралари қидириб топилган.

Рангли металллар захиралари асосан Олмалик руда майдонида жойлашган. Қалмоққир қони ноёбдир. Шу қондан қазиб олинган рудалар Олмалик қон-металлургия қатнашмасида қайта ишланади. Бу қатнашма Ўзбекистоннинг энг йирик қатнашмасидан биридир. Мазкур саноат районида истикболли Дальнее мис қони очилган, унда мис, молибден, олтин, қумуш, рений, теллур, селен ва олтингугуртнинг катта захиралари мавжуд.

Қўрғошин-рух металлларининг аксарияти Жиззах вилоятидаги Учқулоч ва Сурхондарё вилоятидаги Хондиза қатнашмасида жойлашган. Хондиза қонида қўрғошин ва рух билан бирга мис, қумуш, кадмий, селен, олтин ва индий ҳам қазиб олинади.

Республиканинг вольфрам қатнашмаси асосан Жанубий Тяньшанда жойлашган бўлиб, постмагматик қатнашма



Қимматбаҳо тошлар.

скарн-шеелит формацияларидан ва уларнинг турларидан иборат. Бу конлар Нурота, Зирабулоқ, Қоратепа ва Чанилкаён тоғларидаги палеозой доирасида топилган. Лангар, Қўйтош, Ингичка, Қоратепа, Яхдон ва бошқа конларнинг захиралари бой.

Ўзбекистонда бир қанча молибденли формациялар ва уларнинг гидротермал типдаги турлари аниқланган.

Юздан ортиқ рудали қалай излари ва бир неча конлари маълум.

Чотқол ва Курама тоғларида висмут руда конлари очишган. Маргимуш-висмут ва мис-висмут формациялари энг асосийларидир. Бундай конлар Тошкент вилоятининг Ўртасарой, Бурчмулла, Тошкескан ва Узумлик деган жойларида учрайди ва улардан фойдаланишга киришилган.

Қора металллардан темир, титан, марганец, хром кабилар энг кўп учрайдиганлардандир. Турли генетик тип ва формацияларга мансуб бўлган неча юзлаб темир конлари ва руда излари, магнит аномалиялари ҳам мавжуд. Қорақалпоғистондаги Тебинбулоқ титан-магнетит кони жуда салмоқлидир.

Зарафшон, Қоратепа, Лолабулоқ ва бошқа жойларда марганец конлари мавжуд. Мамлакатнинг шимолий ва шимоли-шарқий қисми – Озодбош, Молгузар ва Қораолмада марганецнинг чўкинди конлари ҳамда руда излари учрайди.



Магматик хром конлари офиолит минтақалари билан боғланган. Қизилқум-Фарғона офиолит минтақасида Томдитов ва Султон Увайс районларида хром захиралари айниқса кўп.

Конлардаги кимёвий хом ашё таркибида минерал тузлар, олтингурут, эритувчи шпат ва бошқалар кўп учрайди. Ўзбекистон ош тузи ва калий тузига, сустрок мапний ва натрий сульфат тузларига бой. Минерал тузлар денгиз ва қитъа формация гуруҳларига мансуб бўлиб, юқори юра, қуйи бўр, неоген ва антропоген ёшидадир. Юқори юра денгиз галоген формацияси калий тузлари қатлами таркибида ангидрид ва тош тузининг қалин қағламини ҳосил қилган. Бойбичекан, Тебагатан, Оқбош, Лалимкон ва Хўжайконда уларнинг катта конлари мавжуд, қуйи бўр галоген формацияси Кўҳитангда жойлашган.

Фосфоритнинг тахминий захираси чексиздир. Ҳозирги вақтда Қизилқум фосфорит комбинати қурилмоқда. Жерой-Сардара фосфорит конидан ташқари Марказий Қизилқумдаги Қорақат ва Шимолий-Жетитов конлари аниқланган.

Тебагатан калий тузлари кони негизда калий ўғитлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Борсакелмас конининг тузидан кальцийланган ва каустик сода ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланиш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда Қўнғирот сода заводи қурила бошланган эди. Тузни комплекс қайта ишлаш йўли билан бромли темир, магнезит ва гипс олиш мумкин.

Фарғона водийсида олтингурут конлари кўп.

Кизиларча, Андижон, Куршоб ва бошқа жойлардаги бўр-палеоген жинслари таркибидан олтингугурт ажратиб олиш истиқболли деб ҳисобланмоқда. Устюрт регионидаги палеоген, юра, неоген даврига мансуб олтингугурт ҳосилалари мавжуд.

Ўзбекистонда глауконит, дала шпати, волластонит, графит, асбест, тальк ва талькли тош, қайроқ тош, қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва пардоз тошлари металл рудасига мансуб бўлмаган хом ашёлар сероб.

Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва пардоз тошларидан топаз, феруза (Қурама тоғларида 30 дан зиёд кон кўринишлари маълум), аметист, тоғ биллури, халцедон, яшма, нефрит, лазурит (Самарқанд вилояти), амазонит, родонит, агальматолит, мрамар оникси ва бошқаларнинг каттагина захираларини қайд этмоқ керак.

Ўзбекистонда кон-металлургия хом ашёси, асосан ўтга чидамли материалларнинг жуда катта захиралари мавжуд. Шу гуруҳга мансуб каолин Ангрен каолин-кўмир қонида жойлашган бўлиб, унинг негизида керамика қони қурилган. Доломитнинг катта захиралари бор. Республикада гарчи магнезитнинг саноат аҳамиятига молик қони аниқланмаган бўлса ҳам, унинг нишонлари маълум.

Ўзбекистон шароитида безак-пардоз тошлари, кваршли қумлар, цемент хом ашёси, гишт ва аглопорит хом ашёси, гипс, оҳақтош, гилли ашёлар ва бошқалар бинокорлик материаллари ҳисобланади.

Руда қазиб олиш.



Севассой, Гурмак, Шоббозсой, Чоркесар, Оқча, Чимён, Жартош, Фозгон, Китоб, Оқсоқота, Омонқўтон, Шараксой, Оқтовда техник талабларига мос келадиган безак-пардоз тошларининг жуда бой конлари бор. Бу конларда пушти, ок, рангдор, қорамтир, кўкиш, очкулранг мрамар қазиб олинмоқда.

Жуда катта минерал хом ашё ресурслари туфайли Ўзбекистонда ўзаро манфаатли икки томонлама савдо-иктисодий муносабатлар ўрнатиш жозибадор бўлиб, иктисодиётнинг ривожланган замонавий тузилмасини шакллантириш учун яхши шароит яратди.

Ёқилғи-энергетика ресурслари

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан бўлмиш нефть ва газ конлари топилган эди. Фарғона вилояти ҳудуди – Шимолий Сўҳда, Андижон вилояти ҳудуди – Жанубий Оламушук, Полвонтош, Ченгара, Чимиён, Шўрсувда жойлашган. Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида янги нефть конининг очилиши мамлакат иктисодиётига тузатишлар киритди. Фарғона нефти асосан енгил бўлиб, таркибида олтингугурт кислотаси озроқ, парафин ва енгил фракциялар кўпроқдир.

Жанубий ҳавзадаги нефть конлари Сурхондарё вилоятида – Ховдак, Учқизил, Кўкайтида жойлашган. Устюртда катта нефть конлари, Муборак, Шўртан, Ўртабулоқ, Кандимда нефть-газ нишонлари аниқланган. Қашқадарё вилоятининг Кўкдумалоқ деган жойида (Бухоро яқинида) ҳам истиқболли конлар топилган. Ўрганиб, аниқланган газ захиралари салкам 2 триллион куб метрни ташкил этади. 160 дан кўпроқ нефть конлари топилган. Мамлакат ҳудудининг 60% га яқини нефть ва газ қазиб олиш учун истиқболлидир. Уларнинг захиралари мамлакатнинг ўз эҳтиёжларини тўла-тўқис таъминлабгина қолмай, энергия манбаларини экспорт қилиш имконини ҳам беради. Бешта асосий нефть-газли минтақа: Устюрт, Бухоро-Хива, Жануби-Фарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона регионлари ажралиб туради. Аниқланган табиий газ захиралари мамлакат эҳтиёжларини 35 йилдан кўпроқ, нефть захиралари эса 30 йилгача таъминлай олади. Ўзбекистонда аниқланган нефть ва газ захираларининг атиги 30-32%дан фойдаланилмоқда.



Газ қазиб олиш.

Қазиб олинаётган газ таркибида полимер материаллар олиш учун яроқли этан, пропан, бутан кабилар бор. Шўртган газ кимё мажмуасидан олинадиган пропандан кейинчалик нитрон тола ишлаб чиқариш учун керакли нитрил-акрил кислота ҳосил қилиш мумкин.

Ўзбекистонда кўмир захиралари кўп. Ангрен, Шарғун, Бойсун конларида кўмир қазиб олинади.

Ангрен дарёси водийсида жойлашган Ангрен кўмир кони энг сермахсул бўлиб, ёқилғи қатламлари қалин. Бу ердан кўнғир кўмир очик-карьер усулида қазиб олинади. Кўмир қатламларининг чуқурлиги 150-200 метрга боради, унинг негизда Ангрен ГРЭСи ишлаб турибди. Шарғун кони эса 600-800 м баландликдаги тоғ минтақасида жойлашган.

Кўмирни қазиб олиш пайтида йўл-йўлакай айрим минерал хом-ашё ресурслари ҳам чиқади. Улардан ишлаб чиқаришнинг кўпгина турларини ривожлантиришда хом ашё сифатида фойдаланилади.



Саноат



Ўзбекистон – саноати ривожланган мамлакат. Халқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг 40% ва мамлакат меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 1 миллиондан кўпроғи саноатда банд. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 14,0% иқтисодиётнинг шу соҳасида ҳосил қилинади.

Етакчи тармоқлар: пахта тозалаш, машинасозлик, тўқимачилик, газ, рангли металлургия, электротехника, радиоэлектроника, приборсозлик, самолётсозлик, нефтни қайта ишлаш, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш.

Кимё ва нефть кимёси, энергетика, металлургия, бинокорлик материаллари саноати, енгил саноат ва бошқа тармоқлар тез суръатлар билан ривожланмоқда. 100 дан ортиқ тармоққа мансуб бўлган 2200 дан зиёд концерн, ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона самолёт, трактор, енгил ва юк автомобиллари, пахта териш комбайнлари, кабель, туқув станоклари, экскаваторлар, кўтарма кранлар, лифтлар, куч трансформаторлари, компрессор станциялари ва қувурли компрессорлар, телерадио аппаратлари, совутгичлар, минерал ўғитлар,


Пахта териш комбайнларини йиғиш.



қурилиш материаллари, лак-бўёқ маҳсулотлари, газлама, пахта толаси ва бошқа кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқаради.

Таркибий сиёсатни амалга оширишда импортнинг ўрнини боса оладиган ишлаб чиқариш турларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, илгари бошқа мамлакатлардан келтирилган юзлаб турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Саноат маҳсулотларининг тармоқлар бўйича таркиби,
(2001 йил, %да)



Саноат ишлаб чиқаришида ҳажм жиҳатидан ёқилғи-энергетика (25,4%), енгил ва озиқ-овқат (30,6%) тармоқлари энг йирик ҳисобланади. Бинокорлик материаллари саноати, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати ҳам муайян ҳажмда маҳсулот беради.

1991 йилга қадар республикага 6 млн. тоннагача



А-310 самолётини таъмирлаш.

нефть келтирилар эди. Мустақилликка эришилгандан кейин нефть ва газ саноатини тубдан қайта қуриб, нефть маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлашдан иборат стратегик вазифа қўйилди. Илғор технология ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш туфайли, масалан, хорижий «Келлог» (АҚШ) ва «Нишо Иваи» (Япония) компаниялари билан биргаликда Кўкдумалок нефть-конденсат қонида ер остидан углеводородли ёқилғи қазиб олишни кўпайтиришга эришилди.

Франциянинг «Текнип» ва Япониянинг «Марубени» компаниялари билан биргаликда жаҳондаги ютуқларни эътиборга олиб қурилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 1997 йилда ишга туширилди.

Япониянинг «Мицуи» компанияси билан ҳамкорликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қайта қурилди. Бу корхона маҳаллий юкори донатор нефтни қайта ишлаш, ундан автобензин, дизель ёқилғиси, авиакеросин ишлаб чиқарадиган бўлди. Шўртан (Қашқадарё вилояти)да «ААБ Лумус Глобал» (АҚШ), «Мицуи», «Нишо Иваи» (Япония) компанияларидан иборат консорциум иштирокида полиэтилен ва этилен ишлаб чиқарадиган Ўрта Осиёдаги энг катта газ-кимё мажмуасининг қурилиши Ўзбекистон нефть ва газ тармоғини ҳамда бутун иқтисодийни ривожлантиришда катта ютуқ бўлди.

Республикада қудратли иссиқлик электростанциялари



Бургулаш минораси.

мавжуд, улар ҳосил қилинаётган жами электр энергиянинг қарийб 90% ни ишлаб чиқаради. Унинг ҳажми Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш учун етарлидир.

Металлургия саноати таркибига қора ва рангли металллар хом ашёсини қазиб олиш, бойитиш ва қайта ишлаш қиради. Бу тармоқ жами саноат маҳсулоти ҳажмининг 10 фоиздан кўпрогини ишлаб чиқаради. Ўзбекистонда олтин, қумуш, мис, уран, кўрғошин, руҳ, вольфрам, молибден, литий, алюминий хом ашёси ҳамда нодир металллар ва фойдали қазилмаларнинг катта захиралари бор. Шунинг эътиборига оғанда, металлургия саноатининг умумий саноат маҳсулоти ҳажмидаги солиштирма салмоғи бундан буён ҳам ортиб боради. Бу мажмуанинг маҳсулоти, биринчи галда рангли ва асил металллардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида камёб маҳсулотлар жумласига қиради ва экспортни ривожлантиришнинг муҳим шартини ҳамда мамлакат валюта захирасини оширишнинг асосини бўлиб хизмат қилади.

Асосан Ангрен-Олмалик кон саноати ҳудудида мужассамланган рангли металлургия-мис, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар, олтин ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Олмалик кон-металлургия комбинати бу тармоқнинг энг йирик корхонасидир. Республикада аниқланган вольфрам рудалари ва молибден негизда Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар» комбинати ишлаб турибди.



Хива газ компрессор станцияси.



Тошкент мотор заводи.

Ялпи саноат маҳсулотининг 5,3% кимё ва нефть кимёси саноати улушига тўғри келади. У тўртта тармоқни: асосий кимёни, нефть кимёси ишлаб чиқаришини, микробиология ва кимё-фармацевтика тармоқларини ўз ичига олади. Кимё саноатининг тараққиёти асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши вазибаларини ҳал этишга – уни минерал ўғитлар билан таъминлашга қаратилган эди. Мажмуанинг умумий маҳсулот ҳажмидаги асосий кимё маҳсулоти солиштирма ҳажмининг катталиги ҳам шу билан изоҳланади.

Кимё саноати минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, кимёвий тола ва иглалар, синтетик кир ювиш воситалари, лок-буёқ маҳсулотлари, пластмасса ва синтетик маҳсулотлар, қувурлар ва қувур қисмлари, маиший кимё маҳсулотлари, парфюмерия-косметика буюмлари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни ўз ичига олади.

Нефть кимёси саноати ишлаб чиқарадиган 20 турдан зиёд маҳсулотнинг 15 тури илгари чет давлатлардан келтирилалар эди.

Микробиология саноати корхоналарида оксил, (озуқабоп) ксилит, турли спиртлар, шу жумладан (озуқабоп) этил-спирти ишлаб чиқарилади. Чирчик электр-кимё комбинати, Самарқанд суперфосфат комбинати, Наманган, Олмалиқ кимё заводлари, Тошкент кимё-фармацевтика заводи ва бошқа корхоналар шу тармоққа қарашлидир. Қизилқум фосфорит комбинати ва Қўнғирот сода заводи қурилиши муҳим аҳамиятга



Бекобод металлургия комбинати.

эга. Экология ҳолатини яхшилаш ва янги технологияларни жорий қилиш учун Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш ва Чирчиқ «Электр-кимё саноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси реконструкция қилинди.

Ҳўжаликнинг барча тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш асоси бўлмиш **машинасозлик** кенг кўламда ривожланган. Қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги етакчи роль ўйнайди. Республикада 300 тадан кўпроқ машинасозлик ва металл ишлаш корхонаси мавжуд. Улар асосан тор ихтисослашган ва ранг-баранг мураккаб техника воситаларини бошдан-оёқ тайёрлайдиган танҳо универсал ишлаб чиқаришлардан иборатдир.

Пахта етиштириш ва уни дастлабки қайта ишлашга ихтисослашув машинасозликнинг тармоқ тузилмасини шакллантиришга катта таъсир ўтказди. Шу сабабли

Кукон гидролиз заводи.





Нефтни қайта ишлаш заводи.

пахтачилик учун техника воситалари, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати учун технология асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этилди. Шу билан бир қаторда самолётсозлик, автомобилсозлик, электро-техника, электрон саноати, оғир машинасозлик ҳам ривожланмоқда.

Бу тармоқ корхоналари орасида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекқишлоқмаш», «Тошқишлоқмаш», «Чирчиққишлоқмаш», «Тошкимёқишлоқмаш» заводлари бор. Жанубий Кореянинг «Daewoo» компанияси билан биргаликда Фарғона водийсидаги Асака шаҳрида «ЎЗДЭУавто» корхонаси қурилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико» ва «Дамас», «Матиз» автомобиллари Ўзбекистондагина машҳур бўлмай, бошқа мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Самарқандда қурилган «СамКочавто» ўзбек-турк корхонасида қулай ва ихчам автобуслар, турли русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқарилади.

Шу тариқа, республикада янги тармоқ – автомобилсозлик вужудга келтирилди. Автомобиллар учун бутлаш қисмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этилмоқда.

Тошкентда йирик самолётсозлик заводларидан бири жойлашган, у «ИЛ-76» транспорт самолёти ишлаб чиқарадиган МДХдаги бирдан бир корхонадир.

Кейинги йилларда саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида оғир саноатнинг солиштирма салмоғи



Тошкент «Электроаппарат» заводи.

ошди. Шунга мувофиқ енгил ва озик овқат саноатининг улуши қисқарди. Бу тамойил янги мустақил миллий иқтисодиётни вужудга келтириш зарурияти билан изоҳланади.

Иқтисодиётни ислоҳ этишнинг дастлабки босқичларида республика истеъмол бозорини анчагина чеклаш йўлидан бориб, асосий куч ва воситаларни халқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришларга сарфлади, экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш учун илғор технология билан жиҳозланган замонавий базани вужудга келтирди.

Самарқанд. Пайтоқ буюмлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона.



«UZSALAMAN» қўшма корхонаси.





«Миконд»
заводи
маҳсулотлари.

Кандолатчилик
фабрикасида.

Ўзбекистон саноат мажмуасини шакллантириш ва ривожлантиришда **енгил ва тўқимачилик саноатига** катта ўрин берилмоқда. Бу тармоқ юксак даражада жиҳозланган кўп соҳали индустриал мажмуадир. Республика саноат корхоналари асосий фондлари, ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи, ташқи савдо айланмаси ва валюта тушумларининг анчагина қисми унинг улушига тўғри келади. Йирик деҳқончилик минтақаси бўлмиш республиканинг ўзига хос шароитида кўп тармоқли енгил саноат вужудга келди. У пахта толаси, ип газлама ва шойи газлама, хом ипак, каноп толаси, пайпоқлар, устки ва ички трикотаж, тикилган буюмлар, пойабзал ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни ўз ичига олади. Гиламлар, галантерея маҳсулотлари, чинни-фаянс идишлар ишлаб чиқариш ҳам республика енгил саноати таркибига кириди.



Самарқанд спорт
кийимлари тикиш
фабрикаси.



Урганч тукув фабрикаси.



Хива. «Сугдиёна» хусусий фирмаси.


Тошкент, Самарқанд ва Қувасой чинни заводлари шуҳрат қозонган. Тошкент, Фарғона тўқимачилик, Бухоро ип газлама комбинатлари мамлакатнинг энг йирик корхоналардир. Нукус, Эллиққалъа, Жарқўрғон, Самарқанд ва Наманганда йирик тўқимачилик мажмуалари ишга туширилган. Андижон, Қарши, Қўқон, Гурлан, Тўйтепа ва Бўқада ҳам шундай мажмуалар қурилмоқда. Ишлаб турган енгил ва маҳаллий саноат корхоналари реконструкция қилинмоқда.

Пиллакашлик ва шойи газлама ишлаб чиқаришнинг асосий марказлари Фарғона, Наманган, Бухоро вилоятларида жойлашган. Наманган вилоятида гилам ва тўқимасиз материаллар ишлаб чиқариш ташкил этилган. Республиканинг деярли барча жойларида тикув фабрикалари бор. Хива шаҳри ўз гиламлари билан шуҳрат қозонган.

Пахта тозалаш тармоғи енгил саноатда устун мавқени эгаллайди. Шу тармоқнинг корхоналари асосан пахтакор туманларга бевосита яқин жойларда қурилган.

Озиқ-овқат саноати асосан маҳаллий қишлоқ хўжалик

Тошкент вино заводи.



Самарқанд винолари.





Ўзбек винолари дунёда машҳур.

хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланади. Пахта чигитини қайта ишлаш негизида ривожланаётган ёғ-мой тармоғи озиқ-овқат саноатининг муҳим кичик тармоқларидан биридир. Республиканинг деярли барча туманларида тегирмон саноати, гўшт-сут маҳсулотлари, спиртсиз ичимликлар, нон маҳсулотлари, қандолатчилик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжуд. Ўзбекистонда консерва, ўсимлик мойи ва сариёғ, макарон, тамаки, вино-арок, ликёр-коньяк ишлаб чиқарадиган, қоқ мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрлайдиган ва уларни қайта ишлайдиган йирик, ўрта ва майда корхоналар бор.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасидаги сиёсат тубдан ўзгармоқда. Шу ернинг ўзида ишлаб чиқариб бўлмайдиган ва ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан манфаат келтирмайдиган маҳсулотларнигина республикага четдан келтириш, бошқа маҳсулотларнинг ҳаммасини шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бош вазифа қилиб қўйилган. Шу мақсад йўлида хорижий сармоя ва технология фаол жалб этилмоқда. Чунончи, Зарафшон шаҳрида аралаш газламалардан устки трикотаж ишлаб чиқарадиган «Агама» қўшма корхонаси барпо этилган. Француз ва япон асбоб-ускуналари ёрдамида комбинацияланган пахта-акрил калаваси ҳосил қилиш технологияси ўзлаштирилди. Кенг истеъмол моллари кўпайтирилмоқда.



Кувасой цемент заводи. Шифер ишлаб чиқариш.

Олтин қазиб чиқариш саноатининг республика иқтисодиётидаги аҳамияти ва ўрни жуда катта. Ўзбек олтинининг сифати дунёдаги олий андозаларга мос келади. Қизилкум чўлидаги олтин кони негизида Мурунгов кон-металлургия комбинати, «Ўзбеколтин» бирлашмасига қарашли бир қанча корхоналар ишлаб турибди. 1995 йилда Зарафшон водийсида асл металл қазиб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон – Америка қўшма корхонаси ишга туширилди. Бу корхона жаҳон андозалари даражасидаги олтин ва қумуш ажратиб олмақда. У энг замонавий технология билан жиҳозланган бўлиб, иқтисодий талабларнинг ҳаммасига жавоб беради.

Америкадаги «Ньюмонт майнинг» компанияси иштирокида ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг кредитлари ёрдамида Навоий кон-металлургия комбинатининг чиқитларидан олтин ажратиб оладиган қўшма корхона барпо этилган.

Рудали кон.





Шарғун кумир кони.

Рангли, асл ва нодир металларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича бошқа истикболли ва юқори рентабелли лойиҳалар ҳам тайёрланмоқда.

Республика иқтисодиётида **ёкинги саноати** муҳим ўрин олади. Бу тармоқ асосан газ, нефть ва кўмирини қазиб олиш билан шуғулланади.

Қазиб олинаётган газ ҳажми республика эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, уни чет элларга экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Энг йирик газ конлари – Газли, Учқир, Ўртабулок, Муборак, Шоҳпахти конларидир. Муборак газни қайта ишлаш заводи бу соҳанинг йирик объекти.

Нефть конларининг тез суръатлар билан ўзлаштирилиши ва Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши республикага нефть маҳсулотларини импорт қилишдан қутулиш имконини берди.

Нефть-газ саноати билан бир қаторда электр энергетикани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон энергетика тизими минтақада электр энергия ишлаб чиқариш ва узатиш узлуксиз занжирининг асосий ҳалқасидир. Янги Ангрен ГРЭСида 300 минг кВт қувватли энергетика блоки ишга туширилган, Толимаржон ГРЭСида биринчи энергетика блоки жадаллик билан қурилмоқда, Ангрен кўмир разрезини реконструкция қилинмоқда ва ҳ.к. Электр станцияларининг мавжуд қувватлари Ўзбекистонда амалга ошириш мўлжалланган барча инвестиция лойиҳаларини, янги генератор қувватлари барпо этмай, бемалол электр энергия билан таъминлай олади.

Ўзбекистон **қурилиш мажмуаси** катта салоҳиятга эга. Ҳар йили 3,3 миллион тоннадан кўпроқ цемент, 4,5

миллион куб метр темир-бетон конструкциялар, 3 миллиард дона ғишт, 360 минг тонна металл конструкциялар, шунингдек хилма-хил линолеум, ойна, пардозлаш буюмлари, гипс, дурадгорлик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Келгусида нефть-газ, кончилик ва олтин қазиб олиш, электр энергетика, рангли металлургия тармоқларини, кимё саноатининг айрим кичик тармоқларини устун даражада ривожлантириш мўлжалланмоқда. Шу тариқа республика эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга чет эллардан валюта тушумларини кўпайтириш манбаи ҳам вужудга келтирилади.

Бутун Ўрта Осиё минтақасидаги газ конденсати захираларининг 74 фоизи, нефть захираларининг 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кўмир захираларининг 55 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади.

Республика табиий газ қазиб олиш бўйича МДХ мамлакатлари орасида учинчи ўринни эгаллайди ва дунёдаги газ қазиб олувчи энг йирик ўнта мамлакат қаторига киради.

Ўрта Осиё машинасозлик маҳсулотининг 2/3 қисми Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилади.

Республиканинг кўп тармоқли машинасозлик мажмуаси юздан ортиқ акциядорлик корхоналаридан иборат, улар йирик уюшмаларга, ҳолдинг компаниялар ва молия-саноат гуруҳларига бирлашган.

Дунёдаги фақат икки мамлакат (АҚШ ва Ўзбекистон) пахтачилик учун керакли машина ва ускуналарнинг тўла тўпламини ишлаб чиқаради.

Ўзбекистон – пиллачилик ва пилла йигириш учун техника ишлаб чиқарадиган Ўрта Осиёдаги бирдан бир давлатдир.

Республика Ўрта Осиёда қора металллар прокати, капролакташ, мотор, трактор ва унга тиркаладиган механизмлар, экскаватор, компрессор, лифт, биллур маҳсулотлар, гидро насослар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган йирик мамлакатдир.

Қишлоқ хўжалиги



Йирик тармоқ бўлмиш қишлоқ хўжалиги мамлакат ихтисодиётининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон – турли қишлоқ хўжалик, шу жумладан техника экинлари етиштириш учун жуда қулай регионлардан бири.

Халқ хўжалиги тармоқларида ишловчи ходимлар сони ва уларнинг солишгирма салмоғи жиҳатидан қишлоқ хўжалиги етакчи ўринни эгаллайди. Бу тармоқ аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатнинг турли тармоқларини эса ҳам ашё билан таъминлайди. Мамлакат аҳолисининг 62,9% қишлоқда яшайди. Банд аҳолининг анча қисми шу соҳада (ўрмон хўжалиги билан бирга) меҳнат қилади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 28,0% қишлоқ хўжалигининг улушига тўғри келади. Экинзорларнинг анча қисми, техника экинлари экиладиган майдонларнинг деярли ҳаммаси суғориладиган ерлардир, бу ерларда қудратли ирригация тизими хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида ўтказилган аграр ислохотлар давомида қишлоқда янги хўжалик тузилмаси шаклланди.

Пахта қабул пункти.



Барча хўжалик шаклларида дон ишлаб чиқариш таркиби
(2001 йил, %да)


Бугдой	83,3
Бошқа бошоқдилар	2,7
Маккажўхори дони	3,8
Шоли	9,6
Дуккакли дон	0,6

Ерга бўлган мулкчилик масаласи республиканинг бутун аграр сиёсатидаги энг муҳим масаладир. Совхозлар қайта тузилиб, жамоа, ширкат, акциядорлик ва бошқа нодавлат қишлоқ хўжалик корхоналарига айлантирилди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг умумий ҳажмида нодавлат секторининг улуши кўпайиб, 2001 йилда 99,0%ни ташкил қилди.

Дехқончилик ширкатлари хўжалик юриштининг янги шакллари жумласига киради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг асосий турларини етиштиришда бу ширкатларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ялпи ишлаб

Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш
(2001 йил, %да)





Дон қабул пункти.

чиқариш ҳажмида деҳқон хўжалиklarининг улуши катта.

Фермер хўжалиklarини ривожлантириш кишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг устивор йўналишларидан биридир. Республикада 2002 йил январь ойи ҳолатига 55,5 минг фермер хўжалиги рўйхатга олинган, уларга 1054,7 минг гектар ер участкаси бириктириб қўйилган. Бир хўжаликка ўрта ҳисобда 19,0 гектар ер тўғри келади. Фермерлар томонидан деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш суръатлари республикадаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори. Ишлаб чиқарилган дон маҳсулотларининг 18,5%, пахтанинг 21,6% фермер хўжалиklarида етиштирилди.

Давлатнинг кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тадбирлари ўтказилишини бевосита белгилаб беришдан воз кечиши аграр сиёсатнинг муҳим хусусиятларидандир.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш таркибида кишлоқ хўжалиги корхоналарининг салмоғи кискариб, аҳоли хўжалиги улуши ортмоқда.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Гушт ишлаб чиқариш, тирик вазнда, минг т.	Ялпи сут соғиб олиш, минг т.	Олинган тухум, млн. дона.
853,7	3667,2	1287,4

Пахта хирмони.



Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли барча турлари харид нархлари анча оширилди. Биргина пахта харид нархининг ўзи 6 марта қайта кўрилди.

Давлат иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик корхоналарини солиқдан озод қилиш йўли билан ҳам, аниқ мақсадлар учун дотация бериш йўли билан ҳам уларга бевосита ёрдам кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчиликларни, унинг фақат пахта етиштиришга бир ёқлама йўналтирилганини бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Пахта экиладиган майдонлар камайтирилгач, бўшатиб олинган ерлардан озиқ-овқат ва ем-хашак экинлари экиш учун фойдаланилмоқда.

Қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экишнинг оқилона схемаларини жорий этиш ва дон мустақиллигига эришиш учун ғаллазорларни кенгайтириш мақсадида пахтазорлар анча қисқартирилиб, 1,5 миллион гектар даражасида турғунлаштирилди.

Ер фонди ва экинзорлар таркиби қайтадан тақсимланди.

Давлат секторининг улуши анча қисқартирилди, деҳқон хўжаликлари майдони кўпайтирилди.

Пахтачилик – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг етакчи тармоғи. Дунёда энг шимолий пахтачилик минтақаси бўлган Ўзбекистон пахтадан мўл ҳосил олмоқда.



Шоли етиштириш.



Чигит экиш.

Пахта етиштиришни интенсивлаш мақсадида янги илғор технологиялар ўзлаштирилмоқда. Пахтачиликни модернизациялаш дастури амалга оширилмоқда.

Пахтадан ташқари канош ва жут техника экинлари ҳам етиштирилади. Тошкент вилояти шу экинлар экиладиган асосий марказдир.

Кейинги йилларда бошоқли дон экинлари етиштириш кескин кўпайди. Дон хўжалиги лалми ерларда бўғдой ва арпа, суғориладиган ерларда маккажўхори етиштириш ҳисобига ривожланмоқда. Умумий экин майдонларида донли экинлар улуши ошмоқда. Мамлакат дон мустақиллиги таъминланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг донга бўлган эҳтиёжларини ички бозор ҳисобига тўла-тўқис қондирмоқда. Шу чора-тадбирлар туфайли донли экинлар майдонини кўпайтириш йўли билан ҳам, бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш йўли билан ҳам, мамлакатда дон етиштириш муттасил кўпайиб бормоқда.

Ғаллачиликни муваффақиятли ривожлантириш учун республикада ишлаб турган машинасозлик заводлари АКШ, Германия ва бошқа мамлакатларнинг таниқли фирмалари билан биргаликда қишлоқ хўжалигидаги турли-туман ишларнинг ҳаммасини бажара оладиган замонавий комбайнлар ва тракторлар ишлаб чиқаришга мослаштирилмоқда.

Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти шоли етиштирадиган асосий минтақалардир.

Ўзбекистоннинг энг қадимий қишлоқ хўжалик тармоқларидан бири – **пиллачилик** ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Пиллачилик соҳасида асрий анъаналар мавжуд.



Пилла етиштириш.



Айниқса, иссиқ иқлим шароитида тенгсиз гигиеник хусусиятларга эга бўлган табиий ипакка аҳолининг эҳтиёжи катта эканлиги бу тармоқни янада ривожлантиришни тақозо қилади.

Пиллачилик маҳсулоти – пилла табиий ипак ишлаб чиқариш учун энг муҳим хом ашёдир. Бу тармоқда юксак технология сифатига эга бўлган пилла берувчи қурт уруғини саноат усулида ишлаб чиқариш, шунингдек сермахсул ипак қурти наслари ва гибридларини ҳосил қилиш учун замонавий технологиялар жорий этилган. Республика йилига 30 минг тоннага яқин пилла етиштиради, унинг тахминан 70%идан республика корхоналарида ипак ишлаб чиқарилади, қолган қисми экспорт қилинади.

Республикада кўп миқдорда сабзавот, мева ва узум етиштирилади. Уларнинг таъм хусусиятлари ноёбдир. Табиий иқлим шароитлари йил давомида бир неча марта ҳосил олиш имконини беради.

Ихтисослаштирилган хўжаликларда мазаси ва хушбўйлиги жиҳатидан тенгсиз олма ва нок, беҳи ва узум, гилос ва олча, олхўри ва ўрик, шунингдек қимматли субтропик экинлар – анжир, анор, хурмо, жанубда эса шакарқамиш етиштирилади. Таркибидаги қанд ва бошқа ҳаётий муҳим моддалар жиҳатидан Ўзбекистон мевалари ва сабзавотлари шарқий ва жануби-шарқий мамлакатлар орасида энг яхши ҳисобланади.

Узум юқори сифатли виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлиб хизмат қилади. Республика

Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти таркиби
(2001 йил, %да)

Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти	100,0
Дехқончилик маҳсулоти	55,0
Чорвачилик маҳсулоти	45,0

виночилари йилига 16,5 миллион декалитр вино материаллари тайёрлайди, улардан 30 хилдан кўпроқ вино, турли шампан винолари ва коньяк ишлаб чиқарилади. Халқаро ярмаркаларда, мусобақалар, танлов ва кўргазмаларда Ўзбекистон винолари 92 та медалга сазовор бўлган.

Богдорчилик ва тоқчилик маҳсулоти турли шарбатлар, компотлар, мурабболар, ичимликлар ишлаб чиқариш ва қоқ мевалар тайёрлаш учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг унумдор ерларида қуёш нури ва ёз ҳарорати узоқ давом этиши сабабли мўл-кўл полиз маҳсулотлари пишиб етилади. Полизчилар ўнлаб навдаги ширин-шарбат қовун ва тарвузларни етиштириб беради.

Самарқанд вилоятининг Ургут тумани сердаромад қишлоқ хўжалик маҳсулоти – тамаки етиштириш билан машхур. Қўшни давлатлар бу маҳсулотни тобора кўпроқ миқдорда харид қилмоқда.

Узумзор.





Тошкент вилояти. Фермер хўжалиги.

Чорвачилик айниқса, унинг асосий тармоғи бўлган кўйчилик, қоракўлчилик соҳаси азалдан ривожланиб келган. Бу тармоқнинг асосий маконлари – Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистонда.

Умуман республикада кўй ва эчкилар туёғи барқарор сақланиши таъминланган, қорамоллар туёғини кўпайтиришга эришилган. Чорвачилик фермалари ва хўжаликларининг ярмидан кўпроғи уларнинг жамоаларига мулк қилиб берилган.

Пахта – энг муҳим қишлоқ хўжалик экин.

Ноёб табиий-иқлим шароитлари йил давомида картошка, турли-туман сабзавот экинларидан бир неча марта ҳосил олиш имконини беради.

Ўзбекистон пахта етиштириш соҳасида дунёда (АҚШ, Ҳиндистон, ХХР ва Покистондан кейин) 5-ўринда ва уни экспорт қилиш соҳасида 2-ўринда туради.

Ўрта Осиёда етиштириладиган жами пахта ҳажмининг 75% Ўзбекистонда етиштирилади.

Республикада ҳар йили 5 миллион тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева ҳосили олинади.

Ўзбек қоракўл териларига жаҳон бозорида талаб катта.

Транспорт ва алоқа



Республикада кенг тармоқли транспорт тизими вужудга келтирилган, бу тизим ички ва ташқи юк ҳамда йўловчи ташиш эҳтиёжларини, чет эллар билан иқтисодий алоқаларни таъминлайди. Умумий фойдаланишдаги йўловчи ва юк ташувчи транспортнинг ҳамма турлари – темир йўл, автомобиль, ҳаво, дарё транспорти, суюқ маҳсулот ташиладиган қувурлар, шаҳарлардаги трамвай, троллебус, автобус, метрополитен ривожланган.

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компанияси (1992), «Ўзбекистон автомобиль транспорти» давлат-акциядорлик корпорацияси (1993), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси (1994) ва бошқа ташкилотлар тузилди. Кўпгина транспорт корхоналари қайта ташкил этилди, улар давлат иштирокидаги акциядорлик компанияларига, очик турдаги акциядорлик корпорацияларига, масъулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди. Автотранспорт воситаларининг бир қисми жамоа корхоналарининг, фуқароларнинг мулкидир.

Темир йўл транспорти қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Темир йўлларнинг эксплуатацион узунлиги 6,6 минг км., шундан 3,5 минг км. умумий фойдаланишда бўлиб, қолган қисми саноат корхоналарига хизмат қилади.

1972 йилда ишга туширилган 400 км дан ортик узунликдаги Кўнғирок-Бейнов магистрали Ўрта Осиё иқтисодий минтақасидан Қозоғистонга ва Россиянинг Европа қисмига, Кавказга бориш учун иккинчи йўл очилишини таъминлади, бу эса юк ва йўловчиларни олис масофага айланма ташишдан воз кечиш, маҳсулот ва материал ташишдаги транспорт чиқимларини камайтиришда катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, Кўнғирот-Бейнов йўли Амударё этакларидаги турли табиий

ресурсларни ўзлаштириш ҳамда шу минтақанинг иқтисодий ва маданий тараққиётини ошириш имконини берди.

Андижон-Тентаксой, Қувасой-Қизилқия, Қорасув-Ўш ва бошқа янги темир йўл излари мамлакат ичкарисидаги ва ташқарисидаги турли туманларни туташтирди. Ҳовос-Арис магистрали республикани Қозоғистон орқали Россия билан, Қўқон-Душанбе йўналиши Тожикистон билан, Тошкент-Туркманбоши йўналиши Туркменистон билан боғлайди.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан биргаликда денгиз портларига чиқишни таъминлайдиган ва қадимий Буюк Ипак йўлини тиклашга кўмаклашадиган транзит транспорт йўлагини вужудга келтиришни мулжалламоқда. Шу мақсадда Ўрта Осиё мамлакатлари, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) даги бошқа мамлакатлар билан ҳукуматлараро шартнома тузилиб, Тажан-Серахс-Машҳад темир йўл изи қурилмоқда. Бу йўл Пекин билан Истанбулни туташтирадиган ва бутун Осиёни кесиб ўтадиган магистралнинг бир қисмидир.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби
(2001 йил, %да)

Автомобил	86,4
Қувур орқали	8,2
Темир йўл	5,4
Ҳаво йўли	0,1

Мазкур транспорт йўлаги орқали катнов бошланиши, Тинч океаннинг Осиё қисми мамлакатларига ҳамда Фарбга – Туркияга ва ундан Европага чиқилиши юк ташиш масофасини икки баробардан зиёд қисқартиради. «ТАСИС» дастури доирасида «Т р а с е к а» лойиҳасининг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг коммуникация ва транспорт таъминотида катта аҳамиятга эга бўлади. Бу лойиҳада Ўрта Осиё, Озарбайжон, Грузия орқали ўтиб, Қора денгиз портларига бориладиган Транскавказ магистралини вужудга келтириш кўзда тутилган.

Мамлакат ичкарисида иккита йирик темир йўл магистрали: 342 километрли Навоий–Учқудук–Султонвайстоғ–Нукус ва 223 километрли Ғузор–Бойсун–Қумқўрғон йўллари қуриб битказилмоқда.

Автомобиль транспорти Ўзбекистонда катта ҳажмдаги ишларни бажаради. Республика автомобиль йўллари тармоғи

ўзининг асосий ривожланиш кўрсаткичлари жиҳатидан МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Аҳоли яшайдиган деярли барча масканларда, шу жумладан олис манзилгоҳларда ҳам қаттиқ қопламали йўллар мавжуд.

Мавжуд автомобиль йўллари транзит юклар ва йўловчиларни республикадан Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистонга ўтказиш, улар орқали Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига узлуксиз юбориб туришни таъминлаш имконини беради.

Энг муҳим автомобиль йўллари: Тошкент–Термиз (Қатта Ўзбек тракти), Тошкент–Бухоро–Нукус–Мўйноқ, Тошкент–Ангрен–Қўқон, шунингдек Фарғона водийси шаҳарларини туташтирувчи Фарғона ҳалқаси.

Мамлакатда уч мингдан зиёд йўналишда автобус юради. Автобусларда ҳар йили миллионлаб йўловчи ташилади. 27 та автовокзал, 120 та автостанция мавжуд. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, сув хўжалиги, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида йирик ихтисослаштирилган автотранспорт корхоналари бор.

«Ўзавтотранс» давлат-акциядорлик корпорацияси таркибига кирувчи «Ўзташқииктисодтранс» савдо транспорт бирлашмаси ва «Ўзбекавтотур» фирмаси халқаро юклар ва йўловчиларни ташимокда.

Республикада халқаро, республика, маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларининг замонавий талабларга жавоб берадиган ривожланган йўл хўжалиги мавжуд. Мамлакатдаги автомобиль йўлларининг умумий узунлиги

Халқаро юк ташиш.



115 минг километрдан ошади, каттик қопламали автомобиль йўллари 95,6%ни ташкил этади, умумий фойдаланишдаги йўллар 43,3 минг км (37,7%). 1992 йилда автомобиль йўлларини қуриш ва ишлатиш билан шуғулланувчи «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик концерни барпо этилди. Унинг таркибида вилоят автомобиль йўллари бошқармаси ишлаб турибди.

Ўзбекистон Хитой ва Покистонга боришни таъминлайдиган Андижон–Ўш–Эргаштом–Қашқар автомобиль йўлини; шунингдек Бухоро–Серахс–Машҳад–Техрон йўлини ва Хинд океанига бориладиган Термиз–Хирот–Қардаҳор–Қарочи йўлини қуриш ҳамда реконструкция қилишда улуш билан қатнашмоқда. Мазкур транспорт йўлагидан фойдаланиш ЭКО

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби
(2001 йил, %да)

Автомобил	90,9
Шаҳар электр транспорти	8,6
Темир йўл	0,5
Ҳаво йўли	0,03

мамлакатларига бориш йўлини уч хисса қисқартиради.

Фарғона водийсини Тошкент воҳаси билан боғлайдиган ва Қамчиқ довонидан ўтадиган йирик автомобиль йўли, Қўнғирот-Бейнов автомагистрали қуриб битказилди.

Ҳаво транспорти мамлакатни хориждаги кўпгина мамлакатларнинг йирик шаҳарлари ва саноат марказлари билан бирлаштиради. Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиация компанияси ихтиёрида А-310, Ил-86, Ил-76, Ту-154 замонавий самолётлари, «Боинг-767» супер лайнерлари бор, маҳаллий линияларда кўпгина самолётлар қатнаб турибди. Тиббиёт, санитария, метеорология, геология-разведка ишларида, газ саноатида ва бошқа тармоқларда ҳар хил турдаги вертолётлардан фойдаланилмоқда. Ўзбекистон миллий авиация компанияси тузилмасида 12 та замонавий аэровокзал мавжуд. Тошкент, Самарқанд, Термиз, Урганч аэропортлари халқаро мақомга эгадир. Учқудуқ шаҳрида янги йирик халқаро аэропорт қуришга тайёргарлик ишлари бошланди. Тошкент аэропортининг учиш-қўниш йўли реконструкция қилинган, ҳаво қатновини жаҳон



андозалари (ИКАО) даражасида бошқариш тизими такомиллаштирилгач халқаро йўлларда юк ва йўловчи ташиш ҳажми кўпаяди.

Европа, Осиё ва Америкада «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ваколатхоналари очилган, МДХ мамлакатларидан ташқари Лондон, Манчестер, Франкфурт-Майн, Тель-Авив, Шаржа, Жидда, Истамбул, Қарочи, Дехли, Куала-Лумпур, Бангқок, Пекин, Афина, Токио, Амстердам, Сеул ва Нью-Йорк шаҳарларига самолётлар мунтазам қатнаб турибди. Бундан ташқари Ҳалаф, Сингапурга ҳамда Осиё ва Европанинг бошқа йирик шаҳарларига чартер рейслари йўлга қўйилган. Халқаро авиацияда юк ташиш билан шуғулланувчи «Осиё Рианта» (Ирландиянинг «Эр рианта интернешнл» компанияси

Учиш майдони.

В-767 кабинасида.



Самолёт
бортида
хизмат
курсатиш.



билан биргаликда), «Аскон» (Американинг «Конкорд» корпорацияси билан биргаликда), «АЭРО Абда» (Малайзия компанияси билан биргаликда), «Интер-сервис карго» (Бирлашган Араб Амирликлари билан биргаликда) ва бошқа қўшма корхоналар барпо этилган.

Сув транспорти. 1994 йилда дарё флоти Ўзбекистон сув транспорти қилиб ўзгартирилди. Ўрта Осиё кемачилигининг Ўзбекистон бўлинмаси негизда «Узавтотранс» корпорацияси хузурида «Термиз дарё порти», «Хоразм дарё порти», «Қорақалпоғистон дарё порти» ишлаб чиқариш бирлашмалари тузилди. Термиз дарё порти йилига 2,5 миллион тонна юк ташиш қувватига эга. Ҳайратон (Афғонистон) бандаргоҳи орқали чет эллар билан экспорт-импорт операциялари амалга оширилади. Ўзбекистон сув транспортида 150 тага яқин теплоход, сол, землесос, сузувчи экскаваторлар, порт кранлари ва бошқа техника воситалари бор. Республика сув йўлларининг жами узунлиги – салкам 1000 км. Халқ хўжалиги юклари асосан Термиз-Ҳайратон, Шарлавуқ-Тўртқўл, Хўжайли-Тўртқўл, Хўжайли-Беруний, Қоратов-Тахиятош оралиғида ташилади. Ўзбекистонда денгиз портлари, савдо флоти йўқ.

Қувур орқали юк ташиш транспорти. Ўзбекистонда нефть ва газ конлари очилиб, ишга туширилиши билан уларни қувур орқали ташиш тизими ривожлантирилди. Конларда қазиб олинган нефтни Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларига юбориш учун 228,5 километр узунликдаги нефть қувурлари ётқизилди. Сурхондарё вилоятида Лалмикор-Қумқўрғон, Амударё-Амузанг оралиғида йирик нефть қувурлари барпо этилган.

Ўзбекистон конларидан қазиб олинган газ 9 та



Сирдарё орқали қувур йули.

Газ узатиш компрессор станцияси.

магистрал газ қузури орқали ташилади, уларнинг узунлиги 12 минг км. Бу қувурлар МДХ мамлакатларининг ягона газ қувурлари тизимига уланган ва техникавий жиҳатдан Европа мамлакатларига газ юбориш имкониятига эга. Келгусида Туркменистон–Ўзбекистон–Қозоғистон–Хитой ва Ўзбекистон–Афғонистон–Покистон давлатлараро магистрал газ қувурларини куриш режалаштирилмоқда.

Хозирги вақтда кўшни давлатлар орқали жаҳон океанига чиқишни таъминлайдиган энг қисқа ишончли транспорт йўлларини барпо этиш мақсадида транспорт алоқалари халқаро тизимларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон ўзининг географик ҳолати сабабли чет эллар билан иқтисодий алоқаларини асосан темир йўл орқали амалга оширмоқда, юкларни Қора, Болтик, Япон ва Шимолий денгизларнинг портларига юбормоқда. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон денгизларига чиқишига қўмақлашувчи муқобил энг қисқа йўлларни кидириш билан боғлиқ бўлган масалалар устида фаол иш олиб борилмоқда.

Алоқа. Ўзбекистоннинг ривожланган телекоммуникация тармоғи мавжуд. Телефон тармоғи хизматидан 1,5 миллиондан ортиқ абонент фойдаланмоқда. Уларга маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон, уяли ва пейжер алоқа хизматлари кўрсатилмоқда.

Тошкент шаҳарлараро телефон станцияси Ўрта Осиёдаги энг йирик станция бўлиб, Ўзбекистоннинг хориждаги барча мамлакатлар билан алоқасини таъминлайди, шунингдек Туркменистон, Тожикистон, Қирғизтон, Қозоғистоннинг чет мамлакатлар билан алоқасида транзит станция вазифасини ўтайди.

Йўлдош орқали алоқа станциясидан фойдаланиш фоят ривож топмоқда, бу станция чет эллардаги ҳар



Йулдош алоқаси.

қандай мамлакат билан самарали алоқа қилишни таъминлайди.

Жаҳон Интернет тармоғига уланган пакет коммуникация тармоғи ишлаб турибди. Мазкур турдаги алоқа абонентлари электрон почта хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Почта алоқасини, ахборот ва телекоммунакация тизимларини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида 1997 йилда Телекоммуникациялар агентлиги тузилди. Алоқанинг ишлаб чиқариш-хўжалик технологияси масалалари билан шуғулланувчи «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акциядорлик жамиятлари ва «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси шу агентлик таркибига киради. Ўзбекистон Халқаро электр алоқа иттифоқининг аъзосидир. «Моторола» (АҚШ), «Сименс», «Алкатель» (Германия), «ДЭУ» (Жанубий Корея) каби етакчи чет эл компаниялари иштирокида телекоммуникация тармоқлари реконструкция ва модернизация қилинмоқда. Замонавий телекоммуникация ва компьютер тизимлари ташкил этилмоқда, компьютер ва телекоммуникация техникаси тизимларини ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо қилинмоқда.

«ДЭУТелеком» фирмаси билан биргаликда Фарғона водийсида 45 минг номерли рақамли АТСлар, Германиянинг «Алкатель» фирмаси билан биргаликда Наманган шаҳрида АТС, Тошкентда 3 минг номерли автомат телефон станцияси, 10,2 минг номерли АТС-44, 4700 коммутация нуктасига эга бўлган халқаро



Тошкент. Бошпочтаamt биноси.

телефон станцияси (EWSD) ишга туширилди. Туркиянинг «Неташ Нортен Телеком» фирмаси билан биргаликда «ЎзПАК» пакет коммутацияси билан маълумот узатувчи республика тармоғи барпо этилди.

Халқаро почта юклари ва хат-хабарларни элтиб бериш учун дунёнинг ҳар қандай нуқтасига 42 соатдан 72 соатгача муддатда етказиб бериладиган «ЕМС Ўзбекистон» – экспресс-почта корxonаси ташкил қилинди.

Айрим вазирлик ва идораларда, йирик корхона ва ҳўжаликларда ички алоқа воситалари бор.



Қурилиш



Ўзбекистон қурилиш мажмуаси катта салоҳиятга эга бўлиб, 2001 йилда 544,4 млрд сўм ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 7% яқини унинг улушига тўғри келади. Халқ хўжалигида машғул бўлган кишиларнинг 10% дан кўпроғи иқтисодиётнинг шу тармоғида меҳнат қилади.

Қурилиш халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат қилиш орқали асосий фондларни такрор кўпайтириш учун шароит яратади, халқ хўжалигининг оқилона тузилмасини барпо этишга, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришга, янги табиий ресурсларни ўзлаштиришга, эркин меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилишга кўмаклашади. Қурилиш ишлари пудрат, ёрдамчи пудрат ва қисман хўжалик усулида олиб борилади. Қурилиш индустриясининг асоси давлат, акциядорлик, жамоа, хусусий, қўшма ва бошқа пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотларидан иборат.

Мулк шакллари бўйича қурилиш ишларининг тақсимланиши
(2001 йил, %да)





Тошкентдаги янги турар-жой бинолари.

Жами қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 83,9%ни мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан хусусий мулкчилик шаклидаги ташкилотлар бажарди.

Ўзининг моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасига ҳамда малакали ишчи кадрларига, транспорт, сув хўжалиги ва бошқа ёрдамчи хўжалик ташкилотларига эга бўлган корхоналар ҳам қурилиш билан шуғулланади. Республикада 245 та қурилиш-монтаж трести, 196 та корхона, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институти бор.

Қурилиш-монтаж ишларини асосан ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари бажаради, улар махсус корпорациялар, компаниялар, бирлашмалар, трестлар ва бошқармаларга бирлашган. Бинокорлик материаллари саноати қурилиш моддий-техника базасининг энг муҳим қисмини ташкил этади.

Маҳаллий хом ашё ресурсларидан бетон учун сунъий енгил тўлдиргичларнинг унлаб турлари, иссиқ-совуқни ўтказмайдиган материаллар ўзлаштирилган. Цемент, темир-бетон буюмлар, гишт, металл конструкциялар, линолеум, ойна, пардозлаш буюмлари, гипс, оҳак, дурадгорлик буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган хилма-хил корхоналар мавжуд.

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш», «Уюшмаўзмонтаж-махсусқурилиш» корпорациялари, «Ўздеҳқончилик-қурилиш», «Ўзжамоахўжаликқурилиш» давлат-жамоа бирлашмаси, «Тошкент уй-жой инвестқурилиш» корпорацияси, «Ўзсувқурилиш» давлат концерни, «Ўзтрансқурилиш» ва «Ўзавтойўл» концернлари


қурилиш ва унинг ташкилий тузилмаларини бошқаради.

Инвестицияларнинг катта қисми (62% га яқини) ишлаб чиқаришга, қолган қисми номоддий ишлаб чиқариш объектларига сарфланмоқда.

Чет эл инвестициялари ҳажми кўпайиб бормоқда. Чет эл инвестициялари ва кредитлари улуши 2001 йилда ундан олдинги йилга нисбатан 7,6%га ортди ва асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 29,3%ни ташкил этди. Капитал қурилишга мўлжалланган бевосита хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми анча ошмоқда. АҚШ, Германия, Япония, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг давлат ҳамда хусусий молия муассасалари, шунингдек Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки республиканинг асосий инвестицион ҳамкорлари бўлиб қолмоқда.

Хорижий инвестициялар ва кредитлар кўмагида 30 та йирик, 16 та ўрта ва кўпгина кичик лойиҳалар амалга оширилди. «Қабул-Тўйтепа-Текстайлз» қўшма корхонаси, «Ўзсаламан» қўшма корхонаси, Тошкент ва Қарши шаҳарларидаги тўқимачилик мажмуалари, Наманган

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича
чет эл инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш
(2001 йил, %да)



вилоятдаги чарм-мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Касмир-Дери» кўшма корхонаси ва бошқа бир қанча корхоналар ишга туширилди.

Ишлаб чиқариш тармоклари орасида ёғилғи-энергетика мажмуаси, металлургия, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси саноати, транспорт ва алоқа соҳаларида энг кўп маблағ ўзлаштирилмоқда.

Инвестициялар асосан икки манба бўйича амалга оширилмоқда: биринчиси – бюджет маблағлари, марказлаштирилган манба бўлса, иккинчиси корхоналарнинг маблағлари, марказлаштирилмаган манбадир. Корхоналар ва аҳолининг маблағлари барча капитал маблағларнинг 37%га яқинини ташкил этади.

Инвестицияларнинг аксарияти ишлаб чиқариш, объектларни қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга ишлатилмоқда.

Курилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати узлуксиз ривожланиб бораётир. Кейинги йилларда 555 миллион дона фишт, 154 минг куб метр темир-бетон маҳсулотлари, 1200 м² пардозлаш ва 180 минг м² мрамар тахталалар ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди.

Оҳангарон цемент комбинатида йилига 250 минг тонна цементни крафт-копларга жойлайдиган линия монтаж қилинди, шу тўғрисида комбинатнинг экспорт қуввати оширилди. Қувасой шаҳридаги «Кварц» ишлаб чиқариш бирлашмасида йилига 10 миллион м² меъморлик-қурилиш ойнаси ишлаб чиқара оладиган цех қурилди. Бу цех ишга туширилгач, республикани қурилиш ойнаси билан тўла-тўқис таъминлайдиган бўлади.

Мулкчилик шакллари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби
(2001 йил, %)да

Жами	Нодавлат мулк				
	Давлат мулки	Хусусий мулк	Хужалик бирлашмалари мулки	Кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки	Бошқа шакллар
100,0	59,3	13,4	12,8	13,6	0,9

Хизмат кўрсатиш соҳаси



Савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими – хизмат соҳасининг энг муҳим тармоқлари бўлиб, улар транспорт ва алоқа тармоқлари билан биргаликда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 40%га яқинини ҳосил қилади. Аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари дўконлар, супермаркетлар, умумий овқатланиш муассасалари орқали сотилади. Аҳолининг шахсий эҳтиёжига керакли барча моддий бойликлар ички савдо тармоқлари орқали тақсимланади. Халқ хўжалигида банд бўлган ходимларнинг 11% дан кўпроғи савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш соҳасида меҳнат қилади. 45 мингга яқин давлат ва нодавлат чакана савдо корхоналари аҳолига хизмат кўрсатади. 2001 йилда чакана савдо айланмасининг умумий ҳажми 2697,0 миллиард сўмни ташкил этди.

Ўзбекистонда барча шаклдаги савдо ва умумий овқатланиш соҳасининг чакана товар айланмаси умумий ҳажмида тахминан 49% шаҳар савдоси ва 51% қишлоқ

Мулк шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби
(умумий овқатланиш билан, 2001 йил, %да)





Миробод усти ёпик бозори.

савдоси улушига тўғри келади. Умумий овқатланиш мамлакат товар айланмаси умумий ҳажмида 10%ни ташкил этади.

Давлат ва нодавлат (хусусий, кооператив ва бошқа турлари) савдоси асосий савдо-сотик шакллари ҳисобланади. «Ўзозиковқаттаъминот» давлат акциядорлик компанияси билан «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси улгуржи савдо айланмасининг асосий қисмини амалга оширади. Ички бозорда халқ истеъмол молларининг кўпчилик қисми «Ўзбексавдо» орқали амалга оширилади. Бу тизим мамлакатнинг чакана товар айланмасида ҳам муайян ўрин олади, у асосан шаҳар аҳолисига ва саноат марказларига хизмат қилади, шунингдек ўз ташкилотлари орқали кишлоқ хўжалик корхоналаридан картошка, полиз маҳсулотлари, сабзавот ва мева харид қилади.

Мулк шакллари бўйича
аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тақсимоти
(2001 йил, %да)

	млрд. сўм	%да якунига
Жами	471,2	100
шу жумладан:		
давлат	191,3	40,6
нодавлат	279,9	59,4



Халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари.

Кооператив савдоси асосан қишлоқ аҳолисини халқ истеъмол моллари билан таъминлайди. У қишлоқ аҳолисидан ва жамоа хўжалигидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (тухум, жун, мўйна, тери, бошқа хил хомашё, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва сабзавот маҳсулотлари) сотиб олиш билан ҳам шуғулланади, шаҳарларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосини уюштиради, қишлоқ аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлайди.

Кооператив ва хусусий савдо билан бир қаторда деҳқонлар қишлоқ хўжалигида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотади.

Бундан ташқари «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси, республика товар хом ашё фонд биржалари, шунингдек саноат, транспорт концернлари ва компаниялари ҳузуридаги ишчи таъминоти бўлимлари ҳам савдо билан шуғулланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (дори-дармон, парфюмерия), ихтисослашган китоб савдоси ва бошқа ташкилотлар ҳам савдога ўз ҳиссасини қўшади.

Хусусий савдо-сотик ривожланиб бораётир. 2001 йилда чакана товар айланмасида нодавлат савдосининг солиштирма ҳиссаси 97,1%ни ташкил этди.

Чакана товар айланмасининг 25%дан кўпроғи Тошкент шаҳрида амалга оширилади.

Чакана савдодан фарқли ўлароқ аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида давлат мулкининг салмоғи кўпроқ – 59,4%. Аҳолига кўрсатилган, пуллик хизмат ҳажми 2001 йилда 471,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига пулли хизматлар ҳажми – 18,8 минг сўмдан ошди.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида халқ ҳужалигидаги ходимларнинг 10%и ишлайди. Давлат, жамоа, кооператив, хусусий, акциядорлик корхоналари аҳолига кўрсатаётган хизмат турлари 800 тадан ошади.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолига маиший хизматни янада такомиллаштириш мақсадида 1992 йилда «Ўзмаишийхизматуюшма» тузилди. 1995 йил 12 октябрда Вазирлар Маҳкамаси «Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар фоалиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан вилоят, шаҳар, туман тармоқ ташкилотлари янгидан тузилди. Барча вилоят марказларида, шаҳар ва туманларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик, ўрта ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватловчи уюшмалар ташкил этилди. Мамлакат аҳолисига маиший хизматни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва чет эл фирмалари иштирокида янги иш жойларини вужудга келтириш мақсадида қўшма корхоналар барпо этилди. Корейс, немис («Аг Велла»), югослав («Элен»), италян («Комоинэкс»), француз «Ль Ореаль», «Легеран», «Пьер Карден», «Обреме», «Филлипс») ва бошқа чет эл фирмалари билан амалий алоқалар ўрнатилди.

Озик-овқат маҳсулотлари.



Молия-кредит тизими



Мамлакатнинг молия тизими умумдавлат, тармок, шунингдек муниципал молия корхоналарини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлаштирилган фонди бўлмиш давлат бюджети мамлакат молия тизимининг энг муҳим қонуни бўлиб хизмат қилади. Унинг асосий вазифаси молиявий маблағлар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантиришни таъминлашдан, умумдавлат миқёсидаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун шароит яратишдан иборат.

Амалдаги қонунларга биноан республиканинг умумий бирлашган бюджети бандликка ёрдам фонди, ижтимоий суғурта фонди, қасаба уюшмалари федерациясининг фонди, минерал-хом ашё ресурсларини такрорий кўпайтириш фонди, йўл фонди, Ўзбекистон давлат фонди, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш махсус фонлари каби бюджетдан ташқари фонлар билан тўлдирилади.

Ҳозир давлат бюджетининг даромад қисми ҳам, харажат қисми ҳам мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тахминан учдан бир қисмини ташкил этади. Давлат бюджетининг камомати меъёр даражасида бўлиб, асосан ижтимоий тадбирларни молиялашни кўпайтириш оқибатида келиб чиқмоқда. Тушумларнинг асосий улуши фойда солиғига, кўшимча қиймат солиғига, аҳолидан олинадиган даромад солиғига ва акцизларга тўғри келади.

Давлат бюджети харажатлари таркибида халқ хўжалигини ривожлантириш, ижтимоий-маданий тадбирлари, давлат бошқаруви харажатлари салмоқли ўрин тутади ва барча харажатларнинг учдан икки қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимиятлар бюджетни бажариш жараёнида ўз ҳуқуқлари доирасида давлат бюджети ва маҳаллий


бюджетларнинг даромад ҳамда харажат қисмларига тузатиш киритишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан 1994 йил июлдан бошлаб миллий валюта-сўм муомаласага киритилди.

Республика Марказий банки мамлакатнинг пул-кредит тизимини марказлаштирган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади. У мамлакат барча банкларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради, шу жумладан ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил этади, қимматли қоғозларни чиқаради, пул муомаласини тартибга солади, давлат бюджетининг кассаси вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунлари қабул этилган. Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг асосий банкидир. Миллий банк тизимининг икки поғонали тузилмаси (олий поғона – Марказий банк, қуйи поғона – тижорат банклари) вужудга келтирилган. Тижорат банклари ва улар кўрсатаётган хизмат турлари кўпайиб бормоқда. Банк тизимининг

Ўзбекистон – олтин-валюта захираларига бой.





Асакабанк.



Авнабанк.

монополиядан чиқариб олинганлиги банк ислохотининг асосий йўналишларидан биридир. Бошланғич даврда бу иш асосан ихтисослашган банклар тузиш йўли билан амалга оширилди, банкларни бозор муносабатларига ўтказишда зарур ва табиий босқич бўлди.

1995 –1996 йилларда «Асака» ихтисослаштирилган давлат акциядорлик тижорат банки, «Алоқабанк», «Тошкентижтимоий уйжойбанк», «Пахта банк», «Саёҳатинвестбанк» акциядорлик тижорат банклари, «Замин» давлат акциядорлик ипотека банки очилди. Бу банклар мустақил банклар ҳисобланади, ўзларида ресурслар етишмай колганида улар бошқа банклардан ёки Марказий банкдан кредит олиши мумкин.

Ўзбекистонда 30 та акциядорлик-тижорат ва кооператив, хусусий банклар фаолият кўрсатмоқда. «Пахтабанк», «Ўзгадбиркорбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Савдогарбанк», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакат акциядорлик-тижорат банкларининг энг йирикларидир. Ҳозир республикада «Ўзприватбанк» (Ўзбекистон ва Голландия) ҳамда «Уитбанк» (Ўзбекистон ва Туркия) қўшма банклари бор. 7 та хорижий банк Тошкентда ўз ваколатхоналарини очган. Ҳиндистон давлат банки, Дойче банк, Берлинер банк, Мейбанк, Кредит Сдйсс (Швейцария), «Российский кредит», Европа тикланиш ва тараққиёт банки шулар жумласига киради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқаро валюта фонди билан Жаҳон банкининг доимий маслаҳатчилари хизматидан фойдаланади.

Ўзбекистонда миллий молия бозори шаклланган. Тармоқ тижорат банкларидан ташқари суғурта компаниялари, фонд биржалари ва бошқа молиявий воситачилик ташкилотлари ҳамда муассасалари бу



ЎзДЭУбанк.

бозорнинг зарур қатнашчиларидир. Ихтисослаштирилган молия-кредит муассасалари – бизнес фонди, «Мадад» суғурта компанияси, «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси, хусусий суғурта инвестиция компаниялари вужудга келтирилди. Фонд бозорининг ҳуқуқий базаси вужудга келтирилгани қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга имкон берди.

Ўзбекистон валюта биржаси пул бозорининг таркибий қисмига айланиб бормокда. Бу биржа 1992 йил 22 июнда ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилган эди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон акциядорлик индивидуал банки, Ўзбекистон «Ипак йўли» инновация банки Ўзбекистон валюта биржасининг муассисларидир. Унинг асосий вазифаси мамлакатда хорижий валюта савдосини ташкил этишдан иборат. Валюта савдоси мунтазам равишда ўтказилмокда.

Халқаро молия-кредит фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берилмокда. Хорижий инвестициялар агентлиги, АИГ (АҚШ) билан биргаликдаги «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта миллий компанияси ташкил этилди, қароргоҳи Лондонда жойлашган ва сиёсий таваккалчиликни суғурталайдиган «Ўзбекинвест Интернешнл» қўшма компанияси таъсис қилинди. Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, «Малайан банк берхард» (Малайзия) ишлаб турибди.

Ижтимоий соҳа



Кучли ижтимоий сиёсат республика иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг энг муҳим тамойилларидан биридир. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари рўёбга чиқишини таъминлашга, оилаларнинг, ҳар бир алоҳида инсоннинг фаровонлигини яхшилашга доир чора-тадбирларнинг кенг мажмуаси амалга оширилди.

Ислохотнинг дастлабки босқичларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳолига ижтимоий кафолатлар яратиб қўйилди. Фуқароларнинг мулкдан улуш олишида тенглик тамойилига, шунингдек хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимоя қилинишига қатъий риоя этилди.

Имтиёзларнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилди. Корхоналар хусусийлаштирилгандан кейин уларга ёрдам бериш мақсадида солиқ соҳасида ҳам имтиёзларнинг айрим турлари белгиланди. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий кафолатлар тизими хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш учун ҳам, шунингдек хусусийлаштирилгандан кейин корхоналар фаолиятини муваффақиятли бошлаш учун ҳам имкони борича кўпроқ қулай шароит яратиши лозим.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши чораларини таъминлашга давлат бюджетидан ҳар йили барча бюджет маблағларининг қарийб ярмиси ажратилмоқда.

Шу ҳисобдан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, давлатдан ёрдам олишга муҳтож бўлган оилаларга алоҳида эътибор берилди. Кам таъминланган оилаларга нафақалар тўланмоқда.

Тошкентда ногиронларнинг соғлигини тиклаш Республика маркази ташкил этилди. Нуқусда ҳам шундай марказ мавжуд. Уй-жойни сақлашда ёрдам берилмоқда ва унинг чиқимлари қопланмоқда.

Нарх-навога эрк берилиши ва инфляция даражаси

Аҳоли жон бошига пул даромадлари ва истеъмол харажатлари

	Пул даромадлари, минг сум	Истеъмол харажатлари, минг сум
2001 йил	144,2	122,9

муносабати билан ижтимоий муҳофаза чора-тадбирлари тизимларида даромадларни мунтазам ошириб бориш энг муҳим йўналишлардан биридир. Ўзбекистонда даромадларни индексациялаш жараёни иш ҳақининг энг оз миқдорларини, пенсиялар, стипендияларни, аҳолининг жамғарма банкларидаги омонатлари бўйича ставкаларни бир йўла марказлаштирилган тарзда қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилмоқда. Аҳолининг ночор табақалари – пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида кучли чора-тадбирлар ўтказилиши фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг ғоят муҳим йўналишидир.

Барча турдаги мактаб педагогларига, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасаларининг мураббийларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-муаллимларига, ижтимоий ва тиббий ходимларга квартира ҳақи ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилган. Ёлғиз пенсионерлар уй-жой ва коммунал тўловларидан озод қилинган, дори-дармонларни бепул олиш ва жамоат транспортида текин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий-маиший хизмат кўрсатадиган махсус ижтимоий ёрдам бўлимлари барпо этилган.

Бола туғилганида ижтимоий ёрдам бериш тизими ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг махсус фармони билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам жорий этилган.

Ўзбекистонда ўзини ўзи ижтимоий ташкил этишнинг ноёб шакли – маҳалла қадимдан мавжуд бўлиб, шу кунгача фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла туфайли туб жой аҳоли ижтимоий ва иқтисодий феъл-атворининг алоҳида қонун-қоидалари сақланиб келмоқда.

Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари
(2001 йил, млрд. сум)

Пул даромадлари	Пул харажатлари ва жамғармалари	Улардан истеъмол харажатлари
3614,1	3507,7	3080,3

Муҳтожларга маҳалла орқали ижтимоий ёрдам бериш энг оддий ва самарали усулдир.

Қишлоқ жойларда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида анчагина иш қилинмоқда. 2001 йилда қишлоқ жойларида 6343,5 минг кв. м. уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди. Поликлиникалар, касалхоналар, қишлоқ врачлик масканлари, умумий таълим мактаблари, хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий оватқатланиш объектлари қуриб битказилди.

Аҳоли манзилгоҳларини газ ва сув билан таъминлаш дастурларига биноан 4,3 минг км. газ тармоғи, 1,9 минг км. водопровод шохобчаси ишга туширилди.

Иқтисодиётнинг ислоҳ қилиниши, янги мулкчилик шакллари пайдо бўлиши аҳоли даромадлари таркибига катта таъсир ўтказди. Унда меҳнат фаолиятининг фақат бозор шаклларидан – тадбиркорлик, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятидан, деҳқон хўжаликларида ишлашдан олинган даромадлар, мол-мулкдан олинган даромадлар катта ўрин эгалламоқда.

Инн бияан таъминланиш ва меҳнат бозори. Меҳнатга лаёқатли аҳоли тез суръатлар билан кўпайиб бораётган шароитда мукамал меҳнат бозорини вужудга келтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш воситаси ва уларга янги касбкор ўргатиш имконияти яратилди.

Корхона ва ташкилотларда ишлаб турган барча ходимларнинг аксарияти ҳозирча йирик ва ўрта корхоналарга тўғри келади.

Республикада бозор ислохотларини амалга ошириш даврида меҳнат бозорини фаол тартибга соладиган турли шакл ва усуллардан фойдаланилмоқда. Иш билан таъминлаш хизматининг кенг тармоқли тизими вужудга келтирилган. Ҳар бир шаҳар ва туманда меҳнат биржаси ишлаб турибди.

Ташқи иқтисодий фаолият



Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг дунё хўжалик алоқаларига узвий қўшилиши йўналишларини белгилаб олиш катта урин тутади.

Республиканинг тўловга қобилиятли ҳамкор сифатидаги халқаро обрў-эътибори ошиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий сиёсатга қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинган: мафқуравий қарашлардан қатъи назар, танқи муносабатларда очиқлик; тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик; тўла ишонч негизида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш; ўзининг миллий давлат манфаатлари устуворлигига амал қилган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар тарафлама ҳисобга олиш; умум эътироф қилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш ва халқаро андозаларга изчиллик билан ўтиш.

Ўзбекистон – Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро электр алоқа иттифоқи, Осиё ва Тинч океан иқтисодий ҳамда ижтимоий комиссияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Ҳамдўстлик регионал иқтисодий ташкилоти, Ҳамдўстлик божхона кенгаши каби эътиборли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Республиканинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки бир қанча йирик давлатлараро лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, минтақалараро муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Республикада чет эл инвестицияси киритилган 3300 дан кўпроқ корхона рўйхатга олинган.



Тошкентда АҚШ бизнес марказининг очилиши.

Валюта-кредит муносабатлари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда, хорижий валюта билан операциялар ўтказиш ваколатини олган банклар тармоғи кенгаймоқда. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки шу банкларнинг энг бақувватидир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий негизлари яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек бошқа бир қанча қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, улар ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш, хорижий инвестициялар учун қулай шароит яратиш ҳамда чет эл тадбиркорлари ва фирмалари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имконини беради.

Республикада қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар солиқ соҳасида имтиёзлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратади, сиёсий ва тижорий таваккаллардан кафолатларни вужудга келтиради. Биринчидан, республикадаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилиниши мумкин эмас. Иккинчидан, хорижий инвесторларга ўзларининг хорижий валютадаги фойдалари ва бошқа маблағларини чет элга ўтказишларига кафолат берилади. Учинчидан,

хорижий жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулк савдосида эркин иштирок этиши кафолатланади. Тўртинчидан, хорижий инвестицияли корхоналар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулот импорт қилиш, шунингдек, қўшма корхоналарнинг устав фондига улуш сифатида мол-мулкни бож тўламай келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасида кейинги йилларда муҳим таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакати билан ташқи савдо қилинмоқда. Дунёдаги иқтисодий ривожланган давлатлар билан ташқи савдонинг улуши кўпайиб бормоқда. Чет эллардан қўшимча моддий-молиявий ресурслар жалб қилиш, жаҳон фан-техника тараққиёти ютуқларини иқтисодиётга жорий этиш, аҳолининг хилма-хил юқори сифатли товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, хизмат соҳасини ривожлантиришда чет эл тажрибасидан фойдаланиш, қўшимча иш ўринларини вужудга келтириш мақсадида олис хориж мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар ривожлантириб борилмоқда.

Олис хориж мамлакатлари орасида Ўзбекистон билан товар айланмасининг ҳажми жиҳатидан Жанубий Корея, яқин хориж мамлакатлари орасида эса Россия биринчи ўринда турибди. Товар айланмасида бу мамлакатлардан ташқари Буюк Британия, Швейцария, Германия, Қозоғистон, Туркия ва бошқа давлатлар анчагина салмоққа эгадир.

Ўзбекистон ташқи савдосининг асосий қисми (63,1%) Европа мамлакатлари билан, 31,4% Осиё мамлакатлари билан, 5,2% Америка, ва бир оз қисми (атиғи 0,3%) Африка, Австралия ва Океания мамлакатлари билан амалга оширилади.

Экспорт таркибида аввалгидек пахта толаси етакчи ўринда туради, сўнгги ўринларни энергия манбалари, машина ва асбоб-ускуналар, хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қора ва рангли металллар, кимё маҳсулотлари, пластмасса ва бошқа маҳсулотлар эгаллайди.

Экспортнинг умумий ҳажмида машина ва асбоб-ускуналарнинг, кора ва рангли металллар, энергия манбаларининг улуши кўпайиб бормоқда. Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона, Навоий вилоятларининг ишлаб чиқариш корхоналари катта ҳажмда экспорт операцияларини амалга оширмоқда.

Мамлакатга иқтисодиётни модернизациялаш учун зарур технологиялар, машина ва асбоб-ускуналар келтирилмоқда. Истеъмол молларининг олиб келиниши эса, бир томондан, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини чекласада, иккинчи томондан, бу маҳсулотларнинг кўп миқдорда олиб келиниши ички бозорни тўлдириш имконини беради.

Пахта толаси асосан олис хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Айни вақтда МДХ мамлакатларига кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари юборилмоқда. Жаҳон нархлари билан МДХ бозорларидаги нархлар даражаси ўртасида тафовут борлиги олис хорижга маҳсулот экспорт қилишни кўпайтиришга олиб борди. Жаҳон бозорларига нисбатан МДХ бозорларида нархи анча паст бўлган товарлар олис хориж бозорларига тобора кўпроқ юборила бошлади.

Олис хориждан келтирилган машина ва асбоб-ускуналарнинг импортдаги улуши 49,9%ни, озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 11,3%ни ташкил этмоқда. Қора ва рангли металллар импортининг катта ҳажми эса МДХ мамлакатларига тўғри келади.

Республика экспорти ва импортида хизматлар муайян улушни эгаллайди. Уларнинг улуши экспортда 14,1 – импортда – 10,3%. Темир йўл ва ҳаво транспорти хизматлари, туризм, маҳсулотни қайта ишлаш хизматлари уларнинг анчагина қисмини ташкил қилади.

Импортнинг ўрнини боса оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш соҳасида ўтказилган

Ташқи савдо айланмаси таркиби
(%да)


Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт
100	51,0	49,0

сиёсат натижасида четдан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши камайиб бормоқда. Айни вақтда импорт қилинаётган товарлар орасида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши кўпаймоқда. Машина ва асбоб-ускуналар импортининг ҳажми кўпайиб бориши янги индустриалаш сиёсатининг, шунингдек моддий ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, модернизациялаш ва кўпайтиришга бевосита сарфланадиган хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаол сиёсатнинг ифодасидир.

Хорижий инвестицияли корхоналар сонининг мунтазам ошиб бориши иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда янги техника ва технологияларни жорий этиш негизида хўжалик фаолиятининг устувор тармоқлари ва йўналишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат инвестиция сиёсатининг натижасидир.

Хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини рағбатлантириш ва фаоллаштириш мақсадида республикада кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг

Ташқи савдо таркиби
(%да)



тизими вужудга келтирилган, бу тизим уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини, қулай инвестиция иқлими яратилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилган ва қабул этилган. Бу дастурнинг асосий мақсади экспорт ҳажмларини муттасил ошириш учун шароит яратишдан, мавжуд ресурслар, ишлаб чиқариш имкониятлари ва малакали мутахассислардан фойдаланиш негизида иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштиришдан иборат.

Экспорт

Ташқи иқтисодий алоқалар асосан узок хорижий мамлакатлар билан ривожлантирилди, республика умумий товар айланмасининг 64,3 фоиздан кўпроғи уларнинг улушига тўғри келмокда.

Товарлар: пахта, табиий газ, рангли ва қора металлар, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари, айрим турдаги машина ва асбоб-ускуналар, сабзавот, мевалар, мева-сабзавот консервалари.

Импорт

Импорт таркиби узгарди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг салмоғи камайди, кимё маҳсулоти, транспорт воситалари, машина ва асбоб-ускуналарни импорт қилиш салмоғи кўпайди.

Товарлар: ёғоч, ёғоч материаллар, машина ва асбоб-ускуналар, халқ истеъмол моллари, айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари.

Савдо-сотикдаги асосий мижозлар – Буюк Британия, Германия, Япония, Швейцария, АКШ, Жанубий Корея, Россия, Италия, Нидерландия, Бельгия, Туркия, Франция, Хитой ва бошқа мамлакатлар.

Таълим
Фан
Соғлиқни сақлаш



Таълим
Фан
Соғлиқни сақлаш





Таълим



Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш шароитларини ва унинг таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданок таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаси, ёш авлоднинг маънавий тарбияси, интеллектуал имкониятларини ривожлантиришда ислохотлар зарурияти сезилди.

1997 йили Президент Ислом Каримовнинг бевосита иштирокида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Янги шароитда кадрлар тайёрлашнинг асосий принципи бу таълимнинг устуворлиги – унинг ривожланиши биринчи даражали аҳамиятта эга эканлиги, ҳуқуқий ва бозор муносабатлари тараққиёти шароитида жамиятнинг таълим, билим, интеллектга янгича муносабатда бўлишидир. Бошқа муҳим омиллари:





Сурхондарё вилояти Музрабол туманидаги болалар боғчаси.

таълимнинг узлуксизлиги (умумтаълим ва профессионал тайёргарликни доимий равишда чуқурлаштириб ва ошириб бориш натижасида эришилади), таълим ва тарбияда изчиллик; таълим билан тарбиянинг, фан билан ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги, таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари билан узвий уйғунлиги, маданиятни сақлаб қолиш ва бойитиш; таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллиги, таълимни бошқаришда давлат-жамият тизимига ўтилиши (бунда шахс манфаатлари етакчи ўрин эгаллайди); таълимнинг итсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви; таълимнинг давомийлиги ва изчиллиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларга фундаментал билим олишлари учун шарт-шароит яратиш.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва бошқа расмий ҳужжатларга мувофиқ, республика минтақаларида бир қанча янги университетлар ва ихтисослаштирилган институтлар ташкил этилди. Барча олий ўқув юртларида, кейинчалик ўрта махсус ўқув юртларида қабул имтихонларида тест синовлари жорий этилди. Раҳбарлар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва янги шароитда ишлаш мақсадида таълим олаётганлар учун қайта тайёрлаш жараёни амалга оширилди. Ихтисослаштирилган ва бошқа ўқув юртларидаги иқтисодий таълим тузилиши ва мазмунига ўзгартиш киритилди. Етакчи

иктисодий олий ўқув юртлари мустақкамланди, уларда бизнес-мактаб ва тадбиркорлик, менежмент ва маркетинг минтақавий марказлари, олий ўқув юртларида марказлар, иктисодиёт бўйича мутахассислар тайёрлайдиган коллежлар тармоғи, шунингдек Тошкент давлат иктисодиёт университети ҳузурида бизнес-таълим тизими ва Тошкент молия институтида солиқ органлари учун кадрлар тайёрлаш маркази ташкил этилди. Олий ўқув юртларида ихтисослаштирилган лицейлар очилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга имкон яратди.

Мактабгача таълим бўйича дастур мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни мактабга самарали тайёрлашни назарда tutади. Мактабгача таълим бола 3 ёшдан бошлаб 6–7 ёшга етгунча оила, болалар боғчалари, мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади. Уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ва «болалар боғчаси-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳар йили ихтисослаштирилган марказ, болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳлари, шанба-якшанбалик мактаблари ва маҳалла гузарлари (маҳалла аҳолиси билан



Умумтаълим мактабида.



жамоа ва оилавий тадбирларни ўтказиш жойи)да 200–250 минг бола мактабга тайёрланади. Болаларга чет тилларни, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 1000 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган.

Бошланғич таълим 1–4 синфларни камраб олади ва 6–7 ёшдан бошланади. Барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари негизида касб йўналиши ва олти-етти ёшлик болаларнинг ўқишга тайёргарлигини белгилаш бўйича марказлар тузилган.

Умумий ўрта таълим республикада барча учун мажбурийдир. У 10–11 ёшдан бошланади. Умумий ўрта таълим ўқувчиларнинг ақлий ва ахлоқий имкониятларини очишга, хусусан ўқувчиларнинг қобилият ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этишга йўналтирилган.

**Умумий ўрта таълим мактаблари ва лицейлар
(2001/2002 ўқув йили)**

Турлари	Сони	Ўқувчилар сони, минг киши
Бошланғич	190	31,5
Туликсиз ўрта	1977	594,9
Ўрта	7478	5408,7
Жами (бошқа турдагилар билан)	9730	6057,7
Лицейлар	299	93,7



Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари машғулотида.

Республиканинг деярли барча мактаблари компьютер техникаси билан жиҳозланган.

Таълим тармоқларини турли ахборотлар билан тўлдириш учун МОДЕМ тизими жорий этилган, Интернетга кириш имконияти яратилган.

Мактаб ўқувчилари халқаро ва республика олимпиадалари, ўқувчилар спартакиадаларида муваффақиятли қатнашмоқдалар, голибларга ихтисослаштирилган олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилмоқда.

Умумий ўрта таълим мактабларида чет тилларни

Тошкент. Академик лицей.





Тошкент техника университети филиалида.

ўрганишга катта аҳамият берилади. Инглиз, француз, немис, испан тиллари билан бирга шарқ тиллари ҳам ўқитилади.

Янги типдаги мактаб ва умумий таълим муассасалари тармоғи барқарор ривожланмоқда, мавжуд олий ва ўрта махсус ўқув юртлари таркиби такомиллашмоқда.

«Соғлом авлод учун», «Маънавият ва маърифат», «Иқтисодий таълим», «Қишлоқ мактаби», «Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар реабилитацияси» дастурлари амалга оширилмоқда.

Республика мактабларида 6 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим олади, 450 миндан зиёд ўқитувчи ишлайди.

Педагоглар обрўсини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида мувофиқ 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» қилиб белгиланди. У ҳар йили умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Шу куни энг ҳурматли педагоглар ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирланади.

Уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими табақалаштирилган асосда ва шахс имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қурилади ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида амалга оширилади. Олий ўқув юртлари ҳузуридаги (иктидорли ўқувчилар учун) академик лицейларда ўқувчилар узлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича жадал интеллектуал ривожланиши, чуқур, соҳалаштирилган таълим олиш,

билим савияларини ошириш, махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар.

Касб-хунар коллежларида ўқувчилар фундаментал умумтаълим тайёргарликка эга бўлиш билан бирга, бир неча замонавий касб-хунар ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билимларни ҳам эгаллайдилар. Касб-хунар коллежларини битирувчилар учун таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи сақланади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ($9+3=12$) мажбурийдир.

Қатор умумтаълим мактаблари академик лицей ва касб-хунар коллежларида асосий ўқув дастурларини ўз ичига олувчи давлат таълим стандартлари синаб қурилмокда.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларини малакали педагог ҳамда инженер-педагог кадрлар билан тўлдириш учун раҳбар ходимлар ва педагог кадрларни танлаш, аттестациядан ўтказиш, тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадли дастури амалга оширилмокда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида ўрта махсус, касб таълими маркази ташкил этилган. Унинг тасарруфида уч йиллик ўқув юртларининг ўзига

Тошкент химия-технология институтида машғулот.





Университет кутубхонасида.

хос миллий модели – янги типдаги ўқув юртлари – лицей ва коллежлар бор.

Олий таълим одатда 18–19 ёшдан бошланади ва камида 4 йил давом этади. Икки босқичга бўлинади – бакалаврият ва магистратура. Улар олий таълим муассасалари мустақиллигини кучайтириш, жамоат бошқарувини жорий этиш, ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзлаштириш, таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлашни назарда тутати.

Бакалаврият – таянч олий таълим берадиган йўналишлардан бири. Бакалаврлик учун ўқиш камида тўрт йил давом этади ва олий маълумот ҳамда касбга эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом олиш билан якунланади.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича олий махсус таълим бўлиб, бакалаврият негизида камида икки йил давом этади. Ўқиш давлат малака аттестацияси ва

Ўрта махсус ва олий ўқув юртлари
(2001/2002 ўқув йили)

	Ўқув юртлари сони	Ўқувчилар ва талабалар сони, минг киши
Ўрта махсус ўқув юртлари	181	211,9
Олий ўқув юртлари	61	207,1



Тиббиёт институтида амалий машғулот.

магистрлик диссертацияси ҳимояси билан якунлангани.

Таълимнинг олий ўқув юртидан кейинги босқичи – **аспирантура** (магистратура негизида 3 йил) ва **докторантура** (фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил).

Ўзбекистон олий таълим тизимида 61 олий ўқув юрти, жумладан, 17 университет, 42 институт бўлиб, уларда 200 мингдан зиёд талаба таълим олади. Олий ўқув юртларида 18,5 минг профессор-ўқитувчи ишлайди, улардан 52% фан доктори ва фан номзоди. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳудудий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда. Ўқув юртлари тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилмоқда.

Абитуриентлар ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий этилмоқда.



Тошкент техника университети.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатига ошган талабларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгаймоқда. Олий Аттестация Комиссияси ташкил этилди. Республикада қарийб 4 минг аспирант таълим олади. Жами илмий ва илмий-педагог кадрларнинг 45% фан докторлари ва фан номзодларидир.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 малака ошириш курслари ишлаб турибди.

Ўзбекистон таълим соҳасида АКСЕЛС, АЙРЕКС, Америка Коллежлари Консорциуми, САРЭ, Тинчлик корпуси, ДААД, Конрад Аденауэр жамғармаси, Британия кенгаши, Сауд Ал-Баптин жамғармаси каби халқаро ташкилотлар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қобилиятли ёшларнинг чет элларда ўқишини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси ташкил этилган. Бу АКШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг нуфузли университетларида ажратилган грант ҳисобига бир қанча ихтисослар бўйича бакалавр ва магистр даражасини олиш имкониятини яратди.

Фан



Ўзбекистонда фан тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади, у чуқур илдизга эга. У асрлар давомида табиат сирлари, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, геология, адабиётшуносликни билишда ўзбек миллати, бугун инсониятга ишончли хизмат қилди. Ўрта Осиёдан инсоният тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қушган энциклопедист олимлар, мутафаккирлар, шоирлар, давлат арбоблари етишиб чиққан.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида илмий марказлар ва маданият ўчоқлари қадимдан пайдо бўлган. Ўрта Осиё Шарқ илмий тафаккурининг муҳим марказларидан бири ҳисобланган. Бухоро, Урганч, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда расадхоналар, кутубхоналар, «Донишмандлар уйи» ташкил этилди. Бундай илмий масканларда олимларнинг йиғилишлари, мунозара-тортишувлари ўтказилган, фалсафа, математика, тиббиёт фани масалалари муҳокама қилинган.

9–15-асрларда аниқ ва табиий фанлар бўйича тадқиқотлар анча тараққий этди.

Буюк муҳаддис, исломшунос олим Имом ал-Бухорийнинг ҳадис илмига оид асарлари аҳамияти бекиёсдир. Унинг «Ал-жомиъ ас-сахих» асари, дунёдаги илоҳиётчи олимларнинг фикрича, Қуръони каримдан кейин иккинчи китоб,



Абу Али ибн Сино.



Беруний.
Улугбек.





Ибн Синога Афшонада
ўрнатилган ёдгорлик.



Аҳмад Фарғонийга ёдгорлик.

бутун дунё мусулмонлари томонидан эътироф этилган Ислоҳ манбаидир.

Ҳозирги замон математикаси, астрономияси ва географиясини Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийсиз тасаввур этиш кийин. У алгебра фанига асос солди ва унга ном берди. 12-асрда Хоразмийнинг асарлари Европа мамлакатларида алгебра бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди. Хоразмий номи (лотинча – Algorithmi) математикага ҳинд рақамлари ёрдамида арифметика белгиси, кейинчалик алгоритм сифатида кириб келди.

Худди шу даврда астроном, математик, географ Аҳмад Фарғоний ўзининг «Маҳал-ун-нужум» («Астрономияга кириш») асарини яратди. Бу асар унга оламшумул шон-шуҳрат келтирди ва тригонометриянинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Фарғоний Европада Алфраганус номи билан машҳур бўлган. У Кордова (Испания)да илмий марказ ташкил этган ва университетга асос солган.

Олим, табиб, файласуф, мусиқашунос Абу Али ибн Сино тамаддун тарихида чуқур из қолдирди. Фалсафада араб аристотелчилиги анъаналарини давом эттирди. Унинг асарлари Шарқ ва Ғарбда ниҳоятда машҳур бўлган. Унинг кўп жилдли «Тиб қонунлари китоби» кўп асрлар давомида бутун дунёдаги врачлар учун асосий дастур бўлиб келган, унинг лотинчадаги Авиценна номи донишманд шифокор рамзи сифатида зикр этилади.



Муҳаммад Хоразмийга ўрнатилган ёдгорлик.

Тараққийпарвар файласуф, энциклопедист-олим, шарқ аристотелчилигининг асосий вакилларида бири, 160 дан ортиқ асарлар муаллифи Абу Наср Муҳаммад Форобий Исломотининг кучли таъсирида бўлгани ҳолда Аристотель таълимотига таяниб, онтология,gnoseология, мантик масалалари ва ижтимоий билимларни ўз ичига олган ягона фалсафий тизимни яратди. Аристотель асарларини шарҳлаб берганлиги учун Форобий «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» деб аталган.

Энциклопедист-олим Абу Райҳон Беруний Ўрта Шарқда биринчи бўлиб ернинг қуёш атрофида айланиши тўғрисидаги фикрни айтди. Геология, геодезия, астрономия, математика, минералогия, фармакогнозия бўйича муҳим тадқиқотлари билан машҳур. Беруний 10-асрда Хоразмда ташкил этилган «Маъмур академияси» раҳбарларидан бири. Бу ерда у ўз атрофига ўша замоннинг йирик олимларини тўплаб, улар билан бирга илмий кузатишлар олиб борди.

Табиий фанлар, айниқса, астрономия ва математикадаги буюк илмий кашфиётлар давлат арбоби, олим, маърифатпарвар темурийлардан Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ.

Фаннинг ёрқин ташкилотчиси сифатида у ўз давлатига

Ўзбекистон ФА
биноси.



дунёнинг турли томонларидан олимларни жалб этди. Унинг ташаббуси билан Самарқандда бутун дунёга машхур расадхона ташкил этилди ва ўрта асрлар даврида ноёб ва дадил илмий тафаккурни рўёбга чиқарди.

Расадхона ташкил этишда Жамшид Коший, Қозизода Румий, Муиниддин Кошоний, Салоҳиддин Мусавий, Али Қушчи ва бошқа буюк олимлар қапақчилар. Улуғбек фан оламида фақат астроном ва математик сифатида эмас, балки мумтоз араб ва форс адабиёти, мусиқа ва тарих билимдони сифатида ҳам машхур. Улуғбекнинг «Зижи Қўрагоний» номи билан машхур булган асосий асари унга жаҳоншумул шон-шухрат келтирди. Бу асар том маънода инсоният заковатининг буюк ёдгорлиги ҳисобланади.

Улкан давлат арбоби, шоир, олим Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асари 16-аср илмий тафаккурининг буюк ёдгорлиги ҳисобланади. Асарда Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистон ўтмиши ва замонавий ҳолати, халқлари, қабилалари, уларнинг тили, маданияти, касбу ҳунари, урф-одатлари, расм-русумлари, анъанавий тадбир-маросимлари баён этилган. Китобда, шунингдек, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Кобул, Ҳирот, Агра каби йирик шаҳар-вилоятларнинг жуғрофий-маъмурий тузилиши, маданий ҳаёти, аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, дарё ва сув хавзалари, чўл-адирлари, тоғ-саҳролари, боғу роғлари, табиати, иқлими, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, табиий бойликлари ҳақида муфассал маълумотлар берилган.

10–11-асрларда Мовароуннаҳрда суфийлик кенг



Геология илмий текшириш институтида.

тарқалди. Суфийликдаги оқимлардан бирининг асосчиси ўрта осиелик шоир ва дин тарғиботчиси, суфийлик ақидаларидан иборат «Девони хикмат» шеърлар тўплами муаллифи Аҳмад Яссавий бўлган.

Фалсафий-диний характердаги 30 дан зиёд асар, жумладан, суфийлик ва суфийлар тўғрисидаги биринчи тарихий-биографик асар муаллифи, суфийликнинг «Ҳакимия» тариқати асосчиси Ҳаким Термизийдир.

13-асрда Чингизхон босқини маданиятни таназзулга олиб келди. Маданий ҳаётнинг тикланиши 14-асрнинг охири – 15 аср бошларидан бошлаши. У Амир Темур номи ва фаолияти билан боғлиқдир. Амир Темурнинг кучли марказлашган давлат тузиб, мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаши маданият, фан ва санъатнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Мовароуннаҳрда адабиёт, фан ва санъат арбобларининг улкан мактаби пайдо бўлди. Унда Қозизода Румий, Жамшид Коший, Садриддин Тафтазоний, Журжоний, Улуғбек ва бошқалар ижод қилдилар.

Ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ривожланишида Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий ижоди улкан аҳамиятга эга бўлди. Алишер Навоий шеърляти, фалсафий ва тарихий асарлари янада чуқурлашган пантеизм ҳамда рационализм асосларида илғор бадий эстетик тамойилларни ривожлангирди ва тарғиб қилди.

Ана шундай мустаҳкам илдизга эга фан Ўзбекистонда қудратли интеллектуал салоҳиятни вужудга келтирди. У ҳаётнинг турли соҳаларида амалда қўлланиб келинмоқда ҳамда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни жадаллаштириш асоси бўлиб хизмат қилмоқда.



Ўзбекистон ФА «Физика-Қуёш» институтининг катта қуёш печи.

Хозирги кунда Ўзбекистон ривожланган моддий тадқиқот базасига, кенг қўламдаги илмий захирага, малакали кадрларга эга йирик илмий марказдир.

Республиканинг илмий тадқиқот мажмуи академия, олий таълим ва бошқа тармоқлардаги 362 муассасани, жумладан, 101 илмий тадқиқот институтини, олий ўқув юртларидаги 55 илмий тадқиқот бўлинмасини, 65 лойиҳа-конструкторлик ташкилотини, 32 илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхонасини, 50 ахборот-ҳисоблаш марказини ўз ичига олади.

Минтақадаги етакчи илмий ва тажриба маркази ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий имкониятларнинг ўзаги ҳисобланади.

Республика Фанлар академияси таркибида физика-математика ва техника фанлари, кимё-биология ва тиббиёт фанлари, ижтимоий-гуманитар фанлар, халқаро илмий ҳамкорлик ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш бўйича илмий хизматлар, Қорақалпоғистон бўлими бор. «Фан» нашриёти, фундаментал кутубхона ҳам республика ФА таркибига киради. ФА да 11 илмий, 1 илмий-оммабоп журнал нашр этилади. ФА таркибида академиянинг 140 ҳақиқий аъзоси (академик) бор.

Ўзбекистон Фанлар академиясида ядро физикаси, генетика ва экспериментал биология институтлари, «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Майданак тоғидаги расадхоналар мажмуи каби ноёб илмий марказлар ва бошқа бир қанча илмий тадқиқот муассасалар ташкил этилган. Улар муваффақиятли



Ўзбекистон ФА шарқшунослик институти кутубхонасида.

тадқиқот олиб бормокдалар.

Ҳозирги кунда 46 мингга яқин киши фаннинг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда; улардан 2,8 минг киши фан доктори ва 16,1 мингдан ортиқ киши фан номзодидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси ёш илмий кадрларнинг ўсишида катта ёрдам кўрсатмоқда. Фаннинг ўнлаб тармоқлари бўйича олий малакали илмий кадрлар тайёрланмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакат олимлари замонавий фаннинг кўп йўналишлари бўйича муҳим ва амалий тадқиқотлар олиб бормокдалар. Жаҳон даражасидаги илмий мактаблар ташкил этилган ва улар фаннинг йирик йўналишлари бўйича муваффақиятли тадқиқотларни амалга оширмоқдалар.

Математика, эҳтимоллик назарияси, табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, информатика, ҳисоблаш техникаси, математик статистика, дифференциал ва математик физика, функционал таҳлил бўйича эришилган ютуқлар маълум.

Республикада 15-асрдаёқ Мирзо Улуғбек томонидан асос солинган астрономия мактаби шакллланган. Қадимда ўзбек олимларининг астрономия, осмон ёриткичлари ҳаракатини ўрганиш бўйича ишлари бутун дунёда эътироф этилди. Улар томонидан биринчи марта юлдузли осмоннинг



энг аниқ харитаси тузилди. Китоб халқаро кенглик станциясида ишлаётган ўзбек олимлари АҚШ, Италия ҳамда Япония олим ва мутахассислари билан биргаликда Ер қутблари ўрнининг ўзгаришини ўрганмоқдалар.

Минерал хом ашё ресурслари ҳосил бўлишига олиб келадиган геологик жараёнлар қонуниятларини ўрганиш билан боғлиқ, шунингдек тектоника, геофизика, сейсмология ва Ер тўғрисидаги фаннинг бошқа соҳалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳсинга сазовор.

Республика геологларининг ер қатламини геология-геофизика ва геокимё нуктаи назаридан комплекс ўрганиш бўйича олиб борган ишлари Ўзбекистонда кучли минерал хом ашё базасини вужудга келтириш имкониятини яратди. Геолог олимлар йирик фойдали қазилма конларини қидириб топиш, ўрганиш ва ўзлаштиришда бевосита иштирок этдилар.

Ўзбекистон сейсмик фаол зонада жойлашганлиги учун сейсмология ва иншоотларнинг zilзилабардошлиги бўйича назарий ҳамда амалий ишлар тадқиқотларнинг етакчи йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон олимлари томонидан ер ости иншоотлари (коммуникация тармоқлари, метрополитен ва бошқа қурилмалар)нинг сейсмодинамика назарияси яратилди.

Қишлоқ хўжалиги, микробиология саноати, агроф муҳит муҳофазасида илмий-техника тараққиётини таъминлашнинг зарур асоси ҳисобланган молекуляр генетика, ген-хужайра инженерияси, биотехнология бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикада кимё, усимлик моддалар кимёси, биология ва генетика, биотехнология йўналишлари бўйича бир қанча илмий мактаблар шаклланди ва ривожланди. Улар томонидан юксак самарали, экологик жиҳатдан тоза ўғитнинг янги турлари, кам захарли дефолиантлар, янги дори-дармонлар, усимликларнинг



Илмий лабораторияларда.

ўсишини тезлаштирувчи препаратлар ва уларни химоя қилиш воситаларини ишлаб чиқаришнинг назарий асослари ва технологиялари тадқиқ қилинди.

Ўзбек селекционерлари ғўза биологияси ва унинг генетик, молекуляр-генетик, физиологик-биокимёвий масалаларини ўрганиш ва улар асосида юқори сифатли, касалликларга чидамли янги ғўза навларини яратиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Кейинги йилларда 30 дан ортиқ янги ғўза навлари яратилди.

Моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари мажмуини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Республикада ядро ва элементар зарралар физикаси, радиацион физика ва материалшунослик бўйича йирик тадқиқотлар кенг таракқий этди. Янги, релятивистик ядро физикаси илмий йўналиши шаклланди.

Ўзбекистон ҳозирги вақтда радиацион материалшунослик ва гелиоматериалшунослик йўналишлари бўйича жаҳон микёсида юқори мавқега эга. Республика радиоактив изотоплар, жумладан, фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи марказ ҳисобланади.

Ўзбекистонда юқори энергиялар физикаси бўйича илмий мактаб вужудга келди. Бу мактаб доирасида юқори даражадаги ўтта чидамли жуда соф материаллар олиш,



ейилишга ўта чидамли, иссиқбардош, коррозиябардош ҳамда қимматбаҳо конструкцион материалларнинг ўрнини босиш хоссасига эга бўлган юқори ҳароратли материалларни ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини яратиш бўйича илмий асос вужудга келган.

Энергиянинг ноанъанавий турини яратиш – қуёш энергиясини комплекс ва самарали энергияга айлантириш ҳамда ўзлаштириш бўйича ишлар фаол олиб борилмоқда.

Жаҳон ва ватан тарихи, маданий ва маънавий мерос, ўзбек тили, адабиёти, халқ оғзаки ижодининг тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги тараққиёти бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Республика интеллектуал имкониятларини ривожлантириш, халқаро илмий-маданий алоқаларни кенгайтиришда тарихчи, археолог, этнограф, тилшунос ва адабиётшунос олимлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.



Соғлиқни сақлаш



Ўзбекистонда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими мавжуд бўлиб, у умумдаволаш ва тор ихтисосли тиббий хизматнинг ҳар хил турларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Республикада 1,2 мингга яқин касалхона, 3 мингдан зиёд врачлик амбулатория-поликлиника муассасаси бор, қишлоқ врачлик пунктининг кенг тармоғи ташкил этилган. 81,4 мингдан ортиқ барча ихтисосдаги врач малакали тиббий ёрдам кўрсатади. Жаҳондаги бошқа мамлакатларга нисбатан Ўзбекистонда бир врачга тўғри келадиган киши-аҳоли сони анча кам.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларини республика соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқаради. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда туманлар, шаҳарларда унинг тегишли бошқарма ёки бўлимлари мавжуд. Соғлиқни сақлашни ривожлантиришда Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Қизил ярим ой жамияти, «Саломатлик ва меҳр-шафқат» жамғармаси, Республика ногиронлар жамғармаси ва бошқалар ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.





Республикада соғлиқни сақлаш ишининг асосий йўналиши – профилактика. Охириги йилларда амбулатория-поликлиника муассасалари фаолиятини жадаллаштириш, уларнинг касалликларни аниқлаш соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш, тиббий ёрдам кўрсатишининг иқтисодий жиҳатдан фойдали янги шакллари яратиш, хусусан оила поликлиникалари, кундузги касалхоналар, қатнаб даволанадиган жарроҳлик марказлари, амбулаторияларда даволашнинг ихтисослаштирилган комплекслари, маҳалла даволаш муассасалари барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш кўп жиҳатдан санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига боғлиқ. Тошкентда республика «Диагностика» маркази ишламоқда.

Аҳолининг диспансер назоратида бўлишига катта аҳамият берилади. Даволаш-профилактика хизматини такомиллаштириш мақсадида санаторий-профилакторийлар тармоғи кенгайтирилади. Аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарғиб қилиб боришда республика «Саломатлик» маркази ва унинг шаҳар ҳамда вилоятлардаги бўлинмаларига катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда туғилиш юқори бўлгани ва аҳолининг талайгина қисмини болалар ташкил қилганлиги учун оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси республика соғлиқни сақлаш ишининг асосий амалий ва назарий йўналишлари ҳисобланади. Оналиқни муҳофаза қилувчи ва ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатувчи муассасалар тармоғи кенгаймоқда. Ҳозирги кунда 110 дан ортик аёллар консултациялари, акушерлик-гинекология кабинетлари, 1800 дан зиёд болалар поликлиника ва консултациялари иш олиб бормоқда. «Никоҳ ва оила» тиббий-генетик консултациялари очилган.

Республикада «Соғлом авлод учун» дастури ишлаб чиқилган. Оналик ва болалиқни муҳофаза қилишдаги, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

Соғлиқни сақлашни бошқаришда, аввало, амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш бозорини яратишга эътибор берилмоқда. Тиббиёт муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бормоқда. Улар мулкчиликнинг хусусий, жамоа шаклига ёки масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилмоқда. Кўп врачлар хусусий врачлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олдилар. Тошкент шаҳри ва республиканинг кўпгина вилоятларида хусусий ёки жамоага қарашли стационарлар ишламоқда.

Қишлоқ ижтимоий инфратузилмалари тараққиёти дастурини амалга ошириш қишлоқ соғлиқни сақлаш бошланғич звеноларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ҳар йили юзлаб қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилмоқда. Фельдшер-акушерлик пунктлари ва қишлоқ врачлик амбулаториялари қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилди.

Назарбек. Даволаш мажмуаси.





Академик В.Воҳидов номидаги жаррохлик маркази.

Беморларнинг касалхонадан ташқари ярим стационар даволаниши шакли кенгайиши муносабати билан тиббий ёрдам кўрсатишнинг қайта ихтисослашуви ва тузилмавий табақаланиши уларга кундузги стационарларда даволаниш имконини бермоқда.

Врачлик-меҳнат экспертизаси илмий тадқиқот институти клиникасида Ногиронларни реабилитация қилиш миллий маркази тузилди. Республиканинг деярли барча вилоятларида ёлғиз ва кекса фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи стационарлар ташкил этилди.


Кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакат аҳолисининг асосий ижтимоий кўрсаткичлари яхшиланди. Шу нарса эътиборга лойикки, мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйлаб аҳолининг ўлим даражаси пасайиб бормоқда. Мамлакатда болалар ўлими ҳам пасайиб бориши кузатилмоқда. Аҳоли саломатлигини сақлаш йўлидаги бу ва бошқа ижобий силжишлар мамлакат аҳолиси ўртача умр кўриш даражаси ўсишига ёрдам бермоқда. Бозор муносабатларига ўтиш соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам янги талаблар қўйди. Хусусан маъмурий-бошқариш сарф-харажатларини камайтириш, айрим беморларни кундузги даволашга ўтказиш, даволаш ҳажмининг бир қисмини касалхонадан поликлиникага кўчириш, кам самарали даволаш ўринларини қисқартириш ва бошқа чора-тадбирлар тизими амалга оширилмоқда.

Ижтимоий ҳаёт



Мағбуот
Радиоэшитириш ва телекўрсатув
Спорт
Туризм
Динлар





Матбуот



Республикада иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ислохотларни амалга ошириш даврида аҳолининг янгича тафаккури ва онини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари тобора таъсирчан восита бўлиб бормоқда. Мамлакатимизда кейинги йилларда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур қарор ва шароит барпо этиш борасида анча ишлар қилинди. Ўзбекистон Конституциясида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”, дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” (1997), “Ноширлик фаолияти тўғрисида” (1996), “Ахборот олиш қарорлари ва эркинлиги тўғрисида” (1997), “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” (1997), “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги (1996) қонунлар оммавий ахборот воситалари, матбуот ходимлари, журналистлар учун асосий дастуруламал ҳисобланади.

Китоб босиш цехи.





Тошкент. Газеталар мажмуаси.

Ушбу қонун ҳужжатлари сўз ва матбуот эркинлигини таъминлайди, ахборот бозорини шакллантириш учун шароит яратади, журналистларнинг шон-шарафи ва кадр-қимматини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач кенг тармоқли газеталар тизими таркиб топди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида 507 номда (шундан 77 таси республика, 162 таси вилоят, 176 таси туман, 45 кўп нусхали) газеталар нашр этилади. Буларнинг бир галги ўртача умумий адади қарийб 2,1 млн. нусхадан иборат (2002).

Газеталар ўзбек, рус, қозок, тожик, қорақалпоқ, қорейс, инглиз ва бошқа тилларда чиқади. Ўзбекистоннинг етакчи газетаси - “Халқ сўзи” ва “Народное слово” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг нашридир. Бу газеталар ҳафтасига 5 марта чоп этилади.

Ўзбекистондаги ошқоралик ва демократия муҳитида юзага келган янги партиялар ҳам ўз газеталарини нашр эта бошладилар. “Ўзбекистон овози”, “Миллий тикланиш”, “Адолат”, “Фидокор” ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари турли ҳукумат идоралари, халқ ҳаракатлари, уюшмалар, жамғармалар муассислигида нашр этилаётган газеталар “Правда Востока”, “Ишонч”, “Хуррият”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Мулкдор”, “Менинг мулким”-“Частная собственность”, “Соғлом авлод”, “Савдогар” ва бошқалар ҳам чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўплаб реклама-тижорат, хусусий газеталар пайдо бўлди. “Даракчи”,



Полиграфия корхонасининг муқовалаш цехи.

“Тасвир”, “Бизнес-вестник Востока”, “ЭКО”, “Садо”, “7x7”, “Заковат”, “Восточные вести”, “Қизилқум” каби газеталар шулар жумласидандир. Уларнинг бир галги адади 30 мингдан 250 минггача нусхани ташкил қилади.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинган, кенг оммага мўлжалланган мавжуд журналлар фаолияти қайта ташкил қилинди. Республикада жами 165 журнал нашр этилади, уларнинг йиллик ўртача адади 704,7 минг нусха (2002). Янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришда, миллий онгни ўстиришда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва адабий-бадиий журналлар етакчилик қилмоқда. Бу туркумга мансуб “Шарқ юлдузи”, “Гулистон”, “Саодат”, “Мулоқот”, “Фан ва турмуш”, “Ёшлик”, “Муштум” журналлари қаторига истиқлол даври журналлари - “Тафаккур”, “Соғлом авлод учун”, “Жаҳон адабиёти” қўшилди.

Булардан ташқари, янги ижтимоий, иқтисодий, молиявий муносабатларни акс эттирувчи махсус журналлар - “Бозор, пул, кредит”, “Менеджер”, “Оптовик”, “Жамият ва бошқарув”, “Бухгалтер кутубхонаси”, “Тижорат” “Экономическое обозрение” (рус ва инглиз тилларида) ҳам ташкил топди.

Ўзбекистонда илмий журналларнинг кенг тармоғи мавжуд. Ўзбекистон ФА илмий тадқиқот институтлари томонидан 12 та илмий академик журнал нашр қилинади. (2002).

Мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва



«Растр» қўшма корхонаси.

эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги фармони билан Давлат матбуот қўмитаси Матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфида 11 нашриёт: “Ўзбекистон”, “Ўқитувчи”, Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат, “Чулпон”, “Меҳнат”, Ибн Сино номидаги тиббиёт, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётлари, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, “Ўзбланкнашр”, “Ижод дунёси” нашриёт уйи фаолият кўрсатмоқда (2002). Булардан ташқари “Қорақўпоғистон” нашриёти, “Шарк” нашриёт-матбаа компанияси, “Маънавият” нашриёти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясинингнинг “Фан” нашриёти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Адолат” нашриёти бор.

Истиклолдан кейинги йилларда китоб маҳсулотлари мавзу-мундарижасида кескин ўзгариш юз берди: ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан ўзбек тилидаги китоблар саломоғи 80% дан ошди. Тарихий, диний, миллий қадриятларга таалуқли адабиётлар нашрига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Радиоэшиттириш ва телевидение



Телевидение ва радио – оммавий ахборотнинг энг тезкор ва оммавий воситаларидир. Ҳозирги кунда Ўрта Осиёдаги кўшни мамлакатларнинг айрим ҳудудлари ҳам қамраб олинганлигини ҳисобга олганда, республика телекўрсатуви ва радиосини тахминан 30 миллион киши тамоша қилади ва эшитади.

Мустақилликка эришилгач, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларининг мазмуни ўзгарди, миллий телевидение ва радиоэшиттириш ҳажми икки ҳиссадан кўпроқ ошди.

Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш кўмитаси 1996 йилда Ўзбекистон телерадио компанияси (Ўзтелерадио)га айлантирилди. Унинг энг муҳим вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида телевидение ва радионинг ролини ошириш тўғрисида»ги фармонида (1996 йил) белгилаб берилди.

Ўзтелерадиокомпанияси ташкилий таркибига Қорақалпоғистон Республикаси телерадио компанияси, Республика вилоят телерадио компаниялари, Республика радиоси, Ўзбекистон телевидениеси, Чет элларга радио эшиттириш дирекцияси, «Ўзбектеелефильм» студияси, Телевизион техника маркази, Радио ва товуш ёзиш уйи, Маҳаллий телерадио эшиттириш бош бошқармаси, Тизим ижодий ва техник ходимлари малакасини ошириш курси киради.

Радиоэшиттириш

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганда, ўзбек тилига давлат тили мақомини берилиши муносабати билан, ўзбек тилидаги радио-эшиттиришлар ҳажми кескин кўпайди. Мамлакатнинг миллий манфаатларини унинг давлат мустақиллигини, иқтисодий ва маънавий ўзига хослигини мустаҳкамлашга, халқнинг миллий ўзлигини англашига, қадимий халқ анъаналари ва урф-одатларини

қайта тиклашга, жамиятда ўзаро ишонч ва ҳурмат, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик муҳитини вужудга келтириш ва сақлаб қолишга бағишланган эшитиришлар ҳажми ошди. Ўзбек радиоси дастурида иқтисодий мавзуларга кенг ўрин берилди бошлади. Жанр ва шакли жиҳатидан ҳар хил эшитиришларда республиканинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги замонавий босқич муаммолари, мамлакат халқ ҳужалиги тармоқларини ислоҳ қилиш ҳолати ва истиқболи, мулкчиликнинг турли шакллари, хусусийлаштириш масалалари ва тадбиркорлар фаолияти атрофлича ёритиб берилмоқда. Замонавий иқтисодиёт ва бизнес асослари бўйича ўқув туркумлари яратилган.

Ўзбек радиоси таркибида ихтисослаштирилган бош таҳририят ва бўлимлар мавжуд бўлиб, уларнинг ташкилий-ижодий фаолиятини Дастурлар дирекцияси мувофиқлаштириб туради. Республика радиосининг ўртача суткалик эшиттириши ҳажми 80 соатдан ошади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги радио эшиттириш ҳажми бу ҳисобга кирмайди.

«Оқшом тўлқинларида» номли мусиқий-ахборот дастури, «Ҳазратхонлик», «Сайёрамиз садоси», «Қамалак», «Субҳидам» дастурлари, шунингдек, «Маъшар», «Дўстлик» каналларининг дастурлари кўпчиликка манзур. «Ахборот» дастурида энг сўнги янгиликлардан хабардор қилинади.

«Қишлоқ ҳаёти», «Талаб ва тақлиф», «Иқтисодимиз алифбоси» каби махсус эшиттиришлар тегишли тармоқ мутахассислари ва ходимларига мўлжалланган.

«Қелажак тонги», «Аланга», «Ҳар бола – бир дунё», «Маърифат истар кўнгил» қабилар болалар ва ёшларга аталган эшиттиришлардир.

«Қабассум», «Қулшан», «Шеърый лаҳзалар», «Қаҳон адабиёти» каби эшиттиришлар анъанага айланган.

Маънавият ва маърифат, маданият мерос, миллий анъаналар ва урф-одатлардан баҳс юритувчи «Қатанимининг асл тарихи», «Қуҳият сабоқлари», «Қийнат», «Қўнгил ҳусни», «Қахроҳ», «Ёшлар тўлқини», «Олтин мерос», «Қаҳшилар қўйлаганда» каби эшиттиришлар оммавий тус олган. «Қуқуқингизни биласизми?», «Қаҳалла-қатан рамзи» туркум эшиттиришлари ўз тингловчиларини топган. Овоз ёзиш уйининг ҳазинасида турли жанрларга оид миллий ва

жаҳон мусикаси асарларидан иборат 10 минглаб ёзув тўпланган. Бу ёзувлар доимий равишда техник ва эксперт синовдан ўтказиб турилади.

Бир қанча мусикий дасталарни бирлаштирувчи Ўзбекистон радиоси бадий жамоаси дирекцияси радиодаги мусикий дастурларни бойитиш ва сақлаб қолишга кўп жиҳатдан кўмаклашмоқда. Масалан, халқ мусикасининг атоқли билимдони ва тадқиқотчиси академик Юнус Ражабий ташаббуси билан барпо этилган «Мақом» дастаси унинг таркибига киради. Д. Зокиров номидаги халқ чолғу асбоблари оркестри, «Булбулча» болалар хори, эстрада симфоник оркестрининг репертуари хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

1974 йилдан буён ўзбек радиоси чет элларга эшиттириш бериб келади. Миллий радионинг тегишли бўлимларга эга бўлган ана шу мустақил ижодий-ташкилий тузилмасида юқори малакали мутахассислар ишлайди.

Ўзбек радиоси «Би-Би-Си», «Дойче вельт» («Немис тўлкини») каби дунёга машҳур компаниялар билан биргаликда дастурлар тайёрлайди.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда радиоэшиттириш сифати ва савияси анча яхшиланди. Ҳозирги вақтда маҳаллий радиоэшиттиришнинг ўртача суткалик ҳажми 30 соатга боради. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари маҳаллий радиони ривожлантириш муаммоларига кўпроқ эътибор бера бошладилар. Маҳаллий радио эшиттириш дастурларидаги мавзуларнинг долзарблиги ва техник жиҳозланиши яхшиланди.

Телевидение

Республика мустақилликка эришган дастлабки кунларданок ўзбек телевидениеси ўз мавзулари йўналиши ва дастурлари мазмунини ўзгартирди. Ўзбек миллий телевизион публицистикаси яратила бошланди. «Туркистон – умумий уйимиз», «Юзма-юз», «Янги тарих», «Шахс ва бахс», «Ҳайрат», «Тўртинчи ҳокимият», «Сиёсат оламида», «Сомон йўли» каби кўпгина туркум ва муаллифлик кўрсатувлари томошабинлар қизиқишига сазовор бўлди. Миллий телекўрсатувда шахсга жамият ва сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий муаммолар нуқтан

назаридангина, ижтимоий ҳодиса сифатида қаралмай, у аниқ ва ҳаққоний ҳаётий вазиятда ҳаракат қилувчи тирик сиймо сифатида талқин этилади.

Ўзбек тележурналистлари ва режиссёрлари миллий бадий публицистика соҳасида баракали ишламоқдалар. «Алишер Навоий», «Бобур», «Мангулик қўшиғи», «Сўнги ўк», «Феруз», «Амир Музаффар» каби кўп серияли бадий-публицистик видеофильмлар, «Соҳибкирон», «Озодлик», «Темурнома», «Алпомиш», «Жалолиддин Мангуберди» каби ҳужжатли публицистик фильмлар катта ижтимоий фикр-мулоҳазаларга сазовор бўлди ва томошабинлар томонидан маъқуллаб кутиб олинди.

Мустақиллик куни, «Наврўз» умумхалқ байрами, атоқли давлат арбоблари, шоирлар, мутафаккир олимлар, тарихий шаҳарлар (Бухоро, Хива, Термиз) юбилейларига, «Ўзбекистон – ватаним маним», «Шарқ тароналари» каби санъат байрамларига, Тошкент кинофестивалига бағишланган тантаналардан берилган репортажлар ва эшиттиришларни бадий публицистиканинг алоҳида тури деб ҳисобламоқ керак. Кейинги йилларда мустақил давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги ана шу йирик воқеалар йўлдош алоқаси орқали Осиё, Европанинг кўпгина мамлакатларига кўрсатилмоқда.

1996 йилдан ўзбек телевиденияси миллий сериалларни ишлаб чиқаришга киришди. Видеофильмлар студияси ташкил



этилди. «Домла», «Кўнгил кўчалари» каби кўп серияли видеофильмлар, Абдулла Қодирийнинг машҳур «Меҳробдан чаён» романи сериаллари дастлабки тажрибалар бўлди. Шундан кейин «Амир Темур», «Чархпалак», «Шайтанат» каби мураккаброқ видеофильмлар яратилди. Аҳолининг иқтисодий билими ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ахборот-таҳлилий ўқув кўрсатувлари ўзбек телевидениеси дастурларининг каттагина қисмини ташкил этади. «Иқтисод чорраҳаларида», «Биржа ва банк хабарлари», «Иқтисод алифбоси», «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам», «Солиқ сабоқлари», «Инсон ва қонун», «Ҳуқуқ ва мажбурият», «Шаҳар бедарвоза эмас» каби туркум кўрсатувлар шу жумлага қиради.

1968 йилда ташкил этилган «Ўзбектелефильм» студияси йирик кино-видео маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ташкилотга айланди. Ўтган йиллар мобайнида унинг ижодий жамоаси 500 дан ортиқ ҳужжатли, илмий-оммабоп, бадиий телевизион фильмлар, фильм-концертларни суратга олиб, экранларга чиқарди.

«Ўзбектелефильм» студияси хорижий киноматографлар билан ҳамкорлик қилади. Кўпгина бадиий фильмлар биргаликда яратилди. «Юлдузимни қайтариб бер» («Ўзбекфильм» билан биргаликда), «Акбарнинг ғаройиб саёҳати» (Германия билан биргаликда) ва бошқа фильмлар бунга мисол бўла олади.

Кейинги йилларда кўрсатувлар дастурида бозор иқтисодиёти муаммолари, савдо-тижорат, мулкни хусусийлаштириш, ишбилармонлик мавзусида тайёрланадиган кўрсатувларга кўпроқ эътибор берилмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳонга юз туғиб, йирик ва қудратли давлатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий, савдо, маданий алоқалар ўрнатаётгани, бу ҳамкорликнинг самаралари телевидение фаолиятида муносиб ўрин эгалламоқда.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг хорижий мамлакатларга давлат ташрифлари, буюк давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига бағишланган бир қатор ҳужжатли-публицистик видеофильмлар яратилди.

Ўзбекистон телевидениесининг халқаро алоқалари мустаҳкамланиб, теледастурлар, видеофильмлар, ижодий ходимлар алмашиш, малака ошириш каби ўзаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилмоқда.

Спорт



Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқларда бадан тарбия ҳамиша умумий маданиятнинг бир қисми бўлиб келган, маданий ва жисмоний жиҳатдан соғломлаштириш ва тарбиялашга хизмат қилган.

Ўзбекистон ҳукумати жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта мадад бермоқда. «Жисмоний тарбия ва спорт туғрисида»ги қонун (1992 йил) мустақил Ўзбекистон Республикаси қабул этган дастлабки қонунлардан бири бўлди, шунинг натижасида ўқув юртларида, туманлар, шаҳарлар, вилоятларда, умуман республикада жисмоний маданиятни ривожлантириш умуммиллий тус ола бошлади.

Қисқа вақт ичида республиканинг барча вилоятларида халқаро андозаларга мос келадиган замонавий спорт иншоотлари қурилди. Тошкентдаги «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуи ноёб иншоотдир. Усти ёпиқ теннис кортининг томи иссиқ кунларда сурилиб, соф ҳаво киришини таъминлайди. Совуқ ва ёғин-сочинли пайтда кучли кондиционерлар микроклим ҳосил қилади.

«Президент кубоги» теннис мусобақасининг очилиши.





Халқаро мусобақалар ғолиби Ирода Тулаганова ва Олег Огородов.

Тошкентдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи замонавий талаблар даражасида қурилган. Жиззах шаҳрида спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун шароит яратилган катта спорт мажмуаси барпо этилган. Спорт иншоотларининг мавжудлиги, тегишли инфратузилма вужудга келтирилганлиги республикада энг юксак даражадаги халқаро мусобақалар ўтказиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг шахсий ғамхўрлиги, зарур моддий ресурслар билан «Пахтакор» футбол командаси.





Сиднейдаги Олимпиада ўйинларида. Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳужумда. таъминлангани, ажойиб спорт базаси барпо этилгани туфайли республикада йирик спорт тадбирлари ўтказиш имконияти туғилди. Масалан, Тошкентдаги Биринчи Марказий Осиё ўйинлари (1995 йил) Халқаро Олимпиада қўмитаси ва бошқа Халқаро спорт федерацияларининг юксак баҳосини олди, бу ўйинларда Халқаро Олимпиада қўмитасининг уша вақтдаги Президенти Маркиз Хуан Антонио Самаранч ҳамда Осиё ва Халқаро спортнинг кўпгина раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Кураш бўйича халқаро чемпионат.



Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Халқаро олимпия ҳаракатига қўшган катта ҳиссаси учун Халқаро олимпия қўмитасининг олий мукофоти – Олимпиада Олтин орденига сазовор бўлди. Осиё Олимпия Кенгаши уни Осиё Олимпия Кенгашининг ордени билан мукофотлади.

1994 йилда Хиросима шаҳрида ўтказилган XXII Осиё ўйинларида 12 мамлакат спортчилари орасида Ўзбекистон йигит ва қизлари команда ҳисобида 5 уринни олиб, 11 та олтин, 10 кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритдилар. Ўзбекистоннинг миллий футбол терма командаси биринчи марта Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.

1996 йил февралда Харбинда ўтказилган III кишки Олимпиада ўйинларида фигурачилардан Татьяна Малинина ва Сергей Бренер яхши натижаларга эришдилар.

АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган XXVI Олимпиада ўйинларида ўзбек спортчилари дунёнинг ўнта энг яхши спортчилари қаторига чиқдилар. Армен Багдасаров (дзюдо) ва Карим Тулаганов (бокс) совринлар билан тақдирланди.

Австралиянинг Сидней шаҳридаги XXVII Олимпиада ўйинларида (2000 йил) Ўзбекистон спортчилари дадил иштирок этиб, 1 та олтин, 1 кумуш, 2 та бронза медалларига сазовор бўлдилар. Ўзбек боксчилари спорт делегациялари орасида энг яхши натижага эришдилар. Жумладан, Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин ва Сергей Михайлов билан Рустам Саидов кумуш медалларни қўлга

У-шу машғулоти.



киритдилар. Эркин услубдаги курашчи Артур Таймазов кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпиони, Халқаро турнирлар ғолиби боксчи Руслан Чагаев кўпгина ғалабаларга эришди.

Профессионаллар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян халқаро рингларда ўзининг юксак унвонини 16 марта ҳимоя қилди.

1994–99 йилларда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижонда дунёдаги энг кучли теннисчиларнинг «Челенжер», «Сателлит», «Дэвис кубоги» халқаро турнирлари ўтказилди. «Президент кубоги» халқаро турнири дунё спортчилари доирасида катта обрў ва нуфузга эга бўлиб қолди.

Ўзбекистон теннисчиларининг муваффиқиятлари қонуниятли дейиш мумкин, чунки мамлакатда спортнинг бу турини ривожлантиришга давлат раҳбари ҳомийлик қилмоқда. «Tashkent Open» деб аталган Очиқ Халқаро аёллар турнири жуда машҳур бўлди. Ҳозирги кунда ёшлар ўртасида Уимблдон турнирининг совриндори, кўпгина чемпионатларнинг ғолиби, Осиё чемпиони Ирода Тўлагановадан ташқари опа-сингил Биктёжовалар, Наталья Никитина, Комила Дадахўжаева ва бошқаларнинг ҳам номлари танилди. Теннисчилардан Олег Огородов ва Вадим Куценко кўпгина халқаро турнирларда ғолиб чиқиб, совринларни қўлга киритдилар.

Бокс бўйича Осиё чемпионати, таэквондо бўйича Осиё ва Океания чемпионати, эркин кураш бўйича «А» тоифасидаги халқаро турнир юксак даражада ўтказилмоқда. Амир Темур ва Ҳаким ат-Термизий хоғирасига бағишланган миллий кураш бўйича халқаро мусобақалар йилига икки марта бўлиб турибди. 1999 йилда миллий кураш бўйича Тошкентда ўтказилган биринчи чемионатда 50 мамлакатдан спортчилар қатнашди. Олтин медалларнинг ҳаммаси ва совринли уринларнинг кўпчилиги ўзбек полвонларига насиб этди. Халқаро кураш уюшмаси тузилди, у жаҳон спорт ҳамжамиятида амал қилаётган бирдан-бир уюшмадир. Ўзбек миллий курашини Олимпиада ўйинлари дастурига киритиш халқаро кураш уюшмасининг энг муҳим стратегик мақсади бўлиб қолди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон спортчилари Олимпиада ўйинларида, дунё ва Осиё чемпионатлари

ва кубокларида, Осиё ўйинларида ва йирик халқаро турнирларда 731 та олтин, 736 та кумуш, 845 та бронза медали соҳиби бўдилар.

Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Республиканинг барча шаҳар ва туманларида футбол клублари ташкил этилди, мамлакат чемпионати қатнашчилари профессионал асосга ўтказилди.

Республикада 36 та футбол командаси бор. Улардан 16 таси олий, 20 таси биринчи лигада ўйнайди. Футболчиларнинг ихтиёрига 231 та стадион, 5231 та футбол майдони, мини-футбол ўйинлари учун кўпдан-кўп майдончалар бериб қўйилган.

Республикада ногиронлар спортига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпиада қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги, Республика Ногиронлар жамияти ҳамда Халқаро Қизил Хоч минтақа ваколатхонасининг қўллаб-қувватлаши билан Спорт ногиронлари уюшмаси тузилган.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси республикада спортни ривожлантириш соҳасидаги асосий ишларга раҳбарлик қилади. Олимпия ҳаракатини ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг расмий халқаро мусобақаларда иштирок этиши соҳасидаги энг

Универсиаданинг очилиши.





муҳим ишлар билан Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси шуғулланади. Бу қўмита 1993 йилдан бери Халқаро Олимпиада қўмитасининг аъзосидир. Спорт турлари бўйича 32 ўзбек федерацияси халқаро федерацияларга аъзо бўлиб, барча халқаро мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини олган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тарбиялаш билан Ўзбекистон жисмоний тарбия институти шуғулланади, унда 2 мингга яқин талаба таълим олади. Институт жисмоний тарбия муаллимлари ва спорт мураббий-муаллимларини тайёрлайди.

Республикада спорт захирасини тайёрлашнинг яхши йўлга қўйилган тизими амал қилиб келмоқда, бу тизим ҳаваскорлардан тортиб, жаҳон даражасидаги спортчиларгача тайёрлаш соҳасида режали иш олиб борилишини таъминлайди. Бу иш 552 та болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг базаларида, 63 олимпия захираси ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактабида, 5 та олимпия захираси билим юртида, 7 та олий спорт маҳорати мактабида амалга оширилмоқда.

Уларда республиканинг барча минтақаларидан 1450 спортчи таълим олмақда. Ўқувчилар умумий таълим ва спорт малакаси тайёргарлиги билан бир қаторда ўрта махсус маълумот ҳам оладилар.

Республиканинг олимпиада спорт турлари бўйича терма командалари олий спорт маҳорати мактаблари негизида тузилади. Бу мактабларда спортнинг 32 тури бўйича 1708 олий даражали спортчи 149 малакали мутахассис раҳбарлигида тайёргарлик кўрмоқда.

Олий спорт маҳорати мактаблари ҳузурида Олимпиадага тайёргарлик марказлари тузилган, уларда



Кишги спорт мусобакалари.

ҳалқаро даражага эришишга қодир бўлган иқтидорли спортчилар шуғулланмоқда.

Республикада оммавий жисмоний тарбия кенг қулоч ёзган. 6,5 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирувчи 14500 дан ортиқ жамоа жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда шуғулланмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида 148 стадион, 4,7 мингдан кўпроқ спорт зали, 128 сузиш ҳавзаси, 1842 ўқ отиш тири, 21 мингдан зиёд турли спорт майдон ва майдончалари мавжуд. Замонавий теннис кортлари барпо этилган.

Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида «Спорт» ва ўзбек тилида «Ўзбекистон футболлари» газеталари чиқади.

«Жар» спорт мажмуаси.





Туризм

Турли иклим зоналари – абадий музлик ва чўл-биёбонлар, бепоён даштлар ва яшнаб турган водийлар, тоғ ён бағирлари ва осмон ўпар тоғлар – республика табиатининг бетакрор гўзаллигини намоён этади, бу жойларда йилнинг исталган фаслида сайёҳлар учун ажойиб имкониятлар мавжуд.

Мустақил ривожланиш йўлига чиққан Ўзбекистонда мана шунинг учун ҳам туризмни миллий асосда оёққа қўйиш, дунё сайёҳларининг Ватанимиз бағрига кўплаб келишини таъминлаш, уни мустақил, суверен давлат сифатида кенг танитишга киришиш лозим эди.

Мана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлда “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони дунёга келди. Унда республикада туризм фаолиятини тубли асосларда ва кенг қўламда амалда йўлга қўя оладиган ихтисослашган ташкилот тузиш вазифаси белгиланган эди.





Бугунги кунда “Ўзбектуризм” миллий компанияси тизимида 96 та корхона ва ташкилот бор. Булардан ташқари, туризм бозорида 431 та сайёҳлик фирмаси, шунингдек, хусусий сайёҳлик ташкилотлари ассоциацияси фаолият олиб борапти.

Ўзбекистон халқаро туризмни ривожлантиришдаги асосий вазифалардан бири хорижий сайёҳларни Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби асосий тарихий шаҳарларимиздаги тарихий, меъморчилик, диний ва маданий ёдгорликлар ҳамда республикадаги бошқа диққатга сазовор жойлар билан таништириш орқали уларга маданий-маърифий озуқа беришдир. Бу йўналишлардан ташқари мамлакатимизга ташриф этаётган хорижий сайёҳларни қизиқтирадиган яна 20 дан кўпроқ бошқа сайёҳлик йўналишлари ҳам бор.

Хорижий давлатлардан Ўзбекистонга сайёҳликни уюштиришни янада ўстириш мақсадида “Ўзбектуризм” миллий компанияси ҳар йили “ITB” (Берлин), “WTM” (Лондон), “BIT” (Милан), “FITUR” (Мадрид) каби йирик халқаро сайёҳлик ярмаркаларида иштирок этиб, хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айтиш пайтда, мунтазам равишда ҳар йили “Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмаси” уюштирилади, унда дунёдаги кўпгина мамлакатлар туризм ташкилотларининг вакиллари меҳмон бўладилар.

Туризмнинг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини ривожлантириш, унинг инфратузилмасини такомиллаштириш, бу ишга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тарихий меросни ҳар томонлама тарғиб қилиш, тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш

ишларини амалга ошириш «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятининг устувор йўналишларидир.

Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Бали шаҳрида (Индонезия) 1993 йилда бўлиб ўтган X сессиясида «Ўзбектуризм» миллий компанияси унга тўла ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро сайёҳлик дастурига фаол қўшилишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси асосида ва Жаҳон Туризм Ташкилоти раҳбариятининг тўла қўллаб-қувватлаши билан ишлаб чиқилган «Буюк Ипак йўли» дастури бунинг реал натижасидир.

Ўзбекистоннинг давлат тизимини мустаҳкамлаш, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш соҳасидаги муваффақиятлари ўнлаб сайёҳлик мамлакатлари томонидан тан олинди, улар республикани Буюк Ипак йўлини тиклаш дастурини амалга ошириш маркази, деб белгиладилар.

Дастурни амалга ошириш учун қулай шароит яратиш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш, республикада жаҳон андозаларига мос келадиган замонавий туризм индустриясини ривожлантириш мақсадида Бухоро, Хива, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида сайёҳлик бўйича эркин иқтисодий зоналар вужудга келтириш белгиланди. Бу зоналарда қўшма корхоналар барпо этишга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун катта имтиёзлар берилди.

1997 йилда «Ўзбекистонда маданий-билим доирасини кенгайтириш мақсадини кўзловчи туризм ва хунармандликни ривожлантириш» деб номланган БМТ лойиҳаси тайёрланди ва тақдим этилди. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда «Ўзсаёҳатинвестбанк» инвестиция банки ташкил этилди, шу тарика туризмдан тушадиган маблағлардан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ягона тизим барпо этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонга ташриф этадиган хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг замонавий инфратузилмаси дунёга келди. Республикамиз пойтахтида, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабзда халқаро андозалардаги беш юлдузли, тўрт юлдузли ва уч юлдузли ўнлаб меҳмонхоналар барпо этилди. Бу меҳмонхоналарда сайёҳлар учун энг замонавий шароитлар яратилаяпти.

«Ўзбектуризм» га қарашли 20 дан кўпроқ замонавий меҳмонхона, 8 та сайёҳлик базаси, кемпинг ва дам олиш зонаси, шунингдек янгиланган автотранспорт парки республика сайёҳлик индустриясининг асосини ташкил этади.

Автомобиль туризми республикада сайёҳликнинг кенг тарқалган туридир. Бу сайёҳлик маршрутлари Ўзбекистоннинг бутун ҳудудини, қўшни давлатлар ҳудудини ҳам камраб олган. Ҳар йили 100 мингдан зиёд сайёҳ шу маршрутлар бўйлаб йўлга чиқади.

Кейинги йилларда фуқаро авиацияси ривожланиб, янги халқаро ҳаво йўллари очилиши билан сайёҳларни самолётда ташиш ҳажми анчагина ошди. Ўзбекистон билан Осиё, Шарқ ва Европа мамлакатлари, шунингдек, яқин хориж ўртасида дастурий ва чартер туристик авиация маршрутлари пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг Германия, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Покистон, Таиланд, Малайзия, Хитой, Корея, Греция каби мамлакатлар билан сайёҳлик алоқалари айниқса фаоллашди.

Ҳар йили 20 мингдан кўпроқ сайёҳ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси маршрутларидан фойдаланади. «Ўзбекистон темир йўллари»нинг маршрутлари ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Мустақиллик куни, «Наврўз» халқ байрами, халқаро фестиваллар, тарихий шаҳарларнинг, атоқли давлат арбоблари, ўтмиш олимлари ва мутафаккирларининг

«Чимён» туристлар мажмуаси.





Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси.

юбилейларини юксак савияда ўтказиш ҳам республикада халқаро сайёҳликни ривожлантиришга катта имконият беради.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг қиёфаси ўзгарганлиги бунга мисолдир. Бу тадбирлар ҳушманзара жойларни кўпайтиришга хизмат қилибгина қолмасдан, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам кўмаклашади. Кейинги йилларнинг ўзида республиканинг турли шаҳарларида хорижий фирмалар иштирокида замонавий меҳмонхона мажмуалари қурилиб, фойдаланиш учун топширилди, аэропортлар реконструкция қилинди, янги транспорт магистралари очилди.

Республикада туризмнинг авто ва велосипеҳат турлари, тоғ спорти, оилавий сайёҳлик ва ихтисослашган маршрутлар (ёшига ва қизиқишларига қараб) ҳам ривожланиб бормокда.

Сайёҳлар учун чет тилларни пухта биладиган ва Ватанимиз тарихи, маданиятини чуқур ўзлаштирган гидларнинг янги авлодлари тарбиялаб етиштирилмокда. Пойтахтимизда туризм коллежи очилиб, унда чет элик сайёҳларга замонавий хизмат кўрсата оладиган ёш мутахассис кадрлар тарбиялаб етиштирилмокда.

Давлат иқтисодиёт универитетида, Тошкент меҳмонхона хўжалиги техникумида, ихтисослашган лицей ва коллежларда туризм соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга алоҳида эътибор берилмокда. 1999 йилда Тошкент иқтисодиёт университетидида «Халқаро туризм» факультети очилди. Бундан ташқари




Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонаси.

Сайёҳлар Хивада.

«Ўзбектуризм» ҳодимлари ва мутахассислари етакчи туристик компанияларда ва хорижий фирмаларда таълим олиб, тажриба ўрганиб келмоқдалар.

«Ипак йўли» деб аталган халқаро сайёҳлик рекламаси нашри «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг босма органидир.



Динлар



Ўрта Осиёда бир неча минг йиллар давомида турли динлар бақамти бўлиб, тинч-тотув яшаб келган. Айнан дин миллати ва ирқидан қатъи назар, мамлакатлар ва қитъаларни бирлаштирувчи бирдан-бир маданият ўзаги бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил қабул қилинган Конституциясига кўра, “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга

Баракхон мадрасаси – диний идора қароргоҳи.





Халифа Усмон Куръони.

йўл қўйилмайди”. Диний ташкилотлар ва уюшмалар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдир. Давлат диний уюшмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дин маданий-маънавий омиллар умумий силсиласига кирувчи тенг ҳуқуқли кадрият сифатида тан олинди ва динга тўла эркинлик берилди. Диний жамоалар, ташкилотларга қонун доирасида очиқ ва даҳилсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилди. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ислом динига, европалик аҳоли христианликнинг православие мазҳабига эътиқод қилади. Улар билан бир қаторда католик, протестант, бошқа мазҳаб жами 15дан ортиқ конфессия вакиллари яшайди. Улар ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритмоқдалар.

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, дин давлатдан ажратилган. Виждон эркинлигининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”даги қонунда (1998) баён этилган. Ўзбекистонда дин ва диний дунёқараш дунёвий турмуш тарзи, дунёвий фикр билан ёнма-ён ривожланиб келмоқда. Қонунга биноан фуқарога яқка ёки гуруҳ бўлиб динга эътиқод қилиш, диний урф-одатлар ва маросимларни бажо келтириш, муқаддас жойларга ҳаж қилиш ҳуқуқи берилди.

2002 йилда 4000 га яқин киши ҳаж ва 4000 яқин киши умра амалларини бажо этиб келди.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси қарамоғида иккита ўқув юрти – Бухородаги «Мир Араб» диний билим юрти (1945 йилдан) ва Тошкентдаги Ислом институти (1971 йилдан), 2000 га яқин жоме масжид бор.

Биринчи бор ўзбек тилида “Чўлпон” нашриётида 1991 йилда Алоуддин Мансур таржимасида, 2001 йил



Республикада динлараро бағрикенглик муҳити барқарор.

Ислом университети нашриётида, Абдулазиз Мансур таржимасида «Қуръони Карим», Комуслар Бош таҳририятида Имом Бухорийнинг 4 жилдли «Ҳадис»лари (1991-96) нашр этилди. Диний идоранинг «Мовароуннаҳр» нашриёти «Ҳидоят» журналини ва «Ислом нури» газетасини чоп этади.

Ислом диннинг бой меросини, мусулмон аломаларининг асарларини чуқурроқ ўрганиш учун 1995 йилда Тошкентда Халқаро ислом тадқиқотлари маркази тузилди. 1999 йилдан Ўзбекистонда Тошкент Ислом университети фаолият бошлади.

Давлат республикада динлараро иноқлик ва тотувликни қўллаб-қувватламоқда. Чунончи, 1995 йилда Тошкентда «Бир осмон остида биргаликда яшаймиз» мавзуида мусулмон-христиан конференцияси ўтказилди, унда Жаҳон черковлар кенгашининг ва бир қанча хорижий черковларнинг вакиллари иштирок этди.

1996 йилда Рус Православ черкови Епархия бошқармасининг 125 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Ўрта Осиёдаги Патриархиянинг бутун тарихи мобайнида биринчи марта шу сана байрамига Москва ва Бутун Рус Патриархи Алексей II ташриф буюрди.

1996 йилнинг декабрида Ўзбекистон Евангелия-лютеран жамоаси Ўрта Осиёдаги бирдан-бир лютеран черковининг 100 йиллигини нишонлади.


1999 йилнинг март ойида Самарқандда Рим католик черковининг костели тантанали очилди.

Мустақиллик йилларида шонли саналар – машҳур мусулмон аломаларининг юбилейлари муносабати билан бир қатор халқаро симпозиумлар ўтказилди.

Маданий ҳаёт



Адабиёт
Меъморлик
Тасвирий санъат
Амалий-безак санъати
Музыка
Ракс
Балет
Театр
Кино
Цирк
Музейлар





Адабиёт



Ўзбек адабиётининг энг қадимги намуналари ўзбек халқи маданиятининг ажралмас қисми – халқ оғзаки ижодиётига мансубдир. Унда хайвонлар ҳақидаги, сеҳрли-хаёлий, маиший эртаклар катта ўрин эгаллайди. Латифа жанри улардан алоҳида ажралиб туради. Латифаларнинг бош қаҳрамони, тили ўткир ва топқир донишманд Насриддин Афанди халқ орзу-умидларини ифодалайди. У халқ хаёлотининг ижодий маҳсулидир.

Достон ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг йирик эпик туридир. Достонлар, одатда, мусиқа асбоблари (дўмбира ёки дутор ва бошқалар) жўрлигида ижро этилади. Ҳозирга қадар бахшилардан 300дан ортиқ достон ёзиб олинган, улардаги воқеалар 100дан ортиқ сюжет асосида ривожланади. Қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш», қаҳрамонлик-романик эпоси «Гурўгли» (40 дан ортиқ сюжет), жанговарлик қиссаси «Юсуф ва Аҳмад», ишқий-романик «Тоҳир ва Зухра» кабилар достончиликнинг энг ёрқин намуналаридир. Халқ

«Алпомиш» ва «Кирккиз» достонларига безак.





Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» кулёзмаларига миниатюралар.

китобларининг сюжети, одатда, «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» сингари мумтоз асарлардан олинган.

Исломга қадар қадимий туркий тилда яратилган ёзма ёдгорликлар жуда оз сақланиб қолган. «Монийларнинг истиффор дуолари», ўрхўн-энасой тош битиклари шулар жумласига қиради. Туркий тилларнинг ўзаро яқинлиги туфайли мазкур ёдгорликлар барча туркий тилли эл-элатлар учун алоҳида маданий ва илмий аҳамиятга моликдир. Кейинроқ исломнинг маънавий-ахлоқий меъёрларига биноан яратилган дидактик асарлар – Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғунийнинг «Кутад-ғу билиг» («Саодатга элтувчи билим», 1069), Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойик» («Ҳақиқатлар тухфаси», 12–13-аср) ва, айниқса, Маҳмуд Кошғарий тузган «Девону луғотит турк» (1071–72) кабилар ҳозир ҳам зўр қизиқиш уйғотади.

14-асрдан бошлаб ўзбек адабиёти жуда жадал ва хилма-хил жанрларда ривожланди. Дунёвий ва диний мавзуларда асарлар пайдо бўлди. Куръони Каримда келтирилган воқеа асосида Дурбек «Юсуф ва Зулайҳо» номли ишқий-романик дoston ёзди (14-аср охири – 15-аср боши).

Амир Темур ва Темурийлар даврида бадиий адабиёт юксак даражада ривожланди. Хилма-хил жанрларда битилган ажойиб шеърий асарлар айниқса машҳур бўлди.



«Бобурнома» кулёзмасига
миниатюра.



М.Набиев ишлаган Бобур
портрети.

Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Рабғузий ва бошқа ижодкорларнинг асарлари туркий халқлар орасида кенг тарқалган эди. Амир Темур шоир ва мугафаккир Аҳмад Яссавий даҳосини тан олиб, унинг қабри устида маҳобатли ёдгорлик қурдирди. Амир Темурнинг адабиёт ва нафис санъатга алоҳида муносабати барча Темурийлар учун эзгу анъанага айланди. Темурийлар даври ўзбек адабиёти унинг тарихий тараккиётида муҳим бир босқични ташкил қилади. Улмас асарларда тараннум этилган умуминсоний қадриятлар, юксак ватанпарварлик ғоялари ҳозирги кунга қадар ўз қадри ва аҳамиятини сақлаб келаётир.

Соф муҳаббатни улуғлаган Лутфий 15-асрнинг энг ёрқин лирик шоирларидан биридир. Атойи ва Саккокийнинг ишқий шеърлари ҳам кенг оммага таниш эди.

Алишер Навоий ижоди мана шу даврда алоҳида ўрин эгаллади. У лирик асарларини турт девон «Ҳазоин ул-маоний»га жамлаб, улар таркибига қасида, ғазал, қитъа, рубоий ва бошқа турлардаги шеърларини киритди. «Ҳамса» Навоий ижодининг гултожидир. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида эса у 15-асрда яшаган шоирларга таъриф берди. Қатор асарларида нафосат ва адабиёт назарияси муаммоларини мубоҳаса қилди. «Мезон ул-авзон» асари билан шеър тузилиши ривожига ўз хиссасини қўшди.

16-асрда кўпгина адабий ва тарихий асарлар ўзбек тилига таржима этилди. Шу асрда содир бўлган тарихий воқеалар Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» (1506) достонида, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида ўз аксини топди. Бобур умри давомида хотираларини ёзиб борди ва шулар асосида ажойиб адабий-тарихий ёдгорлик бўлмиш «Бобурнома»ни яратди.

Кейинчалик Турди (Фароғий), Машраб, Сўфи Оллоёр ва бошқа шоирларнинг асарлари эл орасида маълум ва машҳур бўлди. Халқ оғзаки ижодиётининг ёзма адабиётга таъсири кучайди. Афсоналар, ривоятлар, дostonларда тилга олинган воқеа-ҳодисалар асосида йирик асарлар яратилди (Нозим Ҳиравийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Сайёдийнинг «Тоҳир ва Зухро», Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом» дostonлари каби).

18–19-асрларга келиб, Фарғона водийси, Хоразм ва Бухоро ўлканинг асосий адабий марказларига айланди. Нишотий-Хоразмий, Навоий ва Ғузулий ижодининг таъсири остида шеърлар ёзди. Нодира, Увайсий, Маҳзуна шеърляти анъанавий ишқий мавзуга бағишланди. 19-аср бошида эса Гулҳаний, Маҳмур ва Огаҳийнинг ҳажвий асарлари оммалашди. Мунис шеърляри, тарихий асари «Фирдавс ул-икбол» ўзбек мумтоз адабиётининг дурдонаси бўлиб қолди. Мазкур асарни Огаҳий ёзиб тугатди, унинг ўзи «Таъвиз ул-ошикин» номли катта бир девоннинг муаллифи эди.

Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар ўғли, Анбар отин, кейинчалик Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Садриддин Айшйй айни шу даврнинг таниқли илғор шоирляри ҳисобланарди. 1915 йилда Ҳамза театр труппасини тузди, ўзи ҳам маҳаллий мавзуларда сахна асарляри ёзди.

20-аср бошлярида Қодирйй, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулom, Абдулла Қахҳор, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Комил Яшин кабилар адабиёт майдонига кириб келишди. Сиёсий ҳажвиёт, фелъетон, памфлет пайдо бўлди. 1923 йилдан эътиборан «Муштум» ҳажвий журнали нашр этила бошлади.

20–30-йилларда ўзбек адабиётида мумтоз адабиёт анъаналарига жуда яқин бўлган шеърлят устунлик қиларди. Аммо ёш шоирлар кўпинча анъанавий шеърйй услублардан четга чиқа бошлашди. Лирик қаҳрамон киефаси ўзгарди (Ғайратйй, М. Шайхзода, С. Абдулла,



Берах шеърларига безак.

Зулфия шеърларига Б.Жалолов ишлаган безак.

Миртемир, Усмон Носир, Зулфия, С. Жўра кабилар ижодида).

20-аср бошларида асосан ҳажман кичик асарлар (Ҳамза, Ойдин ва бошқаларнинг ҳикоя ва қиссалари) яратилди. Тарихий-маиший роман жанри қарор топа бошлади (Абдулла Қодирий, С. Айний).

50–60-йилларда қиссачилик ва романчилик анча ривожланди (Ойбек, Шухрат, Саид Аҳмад, Иброҳим Раҳим). Деҳқонлар ҳаёти тўғрисида йирик асарлар яратилди (Ойбекнинг «Олтин водийдаги шабадалар» романи, Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироклари» романи ва «Синчалак» қиссаси, Иброҳим Раҳимнинг «Садоқат» қиссалари). Тарихий мавзуда Ойбек, Ҳамид Фулом, Мирзақалон Исмоилий, Асқад Мухтор, Анна Алматинская, Ёвдат Илёсов қалам тебратишди. Аммо замондош инсоннинг руҳий олами адабиётнинг асосий мазмуни бўлиб қолди (масалан, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин асарларида).

60–70-йилларда қисса ва хотира адабиёти янги босқичга кўтарилди. Турли жанрлардаги шеърят бадий маҳорати ва эзгу туйғуларга бойлиги билан кўзга яққол ташланди (Зулфия, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Туроб Тула, Абдулла Орипов ва бошқалар). Драманависликда Уйғун, Иззат Султон, Комил Яшин кабиларнинг тарихий-биографик мавзудаги пьесалари муҳим урин эгаллади.



Насриддин латифалари. Усто Мўмин безаги.

80-йиллар охирида ўзбек адабиётида фақат унга хос ижтимоий-эстетик хусусиятлар намоён бўлдики, бу – миллий онг ва халқ тафаккуридаги янгиликлар самараси эди.

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти миллий адабиёт таракқиётида навбатдаги босқичга кўтаришган адабиётгина эмас, балки янги, ижодий қирраларга бой адабиёт, янги бадиий-эстетик ҳодисадир.

Ўзбек адабиёти ҳукмрон коммунистик мафкурадан қутулиб, давлатга қарашли адабиёт бўлмай қолди. Давлат эса, ўз навбатида, адибларни «хизматлари учун» мукофотламай, «қулоқ солмагани учун» жазоламай қўйди. Ҳозирги ўзбек адабиёти ижтимоий тизимлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш туғрисида қайғурмайди, у энди инсон қалбини, кишилар ўртасидаги ранг-баранг муносабатларни янада чуқурроқ англашга интиломда. Типик шароитдаги типик қаҳрамон эмас, балки одамнинг ўзи адабиёт тасвирлайдиган мавзуга айланди. Аҳамияти «зўр, долзарб» мавзулар эмас, балки инсоннинг руҳий ҳолати лаҳзаларини ёритиш бугунги адабиётнинг асосий вазифасига айланди.

Ҳозирги ўзбек адабиёти саёзликдан қутулиб, шакл ва услубни танлашда хилма-хиллик сари бормоқда.



Ғ.Фулом. «Шум бола». Т.Жамолиддинов безаги.

Аммо ижодий эркинлик, фикрлар ранг-баранглиги каби имкониятлар мавжудлиги туфайли истеъдод мезонларидан йироқ асарларнинг ҳам пайдо бўлиш хавфи юзага келди.

Ўзбек шеърияти кўп асрлик анъаналарни давом этдириб, миллий адабиётнинг етакчи жанрига айланди.

Омон Матчон, Барот Бойқобулов, Сирожддин Саййид, Нормурод Нарзуллаев, Шавкат Раҳмон, Чўлпон Эргаш, Азим Суюн, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфи, Тилак Жўра, Хуршид Даврон, Икром Огамурод, Абдували Қутбиддин, Азиз Саид, Баҳром Рўзимухаммад, Муҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо, Фахриёр, Зебо Мирзаева кабиларнинг шеърларида оламни ҳис этиш, шоирона идрок қилиш янги босқичга кўтарилди. Ҳозирги давр поэзиясида асосий эътибор панду насиҳатларга, саёз туйғу ва фикрларга эмас, балки инсоннинг мураккаб руҳий ҳолатларини тасвирлаш учун интилишга қаратилади.

Шавкат Раҳмоннинг «Туркийлар», «Иқрор», Азим Суюннинг «Истиффор», «Оқ ва қора», Абдували Қутбиддиннинг «Изоҳсиз луғат», Азиз Саиднинг «Туш», «Йўл» асарлари замонавий шеъриятнинг яхши намуналаридир. Шакл ва услубларнинг ранго-ранглиги, Шарқ ва Ғарб шеърияти илғор анъаналарини уйғунлаштиришга интилиш мазкур давр поэзиясига хос хусусиятдир. Бошқа асосий қирралардан бири –

шеърятнинг азалий манбаларига – самимий туйғуларни, қалб сирларини ифодалашга қайтишдир. Поэзия элитар, нозик қалбли, ҳаёлот олами бепоён бўлган кишиларга аталадиган бўлиб қолди. Бу ҳол ўқувчилар сонининг кўпайишига салбий таъсир этмоқда, айни вақтда шеърят мухлисларининг эстетик савияси, бадий сўзни, бадий ифодаларни англаш даражаси сезиларли ўсмоқда. Ҳозирги замон шеъряти ўқувчилар савиясини ўз юксак даражаси қадар кўтаришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбек шеъряти мухлислари бирон-бир тиниш белгиси қўйилмаган асарларни ҳам, ўхшатишлар асосига қурилган мавҳум шеърларни ҳам, мутассаввифларнинг пурмаъно сатрларини ҳам, тимсолий равишда ифодаланган шеърӣ оламнинг турфа жилоларини ҳам идрок этиш қобилиятига эга. Ўзбек китобхонида эстетик савия, поэзияни тушуниш даражаси ўсди, у энди қалб шеърӣ туғёнларининг ифодасини қофиябозликдан беҳато ажрата биледи.

Ҳозирги шеърятда ёш авлод фаоллиги, янги-янги номларнинг пайдо бўлиб туриши кўзга ташланса, насрда аънаналар давомийлиги кузатилади. Бугунги кунда насрда турли авлод вакиллари: Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев, Ўткир Хошимов, Омон Мухтор, Тохир Малик, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Хайриддин Султон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Нормурод Норқобилов, Тўхтамурод Рустамов, Абдукайюм Йўлдошев, Раҳим Отаули ва бошқалар баракали ижод қилмоқда.

Ўзбек насрининг ҳозирги даврига хос асосий хусусиятлар – бадий ечимларнинг қутилмаган, ижодий тарзда ҳал этилгани, муайян меъёрларнинг очикдан-очик бузилганидан иборат. Омон Мухтор «Минг бир қиёфа» романида, Назар Эшонқул «Қора китоб» қиссасида жаҳон насрининг сўнгги даврига хос тажрибаларидан моҳирона фойдаланган. «Шамолни тутиб бўлмайд», «Тобутшаҳар», «Қуюн» каби ҳикоялар миллий адабиётда янги эстетик ҳодисадир. Мазкур ёзувчиларнинг асарларида тасвирнинг ўзига хослиги, оламнинг тамомила янгича идрок этишига ва инсон қалбининг туб-тубига етиб боришга интилиш сезилиб туради.



Сайд Аҳмад.



Абдулла Орипов.



Эркин Воҳидов.

Шукур Холмирзаев «Олабўжи», «Динозавр» романларида, «Булут тўсган ой», «Озодлик», «Наврўз, наврўз» ҳикояларида, Нормурод Норқобилов «Оқбўйин», «Қоялар ҳам йиғлайди», «Тоғ одами» қиссаларида, «Орият», «Қувончли кун» ҳикояларида анъанавий тасвирлаш усули мохирона қўлланиб, замондошларнинг жонли образларини гавдалантирган.

Шойим Бўтаев «Шўродан қолган одамлар» қиссасида, «Чинор» ҳикоясида, Хуршид Дўстмуҳаммад «Оромкурси» қиссаси ва «Ибн Муғанний», «Жажман» ҳикояларида, Тоғай Мурод «Отамдан қолган далалар» романида услубнинг анъанавийлиги жаҳон адабиётига хос янги тамойиллар билан уйғунлашган.

Ҳозирги ўзбек насри инсоннинг руҳий оламига, унга хос хусусиятларни ҳар томонлама тасвирлашга алоҳида эътибор бераётир. Кейинги йилларда миллий адабиёт Байна Момо («Шамолни тутиб бўлмайдим»), Ултон («Олабўжи»), Гулсара, Таваккал («Булут тўсган ой»), Хусан полвон, Зухра («Орият»), Эрназар полвон, Усар Кўклам («Қоялар ҳам йиғлайди») каби ажабтовур қаҳрамонлар билан бойиди.

Ҳозирги ўзбек драманавислигида, жумладан, Шароф Бошбеков «Темир хотин», Усмон Азим «Кундузсиз кечалар», «Бир кадам йўл», «Алпомишнинг қайтиши», Ўткир Хошимов «Қатағон», Аҳмад Аъзам «Усмон Носир, қаерда?», «Дугоҳи Ҳусайний», Абдулла Орипов «Соҳибқирон», Одил Ёқубов «Фотиҳи музаффар ва бир париваш», «Бир қошона сирлари», Хусниддин Шарипов «Совчи чоллар», Эркин Хушвақтов «Чимилдик» пьесаларида муҳим тарихий ва замонавий воқеалар, турфа қаҳрамонлар кўз унгимизда намоён бўлади.

Меъморлик



Ўзбекистон – қадимий маданияти юксак ривожланган ўлкадир. У дунёга кўплаб меъморлик намуналарини намойиш этган. Қадимги шаҳар (Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа)лардаги осори атиқаларни Шарқ муаллифлари таъриф у тавсиф қилганларида хукмдорларнинг саройларини, аслзодаларнинг кошоналарини, бозор (тим, токи, чорсу)лар, работлар, карвонсаройлар, масжид-у мадрасаларни, ям-яшил боғлар билан бурканган ҳашаматли иморатларни тилга олишади. Ноёб чорбоғ намунаси – 9–10-асрларда яратилган Қирққиз (Термиз) дала-қўрғонидир. Ноёб меъморий ёдгорлик – Бухородаги Сомонийлар макбараси бизнинг кунларга қадар сақланиб қолган ва унда илк ўрта аср меъморлигининг ўзига хос энг яхши ютуқлари мужассам бўлган.

11–12-асрларда Самарқанд ғоят гуллаб-яшнаган. Уй-жойлар, жамоат иншоотлари, намозгоҳлар жадал суръат билан бунёд этилган.

Шаҳарларнинг кенгайиши, аҳоли сонининг ўсиши, ички ва халқаро савдонинг ривожланиши туфайли карвон йўллари бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, работлар





Работи Малик.



Жаркўрғон минораси.

қурилган. Ҳозирги Навоий шаҳри яқинида сақланиб қолган Работи Малик бунинг далилидир. Шу хилдаги йирик бинолар – меҳмонхоналар айни вақтда бир неча карвон аҳлини қабул қилиб, етарли озиқ-овқат билан таъминлаб турган. Иншоотлар орасида жуда кўп масжидлар – жомеъ масжид, жума масжидлари, маҳалла масжидлари, мадраса ва мақбаралар алоҳида ўрин эгаллаган. Ҳаким Термизий мақбараси меъморий режасининг одмилиги, унинг улуғвор кўринишда ифодаланганлиги билан ажралиб туради.

Бу меъморий обидаларда ғоят хилма-хил хандасий шакллардан фойдаланиш, ғиштларни шаклдор қилиб териш, ўйма нақшинкор сопол бўлақларидан фойдаланиш кабилар кўпгина мақбараларга хос.

13-асрдан бошлаб қарийб юз йил давомида Ўрта Осиё Чингизхон ўрдаларининг ҳукмронлиги остида яшади. 14-асрнинг 1-ярмига келиб вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлар аста-секин тиклана бошлади, бу эса меъморчилик-қурилиш соҳасида халқ усталарининг ишларига ривож бахш этди.

Темурийлар шаҳри меъморлиги ундаги ижтимоий турмушнинг яққол мужассаами эди: мустаҳкам қалъалар – давлат кудратидан, саройу кўшклар – ҳукмдорлар ҳашаматли турмушидан, диний иншоотлар – мусулмон мафқурасининг тантанасидан, бозору расталар – ҳунармандчилик ва тижорат ишлари ривожидан, аҳоли



Шоҳизинда.



Кўкондаги Худоёрхон урдаси.

зич яшаган, тураржой ва маиший бинолар қурилган маҳаллалар – мураккаб, гавжум шаҳар ҳаётидан далолат беради.

Ўрта Осиёда шаҳарсозлик маданиятининг юксалиши бутун 15-аср мобайнида, айниқса, Амир Темурнинг набираси, дунёга машҳур аллома Улуғбек даврида давом этди. Амир Темур ва Улуғбек замонида яратилган энг маҳобатли иншоотлар орасида Шаҳрисабздаги Темурийлар оилавий мақбараси – Дор ус-сиёдат ва Дор ут-тиловот, Оксаройни, Самарқандда Бибиҳоним масжиди, Гўри Амир, Шоҳизинда ёдгорликларининг кўп қисмини, Улуғбек мадрасаларини (Бухоро, Самарқанд, Ғиждувонда) тилга олиш жоиздир.

Тилла-қорн мадрасаси.





Мир Араб мадрасаси.



Болаховуз масжиди.

Темурийлар даврида боғ (парк) яратиш санъати жуда тараққий қилди, унда ям-яшил экинзорлар, дарахтзорлар, сув иншоотларини бунёд этиш меъморлик услублари ўзаро уйғунлашиб кетган эди. Боғлар икки хил кўринишда (мунтазам режа асосида ва кўриқхона, табиий дарахтзорлардан иборат чорбоғлар) бунёд этилган.

16–18-асрларда ўзига хос маҳаллий меъморлик анъаналари асосида Бухоро, Самарқанд, Кармана, Тошкент ва бошқа шаҳарлар марказлашган эди. Уй-жойлар, иморатлар, саройлар, бозорлар, карвонсаройлар ва ҳоказо иншоотларнинг муайян турлари қурилиши янада ривожланди. Ўрта Осиё меъморлигининг бизнинг кунларга қадар дуруст сақланиб қолган мажмуалари, жумладан, Самарқанддаги Регистон, Бухородаги Калон масжиди ва минораси, Лаби ҳовуз ансамбли, Қўш мадраса, Улугбек мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси кабилар жаҳонга машҳурдир.

18-аср ўрталарига келиб, Хива шаҳри ўзига хос кўриқхона-музей шаҳар тусини олди.

Бу шаҳар меъморий обидалар орасида Тошховли саройи (1830-38), Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1851–55), Калтаминор кабилар яққол ажралиб туради.⁷

Ўзбек халқ турар-жой биноларининг 19–20-асрлар бошидаги даврга хос меъморлиги ҳам эътиборга лойиқ. Унда халқнинг кўп асрлик катта тажрибаси ўз ифодасини топган ва мураккаб табиий-иқлим шароити, айрим туман, шаҳар, вилоятларга хос маҳаллий хусусиятлар эътиборга олинган эди. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм турар-жой бинолари лойиҳалари ва бадиий безаклари бир-биридан кескин



19-аср охири – 20-аср бошларида Тошкентда Европа меъморлик намуналари.

фарқ қилади. Масалан, Бухородаги дов-дарахт ўсмайдиган, аҳоли зич яшайдиган марказий туманларда турар-жойлар атрофи ўраб олинган бўлиб, кўчадаги чанг-тўзон ва шовкин-сурондан холидир. Уйлар тош терилган муъжаз ҳовли атрофида жойлашган, бу эса ўзига хос микроклим яратади, ҳатто жазирама саратонда ҳам ҳовли салқин бўлади.

Хивадаги уйларда қулай микроклим шамол-шабада эсиб турадиган томонга қаратиб қурилган «улуғ айвон» туфайли юзага келади. Фарғона уйларида эса кўчма деворлар ва дераза, эшиклари бўлиб, токчалар, ганчқори нақшлар билан безатилган, шифтига мойбўёқ билан нақшлар ишланган.

Ўзбекистондаги аҳоли турар-жойларининг ички кўриниши жуда одми, аммо унда ҳамма нарса ўзига хос тарзда ақл билан ишланган. Халқ усталари бу соҳадаги билим ва тажрибаларини келгуси авлодларга етказиш йўлида қайғуришган.

19-аср иккинчи ярмидан эътиборан Ўзбекистон меъморлигида Европа меъморлигига хос қонун-қоидалар жорий этила бошланди. Биноларнинг банк, мактаб, гимназия, ўқув юрти, универсал магазин каби янги турлари пайдо бўлди. Пишиқ ғиштдан ишланган қалин деворли ва контрфорсли иморатлар қурилди, бу эса уларнинг зилзилабардошлигини таъминлади. Меъморликда кўп ҳолларда аралаш услублар қўлланилди.

Ҳозирги Ўзбекистонда 40 асрдан кўпроқ вақт давомида яратилган моддий маданият ёдгорликлари сақланиб қолган. Биноларни таъмирлаш мактаблари



шаклланган, муайян қонун-қоидалар, анъаналар, консервация, муҳандислик деворлари ўрнатиш, ёдгорликларни таъмир қилиш, улар атрофидаги ерларни ободонлаштириш услублари таркиб топган.

Бионоларни қуриш ва лойиҳалашда маҳобатли меъморлик усуллари (учли равоқлар, шарқона пешток ва гумбазлар) қўлланилган. Тошкентдаги Навоий номли опера ва балет катта театри (1947, меъмор А.Шчусев), «Тошкент» меҳмонхонаси (1958, меъмор М.Булатов) Ўзбекистон меъморлигининг катта ютуғидир, улар шарқона гўзаллиги ва нафислиги билан ажралиб туради.

Шаҳарсозликнинг асосий замонавий қоидалари – турар-жойларни аҳолига кўрсатиладиган хизматнинг барча турлари мавжуд бўлган бионолар билан бирга, кўп қаватли қилиб, йирик даҳалар тарзида мажмуавий қуриш ва ҳоказо услублар Олмалик, Ангрен, Зарафшон ва, айниқса, Навоий каби янги шаҳарларда тўлик ифодасини топди.

Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларнинг кўп қисми қайта тикланди. Бу қадим шаҳарларнинг бетакрор меъморий ёдгорликлари бутун дунёда донг таратган.

Мустақилликка эришилгач, республикада миллий меъморлик ва шаҳарсозликни ривожлантириш учун янги замин яратилди.

Тошкент маркази жадал ривож топди. Кўпгина замонавий майдонлар намунаси асосида қурилган ҳозирги Мустақиллик майдони онда-сонда ўтказиладиган улкан намоишлар учун мўлжалланган эди. Ҳозир бу ерда металлдан ишланган йиғма гумбазли миноралар, кўчма амфитеатр ва ранго-ранг электр чироқлардан «чизилган»

Ўзбекистон панорамаси ўрнатилган. Бу ерда ёзнинг сўниги тунида Республиканинг Мустақиллик куни, шунингдек тантанали саналар байрам қилинади, хилма-хил тадбирлар ўтказилади.

Республикада Наврўз байрами кенг миқёсда нишонланади. Бунинг учун Халқлар Дўстлиги саройи билан Бешёғочдаги кўл оралиғида Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий боғи бунёд этилди. Мана шу ўзак ўқ бўйлаб фавворали катта ҳовуз, амфитеатр ва гумбазли миноралар билан сахна, анҳор кўприги, тепаликдаги кўшкда эса – гумбаз остида Навоий ҳайкали жойлашган. Марказий амфитеатрнинг ҳар икки томонида – «Наврўз» ресторани (1995, Р. Ёқубов, В.Островерхов, Н.Баторин) ва Олий Мажлис биноси (1997, В.Акопжян). Меъморий режанинг мана шундай тўрт қисмдан иборатлиги («чорбоғ») миллий боғ санъатида анъанавий услуб саналади.

Мустақиллик майдонининг шимол тарафида, Анҳор бўйида «Туркистон» концерт залининг биноси (1992, бош меъмор Ю.Халдеев, Ф.Турсунов билан ҳамкорликда) қад кўтарган. Бош тарзи сатҳининг турли бўлақларга бўлиниши масжид ва мадрасалар маҳобатли пештоқларининг муқарнасларини ёдга солади. Бино ичи ганч ўймакорлиги, қулоччилик усталари ва наққошлар томонидан моҳирона безатилган. Олд томонда афсонавий бахт қуши – Хумо ҳайкали ишланган (рассом Баҳодир Жалолов). Ёзги театри (1993, меъмори Б.Акопжян) да байрамлар ва анъанавий халқ тамошалари ўтказилади.

Ўзбекистон ўз буюк бобокалони Амир Темур хотирасини қалб тўрида сақлайди. Соҳибқирон замонида барча санъат турлари, аввало, меъморлик жуда ривожланган. Мустақиллик даврида Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкаллари ўрнатилди. Тошкентдаги Амир Темур номли хиёбонда жойлашган ҳайкал (1995, ҳайкалтарош И.Жабборов, меъморлар Ф.Ашрафий, Б.Усмонов) асосида Амир Темурнинг «Кучадолатда!» деган пурҳикмат сўзлари битилган.

Амир Темур хиёбонининг шимоли-ғарбий тарафида қурилган Темурийлар тарихи давлат музейи (1996 йил, меъмор А. Турдиев) пойтахтнинг мафкуравий жиҳатдан муҳим жамоат биноларидан бирига айланди. Музей меъморий тарҳида Гўри Амир гумбазининг услуби ривожлантирилган. Гумбаз мутаносибликлари ва бинога



Алишер Навоий номидаги миллий боғ.

туташ очик айвонли 20 та устунлари ётиқ чизик бўйлаб, доира шаклида жойлаштирилган.

Гумбаз баланглиги – 30 метр, диаметри – 24x2 метр, ички гумбаз остидаги бўшлиқ маконида улкан қандил осилган. Пойгумбази кундал услубида ганчкори нақш билан зийнатланган. Кўк тусли заминда олтин ранг ёрқин зарварақ алоҳида ажратилиб ишланганки, бу Самарқанд Тиллакори мадрасаси меъморий анъаналарига монанддир. Музейнинг кўргазмалар залида Амир Темур ҳаётидан ҳикоя қилувчи уч қисмли тасвир интерьернинг асосий қисми ҳисобланади. Темурийлар тарихи давлат музейи меъморий хусусиятлари, интерьернинг ишланишига кўра анъанавий халқ миллий меъморлик услубига яқин туради.

Тошкент ҳокимияти янги биноси (1996 йил, меъмор Ф. Турсунов), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси (1997 йил) жамоат бинолари меъморлиги мумтоз услубда қурилган намуналардир. Биноларнинг тарзлари бўйлаб қордек ошпоқ, нафис ва жуда оддий устунлар ўрнатилган, бошалари эса япроқ шаклида ишланган.

Ҳар икки бино узра катта бир гумбаз ишланган. Интерьерлари эса ёғоч ва ганч ўймакорлиги нақшлари ва рангтасвир мужассамотлар билан безатилган. Биноларга пардоз беришда қимматбаҳо табиий материаллар: гранит, мрамор, алоҳида ёғоч турлари, олтин суви юритилган биринж, сопол кабилар ишлатилган.

Кейинги йилларда бирлашма усулда кўплаб иншоотлар бунёд этилмоқда. Масалан, «Интерконтиненталь»



«Чорсу» меҳмонхонаси ва Кӯкалдош мадрасаси.

меҳмонхонаси (1996 йил, меъмори А. Тўхтаев) ва Ўзбекистон Республикаси Миллий банки (1995 йил, меъмор А. Тўхтаев). Миллий банк минораси пойтахтнинг энг баланд ва маҳобатли минораларидан бўлиб, олд томони чорсу шаклида, тўрт бурчакли темир бетон пештоқдан қад кўтарган, барча тарзлари ва томи – ойнавандли.

Эски биноларни таъмирлаш ва тиклаш соҳасида кенг кўламли ишлар давом этмоқда. Ҳозир жаҳон меъморлигида постмодернизм услуби машҳур ва шу боисдан 20-аср бошларида модерн услубида қурилган биноларнинг меъморий услубига бундай тақлид қилиш ўзини оқлайди.

Тошкентда «Президент кубоги» учун ўтаётган халқаро мусобақалар спортнинг бу тури оммалашувига ҳамда Тошкент, Андижон, Наманган, Қарши ва бошқа шаҳарларда замонавий теннис корти мажмуалари қурилишига йўл очиб берди.

Тошкентдаги Юнусобод теннис корти Амир Темур кўчасининг шарқ тарафида жойлашган ва у Бизнесмарказ, Аквапаркдан иборат янги бинолар мажмуининг охириги қисмини ташкил этади. Усти очик теннис кортларининг ортида бунёд этилган 3000 ўринли мазкур усти ёпиқ универсал теннис корти (1996 йил, меъмор В.Акопжян) айлана ўлчови бўйича темир-бетон равоқлар билан ўралган, улар устига ёруғлик



ўтказувчи тиниқ лександан ишланган листлар ётқизилган. Бундан том, шунингдек айлана бўйлаб қурилган айвонлар ва равоқларнинг тарзи олдига чиқарилган устунлари иншоотга меъморий динамиклик бахш этади. Мазкур бино хорижий спорт майдонларининг энг соз намуналаридан асло қолишмайди.



1998 йилда улуғ муҳаддис, илоҳиёт алломаси Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ва буюк олим Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги байрам қилиниши республикада катта воқеа бўлди. 1998 йил бошида Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғида ғоят қисқа муддат ичида халқ хашари усулида Имом Бухорий ва Кува шаҳрига яқин жойда Фарғоний ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Хартангдаги аввалги мажмуадан қабр, ҳовуз ва ҳовлидаги бир туп чинор сақлаб қолинди. Мажмуанинг чорсу шаклидаги янги ҳовлиси тўртта ўтзор майдондан иборат бўлиб, бу анъанавий «чорбоғ» услубига хосдир. Ҳовлининг бир томонига томи металл фермалар билан ёпилган тарҳи 30х20 метрли масжид, иккинчи томонига 100–150 кишилик қабулхона, кутубхона ва ошхона қурилди. Ҳовли атрофида устунли айвонлар солиниб, энг четида кўшк билан ўзаро боғланган.

Кувадаги Фарғоний ёдгорлик мажмуаси туман марказига олиб борадиган катта йўл билан қадимги шаҳристон ҳудуди оралиғида бунёд этилди. Шаҳристондаги кунгирадор қалъа девори тикланди. Истеҳком остида узунлиги 350 метрли боғ яратилиб, хиёбон бўйлаб фавворалар ўрнатилди. Марказий қисмида, шаҳристон тепалиғидаги кўшқда Фарғоний ҳайкали ҳар томондан кўзга яққол ташланиб туради. Олд томонда, овал шаклидаги икки зинадан пастга, боғ майдонида тушилади.

Ёғоч устунлар, айвонлар, гиштин деворлар, усти мрамар ва бўр билан пардозланган саҳнлар анъанавий оч тилло тусда товланиб туради. Мажмуа кўшклари меъморий жиҳатдан бир-бирига ўхшатиб қурилган ва усти тарҳи 9S9 метр, баландлиги 17 метрли гумбазлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши автомобиль йўллари, бозорларни, спорт мажмуаларини замонавий услубда бунёд этишда янги шаҳарсозлик тамойилларини ривожлантиришни тақозо қилади. Тарихий шаҳарлардаги меъморий ёдгорликларнинг тикланиши ва таъмирланиши давлатнинг меъморлик соҳасидаги сиёсатида муҳим йўналишга айланди. Хусусан, Самарқанддаги «Бибиҳоним» масжидининг тикланиши бу борадаги катта ишдир.



Тасвирий санъат

Ўзбекистон худудидаги энг қадимий санъат обидалари Зараутсойдаги мезолит даврига хос тошқояларга ўйиб ишланган ранг-тасвир намуналаридирки, уларда ҳайвонлар, ов манзаралари жўшқин услубда ифода қилинган. Хўжакент ва Бўстонликдаги қояларда эса айрим ҳайвонларнинг суратлари неолит даврида чизилган.

Антик даврда (эрамиздан аввалги 4-аср – эрамизнинг 4-асрида) ранг-тасвир ва амалий санъатнинг барча турлари юксак даражада ривожланган. Ҳайкаллар лойдан ясалиб, қуйма қолиғда гипсдан тайёрланган, жуда кам ҳолларда тошга ўйиб ясалган. Холчаёндан топилган рангдор лой ҳайкалларда (эрамиздан аввалги 1-аср) жуда хилма-хил тоифага мансуб инсонлар – шоҳлар, маъбудлар, сипоҳлар, созандалар, болаларнинг қиёфалари яратилган, ҳар бирида муайян бир инсоннинг сиймоси гавдаланади.

Будда дини кириб келиши билан ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий туманларида ишланган ҳайкалларда Гандҳара ҳайкалтарошлик мактабининг таъсири сезилиб туради. Айритом тош пирамони (эрамизнинг 2-асри) шулар жумласига киради. Уларда самовий созандалар, акантлар ўрмонзорида совға-салом

Айритом тош пирамони.





Афросиёб девор безаклари.

кўтариб кетаётган аёллар, кушонийлар кийимини кийган ва шоҳга тўхфа олиб бораётган аслзодалар тасвирланган, шоҳ шарафига ўрнатилган стела расми чизилган.

Далварзинтепадаги будда ибодат хонасидан топилган деворий гипс ҳайкаллар маҳаллий Бактрия-Кушон мухитида яшаган кишиларнинг ҳаққоний сиймоларини ифода этади. Жанубий Ўзбекистондаги деворий тасвирлар эркин услубда нафис ишланган.

Ўзбекистоннинг антик амалий санъат турларида ҳам монументал санъат турларига хос услубий чизиклар учрайди. Бактрия тореvtика санъатида қанотли маъбудалар, амазонкалар, юнон драманависи Еврипид асарларидаги воқеалар тасвирланган булиб, айрим буюмларда юнон-рим таъсири кўзга ташланади.

Ўзбекистон антик бадий маданиятида бугун Ўрта Осиё маданиятининг ўзига хос хусусиятлари бор, аммо жанубий туманлардан топилган асарларда эллин, кейинроқ эса ҳинд маданияти билан алоқалар мавжуд бўлганлиги аниқ кўринади, Суғд ва Хоразм каби чекка ўлкаларда эса бундай алоқалар камроқ кузатилган.

Илк ўрта асрлар (айниқса Самарқанд) рангтасвир санъати асарларининг услуби нафис, композициясида гоҳ улғувор ва тантанавор, гоҳ жўшқин руҳ ҳукмрон; тасвирланган кишиларнинг ҳаракатлари ва ҳолатлари жуда жонли тасвирланган.

Деворий тасвирлар Ўрта Осиёда тўқилган серҳашам



Темурийлар даври миннатуралари.

газламалар ҳақида ҳам тасаввур уйғотади. Суғдада торовтика санъати, коропластика тараққий топган.

14–15-асрлар тасвирий санъатда Уйғониш даври бўлди. Самарқанддаги макбараларда манзара тасвирларининг айрим қисмлари сақланиб қолган. Амир Темур айрим саройлари рангтасвир расмлар билан безатилган, уларда ҳукмдорнинг, темурий маликалар ва соҳибқирон сафдошларининг рамзий суратлари, зиёфат пайтлари тасвир этилган. Услубий жиҳатдан Хирот мактабига яқин турган Самарқанд рангтасвир мактабига мансуб асарлар орасида ас-Суфийнинг илми нужум

15-аср китоб қулёзмаси ва муқоваси.





У.Тансиқбоев. «Она улка».

ҳақидаги рисоласи қўлёзмасига ишланган расмлар (тахминан 1437 йилда яратилган, Париж Миллий кутубхонасида сақланади); Улуғбек тасвирланган миниатюра (Фрир галереяси, Вашингтон); Низомий «Хамса»сига миниатюралар (1446–47 йилларда,

Т.Кузиев. «Боғбон».





Р.Ахмедов.
«Субҳидам».

Истамбул Тўққопи саройида сақланади) бор. Улар романтик йўналишдаги услубда ишланган.

16–17-асрларда қўлёзма китоб яратиш (китобат) ва муқовасозлик санъатида катта ютуқларга эришилди. Самарқандда, айниқса, Бухорода Ўрта Осиё миниатюра мактаби юсак даражада ривожланди.

19-аср 2-ярми ва 20-аср бошидан hozirgi маънодаги тасвирий санъат ўзбек халқи турмушига аввал савдо-реклама шаклида, кейинроқ журнал ва китоб орқали сингиб борди.

20-аср бошларида плакат ва графика санъати, жумладан, газета-журнал ва китоб нашрида ривожланди. Миллий рассомлик кадрларини тайёрлашда Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда очилган мактаблар муҳим роль ўйнади, дастлабки бадиий ташкилотлар таркиб топди.

Ўзбек рангтасвир усталари замонавий ва тарихий мавзуларда асарлар яратишди, айти вақтда замонавий портрет жанри устунликка эришди.

30-йиллар охиридан бошлаб Ўрол Тансиқбоев лирик манзаралари намоиш этила бошланди,
27—К-9359



Р. Чориев. «Сурхондарелик келин».

хайкалтарошликни ривожлантиришда илғор йўналишлар кўзга ташланди.

50-йилларда ўзбек рангасвир санъатида аксарият жанр услубидаги расмлар ва манзаралар яратилди (Ў.Тансиқбоев, Н. Карахан, Р.Темуров). Кекса авлодга мансуб санъаткорлар (А.Волков, Н.Беньков, Н.Кашина ва бошқалар) билан бир қаторда А.Абдуллаев, С.Абдуллаев, В.Евенко, М.Набиев, В.Жмакин, Р.Фадеев кабилар баракали ижод қилишди. Лирик жанр услубида ва портрет яратиш санъати соҳасида Р.Аҳмедов имкониятлари айниқса намоён бўлди. М.Саидов чуқур рухий ва драматик мазмун билан суғорилган асарлар устида ишлади. Н.Кўзибоевнинг манзаралари ҳам таҳсинга сазовор бўлди.

70-йилларда Б.Жалолов, Ж.Умарбековларнинг ижоди катта шуҳрат қозонди, асарлари композициядаги юксак поэзия руҳи, маҳорат ва илҳом уйғунлиги билан ажралиб турди. Б.Бобоев портретларида рассомнинг миллий маданият ва турмуш тарзининг гузаллигини нозик ҳис қила билиши кўзга ташланади. Р.Чориев, Ю.Талдикин, Е.Мельников, В.Бурмакин ва бошқалар ҳам туркум портретлар яратишди.

Монументал санъат соҳасида Ч.Аҳмаров, И.Линене кабилар самарали ижод қилишди. Хайкалтарошлик жадал ривожланди.



Ш.Кўзиева. «Мадина».



Б.Йулдошев. «Кўфирчокбоз».

90-йиллар жуда муҳим тарихий ўзгаришлар даври, янги маънавият маконининг шаклланиш даври бўлди.

Бунда минтақа халқларининг мустақиллиги, миллий анъаналарини тиклаш ғоялари устуворлик қилди. Мазкур халқларнинг бой ижодий меросини ўзлаштириш сари қадам қўйилди, ёш ижодкорларнинг бадиий онгида туб ўзгаришлар содир бўлди.

90-йиллар охирига келиб республика тасвирий санъатида муҳим ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил бўлди. Санъатга шунчаки бир ҳунар деб қараш аста-секин барҳам топаётир, фалсафий фикрлаш даври бошланди. Бу эса тасвирий санъат асарлари мазмун-мундарижасининг бойишига кучли таъсир этмоқда. Турли санъат турларининг ўриндошлигидан иборат интеграция жараёни бошлангани яққол кўзга ташланмоқда.

Ж.Умарбеков. «Етти иқлим ҳукмдори».





М.Набиев. «Амир Темур».



С.Рахметов. «Фаришталар».

Кўпгина ёш истеъдодли rassomлар шаклланди. Ўрта ва кекса авлод ҳам баракали ижод этмоқда. Услубий йўналишлар ва жанрларга хос тасвирлаш доираси анча кенгайди. Хайкалтарошлар ва графиклар ижодий фаоллик кўрсатмоқда. Мустақиллик ижод билан шуғулланувчи кишиларга эркинлик берди, турли хил таъсирлардан халос бўлиш имкониятини яратди. Rassomларда расмий портрет жанрига, илгари унутилиб кетган тарихий шахсларга катта қизиқиш уйғонди (Р.Худойберганаов, З.Шарипова, Л.Ибрагимов, Р.Гаглоева).

Кейинги йилларда республика бадий ҳаётида зўр жонланиш кузатилмоқда.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида «Энг улуғ, энг азиз» деб аталган республика бадий рангтасвир, дизайн, халқ ва амалий санъат, графика ва хайкалтарошлик кўрғазмалари ишлаб турибди.

Кейинги йилларда етакчи дизайнчи rassomлар, жумладан, Л.Садриддинов, Ф.Тошмухамедов, С.Сейтьягеев, К.Турсунов, Т.Турғунов, Т.Қўзиев, Т.Холмирзаев ва Б.Семейкин асарлари Ҳиндистон, Ҳитой, Португалия, Болгария, Австралия, Греция, Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги кўрғазмаларда намоиш этилди.

Амалий безак санъати



Ўзбекистонда ҳунармандчилик қадимдан асрлар давомида тараққий қилиб келмоқда, Халқ усталари бадиий тасаввур оламининг бойлиги ва шакл ҳамда нақшларининг мукамаллиги билан ҳамон бизни хайратга солувчи ноёб буюмларни мерос этиб қолдирдилар.

20-аср мобайнида ижтимоий-иқтисодий шароит ўзгариши туфайли ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кейинги ўринга тушиб қолди ва ўз мавқеини маҳаллий саноатга бўшатиб берди.

Ҳозирги вақтда мустақил республикаимизда халқ усталарига кагга аҳамият берилаётир. Мерос ва анъанавий қадриятларни асраб-авайлаш, ҳунармандларга ёрдам кўрсатиш каби ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳунармандчилик анъаналарини тиклаш қонуний жараён бўлиб, у миллий маданиятни сақлаб қолишга интилиш билан изоҳланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳукумати халқ касб-ҳунарларини тиклашга қаратилган талай қарорлар чиқарди. Қатор халқ усталари Ўзбекистон Бадиий академиясининг аъзолари этиб сайланди. «Ўзбекистон халқ устаси» унвони таъсис этилди. Заргар Фасихиддин





Кумуш лаган.



Чойдиш.

Дадамухамедов биринчи бўлиб мазкур унвонга сазовор бўлди. «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳузурида «Хунарманч» халқ усталари уюшмаси тузилди, республиканинг барча туманларида уюшма бўлимлари очилди. Мазкур ташкилотларнинг асосий вазифаси унутилиб кетган касбларни тиклашдан, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда хунармандларга кўмаклашишдан иборат.

Ундан ташқари, очиқ иқтисодий сиёсат юритилиши натижасида халқаро жамғармалар ва ташкилотлар ҳам турли касб соҳибларига мадад бераётир.

Байрам саналарига бағишланиб давлат ҳомийлиги остида халқаро хунарманччилик ярмаркаларини ўтказиш анъана тусини олди. Улар косибчилик маҳсулотлари





Заргарлик буюмлари.

ишлаб чиқаришнинг юксалишини рағбатлантириб, бу соҳада ўзаро тажриба алмашилишга имконият яратмоқда, бозор маркетингини белгиламоқда. 1995 йилда Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ёрдами билан биринчи ана шундай катта ярмарка ташкил этилди.

Ёш давлатларнинг сайёҳлик ишларини ва иқтисодиётини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган халқаро ташкилотлар мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлашди. Бир неча йиллар мобайнида республикада БМТнинг «Маданий-маърифий туризм ва ҳунарларни ривожлантириш» лойиҳаси ҳамда Каунтерпарт





Консорциум ҳузуридаги «Хунармандларга ёрдам» лойиҳаси бўйича тегишли ишлар бажарилди, халқ усталарига катта ёрдам кўрсатилди. 1998 йил ноябрида «Ўзбекистон хунармандчилик буюмлари» кўргазма-савдоси ўтказилди.

Кулолчилик. Кулолчилик кўп асарлар мобайнида Ўрта Осиёда энг ривожланган хунар бўлиб келган. Асосий кулолчилик марказларида сирли ва сирланмаган кулолчилик ўз маҳаллий хусусиятларига эга бўлган. Булар буюмларнинг ўзига хос шаклларда бўлиши, нақшлар билан безатилиши ва колоритида намоён бўлади.

Кулолчилик соҳасида анъанавий марказлар сирасига





Риштон, Ғиждувон, Хива, Самарканд, Шахрисабз, Ургут, Хоразм, Тошкент киради.

Кейинги йилларда тарихан таркиб топган ана шу кулолчилик марказларида сопол буюмлар (коса-товок, лаган, пиёла, қадах, сув ва сут идишлари, хумлар)нинг хиллари кўпайишига эришилди, сифати ҳам яхшиланаётир.

Давлат мададидан руҳланган халқ усталари ўз маҳсулотларининг самарадорлиги ва рақобатбардош бўлиши учун ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда. Улар кулолчиликда маҳаллий хусусиятларнинг сақланиб қолишига ҳаракат қилиб, унутилган шакллар ва





Металл идишлар.

нақшларни қайта тиклашмоқда. Айни вақтда буюмлар безагида янги-янги нақшлар ва тасвирий жиллолар пайдо бўлмоқда.

Самарқанд кулолчилик мактабига мансуб усталар идиш-товок ва лаганларни ҳайвонлар ва қушларнинг тасвири билан безатиш анъанасини тиклаш билан ҳам шуғулланишади. Риштонда эса кекса усталар ва ёш авлод вакиллари бўлмиш кўзагарлар – қолип яшаш, наққошлар эса – турфа нақшлар яратиш санъатини тўла ўзлаштириб олишган. Риштон кулолчилигининг ўзига хос хусусияти – икки рангли колорит ҳам тикланди. Шунингдек машҳур ишқорли сир, ўсимликлар қулидан тайёрланадиган бўёқ тайёрлаш усули қайта кашф этилди. Энди халқ усталари тайёр ишқорли сирни бемалол ишлатишмоқда, бу эса ортиқча меҳнат талаб этмайди. Риштон сопол буюмлари, одатда, тўқчилик ва фаровонлик тимсоли бўлган ўсимликлар, қумғонлар, пичоқлар, қушлар, балиқларга, меъморий безакнинг айрим унсурларига хос шакллар билан безатилади. Сув идиши – мусаллоларни ўрдак шаклида яшашдек қадимги анъана яна тикланди.

Тошкентда кулолчилик сулоласининг вакили – халқ устаси, Ўзбекистон кулолчилик санъатининг тадқиқотчиси М.Раҳимовнинг ўғли А. Раҳимов яшайди. У темурийлар, кашқар, Самарқанд қора кулолчилиги услубларида бадиий идиш-товок ясайди. У ишлаган сопол

буюмларда республика барча минтақаларидаги халқ усталарининг бой усуллари бадий тажрибаси мужассамлашган.

Қадимги диний маросимларнинг зарурий ашёси – лой уйинчоқларни яшаш анъанаси ҳам тикланмоқда. Ўтмишда ҳунармандчиликнинг Бухоро – Самарқанд кулолчилик мактабига хос бўлган мазкур тур амалда йўқолиб кетган эди.

Кандакорлик. Ҳозирги кандакор усталарнинг жез ва мисдан ишлаган ажойиб санъат асарлари юқори сифатлилиги билан ажралиб туради. Бухоро усталари қўлидан чиққан турфа идишларнинг сернақшлиги ва нафислиги амалий санъат шинавандаларини мафтун этади. Бу шаҳарлик кандакорларнинг кўплари халқ устаси С. Ҳамидов мактабида ҳунар ўрганган. У 60-йиллардаёқ Бухорода бадий кандакорлик санъатини тиклашга ҳаракат қилган эди. Ҳозир унинг қўлида таҳсил кўрган ҳунармандлар Усто Ҳамидов номли «Кандакор» устахонасида ишлашади. Улар анъанавий шакллар, нақшлар, безак ва технологиялардан кенг фойдаланишади. Шу билан бирга янги бадий безаклар излашади. Масалан, патнис ва лаганларни кўпинча Бухоронинг машхур меъморий обидалари тасвирлари билан безашади. Металл идишларнинг айрим турлари, масалан, бир вақтлар Шарқда расм бўлган дастшўйларни усталар алоҳида маҳорат билан яшашмоқда. Бу

Дастшўй.



Ёғоч буюмлар.



дастшуйлар нақшлари, шакллари нозиклиги туфайли ҳам гузал тухфа сифатида машҳур бўлди. Бухоролик уста Ш. Ибодов нафис кандакорлик услубида ишлаган кўзалар эса Хива, Олмаота ва Бишкек кўрғазмаларида намоёиш этилди.

Ёғоч ўймакорлиги. «Олтин мерос» жамғармаси хузурида тузилган Кўкон халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш марказига бирлашган усталар асосан чинор ва ёғоч ёғочларидан фойдаланишади. Шарқона буюмлар (кутича, лавҳ, курсилар) ясаб, уларни миллий анъанавий услубларга биноан ўсимликлар тасвирлари, хандасий нақшлар билан ҳам безатишади.





Бухоро зардўзлиги намуналари.

Зардўзлик. Бу ҳунармандчиликнинг анъанавий маркази – Бухоро. Еш усталар орасида зардўзлик ҳозир ҳам кенг тарқалган. Усталар Бухоро зардўзлигининг энг яхши анаъаналарига монаид қилиб ишланган зарбофт маҳсулотларни юксак дид билан яратишаётир.

Каштачилик. Нурота, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Фарғона сўзана тикишнинг анъанавий марказлари ҳисобланади. «Зебуннисо» маданий маркази Бухоро сўзаналарини тикиб, кўргазмаларда намоиш этиб келяпти.





Кўғирчоқлар.

Кейинги йилларда кўпгина ёшлар касб-хунарнинг бирон тури билан шуғуллана бошлашди. Бу – тасодиф эмас, албатта. Халқ ичида мудраб ётган ижодий куч уйғонди. Бу омил кўпгина аъъанавий хунар турларининг ривожига кенг йўл очди.

Кўғирчоқлар яшаш ҳам амалда унутилаёзган ва қайта тикланган хунарлар сирасига киради. Яқин ўтмишда кўғирчоқбоз-масхарабозларнинг қувноқ томошалари шаҳар ва қишлоқ аҳлининг энг яхши ва севимли эрмакларидан бири эди. Бугунги кунда миллий кийимлар билан ясантирилган кўғирчоқлар аъъанавий ўзбек совғаси бўлиб қолди. У фақат кўғирчоқ эмас, балки интерьернинг ёрқин, мароқли безагига айланди. Рассомлар турфа кўғирчоқларга хос кийимлардаги турли деталларнинг рамзий маъноларига ҳам синчковлик билан ёндашадилар.

Гиламчилик. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда гилам ишлаб чиқариш уч йўналишда тараққий қилмоқда: уйда гилам тўқиш, жамоа ва кўшма корхоналар негизда гилам тўқиш ва хусусий фирмаларда гилам тайёрлаш. Қўлда тўқилган гиламлар ўзининг пишиқлиги ва рангдорлиги билан ажралиб туради.

Уй гиламчилиги Фарғона водийси, Нурота тоғ



Душилар.

оралиғида, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида, Қорақалпоғистонда ривожланаётир. Самарқанд, Ургут, Қўқон, Хоразм ҳам гиламчилик марказларидир.

«Усто» давлат бирлашмаси ва республика «Мусаввир» бадий хунармандчилик ва амалий санъат илмий-ишлаб чиқариш маркази гиламларнинг қадимги гулларини ва тўқимачилик усулларини тиклаш борасида катта илмий ва амалий ишларга қўл уришган.

Хива гилам фабрикаси ўзининг ажойиб маҳсулотлари билан жуда машҳур, уларнинг ҳар бири исталган музейда сақлаш ва намойиш қилишга лойиқ гиламлардир.

Фабрика ҳозирги шароитда ўз имконият доирасини кенгайтириб, буюртмачиларнинг портрети туширилган гиламчалар тайёрлашга киришди. Бу каби гиламчалар тўқиш ағъанаси илк ўрта асрлардаёқ Шарқда маълум эди.

Хусусий фирмалар ҳам Ўзбекистонда гиламчиликни тиклаш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Табиий материаллар (жун, ип, ипак) ва табиий бўёқларни ишлатиб, аъло сифатли гиламлар тўқияпти.

Гилам тўқиш цехлари энг зарур хомашёлар мавжуд бўлган қишлоқ жойлар агрофида очилмоқда. Мазкур цехлар туфайли кўпгина қишлоқ аёллари гилам тўқишни ўрганиб олмоқда, уни ағъанавий гул ва нақшлар билан



Ипак гилам.

зийнатламоқда. Бунда қадимги ўзбек ёки туркман гиламларига хос нақшлар намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлат гиламчилик истиқболини таъминлашга катта аҳамият бераётир. Хунармандчилик, жумладан, гилам маҳсулотларига солиқ имтиёзига эга. Ўзбекистон Бадиий академияси ўқув юрглари тизимида гилам тўқишга ўргатиш шохобчаларини ташкил қилиш режалаштирилган.

Ипакчилик. Ўзбекистонда шойи тўқишнинг тикланиши «Марғилон хонатлас» акциядорлик жамияти ва «Ёшлик» корхонаси фаолияти билан боғлиқ. Хозир беқасам, адрас, бахмал, атлас, хонатлас каби миллий газлама турларини ишлаб чиқариш қайтадан бошланди. Қадимги анъанавий абрбанди нақшлари тикланмоқда, табиий бўёқларни тиклашга алоҳида эътибор берилаётир.

Марғилон тўқувчилари атлас сирти силлиқ бўлиши, адрас ва беқасам товланиб туриши учун бўёқ тайёрлашда тухум сариғидан фойдаланиб, газламани кудунглаб (ёғоч болғачалар билан уриб), текислаш усулини қўллашади.

Ипак гилам тўқиш Самарқандда тикланмоқда. Бу ерда «Афғон–Бухоро–Самарқанд» ўзбек-афғон қўшма корхонаси ташкил қилинган, унинг асосий мақсади – Ўзбекистонда ипак гиламлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Бунда барча жараёнлар – ипакларни ёйиш, бўёқларни тайёрлаш, иглани буюш, ниҳоят, гилам тўқиш ишлари корхонанинг ўзида бажарилади. Корхонада



Сузана.

асосан маҳаллий табиий буюклар – ёнғок, анор, рўяннинг кўмкўк пўсти, испарак буюғидан фойдаланилади.

Гилам тик ва ётик дастгоҳларда сатҳи 1,5x3 метр ҳажмида тўкилади. Тўқима зичлиги 1 м² га 600–800 минг тугундан 1 миллион 200 минг тугунга қадар бўлиб, ип узунлиги 2 миллиметрдан ошмайди. Гиламнинг арқоғи ва танда иплари ипак ипдан тўкилади. Тайёр бўлган гилам ғоят ингичка, айни вақтда жуда пишиқ. Маҳсулот сифати – юксак, аммо энг муҳими, гиламнинг – безак тавсифи зўр, шу боисдан ҳам бундай гиламларнинг қадри баланд.

Бухорода ҳам ипак гилам тўқилмоқда.

Лоқлн миниатюра буюмларининг ишлаш анъаналари буткул унутилганди, уларни тиклашда Шарқ миниатюра рангтаъсвир усулларидан фойдаланилмоқда. Асосан хилма-хил мўъжаз қутичалар, қаламдонлар усти лоқланган таъсвир ва нақшлар билан безатилади. Бунда тухум сариғи билан қориштирилган табиий буюклар ишлатилади.

Заргарлик санъати Ўзбекистонда қадимий анъаналарга эга. Заргар усталар асрлар мобайнида гузаллиги жиҳатидан ноёб тилло буюмларни ясаб, таҳсинга сазовор бўлишган. 20-аср 2-ярмида заргарлик касби саноат ишлаб чиқаришига мансуб қилиб қўйилди, бу эса заргарлик буюмларининг маълум даражада стандартлашуви ва бир хиллигига, сохта услублар қўлланилишига олиб келди. Анъанавий безак шакллари сийқалашиб, асли бузилди, айрим усуллардан воз кечилди.



Кутича. Локти миннiятура.

Кейинги ўн йилликда маданий анъаналар, тилло буюмларнинг йўқолиб кетаёзган шакллари тикланмоқда, кимматбаҳо металллар, аввало, кумушдан заргарлик буюмлари ишлаш имконияти туғилди. Гузаллик қонуний меъёрлари устанинг ижодий талқини билан уйғунлашуви анъаналарнинг янада ривожланишига, халқ маданияти олтин жамғармасининг бойишига йўл очмоқда.





Муסיқа

Моддий маданият ёдгорликлари (қоятошлардаги расмлар, барельефлар, җайкалчалар ва бошқалар), шунингдек бизгача етиб келган ёзма манбалар ўзбек халқи муסיқавий меросининг қадимги сарчашмалари ҳақида далолат беради. Ўрта осиелик Форобий, Ибн Сино, Хоразмий, Жомий каби энциклопедист олимлар муסיқа санъати туб қонунлари ҳақида фикр юритганлар. Кейинги даврларда ўзбек халқининг муסיқавий маданияти ўзига хослигини сақлаган ҳолда ривожланиб бори.

Ҳозирда ўзбек муסיқаси асосий тўрт услубий кўринишда ривож топмоқда: қадимдан сақланиб қолган халқ ижоди (фольклор), миллий мумтоз муסיқа (мақом санъати, бастакорлар ижоди), 20-асрда шакл топган композиторлик ижоди ҳамда замонавий оммабон муסיқа (эстрада жанрлари).

Ўзбек халқ кўшиқларини муайян вақтда ва маълум бир шароитда ижро этиладиган кўшиқларга (тўй маросим кўшиқлари – «Ёр-ёр», «Келин салом»; мавсум кўшиқлари – «Наврўз», «Сумалак», «Бинафша»; меҳнат





Қадимги муסיқачилар.

қўшиқлари – «Майда-майда», «Ёзи» кабилар) ва турли давраларда айтиладиган ашула, лапар ва яллаларга бўлиш мумкин.

Қўшиқ – кичик диапазонли куй билан ижро этиладиган банд-нақорат тузилишидаги вокал шаклидир. Матни эса – бармоқ вазнида битилган халқ шерларини ўз ичига олади. Лапар ва ялла ҳам банд-нақорат тарзида тузилган бўлиб, хазил рақслар, ўйинлар билан бирга ижро этилади.

Халқ ашула ва қўшиқларининг ритмик асоси жуда хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Анъанага биноан халқ орасидан чиққан профессионал муסיқачилар асосан машҳур хонанда ва созанда усталаридан таълим олишган. Оғзаки анъанадаги профессионал муסיқанинг асосий мумтоз бойлиги мақомлар бўлиб, маҳаллий хусусиятларга мосланган бир неча туркумдан иборат.

Муסיқа чолғулари ҳам ғоят хилма-хил: камон билан чалинадиган торли чолғу асбоблари – гижжак, қўбиз, сато; чертиб чалинадиган торли чолғу асбоблари – дўмбира, дугор, танбур, уд, рубоб; уриб чалинадиган торли чолғу асбоби – чанг; пуфлаб чалинадиган чолғу асбоблари – сибизға, гажир най, бўламон, сурнай, қўшнай, най, карнай; уриб чалинадиган мембранали чолғу асбоблари – доира, ноғора, чиндовул ва бошқалар. Ҳам якканавоз, ҳам ансамбль томонидан ижро қилинадиган ўзбек чолғу куйлари ғоят такомилга етган.

Ўзбекистонда композиторлар ижоди 20-асрда юзага келади.

Ўзбек музыкали драма ва музыкали комедия жанрларининг шаклланиши, ўзида сахна ва музыка санъатлари анъаналарини мужассам этди. Музыкали драманинг тараккий этиши Ўзбекистонда опера ва бошқа сахна жанрларининг юзага келишига йўл очди.

1918 йилда Тошкентда халқ консерваторияси, кейин эса Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Хоразм ва бошқа жойларда музыка мактаблари (кейинчалик музыка билим юртлари) ташкил қилинди. Драманавислар Фулом Зафарий ва Шамсиддин Хуршид ўзбек музыка меросининг йирик билимдонлари билан ҳамкорликда миллий оҳанглар негизда музыкали сахна асарлари «Ҳалима» (1920), «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» (1922)ни яратишди. 1924 йилда Муҳиддин Қориёқубов Тошкентда Этнографик концерт ансамблини ташкил этди.

1934 йилда Тошкентда Олий музыка мактаби (1936 йилдан Тошкент давлат консерваторияси) очилди. Ўзбекистон пойтахти музыка марказига айланди. 1936 йилда Ўзбек давлат филармонияси тузилиб, унинг хузурида ансамбллар, хор капелласи, симфоник оркестр, Ўзбекистон халқ артисти, академик Ю.Ражабий. С.Рахметов асари.





Ўзбекистон халқ артисти Т.Алимов.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил топди. Халқ оҳанглари негизида симфоник партитуралар яратилди (М.М.Ипполитов-Иванов, С.Н.Василенко, В.А.Золотарев, Р.М.Глиэр), шунингдек М.Бурҳонов, М.Левиёв, М.Ашрафийлар илк симфоник асарлар яратишди.

Дастлабки опералар яратилиши билан бу санъат турининг машҳур ижрочилари шаклланди (М.Қориёқубов, Х.Носирова, Б.Мирзаев, К.Зокиров, кейинчалик Н.Хошимов, С.Хўжаева, С.Қобулова,





Тошкентдаги симфоник музыка фестивалида.

С.Ярашев, А.Азимов). Балет ва камер чолғу музыка асарлари ёзила бошланди.

1940-йилларда кўшиқ ва романс, музыкали драма ва опера, симфоник ва камер музыка жанрлари жадал ривожланди. Хор кўшиқларининг кўпайиши 1950-60 йилларда а капелла хорлари, кантата ва ораторияларнинг оммавий ёйилишга имкон яратди (М.Бурхонов, И.Акбаров, С.Бобоев, Б.Умиджонов). Кинофильмларга музыка ижод қилиш мустақил жанр сифатида қарор топди.

Бошланғич ва махсус музыка мактаблари, ўрта ва олий ўқув юртлари тармоғи анча кенгайди. Симфоник музыка жадал тараққий топди (А.Козловский, И. Акбаров, Г.Мушель, Д.Зокиров, Б.Гиенко, Х.Раҳимов, Р.Ҳамроев). Композиторлар жаҳон мумтоз адабиёти (Шекспир, Гарсия Лорка) асарларига мурожаат этишди.

1962 йилда Самарқандда Ўзбекистонда иккинчи опера театри очилди.

Шу йиллари ёзилган кўпчилик опералар тарихий ва замонавий мавзуларга бағишланди (С. Бобоев «Ҳамза», И. Ҳамроев «Ойжамол»). Миллий руҳдаги комик операси – С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» (либретто муаллифи Собир Абдулла) асари кенг шуҳрат қозонди. Болаларга аталган опералар яратилди (С. Бобоев «Ерилтош», С. Варелас «Аловиддининг сеҳрли чироғи»), хилма-хил мавзудаги балетлар саҳналаштирилди (Г.

Мушель «Кашмир афсонаси», М. Ашрафий «Севги тумори», А. Козловский «Тановар»).

60–70-йилларда кино ва театр мусикаси ривож топди. Ўзбекистон радио ва телевидениеси мусикали эшиттириш ва кўрсатувлари макомчилар ансамбли, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, хор капелласи, камер ва эстрада-симфоник оркестрларнинг концертлари, эстрада-кўшиқчилик намуналари билан бойиди.

20-асрнинг сўнги ўн йилликлари ичида Ўзбекистон мусика маданиятида ўзига хос халқ-миллий аънаналар, хиёма-хил ижтимоий-бадий жараён ва тамойиллар давом этди. Нафақат жуда бой халқ мусика ижодиёти, аънавий мумтоз миллий мусикий мерос ва бастакорлар ижоди, балки ранг-баранг шакл, услуб ва ижро хусусиятларига эга бўлган замонавий мусика асарлари ҳам муносиб урин эгаллади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маънавият ва маърифат, жамиятнинг бадий-эстетик талабларини тўлароқ қондириш, асл миллий аънаваларни тиклаш масалаларига эътибор кучайди. Бу эса ҳар йили ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунига, Наврўз халқ байрамига, шунингдек муҳим хотира саналари (Амир Темур, Улуғбек, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди юбилейлари, қадимий шаҳарлар – Бухоро ва Термизнинг 2500 йиллиги, «Авесто» ёдгорлиги, «Алпомиш» достони юбилейлари)га бағишланган умумхалқ тантаналарида айниқса ёрқин намоен бўлди.

1996 йилдан бошлаб республика бўйлаб энг яхши кўшиқларни аниқлаш учун мунтазам равишда «Ўзбекистон – Ватаним маним» конкурси ўтказилади. Ҳозир эса у умумхалқ кўшиқ байрами тусини олган. Вилоят фольклор-этнографик ансамбллари орасида «Бешқарсак» (Самарқанд), «Бойсун» ва «Шалола» (Сурхондарё), «Моҳи ситора» (Бухоро), «Чавки» (Андижон), «Ёр-ёр» (Наманган) кабилар ижоди диққатга сазовор.

Ўзбекистонда яшовчи бошқа эл-элатларнинг миллий мусика маданиятига, шунингдек мусика санъати соҳасида умуминсоний қадриятларнинг эъзозланишига катта эътибор берилаётир. Мустақил Давлатлар Ҳамдушлиги ва бошқа мамлакатлар Маданият кунларининг ўтказилиши бунинг ёрқин далилидир.

Минтақа муסיқий ҳаётида «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали алоҳида ўрин тутади, у 1997 йилдан эътиборан ҳар икки йилда бир марта Самарқанд шаҳрида ўтказилади. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган ижрочилар ва муסיқа маданияти арбоблари иштирок этади. Фестивалнинг «Миллий кушиқнинг энг яхши ижрочиси учун» танлов дастури бош мукофоти (Гран-При)га 1997 йилда Симора Иманова (Ўзбекистон) ва 1999 йилда Насиба Сатторова (Ўзбекистон) сазовор бўлди.

Шунингдек фортепиано, торли, пуфлама ва урма, ўзбек халқ чолғулари ижрочилари республика танловлари ўтказилаётир. Анъанавий ижрочиликка бағишланган Юнус Ражабий номли мақом ижрочилари, А.Абдурасулов номли «Асрлар садоси» (Самарқанд шаҳри), К.Отаниёзов номли (Урганч шаҳри) ҳамда М.Узоқов ва Ж.Султонов номли (Марғилон шаҳри) республика хонандалар курик-танловлари таъсис қилинди.

Турғун Алиматов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Хотамов, Фанижон Тошматов, Муҳаммаджон Каримов, Қувондиқ Искандаров, Хасан Ражабий, Отажон Худойшуқуров, Ўлмас Расулов каби миллий мумтоз муסיқа атоқли усталарининг ижрочилик ва ижодий фаолияти муסיқа санъатида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўн йилликлар мобайнида машҳур асарлар

«Шарқ тароналари» Самарқанд фестивали.





Бир гуруҳ ёш санъат усталари.

тикланиб, қайта ишланиши билан бирга биринчи бор янги, юксак бадий анъанавий асарлар яратилмоқда. Масалан, Фаттоҳхон Мамадалиев «Мискин», «Муножот», «Ушшок» туркумларини тўлдириб, қайта ишлади, «Қадимги ушшок», «Зикри Ушшок», «Умурзқ Полвон ушшоғи»ни тиклади, оригинал «Савти Фаттоҳхон» туркумини яратди.

1996 йилда М. Бурхоновнинг 80-йиллигига бағишлаб, «Туркистон» концерт залида ўтказилган юбилей кечасида бадий сўз усталари, яккахонлар, хор ва симфоник оркестр учун ёзилган «Абадий хотира» реквиemi ижро этилди. Асар қатағон қурбонлари – Файзулла Хўжаев, Абдулла Кодирӣ, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, шунингдек композиторнинг биродари Мисбах, яқин қариндошлари – Масхаришдин, Мукамил ва Муаммир Бурхоновларнинг ёрқин хотирасига бағишланган.

М.Тожиев, Т.Қурбонов, Ф.Янов-Яновский ва М.Бафоев, М.Маҳмудов ва Н.Зокиров, Р.Абдуллаев ва Х.Раҳимов, Ф.Алимов ва Н.Норхўжаев каби таниқли композиторларнинг ана шу даврдаги ижодий ютуқлари айниқса баракали бўлди. Ёшроқ авлодга мансуб мусика муаллифлари орасида А.Мансуров ва Н.Ғиёсов, Д.Омонуллаева ва А.Икромов, М.Отажонов ва А.Латифзода қабилар бор.

Кейинги йилларда ўзбек композиторларининг ижодий ютуқлари республикамизда, Марказий Осиё минтақасидагина эмас, балки халқаро миқёсда ҳам кенг тан олинмоқда. Агар «Шарқ тароналари» фестивалида анъанавий шарқ муסיқаси асосий ўринни эгалласа, Тошкент шаҳрида 1995 йилдан бери ҳар йили ўтказиладиган «Илҳом–XX» замонавий муסיқа ва театр халқаро фестивали, 1998 йилдан буён ташкил этиладиган симфоник муסיқа халқаро фестивали бевосита композиторлик ижодига бағишланади.

Муסיқали театр жанрларига ҳам эътибор кучаймоқда. И. Акбаровнинг «Ибтидо хатоси» опера-ораторияси, Н. Зокировнинг «Мухторият» опера-фарси ва «Манқурт» балети, М. Бафоевнинг «Мозийдан нур» балети, «Нодира», «Улуғбек буржи» телебалетлари, Б. Лутфуллаевнинг «Самарқанд ушшоғи» муסיқали драмаси ва бошқа асарлар бунга далил була олади. Шуниси муҳимки, янги давр муסיқаси яратилган асарларнинг миқдори билангина эмас, балки театр муסיқасида мужассамлашган мавзу доираси, воқеалар ва сиймоларнинг янгича талқин қилиниши билан ҳам диққатга сазовордирлар.

Хорижий мумтоз адабиётга (Н. Зокиров «Ҳамлет» ва «Макбет» опера дилогияси), ўткир замонавий ижтимоий муаммоларга (Н. Зокиров «Орол фожиаси» балети, Б. Умиджонов «Якун» муסיқали драмаси), тарихий воқеаларга (М. Бафоевнинг «Ал-Фарғоний» операси, «Мозийдан нур» ва «Бухорои Шариф» балетлари), шунингдек улуғ тарихий шахсларнинг сиймоларига (М. Бафоевнинг «Улуғбек буржи» балети, Ф. Алимовнинг «Нодирабегим» ва М. Отажоновнинг «Бобур» муסיқали драмалари) мурожаат қилиниши ҳам диққатга сазовор.

Ёш муаллифлар болалар мавзуига фаол мурожаат эта бошлашди. Шу мавзуда яратилган асарлар орасида А. Икромовнинг «Ҳасан бахт излайди», «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи», А. Эргашевнинг «12 ой», «Тегирмон узра куёш» муסיқали эртаклари, А. Мансуровнинг қўғирчоқ театри учун қатор асарлари ва «Ҳайвонлар султони» эртак-операси бор.

Симфоник муסיқа соҳасида композиторлар жуда салмоқли натижаларни қўлга киритишди (И. Акбаров, М. Тожиев, Т. Курбонов, М. Маҳмудов, Ф. Янов-



Ўзбекистон миллий консерваториясининг янги биноси.

Яновский, Н.Ғиёсов). М.Тожиёв ижодида ўзбек миллий симфонияси нафақат юксак профессионал даражага, балки чинакам бадиий етукликка эришди. У ўзининг 19 симфониясидан энг яхшиларида Она ер, Инсон, Адолат, Ҳақиқат каби азалий фалсафий мавзуларни ёритди. 1990-йиллар бошида «Сомон йўли» монументал симфоник трилогиясини яратди. «Қахрамонлик» симфониясида эса Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаги улуғвор бунёдкорона ўзгаришлар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон композиторлари концерт жанрига алоҳида эътибор беришаётир (И.Акбаровнинг скрипка ва виолончел учун концертлари, Р.Абдуллаевнинг фортепиано ва оркестр учун 3,4,5-концертлари, Х.Раҳимовнинг торли чолғу учун поэма-концертлари, фортепиано ва оркестр учун концертиноси, Н.Ғиёсовнинг фортепиано ва оркестр учун ўзига хос «Мақом-концертлари», А.Эргашевнинг «Мьюзик дoston» поэмаси ва ҳоказо).

Ажойиб пианиночилар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби О.Юсупова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А.Шарипова, халқаро конкурслар лауреати Э.Мирқосимова, обрўли халқаро танловларнинг лауреатлари пианиночилар У.Полвонов, С.Ғафурова, М.Ғайзиева, Н.Алимова, ёш скрипкачи

Н.Хошимов ва бошқаларнинг музыка ҳаётидаги ўрни сезиларлидир.

Композиторлик музыкасини тарғиб қилиш ишига республиканинг етакчи ижрочи жамоалари – Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри, «Суғдиёна» халқ чолғу асбоблари камер оркестри, Маданият ишлари вазирлигининг «Ёш истеъдод» камер оркестри, Ўзтелерадиокомпаниясининг Юнус Ражабий номли «Мақом» ансамбли, Дони Зокиров номли халқ чолғу асбоблари оркестри, хор капелласи, камер оркестри, эстрада оркестри, Ўзбекистон миллий консерваторияси Музыка-театр студиясининг симфоник оркестри ва опера жамоаси, «Ўзбекистон якканавозлари», «Туркистон» ва бошқа машҳур камер-чолғу жамоалари, Б.Зокиров номидаги эстрада оркестри ўз ҳиссаларини кўшмоқда.

Кейинги йилларда эстрада музыкаси янада оммалашди. Шарқ ва Ғарб мамлакатларига хос замонавий «поп» музыка республикада ҳам ёйилди. Ўзбек музикачиларининг жанр ва услубий ижодий изланишлари фаоллашди. Миллий музыка манбаларига асосланган ҳолда турли (жумладан, диско, рок ва бошқалар) услубий йўналишлар уйғунлашмоқда. Пировард натижада буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг чинакам миллий музикаий эстрада санъатининг ривожига қаратилган. Халқаро ва республика кўрик-танловларида ижодий ютуқларга эришган «Қарс» ва «Нола», «Анор» ва «Сарбон», «Тошкент» ва «Манзур», «Аср», «Ситора», «Сидериз» каби янги эстрада гуруҳлари тузилди.

Турли танловларда мукофотли ўринларга сазовор бўлган А.Мансуров кўшиқлари, «Шарқ тароналари» халқаро музыка фестивалига бағишланган мадҳия (Д.Омонуллаева музыкаси, У.Азим шеъри), Э.Солиҳов, Ф.Алимов, Б.Лутфуллаев, А.Расулов кўшиқлари бадиий баркамоллиги билан ажралиб туради. Ю.Усмонова, С.Сафтарова, Р.Холиқов, ёш хонанда Д.Қаттабеков ижросидаги Ватан ҳақида ёзилган кўшиқлар кенг тингловчилар оммасининг таҳсинига сазовор бўлди.

Ф.Зокиров ва «Ялла» вокал-чолғу ансамбли, М.Тошматов, Ғ.Ёқубов, Н.Абдуллаева каби машҳур хонандалар аввалгидек фаол ижодий иш билан банд. Уларнинг анъаналарига ёшроқ авлодга мансуб эстрада кўшиқчилари – Ю.Усмонова ва К.Қаюмов, К.Раззоқова ва Н.Ҳайдаров, Р.Намозов, Иззат Иброҳимов ва



А.Муллахонов, С.Азизбоев ва М.Асалхўжаева кабилар замонавий тус беришмоқда.

Муסיқашунослик фани соҳасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек мумтоз муסיқаси тарихи», Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзоданинг «Хоразм муסיқаси тарихи» қайта нашр этилди. Р.Абдуллаевнинг «Марказий Осиё маросим муסיқаси», Р.Юнусовнинг «Мақомлар ва муғомлар», А.Назаровнинг «Форобий ва Ибн Сино муסיқий ритмика хусусида», О.Иброҳимовнинг «Мақом ва макон» каби янги монографик тадқиқотлари чоп этилди. Х.Азимовнинг ўзбек муסיқаси материали асосидаги «Фортепиано чалиш мактаби», муаллифлар жамоасининг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон муסיқаси тарихи», шунингдек Х.Нурматов, Ж.Расултоев, Н.Шодмон, А.Одилов, А.Ҳамидов, Р.Қосимов, И.Икромов, М.Тошпўлатов кабиларнинг тадқиқот ва дарсликлари эълон қилинди.

Ҳозир республикада 300 дан зиёд болалар муסיқа ва санъат мактаблари (74 минг ўқувчи), 6 та ўрта махсус мактаб-интернати ва лицейлар (3000 дан ортиқ ўқувчи), 20 та ўрта махсус ўқув юртлари (7300 дан ортиқ ўқувчи), Ўзбекистон миллий консерваторияси, А.Қодирий номли Тошкент давлат маданият институти ишлаб турибди.

Рақс



Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқларнинг рақс санъати қадим замонлардан буён ривожланиб келмоқда. Қоятошларда, қадимшунослик топилмаларида рақс тушаётган кишиларнинг тасвирлари сақланиб қолган. 4–8-асрларда Самарқанд, Бухоро, Хоразм рақослари санъати Шарқнинг кўпгина давлатларида маълум ва машҳур эди.

Ўзбек миллий рақси бизнинг кунларга қадар икки шаклда етиб келган: анъанавий мумтоз рақс ва халқ (фольклор) рақси. Мумтоз рақс санъатида Фарғона («Қатта ўйин»), Бухоро («Мақом рақси»), Хоразм («Уфори мақом») мактаблари машҳур бўлган. Халқ рақси жуда хилма-хил. Булар – кувнок, лирик, драматик рақслар бўлиб, минтақаларга хослиги билан фарқланади. Энг кўп халқ рақслари тоғлик туманларда сақланиб қолган.

20-аср бошларида ўзбек рақси оммавий санъат сифатида шакллана бошлади. 1923 йилда ёш рақс ижрочиларининг концерт гуруҳи ташкил этилди (М.Кориёқубов). 1926 йилда Биринчи давлат кўчма этнографик гуруҳи тузилиб, унинг таркибида машҳур

Миллий рақс.



созандалар ва ёш раққоса Тамарахоним бор эди. 1936 йилда дастлабки қўшиқ ва рақс дастаси (хореографлар Уста Олим Комилов, Исохор Оқилов, Лиза Петросова, Евгений Барановский, Мукаррама Турғунбоева), 1956 йилда «Шодлик» (ҳозирги «Ўзбекистон») дастаси вужудга келди. Мазкур ансамбль ўзбек мумтоз ва халқ рақсини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшди. 1957 йилда Мукаррама Турғунбоева «Баҳор» ансамблини тузди ва унга умрининг охиргача раҳбарлик қилди. «Баҳор» ўзбек рақсини бутун жаҳонга намойиш қилди. Кейинчалик бу ансамблни Қундуз Мирқаримова, Раъно Шарипова бошқарди, 1990 йилдан Маъмура Эргашева бошқармоқда. 1958 йилда «Лазги» ансамбли тузилди (Гавҳар Раҳимова).

Машҳур раққос ва раққосалар, хореографлар: Юсуфжон кизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Отахўжа Саидазимов, Шарофат сатанг Тўраева, Михальхоним Хаимова, Боқижон Саъдуллаев, Равия Отажонова, Латиф Зарифов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Лиза Петросова, Гавҳар Раҳимова, Исохор Оқилов, Вилоят Оқилова, Галия Измайлова, Гулнора Маваева, Клара Юсупова, Халима Комилова, Қундуз Мирқаримова ва бошқалар. 60–90-йилларнинг машҳур раққосалари ва хореографлари: Тамара Юнусова, Ольга Сағатова, Валентина Романова, Раъно Низомова, Мухтабар Йўлдошева, Маъмура Эргашева, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафруз Жабборова, Малика Аҳмедова, Рушана Султонова, Қодир Мўминов, Юлдуз Исмадова.



«Ўзбекистон»
ансамбли.



Балет

1918 йил ноябрь ойида Тошкентда Давлат операси таъсис этилиб, унинг таркибига балет гуруҳи киритилди. Балет актёрлари опера томошаларида иштирок қилиб, концерт дастурларида айрим сахналарни намойиш этарди. 1925 йилда улар ижросида биринчи кўп кўринишли балет – П.Чайковскийнинг «Оққуш кўли», кейинроқ Н.А.Римский-Корсаковнинг «Шаҳризода» асари М.Ф.Моисеев томонидан сахналаштирилди. 1929 йилда Давлат операсининг таркиби мустаҳкамланиб, оёққа туриб олди. Унга Давлат опера ва балет театри макоми берилди, бош балетмейстери И.Арбатов эди.

1933 йилда Тошкентда биринчи ўзбек республика балет мактаби, 1947 йилда хореография билим юрти очилди.

1933 йилда Ўзбекистон мусиқали театри сахнасида биринчи миллий балет пантомимаси – Р.Рославецнинг «Пахта» асари намойиш этилди, унда халқ рақслари жўшқин пантомима билан уйғунлашган эди. 1938 йилда Ф.Талнинг «Шоҳида» балети сахна юзини кўрди.

1948 йил театрга Навоий номи берилди. Унинг балет спектакллари ва концертлари, шунингдек Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғонага ижодий сафарлари ўзбек мусиқа арбобларининг эътиборини ўзига тортди.

Шу даврда театرنинг балет гуруҳи Е.Брусиловскийнинг «Гуландом» балетини ярағиди ва у узок йиллар репертуардан мустаҳкам жой олади (балетмейстерлар: И.Арбатов, Тамарахоним, Уста Олим Комилов, В.Губская). Е.Барановский «Тоғлар қалби» балетини сахналаштирди. Бу даврда труппа таркибида Ўзбек мусиқали театри рақс студиясини битириб чиққан М.Турғунбоева, Р.Каримова, Ф.Жалилова, Х.Раҳимова, Д.Алимов, А.Ғофуров каби ўзбек мумтоз ва халқ рақсларининг ажойиб ижрочилари бор эди.

1943 йилда «Оқ билак» балети сахналаштирилиб, унда «Бахт қуши» – Семурғ ролини ижро этган Галия Измайлова катта муваффақият қозонди.

Бу труппа анъанавий ва замонавий репертуарни ўзлаштира бориб, мумтоз адабиёт мавзулари асосида оригинал балетларни яратиш устида қўп ишлади. Улардан энг яхшилари: Г.Мушель «Кашмир афсонаси», Л.Фейгин «Қирққиз», И.Акбаров «Лайли ва Мажнун», М.Ашрафий «Севги тумори». Шу йиллар Г.Измайлова, Г.Маваева, Х.Комилова, К.Юсупова, Л.Баширова, Б.Завьялов каби ёрқин истеъдодли актёрлар ишлашди. 1955 йилда театрга Бернора Қориева ишга келди ва асосий ролларни маҳорат билан ижро эта бошлади.

60–70-йилларнинг энг яхши балет томошалари: Равель «Болеро», Л.Фейгин «Дон Жуан», «Қирққиз», Б.Бровцин «Семурғ», М.Ашрафий «Темур Малик», А.Козловский «Танавор», Д.Шостакович «Ойимқиз ва безори», Р.Щедрин «Анна Каренина», Э.Лазарев «Антоний ва Клеопатра», У.Мусаев «Афсоналар водийсида» ва бошқалар.

80–90-йилларда «Наврўз», «Рустам ҳақида достон», «Жизель», «Корсар», «Дон-Кихот», «Уйкудаги гўзал», «Тумарис» каби балетлар тақдим қилинди. Айни шу йилларда Р.Каримова, З.Давлетмуратова, Ф.Саъдуллаева, В.Клочко, И.Кистанов, Н.Алимова каби ёш ижрочиларнинг «балет юлдузлари» сифатидаги маҳорати намоён бўлди.

Кейинги йилларда яратилган «Ромео ва Жульетта», «Минг бир кеча», «Шелкунчик» ва бошқа спектаклларда етакчи балет артистларидан З.Давлетмуратова, И.Кистанов, Т.Мухамедова, Н.Шилова, Д.Бурда, М.Раҳимов, Р.Нурғалиев, З.Нурумбетов, Г.Холматова ўз санъатларини намоёйиш этишди.

А.Навой номидagi Давлат Академик Катта театри. «Жизель».





Театр

Анъанавий театр тарихи Ўзбекистонда жуда қадимий ва бойдир. Унинг куртаклари ибтидоий жамоа давридаёқ юзага келган. Мамлакатимизнинг кўпгина сой ва ғорларидан топилган қоягош тасвирлари шундан далолат беради. Театр унсурлари тобора мураккаблашиб бориб турли-туман урф-одатлар, маросимлар билан чатишиб кетиб, асрлар оша ўзига хос томоша санъатини вужудга келтирди.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг театр ҳаёти жуда хилма-хил ва ранг-баранг. 35 та давлат профессионал театри, жумладан, опера ва балет театри (Тошкент), 10 та мусикали драма театри, кўғирчоқ театрининг заллари ҳар оқшом томошабинлар учун кенг очиб қўйилади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида рус драма ва мусика театрлари ишлаб турибди.

Республиканинг етакчи театрлари орасида Ўзбекистон миллий академик драма театри, Навоий номли Давлат академик опера ва балет катта театри, Муқимий номли Ўзбек давлат мусикали театри, Ўзбекистон академик рус драма театри, Тошкент Давлат мусикали комедия (оперетта) театри, «Илҳом» театри, Республика ўзбек ва рус ёш томошабинлар театри бор.

Табиийки, театрларнинг кўпчилиги пойтахтда жойлашган, бу ерда ўзбек ва рус тилларида янги-янги томошалар қўйилади, етук режиссёр ва актёрлар ҳам Тошкентда ижод қилишади. Аброр Ҳидоятлов номли драма театри, «Илҳом» театри, Ўзбекистон Ёшлар театри эса ҳақли рвишда «тажриба театри» ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий театрининг ҳозирги ижодкор авлоди ўзбек санъатининг буюк намояндалари – Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурҳонов, Олим Ҳўжаев, Сора Эшонгўраева ва бошқа сахна усталарининг ажойиб анъаналарини давом эттирмоқда. Навоий номли опера ва балет театри усталарининг санъати эса мамлакатимиздан ташқарида ҳам маълум.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин халқ маданий меросига, маънавий қадриятларига қизиқиш

Самарқанд
музика
театрида
«Буюк ипак
йули».



кучайди. Саҳна санъатида мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда янги тамойиллар яққол кўзга ташланди. Театр Чўлпон, Фитрат, Қодирийларнинг драма асарларига мурожаат этди, янги ижтимоий воқелик шароитида Ватан тарихидаги катта воқеалар, буюк шахслар ҳаёти ва фаолиятини янгича идрок қила бошлади.

Айни вақтда театр жамоалари халқ ижоди сарчашмалари ва миллий маданият анъаналарига мурожаат этиб, ўзбек халқининг «қулги олами»ни, очик майдонларда намойиш этиладиган томошаларнинг маъно-моҳиятини ўрганиб бормокда.

Бундай ижодий изланишлар «Майсаранинг иши», «Искандар» (Аброр Ҳидоятлов номли театр), «Соҳибқирон», «Чимилдик» (Ўзбекистон миллий академик драма театри), «От кишнаган оқшомда» (Ёш томошабинлар театри), «Тошкентга саёҳат» (Фарғона вилоят театри), «Мулоқот» ва «Эски масжид» театр студияларининг (Қарши) томошалари ва «Шайх Санъон» каби спектаклларда ўз аксини топди.

Театр жамиятимизнинг Ватан тарихида сўнмас из қолдирган улкан зотларнинг ҳаёти ва фаолиятига нисбатан зўр қизиқишига жўшқин муносабат билдирмокда («Тўмарис», «Соҳибқирон», «Мирзо Улуғбек», «Алишер Навоий», «Бобур», «Нодирабегим», «Собир Термизий» каби спектакллар). Қатор спектаклларда жамиятнинг янги тарихий давр – Туркистонда ўпан аср бошида содир бўлган воқеаларга, яъни тарихий, маданий, ижтимоий-руҳий жиҳатдан ғоят муҳим даврга қизиқиши ўз ифодасини топди.

Янги-янги ижодий ғоялар доирасининг кенгайиши, ҳозирги маънодаги саҳна маданиятининг ўсиши



«Ильхом»
театри
сахнасида.

режиссёрлик ва актёрлик ечимларида жанр борасидаги хилма-хилликнинг услубий «соф»лигини таъминлади. Бадиҳа-карнавал стихияси, нафис услубийлаштириш, «камбағал театр»га хос услублар – булар воқеалар ва сиймоларни жиддий драматик нуқтаи назардан талқин қилишга қизиқишдан дарак берувчи аломатларнинг фақат айримлари ана шулардан иборат.

Режиссёрларнинг янги авлоди «эскирган» театр шакллариини янгилашнинг ҳали ҳеч ким юрмаган йўллариини фаол кидирмоқда, драматик асарларга асос бўлган воқеаларни шунчаки ҳикоя қилиб бериш билан чекланишдан қутулишга ҳаракат қилмоқда, илдиэлари юз йилликларга бориб тақаладиган маънавий маданият, миллий хусусиятларни замонавий сахнага хос образлилик билан уйғунлаштириш учун мунтазам изланмоқда.

Ўзбек театри энг яхши спектаклларида миллий мусиқа, адабиёт, тасвирий санъат, меъморликнинг жуда бой анъаналарига мурожаат этиб келаётир. Масалан, Аброр Ҳидояттов номли театр режиссёри Б.Йўлдошев ва рассоми Г.Брим «Буюк ипак йўли» спектаклида хореография, ёруғлик ва ранг воситалари орқали Буюк ипак йўли бўйидаги ўрта аср Шарқ мамлакатлари образини уйғун ҳолда намойиш қилди. Бунда мазкур мамлакатлардан ҳар бири – хоҳ у Хитой ё Ҳиндистон, хоҳ Эрон ёки Марказий Осиё бўлсин, ўз сирру асрорлари билан томошабинни мафтун этади.

Театр санъатининг энг яхши маданий анъаналарга

таяниши, сахнада элшунослик, халқ оғзаки ижодиёти, миллий турмуш, маросим унсурларининг намоиш қилиниши – ҳозирги ўзбек театрининг йўналишларидан биридирки, бу янгилик кейинги вақтда сахнага қўйилган талай спектаклларда, жумладан, Ўзбекистон миллий академик драма театрининг «Чимилдиқ» спектаклида (муаллиф Э.Хушвақтов, режиссёрлар Т.Азизов ва М.Абдуллаева) ўз аксини топди.

Ўзбекистон театр сахналарида ўзбек муаллифлари насрий асарлари асосидаги пьеса ва инсценировкаларгина эмас, балки Софокл, Шекспир, Мольер, О.Уайльд, А.Стриндберг, Ж.Кокто, Э.Ионеско, Ж.Стейнбек, Ф.Дюрренматт, Шолом Алейхем ҳамда бошқа хорижий ўтмиш ва замонавий ёзувчиларнинг асарлари ҳам сахна юзини кўрмоқда.

Ўзбекистон театрларининг чет эллардаги ижодий сафарлари муваффақиятли ўтмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий академик драма театри, «Илҳом», Аброр Хидоятлов номли театр, Кўғирчоқ театри, «Хаёл» болалар студияси, «Мулоқот» театр студияси, Фарғона вилоят театри Германия, Франция, Словакия, Хиндистон, Миср, Польша, Италия, Бельгия, Фаластин, АҚШ каби мамлакатларда ўтказилган турли фестивалларда фаол иштирок этишди. 1998 йилда Ёшлар театри обрўли театр форумида – Россиянинг А. Чехов номли учинчи

Ўзбек Миллий Академик Катта театри.



халқаро фестивалида қатнашди.

Марказий Осиё мамлакатларининг энг йирик «Наврўз», халқаро «Шарқ-Ғарб», «Илҳом-XX», энг яхши спектакллар фестиваллари, энг яхши актёрлик ишларининг кўрик-танлови, кўғирчоқ театрларининг, Тошкент театрларининг «Баҳор чоррахасида» фестивали машхур бўлиб кетди.

Ўзбекистон маданияти – ўзига хослигини авайлаб асрайдиган, айни вақтда миллий сарҳадлар билан чекланмайдиган, сахийлик билан дунёга ўз маънавий кадриятларини тақдим этадиган, инсониятнинг энг яхши маданий ютуқларини қабул қилиш учун ҳар доим хозир нозир бўлган ноёб маданиятдирки, замонавий театримиз ана шу маданият уйғун равишда ривожланаётганини яққол намоиш этмоқда.

Ўзбекистонда малакали театр ходимлари – режиссёрлар, актёрлар, сценографлар, хореографлар, балет артистлари, якканавоз хонандалар, муסיқачилар, санъатшунослар тайёрлаш иши билан Маннон Уйғур номли Давлат санъат институти, Мухтор Ашрафий номли консерватория, Миллий рақс ва хореография олий мактаби, Абдулла Қодирий номли маданият институти шуғулланади. Ўзбек театр санъатининг томоша шаклларидан то замонавий театр санъатига қадар тарихини пухта ўрганиш соҳасида Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг театр ва хореография бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Академик рус драма театри.



Кино



Ўзбек кинематографияси 20-йилларнинг ўрталарида дунёга келди. «Шарқ юлдузи» кинофабрикаси (1936 йилдан «Ўзбекфильм») ташкил қилинди, кино соҳасида миллий ижодий ходимларни тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Қатор ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар ва «Ўлим минораси», «Мусулмон қиз», «Пахтаорол» каби дастлабки бадий фильмлар суратга олинди. Кейинроқ «Тонг олдидан» ва болалар учун аталган – «Қилич» фильми яратилди. К.Ёрматов, М.Қаюмов, С.Хўжаев, Э.Ҳамроев, Й.Аъзамов, А.Саидов ва бошқалардан иборат миллий кино санъати ёш арбоблари авлоди шаклланди. 1937 йилда биринчи ўзбек овозли фильми – «Қасам» (режиссёр А.Усольцев) экранга чикди. Унда Е.Бобожонов, Л.Саримсоқова, Р.Пирмухамедов каби актёрлар иштирок этганди.

40-йилларда Тошкентда Москва, Ленинград, Киев киночилари ўзбек киночилари билан ҳамкорлик қилишди. «Насриддин Бухорода» (Я.Протазанов), «Икки жангчи» (Л.Луков) яратилди, улар ҳозир ҳам бадий қимматини йўқотгани йўқ. «Тоҳир ва Зухра» (режиссёр Н.Ғаниев), «Алишер Навоий» (режиссёр К.Ёрмагов) каби фильмлар

Рустам Саъдуллаев.

Фотима Режаметова



40-йилларда ўзбек киночиларининг катта ютуғи бўлди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида студияга бир гуруҳ истеъдодли ёшлар, жумладан, режиссёрлар Ш.Аббосов, А.Ҳамроев, Д.Салимов, Т.Камолова, Р.Ботиров, Д.Фатхуллин, сценарийчи О.Агишев, рассомлар Э.Калонтаров, Е.Пушин, Б.Назаров, А.Шибаев, С.Зиямухамедов, композиторлар Р.Вильданов, Э.Солиҳов, Ф.Янов-Яновский ва бошқалар келиб қўшилди.

Ҳозирги кунда содир бўлаётган жараёнлар кино соҳасига янги авлодлар келаётганидан, янги кино арбоблари санъат майдонига қадам қўяётганидан далолат бераётир. Улар бозор иқтисодиёти шароитида ўз кучларини синаб кўриш, бадий маҳоратни томошабинлар кизиқишини таъминлай оладиган хусусиятлар билан уйғунлаштира оладиган асарларни яратиш йўлида изланмоқда. Ўзбекистон кино санъаткорлари ўз ижодида тобора кўпроқ замонавий муаммоларни қамраб олиб, янги-янги жанр ва услубий шаклларни ўзлаштириб олишмоқда.

XX аср 90-йиллари охирида Ш. Аббосов, И. Эргашев, М. Абзалов, Ж. Мусоқов, Р. Маликов каби режиссёрлар яратган «Амир Темур», «Ўтган кунлар», «Бомба», «Марғиёна», «Пиёда», «Алпомиш», «Севги», «Отамдан қолган далалар», «Чаёнгул», «Дилхирож» бадий фильмлари экран юзини кўрди. Турли хил тарихий ва замонавий мавзуларда ўнлаб ҳужжатли фильмлар яратилди.

«Буюк Амир Темур» фильмидан кадр.



Цирк



Ўзбекистонда қадим замонларданок куштигирлик (полвонлик), чавандозлик, қизиқчилик, муаллақчилик ва дорбозлик санъати мавжуд бўлган. Ўзбек циркининг тараққиёти от спорти, ҳарбий машқлар, халқ ўйинлари, ҳаёт ва турмуш тарзи билан боғлиқдир.

Анъанавий цирк томошалари сирасига дорбозлик (дорбозларнинг оёқларига ёғоч, патнис, талинка, кўзларига боғич бойлаб, дор устида кўрсатадиган мураккаб ўйинлари), симбозлик, чиғирик, муаллақчилик, чавандозлик, полвонлик каби санъат турлари киради.

Байрам ва бозор кунларида муаллақчилар, ҳуққабозлар, кўз бўямачилар, илон ўргатувчилар турфа томошалар кўрсатишган, қизиқчилар, масхарабозлар арқон устида ёки остида қувноқ хангомаларни ижро этишган.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир вилоятида миллий дорбозлик гуруҳлари бор. Уларнинг аъзолари дорбозлик сулолаларининг вакиллари бўлиб, устага шогирд тушиш тарзида миллий дорбозлик мактабида таҳсил кўришган.

Турли байрамлар ва спорт мусобақалари давомида дорбозлар билан биргаликда полвонлар ҳам майдонга чиқишади. Ҳақиқий полвонларнинг кийимларига ўхшаш кийим-кечак кийиб, халқ созандалари ижросидаги тароналар жўрлигида томоша кўрсатишади: кураш тушиб, оғир тошларни кўтаришади.

Ўзбекистондан ташқарида ҳам цирк усталарининг сулолалари – дорбоз Тошкентбоевлар, чавандоз Зариповлар, Хўжаевлар номи маълум ва машҳур. Замонавий ўзбек циркининг донг таратган моҳир намояндалари – масхарабозлар А. Юсупов, М. Юсупов, ваҳший ҳайвонларни ўргатувчилардан Ф. Юнусов, дорбозлар Олим ва Мурод Тошкентбоевлар, чавандоз К. Зарипова, кўз бўямачи Т. Тожибоев, полвон жонглёрлар Баҳром ва Фахриддин Ахназаровлар ва бошқалардир.

Музейлар



Хилма-хил туркум ашёлар жамланган музейларнинг мавжудлиги Ўзбекистон ижтимоий ва маданий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Музейлар маърифий роль ўйнабгина қолмай, балки ёш авлодни ватанпарварлик, ўз аجدодлари билан фахрланиш руҳида тарбиялашда ёрдам беради. Айти шу музейлар кишиларнинг илмий, маданий, тарихий, бадиий мерос, умуминсоний қадриятлар билан ошна бўлишларига, турли эл-элатларнинг динлари ва эътиқодлари, анъаналари ва турмуши, санъат асарлари билан танишишларига кўмаклашади.

Давлат музейлар ишининг ривож топишига, ноёб ёдгорликларнинг тикланишига жиддий эътибор бераётир. Бунинг ёрқин далили Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил қилинишидир, у ашёларнинг ноёблиги билангина эмас, балки биносининг ўзига хос меъморий қиёфаси ва юксак бадиий зийнатланиши билан ҳам музейга келувчиларни қойил қолдиради.

Ўзбекистонда турли хил соҳаларга оид музейлар ишлаб турибди. Республика музейлари орасида учта йирик – Самарқанд, Бухоро ва Хива қўриқхона-музеи ҳамда

Ўзбекистон санъат музейи залларидан бирида.





Ўзбекистон халқлари тарихи музейида.



Табиат музейида.

учта йирик бадий музей бор. Улардан бири – Ўзбекистон давлат санъат музейи (Тошкент шаҳри)да тасвирий санъат асарлари ва халқ амалий санъатининг ажойиб намуналари жамланган бўлиб, чиндан ҳам Ўзбекистон миллий хазинаси номини олган. Иккинчиси – Ўзбекистон давлат амалий санъат музейи (Тошкент шаҳри)да амалий санъатнинг асл дурдоналари йиғилган. Музей биносининг ўзи ҳам ўзбек амалий санъатининг намунаси ҳисобланади. Уни безашда энг мохир ўзбек усталари катнашган. Ўйма нақшли устунлар, ганч ўймакорлиги услубида ишланган нозик деворий нақшлар, тасвирлар бетакрор, гўзал кайфият уйғотади. Бу музей халқаро кўргазмаларда доимо иштирок этиб келади. Учинчи бадий музей – Г.И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи (Нукус шаҳри)да рус ва ўзбек авангард тасвирий санъатининг кўплаб асарлари, Қорақалпоғистон халқ амалий санъатининг ноёб намуналари билан танишиш мумкин. Музей хузурида мактаб ўқувчилари учун лекторий ва «Ёш рассом» тўғараги фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда ягона Табиат музейи (Тошкент шаҳри) 120 йилдан зиёд вақт давомида халққа хизмат қилиб келади. Музей экспозицияси Ер ва Қуёш системасига қирувчи бошқа сайёраларнинг пайдо бўлишини акс эттиради, генетика ва селекция асослари, республиканинг табиий ва маданий ландшафтлари билан таништиради. Бу ерда энтомология, ботаника ва геологияга оид туркумлар йиғилган. Музей фондларида 1,5 миллионга яқин ашё бор.

Республиканинг энг кекса музейларидан бири –



Олимпия шон-шухрати, Темурийлар тарихи ва Бобур музейларида.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи (Тошкент шаҳри) – тарих ва маданият ёдгорликларининг энг йирик хазинаси. Унда Тешиктош палеолит даври, Чуст бронза даври манзингоҳига оид туркумлар, жуда бой оstonонлар тўплами мавжуд. Ашёлар орасида маиший ашёлар, миллий кийим-кечаклар, асл буюмлар, тарихий шахсларнинг фотосуратлари, ҳужжатлар бор. Музейда республика тарихини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. 2002 йилда Термиз шаҳрида ноёб археология музейи ишга тушди.

Алишер Навоий номли давлат адабиёт музейи (Тошкент шаҳри)да жуда катта китоб ва қўлёзма фонди мавжуд. Музей экспозициясида ўзбек халқининг жуда бой адабий меросига, шу жумладан, умум инсоният тарихидаги энг ёрқин шахслардан бири – Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига катта ўрин берилган.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи (Тошкент шаҳри) тиббий билимлар ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқларни тарғиб қилади. Унда республикада санитария ва гигиена тарихи, экология, касалликлар олдини олиш муаммолари кенг ёритилади.

Тошкентда Олимпия шухрати музейи, Жанговар ва меҳнат шухрати музейи, Кино санъати музейи ташкил этилган, Бадиий кўргазмалар дирекцияси, «Ўзэкспомарказ» РТВМи, Ў.Тансиқбоев, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Гафур Фулом, С.Есенин, М.Ашрафий, Ю.Ражабий, С.Бородин, М.Турғунбоева, Тамарахоним уй музейлари ишлаб турибди.

Ҳар бир вилоятда ўлкашунослик музейлари очилган, уларда муайян ўлка тарихи ва ўзига хос хусусиятларига



Ўзбекистон амалий санъат музейи.

доир ашёлар йиғиб борилади, ўрганилади, тарғиб этилади. Ангрен, Бойсун, Сирдарё, Урганчда кичик-кичик бадиий галереялар бор. Музейларнинг бутун мамлакат бўйлаб географик жihatдан мутаносиб-жойлаштирилганлиги аҳолининг музей ашёлари билан кенг танишувига ёрдам беради.

Республика музейларида ашёларни йиғиш, улардан экспозиция тузиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш билан бир қаторда хилма-хил экскурсиялар, маърузалар ташкил этилади, таниқли кишилар билан учрашувлар, муайян мавзуга оид адабий кечалар, ўлкани ўрганишга оид викториналар, Мустақиллик кунига, Наврўзга аталган элшунослик кўргазмалари ва ҳоказолар ўтказилади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси билан биргаликда музейлар фаолиятини янада яхшилашнинг илмий концепцияси ва дастурини ишлаб чиққан.

Республика маданий ҳаётида эришилаётган ютуқларни тарғиб этиш мақсадида «Мозийдан садо» илмий-услубий, маънавий-маърифий журнал нашр этилади.

Нурилом Тўхлиев
Алла Кременцова

Ўзбекистон Республикаси
Энциклопедик маълумотнома

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти

Бадий муҳаррир	А.Бурҳонов
Компьютерда саҳифаловчи	А.Ёқубжонов
Компьютер операторлари	М.Абдуллаева, Д.Хасанова

Китобни тайёрлашда
Э. Гуль (Амалий безак санъати), Т. Қодирова (Меъморлик),
К. Йўлдошев (Адабиёт), Р. Юнусова (Музыка)
материалларидан фойдаланилди.

Оригинал-макет «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий
нашриётининг техник ва дастур воситалари базасида тайёрланди.
700129, Тошкент, Навоий, 30.

Босишга рухсат этилди 01.08.2002. Формат 84×100 $\frac{1}{32}$.
Times гарнитураси. Офсет қоғози. Шартли босма табоқ 22,62.
Нашриёт ҳисоб табоғи 23,6. Адади 3 000 нусха.
Буюртма № 9359.

Баҳоси шартнома асосида
Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий, 30.